

## Тобеинлар ҳаёти

### Ато ибн Абу Рабоҳ Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

“Илм билан Аллоҳнинг Юзини ирода қилган ушбу уч кишидан бошқа бировни кўрмадим, улар: Ато, Товус ва Мужоҳид”. (Салама ибн Кухайл)

Биз ҳозир ҳижратнинг тўқсон еттинчи йили, Зул-ҳижжа ойидамиз. Рўпарамизда “Эски уй” аталмиш Каъбатуллоҳ... У ҳар тарафдан келган зиёратчилар билан тўлиб тошган. Улар пиёда-ю уловда, ёшу қари, эркак аёл, оқ танлигу қора танлик, арабу ажам, шоҳу гадо... Барчалари инсонларнинг Подшоҳи ҳузурига, Ундан кўрқиб ва умид қилиб, чақириғига лаббай, деб узоқ-яқиндан келишган.

Мана бу киши эса, мусулмонларнинг халифаси Сулаймон ибн Абдулмалик дунё подшоҳларининг буюқларидан бири, қўл остдагилари билан бир хил, бош кийимсиз, ялангоёқ, эғнида сурп ридо ва изордан иборат икки либосидан бошқа кийими йўқ ҳолда Байтуллоҳни тавоф қилмоқда. Ёнида тўлин ойдек кўркам, келишган, атиргулдек хушрўй, хушбўй икки ўғли ҳамроҳ. Тавофни тугатгач, ёрдамчиларидан бирига қараб:

– Соҳибингиз қаердалар? – деди. У:

– Намоз ўқияптилар, – деб, Масжидул ҳаромнинг ғарб тарафига ишора қилди. Халифа икки ўғли билан ўша тарафга юра бошлаган эди, унинг хос кўриқчилари халифага йўлни очиб, одамларни суриб йўл оча бошлашди. Халифа уларни қайтариб:

– Бу ер шоҳу гадо баробар бўладиган ердир. Бунда ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас. Фақат тақводорлар ва амали қабул бўлганларгина ортиқдир. Кўпинча, Аллоҳнинг ҳузурига сочи тўзиган, уст-боши чанг босган ҳолда келган оддий одамдан подшоҳлардан қабул қилинмаган амаллар қабул қилинади, – деди ва излаган кишиси тарафга йўл олди. У одам ҳали ҳам намозда қоим, рукуъ ва саждаларга ғарқ эди. Одамлар у кишининг орқа тарафида ва ўнгу чапида кутиб ўтиришарди. Халифа ҳам қаторга келиб ўтирди ва икки ўғлини ҳам ёнига ўтқазди. Қурайшлик бу икки йигит

Мўминларнинг амири излаган ва оддий халқ билан бир қаторда унинг намоздан фориг бўлишини кутиб ўтирган мана бу кишига разм сола бошлашди. Қарашса, у қора юзли, жингалак сочли ва пучуқ бурун бир ҳабаший қария экан. Ўтирганида узоқдан қора қарғага ўхшаб кўринар эди. У намозини тугатгач, Халифа ўтирган тарафга қараб ўгирилди. Сулаймон ибн Абдулмалик унга салом берди ва ҳаж амаллари ҳақида сўрай бошлади. У саломга алик олгач, ҳар бир сўралган масалага бирма-бир, тўлиқ, бирон қўшимча қилишга ўрин қолдирмай, сўзига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан далиллар келтириб жавоб берди. Саволларига жавоб олгач, Халифа миннатдорлик билдириб, ўғиллари билан Сафо сари йўл олди. Кетатуриб жарчиларнинг: “Эй мусулмонлар, бу ерда Ато ибн Абу Рабоҳ, у бўлмаса, Абдуллоҳ ибн Абу Нажихдан бошқа ҳеч ким фатво бермасин”, деган нидосини эшитишди. Шунда ўғиллардан бири отасига:

– Қандай энди бу жарчилар Ато ибн Абу Рабоҳ ва унинг шеригидан бошқа ҳеч ким фатво бермасин, деб буюришади. Ахир биз Халифага катта аҳамият бермаган ва уни етарлича улуғламаган бояги кишидан фатво сўрадик-ку, – деди. Сулаймон ибн Абдулмалик ўғлига:

– Ўғлим, сен кўрган ва биз унинг олдида ўзимизни хор тутганимиз ўша киши, Масжидул ҳаромдаги фатво соҳиби, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг бу улуғ мансабдаги меросхўри Ато ибн Абу Рабоҳ бўлади, – деди. Сўнг сўзида давом этди: – Ўғилларим, илм ўрганинглари! Илм билан паст даражали одам юқори даражаларга эришади, ҳеч ким танимаган киши эса машҳурликга етади, қуллар шоҳ мартабасига кўтарилади.

Ўғилларига айтган сўзида Сулаймон ибн Абдулмалик муболаға қилмаган эди. Дарҳақиқат, Ато ибн Абу Рабоҳ ёшлигида маккалик бир аёлнинг қули эди. Лекин шундай бўлса-да, Аллоҳ таоло Ўз лутфи карами ила ҳабаший бу болага ёшлик чоғиданоқ қадамини илм йўлида босиш неъматини ато қилди.

У вақтини уч қисмга тақсимлаган эди: бир қисмини маккалик аёл хожасига ажратди, бу вақтда унинг ҳаққини мукамал адо этиб, чиройли хизмат қилди. Бир қисмини эса Парвардигорига ажратиб, унда холис ибодат қилиш билан машғул бўлди. Яна бир қисмини илм талабига ажратди. Бу вақтда у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёт бўлган саҳобаларига боғланиб, уларнинг соф илм булоқларидан қониб-қониб симирди. У илмни Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн

Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва бошқа саҳобаи киромлардан – барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин – таҳсил олиб, қалбини илм, фикр ва Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бўлган ривоятлар билан тўлдирди.

Маккалик хожаси ғуломи ўз жонини Аллоҳнинг йўлига тиккани ва ҳаётини илм талАбуга бахшида этганини кўргач, шояд Аллоҳ бу бола билан Ислом ва мусулмонларга манфаат етказса, деган умидда, ҳаққидан воз кечиб, Аллоҳ йўлида уни озод қилиб юборди. Ана шу кундан бошлаб Ато ибн Абу Рабоҳ Байтул ҳаромни, ўзи учун тунайдиган макон, таълим оладиган мадраса, тақво ва тоат билан Аллоҳга яқин бўладиган намозгоҳ қилиб олди. Тарихшунослар айтадилар: “Масжидул ҳаром Ато ибн Абу Рабоҳга йигирма йил мобайнида турар жой бўлди”.

Дарҳақиқат, улуғ тобеин Ато ибн Абу Рабоҳ илмда энг юқори манзилга етди, асрининг жуда кам кишилари эришган мартабага кўтарилди. Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо Умра қилгани Маккага келганларида, одамлар савол ва фатво сўраб ҳузурларига келишди, шунда улуғ саҳоба: “Эй аҳли Макка, мен сизларга ҳайронман, орангизда Ато ибн Абу Рабоҳдек киши бўлатуриб, саволингизни менга тўплаб ўтирибсизми?” деган эканлар.

Дин ва илмдаги бундай даражага Ато ибн Абу Рабоҳ икки хислат билан эришди. Биринчи хислат: у нафсига ҳоким бўла олди. Фойдасиз нарсалардан лаззатланиш учун нафсига йўл қўймади. Иккинчи хислат: у вақтига ҳоким бўла олди. Ортиқча гап-сўз ва ишларга вақтини кетказмади. Мухаммад ибн Суқа ўзининг зиёратига келган бир жамоатга қуйидагиларни айтиб берган:

– Худди менга фойда берганидек, шояд сизларга ҳам фойда берадиган бир сўзни айтиб берайми?

Улар:

– Айтиб беринг, – дейишди. Шунда у деди:

– Кунларнинг бирида Ато ибн Абу Рабоҳ менга шундай насиҳат қилди: “Эй жиян, бизлардан аввалгилар ортиқча гап-сўзларни ёмон кўришар эди”.

Мен: “Уларнинг наздидаги ортиқча сўзлар нималардан иборат эди?” деб сўрадим. “Улар Аллоҳ азза ва жалланинг Каломини тиловат қилиш ва уни тушуниш, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ривоят қилиш ва уни фаҳмлаш, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган илм талаб қилиш ва ҳаёт учун зарур бўлган сўзлардан бошқа барча сўзларни ортиқча санардилар”, деди. Сўнг менга тикилиб: **“Албатта сизнинг устингизда Аллоҳ ҳузурида хурматга сазовор бўлган ва ўзларига ёзиб, ҳисоблаб қўйиш топширилган насраларни ёзиб қўювчи малоикалар бордир”** оятини ва **“Бу пайтда икки кузатувчи малоика ўнг ва чап томонларидан унинг қилаётган амалларини кузатиб, ёзиб турадилар. Ўнг томондаги фаришта яхшиликларни, чап томонидаги фаришта эса ёмонликларини ёзиб боради. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни мана иш учун тайёрланган доимо ҳозир у нозир бўлган фаришта кузатиб, ёзиб боради”**, оятини инкор қиласизми?, Қиёмат майдонида саҳифалар тарқатилганда, бирортамиз ўз саҳифасидаги сўз-амалларнинг аксари на динига ва на дунёсига тааллуқли бўлган сўз-амаллар бўлишидан уялмайдами?” деди.

Аллоҳ азза ва жалла Ато ибн Абу Рабоҳнинг илмини ҳар турли инсонларга манфаатли қилди: аҳли илмлар, ҳунармандлар ва бошқа кўпгина инсонлар унинг илмидан фойдаландилар. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ шундай ҳикоя қиладилар:

“Маккада ҳаж амалларини бажариш асносида беш ўринда хато қилган эдим, бир сартарош хатоларимни тузатиб қўйди. Эҳромдан чиқиш учун соч олдиригани сартарошга келиб: “Сочимни неча пулга олиб қўясиз”, деган эдим, У: “Ҳидоят топгур, ибодатда шартлашилмайди, ўтир, қанча берсанг, бераверасан”, деди. Хиҷолат бўлиб ўтирдим, ўтирганда ҳам қиблага орқа қилиб ўтирган эканман, қиблага юзланишимга ишора қилди. Хиҷолатимга хиҷолат қўшилиб қиблага юзландим. Устига устак, сочимни қириши учун бошимнинг чап тарафини тутибман. “Ўнг тарафини тут”, деди. Ўнг тарафимни тутдим. Сочимни қира бошлади. Мен ундан ажабланганча жим ўтирган эдим. “Нега жим ўтирибсан, такбир айт”, деди. Такбир айта бошладим. Сочимни олиб бўлгач, ўрнимдан туриб кетаётган эдим, “Қаерга кетяпсан?” деди. “Жойлашган жойимга кетяпман”, дедим. “Аввал икки ракат намоз ўқиб ол, кейин қаерга кетсанг кетаверасан”, деди. Икки ракат намоз ўқигач, ўзимга-ўзим: “Бу одам оддий сартарошга ўхшамайди, аҳли илмлардан бўлса керак”, дедим-да: “Бу нарсаларни қаердан биласиз?” деб

сўрадим. У: “Ато ибн Абу Рабоҳнинг шундай қилганини кўрганман, ундан ўрганиб, одамларни ҳам шунга йўллайман”, деди”.

Дунё Ато ибн Абу Рабоҳга боқди, аммо у дунёга боқмади, унга парво ҳам қилмади, балки ундан юз ўгирди. Бутун умрини қиймати беш дирҳамдан ошмайдиган либос билан ўтказди. Халифалар уни ўзлари билан бирга бўлиш учун саройга чақиришганда, уларнинг дунёлари сабаб ўзининг динига путур етиб қолишдан қўрқиб, ижобат қилмади. Фақат мусулмонларга фойда ёки Исломга яхшилик бўлсагина халифалар олдига борарди. Усмон ибн Ато Хуросоний ҳикоя қилган воқеа ана шулардан биридир:

“Отам билан бирга халифа Ҳишом ибн Абдулмаликнинг ҳузурига кетаётган эдик. Дамашққа етишимизга озгина қолганда қора эшак миниб келаётган бир қарияга рўбарў келдик. Қариянинг эғнида дағал бир кўйлак, эски тўн бор эди. Эски телпакни бошига бостириб олган, эшагининг эгари ҳам ёғочдан... Мен бундан кулиб, отамга:

– Ким бу? – дедим. Отам:

– Жим бўл! Ахир бу зот Ҳижоз фуқаҳоларининг саййиди Ато ибн Абу Рабоҳ бўладилар, – деди.

Қария яқинлашгач, отам ҳачиридан, у киши эшагидан тушиб қучоқлашиб кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашгач, яна уловларга миниб йўлда давом этдик. Халифанинг қасрига келиб, изн бўлгунча кутиб туриш учун ўтириб улгурмаган эдик ҳамки, киришга руҳсат берилди, отам билан қария кириб кетишди. Қайтиб чиқишганида, отамдан нима гаплар бўлганини айтиб беришини сўрадим. Отам деди:

“Халифа Ҳишом Ато ибн Абу Рабоҳ киришга изн сўраётганини эшитиб, дарҳол изн берди, Аллоҳга қасамки, унинг сабабидангина мен ҳам кирдим. Халифа Ато ибн Абу Рабоҳга пешвоз чиқиб: “Хуш келибдилар, хуш келибдилар, қани бу ерга марҳамат қилсинлар”, деб, ўзининг курсисига ўтказди ва ўзи ҳам тиззасини унинг тиззасига теккизиб ўтирди. Саройда ҳурматли кишилар гаплашиб ўтиришган экан, ҳаммалари жим бўлиб, сукут қилишди. Ҳишом Ато ибн Абу Рабоҳга юзланиб: “Буюринг, эй Абу

Муҳаммад, биздан нима хизмат”, деди. Ато ибн Абу Рабоҳ: “Эй мўминларнинг амири, икки Ҳарам аҳолиси Аллоҳнинг аҳли ҳамда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўшнисидирлар. Уларга берилажак улушларини тақсимлаб берсангиз”.

“Хўп бўлади... Эй котиб ёз, Макка ва Мадина аҳлининг бир йиллик улушлари берилсин. Бундан бошқа ҳожатингиз ҳам борми, эй Абу Муҳаммад, буюринг”.

“Ҳа, эй Амирулмўминин. Ҳижоз ва Нажд аҳли арабларнинг асли ҳамда Исломнинг етакчиларидир. Садақотларининг ортиғи ўзларига қайтарилса”.

“Хўп бўлади... Эй котиб ёз, садақотларининг ортиғи ўзларига қайтарилсин! Яна ҳожатингиз борми, эй Абу Муҳаммад, буюринг”.

“Ҳа, бор, эй Мўминларнинг амири. Чегарада турувчилар душманга биринчи рўбарў келадилар, мусулмоларга ёмонликни қасд қилганларга қарши урушадилар, шунинг учун уларга улушларини мўл қилиб берилса, чунки улар яхши таъминланмасалар, чегара зое бўлади”.

“Хўп бўлади... Эй котиб, ёз, чегарада турганларга улушлари мўл қилиб етказилсин! Буюринг, эй Абу Муҳаммад, яна ҳожатингиз борми?”

“Ҳа, эй Амирулмўминин. Зиммийларга тоқатларидан ортиғи юкланмаса, чунки улардан олинадиган жизя душманингизга қарши сизларга ёрдам бўлади”.

“Хўп бўлади... Эй котиб, ёз, зиммийларга тоқатларидан ортиғи юкланмасин! Яна ҳожатингиз борми, эй Абу Муҳаммад, буюринг?”

“Ҳа бор, эй Мўминларнинг амири: “Ўз ҳаққингизда Аллоҳдан тақво қилинг! Шунин биланг-ки, сиз ёлғиз яратилганингиздек, ёлғиз вафот этасиз, ёлғиз қайта тириласиз ва ёлғиз ҳисоб қилинасиз. Атрофингиздагиларнинг биронтаси сиз билан бирга бўлмайди”.

Ҳишом бу гапларни эшитиб йиғлаб, бошини ҳам қилганча қолди, Ато ибн Абу Рабоҳ туриб чиқиб кетди, мен ҳам ортидан эргашдим. Эшик олдига яқинлашганимизда, бир киши ҳамён кўтариб келиб:

“Амирулмўминин буни сизга бериб юборди”, деди. Ато ибн Абу Рабоҳ:

**“Ҳайҳот! “Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир”, деди.**

Аллоҳга қасамки, Ато ибн Абу Рабоҳ Халифанинг олдига кириб, бир қултум сув ҳам ичмай қайтиб чиқди”.

Ато ибн Абу Рабоҳ узоқ умр кўрди, ёши юзга етди. Бу узун умрини илм ва амал, яхшилик ва тақво билан тўлдирди. Одамлар қўлидаги нарсалардан беҳожатлик ва Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларга умид қилиш билан умрини пок тутди. Ўлим Атони дунё юкларидан енгил, охират озуқасида оғир ҳолда топди. Бунга қўшимча: етмиш марта ҳаж қилган, бу дегани етмиш марта Арафотда туриб, Аллоҳ таолонинг розилиги ва жаннатини сўраб, ҳамда Аллоҳнинг ғазаби ва дўзахдан паноҳ истаб дуо қилган... Аллоҳ уни Ўз раҳматига олсин.

## Омир ибн Абдуллоҳ Тамимий

**Зухд саккиз кишида тугаган, буларнинг пешқадами  
Омир ибн Абдуллоҳ Тамимийдир. (Алқама ибн Мурсид)**

Биз ҳозир ҳижратнинг ўн тўртинчи йилидамиз. Мана бу кишилар эса саҳобаи киромлар ва тобеинларнинг улуғлари бўлиб, халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг амрига биноан Басра шаҳрининг ҳудудини белгиламоқдалар. Улар янги қурилган бу шаҳарда Аллоҳ азза ва жалланинг йўлига чақирувчилар учун етакчи ва Унинг калимасини ерда олий бўлиши учун машъал бўлиб, Форс шаҳарларида ғазот қилаётган мусулмонларга ёрдам учун аскар тўплашни мақсад қилганлар. Мусулмонлар Нажд, Ҳижоз ва Ямандан чегарада туриш учун жамоа-жамоа бўлиб, бу янги шаҳарга кўчиб келишмоқда. Нажддан кўчиб келаётган муҳожирлар сафида Бану тамимлик Омир ибн Абдуллоҳ Тамимий ал-Анбарий деган йигит ҳам бор эди. Бу вақтда Омир ўсмирликнинг илк даврини ўтказаятган, эндигина мўйлаби сабза урган, соф юрак ва ёруғ юзли ўспирин эди. Басра шаҳри янги бунёд қилинган бўлса-да, ғаниматлар ва соф тиллаларнинг оқиб келиши боис, энг бой шаҳарлардан бири бўлишга улгурган эди. Лекин тамимийлик йигит Омир ибн Абдуллоҳнинг мақсади бу ғанимат ва тиллаларга эга бўлиш эмас эди, негаки у одамлар қўлидаги нарсалардан ўзини тийиб, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсаларга интиланган, дунё ва унинг зийнатидан юз ўгириб, Аллоҳ ва Унинг ризоси сари юзланган эди. Ўша вақтда Басра шаҳрининг волийси ва имоми улуғ саҳобий Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу эдилар. Бу зот нафақат волий, балки шу билан бирга, Басрадан ҳар тарафга юриш қилаётган мусулмон лашкарининг қўмондони, Басра аҳлининг имоми ва устози ҳам эдилар. Омир ибн Абдуллоҳ Абу Мусо Ашъарий билан тинчлик ёки уруш ҳолатида, сафарда ёки муқимликда бўлсин доим бирга эди. У зотдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлганидек соф ҳолда Аллоҳнинг Каломини ўрганди, саҳиҳ ҳадисларни ривоят қилди ва ҳамда Ислом дини билимларини чуқур таълим олди. Илмдан кўзлаган мақсадини мукаммал ҳосил қилгач, ҳаётини уч қисмга бўлди: Бир қисмини илм ҳалқаларига ажратиб, Басра масжидида одамларга Қуръон ўргатди. Яна бир қисмини ибодатга сарфлади. Бу вақтда одамлардан холи бўлиб, оёқлари шишиб кетгунча Аллоҳга ибодат қилди. Учинчи қисмини эса, Аллоҳ йўлида қиличини яланғочлаб, жиҳод майдонларида ўтказди. Мана шу уч ишдан бошқа бирон нарсага ҳаётида ўрин қолдирмади, ҳатто одамлар уни “Басранинг обиди”, “Басранинг зоҳиди” деб номлашди.



Омир ибн Абдуллоҳ билан содир бўлган воқеълардан бирини басралик йигит ҳикоя қилади: “Бир жамоа билан сафарга чиқдим. Ораларида Омир ибн Абдуллоҳ ҳам бор эди. Юра-юра кеч киргач, дарахтлари кўп бўлган бир ерга келиб тўхтадик. Омир нарсаларини жойлаштириб, отининг арқонини узун қилиб бир дарахтга боғлади ва ўт-ўлан, хашаклардан етарли қилиб йиғиб олди ташлади, сўнг дарахтзорга кириб кетди. Ўзимга-ўзим: “Қасамки, бугун шу йигитнинг ортидан бориб, кечаси дарахтзор ичида нима қилишини кузатаман”, дедим. Омир дарахтзор ичига кирганича, дарахтлар билан ўралган, кўздан пана бир жойга келиб тўхтади, сўнг қиблага юзланиб намоз ўқий бошлади. Мен ҳаётимда унинг намозидек гўзал, мукамал ва хушув билан ўқилган бундай намозни кўрмаган эдим. Намоздан фориғ бўлгач, Аллоҳ таолога муножот билан дуо қилишга тушди. Дуоларида айтар эди: “Парвардигоро, Ўз амринг билан мени яратдинг, хоҳиш-ироданг билан мени ушбу дунё синовлари ичида қолдирдинг, сўнг менга: “Эй бандам, мустаҳкам бўл, нафсингни тий”, дединг. Сен Ўз лутфинг ила мени мустаҳкам қилмасанг, мени тиймасанг, қандай қилиб мен бандаи ожиз мустаҳкам бўла олайин, эй Қудратли Зот... Парвардигоро, Сен Ўзинг биласан, агар дунё ва ундаги бор нарса меники бўлса-ю, сўнг Сени розилигинг учун мендан уни сўралса, талабгорига уни шундай бериб юбораман. Бас, Сен ҳам нафсимни ўзимга ҳадя қилиб бер, Эй Раҳмли ва Меҳрибон Зот!.. Эй Раббим, ҳар қандай мусибатни менга осон қилаётган ва ҳар қандай қазо-ю қадарга мени рози этаётган нарса Сени муҳаббатингдир. Сенга бўлган муҳаббатим ила кечами-кундуз не ҳол бўлишига мен парво қилмасман...”.

Басралик йигит айтади: “ Сўнг менга уйқу босиб, ухлаб қолибман. Уйғониб қарасам, субҳ яқинлашиб қолган, Омир эса намоз ўқишда ва муножот қилишда давом этарди. Бомдод намози вақти киргач, Омир бомдодни ўқиди ва дуога юзланди: “ Аллоҳим, мана тонг ҳам бўлди. Одамлар Сенинг фазли-марҳаматингни истаб ҳаракатга тушадилар. Ҳар бирининг ўзига яраша эҳтиёжи бор. Омирнинг Сендаги эҳтиёжи эса, унинг гуноҳини кечишингдир. Аллоҳим, менинг ва одамларнинг эҳтиёжини Ўзинг қондир, Эй Карамли Зот... Аллоҳим, мен Сендан уч нарса сўраган эдим, иккитасини бердинг, учинчисини эса бермадинг. Аллоҳим, шуни ҳам бергин, токи мен ўзим яхши кўрган ва ўзим хоҳлагандек Сенга ибодат қилайин...”. Дуони тугатиб ўрнидан тураётганида кўзи менга тушиб қолди. Кечаси билан уни кузатиб чиққанамни англагач, бундан қаттиқ хафа бўлиб, махзун тарзда: “Билишимча, бу кеча мени кузатиб чиққанга ўхшайсан-а, басралик биродар”, деди. Мен: “Ҳа”, дедим. Омир: “Кўрган нарсаларингни яширгин, Аллоҳ гуноҳларингни яширсин”, деди. Мен: “Қасамки, ё Аллоҳдан сўраган ўша уч нарса нима эканини менга айтасан, ёки бўлмаса, бу кеча

кўрганларимни одамларга ёяман”, дедим. Омир: “ Барака топгур, ундай қилма!” деди илтимос оҳангда. Мен: “ Айтганимни қиламан”, дедим. Жиддийлигимни кўргач, “Ҳеч кимга айтмаслик аҳдини берсанг, айтаман”, деди. Мен: “Токи тирик экансан, бу сирни ҳеч кимга айтмаслик аҳдини бераман”, дедим. Омир Аллоҳдан сўраган ўша уч нарса нима эканини айтиб берди: “Мен учун динимда аёллардан кўра хавфлироқ нарса йўқ эди. Шунинг учун аёлларга бўлган муҳаббатни қалбимдан олишини сўраб, Раббимга дуо қилган эдим, Аллоҳим ижобат қилди, ҳатто менга аёл кишини кўрдимми, деворни кўрдимми – фарқи йўқ бўлиб қолди”. Мен: “Бу биринчиси, иккинчиси нима?” дедим. У: “Иккинчиси, Мен Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмасликни сўраган эдим, Аллоҳим буни ҳам ижобат этди. Аллоҳга қасамки ерда ҳам, кўкда ҳам Аллоҳдан бошқа бирон нарсадан қўрқмайдиган бўлдим”, деди. Мен: “Учинчиси-чи?” дедим. Омир: “Учинчиси, Раббимдан, кеча-ю кундуз ўзим хоҳлагандек ибодат қилишим учун “уйқумни ол!” деб сўраган эдим, бу учинчисидан мени ман қилди”, деди. Ундан бу гапларни эшитгач: “ Бу қадар ўзингни қийнама, шундоқ ҳам сен кечаларда бедор, кундузлари рўзадор экансан. Жаннатни сен қилаётган амалларнинг ози билан ҳам топса бўлади. Дўзахдан эса сен қўрқаётган нарсаларнинг ози билан ҳам сақланилади”, дедим. Шунда у: “ Мен афсус-надомат фойда бермайдиган Кунда афсус-надомат чекиб қолишдан қўрқаман. Аллоҳга қасамки, кучим борича ибодатда тиришавераман. Нажот топсам, Аллоҳнинг раҳмати туфайлидир. Дўзахга тушсам, ўзимнинг камчилигим сабаблидир...” деди”.

Омир ибн Абдуллоҳ кечаларни ибодат билан ўтказадиган обидгина эмас, балки кундузлари жиҳод майдонларида жанг қилувчи мужоҳид ҳам эди. Ҳар қачон жарчилар Аллоҳ йўлида жиҳодга чақирсалар, биринчилардан бўлиб уларнинг чақириқларига ижобат қиларди. Мужоҳидлар билан бирон ғазотга чиқмоқчи бўлса, ўзига муносиб ҳамроҳ излар эди. Муносиб ҳамроҳларни топса, уларга: “ Биродарлар, учта шартим бор, агар шартларимга рози бўлсангиз, сизларга ҳамроҳ бўламан”, дерди. Улар: “Қани, шартингизни айтинг-чи”, десалар, “Шартим шуки, биринчидан, сафаримиз асносида сизларга хизматни фақат мен қиламан, бунда ҳеч ким мен билан тортишмасин. Иккинчидан, мен сизларга муаззин бўламан, намозга азонни мен айтаман. Учинчидан, имконим етганича сарф-харажатлар мени ҳисобимдан бўлади”, деб шартларини айтар эди. Агар шу шартларга рози бўлишса, уларга ҳамроҳ бўлар, йўқса, шартига кўнадиган бошқа ҳамроҳ қидириб кетар эди.

Омир ибн Абдуллоҳ хавф-хатар ва ёрдам керак дамларда пайдо бўлиб қоладиган, ўлжалар тақсим қилинаётган вақтда эса топилмайдиган мужоҳидлар жумласидан эди. У шундай жанг қилардики, ҳеч ким бундай жанг қила олмасди. Ғаниматлардан эса, бошқалардан кўра кўпроқ тийилар эди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу “Қодисия” жангидан сўнг, Кисронинг қасрига тушиб, Амр ибн Муқарринга қўлга киритилган ғаниматларни йиғиб-ҳисоблашни, бешдан бирини мусулмонларнинг Байтул-молига, қолганини эса мужоҳидларга тақсимлаб беришни амр қилдилар. Ўлжалар йиғилганда ҳар қандай васф-у таърифдан юқори ва сон-саноқсиз мол-дунё, нафис-қимматбаҳо зеб-у зарлар жамланди. Форсларнинг шоҳлари таомланадиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, тилло ва қумушларга тўла саватлар... Нафис ёғочдан ясалган, ичига Кисронинг либослари, дур-у гавҳарлар билан безатилган совут ва камарлари солинган сандиқлар... Ичи нафис тақинчоқлар билан тўла идишлар... Тарих мобайнида халқларни бўйсундириб келган форс подшоҳ ва қўмондонларининг қилич ва қинлари... Хуллас, ақл бовар қилмас бойлик тўпланган эди. Мусулмонларнинг шоҳидлигида хизматчилар бу ғаниматларни санаб турган вақтда, сочлари тўзиган, устбоши чанг бир киши ҳажми катта ва оғир яшикни икки қўллаб кўтариб олиб келиб қўйди. Яшикка диққат қилсалар, аввалда бундай идишни кўзлари кўрмаган ва жамлаган ғаниматларининг ичида ҳам унга тенг келадигани йўқ эди. Ичини очиб қарадилар, дур ва гавҳарларнинг энг нафислари билан лиқ тўла эди. Уни олиб келган кишидан: “Буни қаердан олдинг?” деб сўрашди. У: “Фалон жангда, фалон ерда ўлжа қилиб олдим”, деди. Улар: “Ичидан бирон нарса олдингми?” деб сўрашди кейин. У: “Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин... Аллоҳга қасамки, нафақат бу яшик, балки Форс шоҳлари эга бўлган барча нарсалар ҳам менинг наздимда тирноқчалик эмас. Агар мусулмонлар Байтул-молининг ҳақи бўлмаганида, уни турган еридан кўтармасдим ва олдингизга ҳам олиб келмасдим”, деди. Улар: “Аллоҳ сизни азиз қилсин, ўзингиз ким бўласиз?” дейишди. У киши: “ Йўқ, мени мақтаб юрмаслигингиз учун кимлигимни айтмайман. Мен Аллоҳ таологагина ҳамд айтаман ва ажр-мукофотни ҳам Аллоҳнинг Ўзидан умид қиламан”, деди-да, чиқиб кетди. Улар бу кишининг кимлигини билиш учун ортидан одам жўнатишди. Жўнатилган одам унинг кетидан билдирмай, то у ҳамроҳларига етгунича эргашиб борди, сўнг шерикларидан унинг кимлигини сўраганида: “Ия, сиз бу кишини танимайсизми? Бу киши Басранинг зоҳиди Омир ибн Абдуллоҳ Тамимий бўлади”, деб жавоб беришди.

Омир ибн Абдуллоҳ шундай улўф сифатлар соҳиби бўлишига қарамай, унинг ҳам ҳаёти дилхиралик ва озорлардан холи бўлмади. Одатда ҳақ сўзни баралла айтувчи ҳамда мункарни инкор қилиб, уни йўқотишга ҳаракат қилувчиларга етадиган балолар унга ҳам рўбарў келди. Унинг озор чекишига тўғридан тўғри сабаб бўлган ҳодиса мана бу эди: Кунларнинг бирида Омир ибн Абдуллоҳ Басра шурта (полиция) мудирининг ёрдамчиси бир зиммийнинг бўйнидан ушлаб, судраб олиб кетаётганини кўриб қолди. Зиммий эса одамлардан ёрдам сўраб: “Мени ҳимоя қилинглари! Аллоҳ сизларни ҳимоя қилсин. Пайғамбарингиз зиммасига кирган кишини ҳимоя қилинглари, эй мусулмонлар”, деб қичқариб борарди.

Омир зиммийга: “Бўйнингдаги жияни тўлаганмисан?” деди.

Зиммий айтди: “Ҳа, тўлаганман”.

Омир зиммийни судраб кетаётган кишига қараб: “ Бундан нима истайсан?” деб сўради.

У: “Мен билан бориб мудиримизнинг боғларини тозалашини хоҳлайман”, деди.

Омир зиммийдан сўради: “ Айтилган ишни қилишни хоҳлайсанми?”.

“Йўқ, асло, – деди зиммий, – чунки бу иш менинг кучимни олади ҳам тирикчиликдан қолдиради”.

Омир мудирнинг ёрдамчисига қараб: “ Уни қўйиб юбор!” деди.

У: “ Қўйиб юбормайман” деди.

Бошқа йўл йўқлигидан Омир ридосини зиммийнинг устига ёпиб: “Аллоҳга қасамки, мен тирик эканман, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳдлари бузилмайди”, деб қаттиқ туриб олди. Бир зумда одамлар йиғилиб, Омирга ёрдам беришди ва зиммийни мудир ёрдамчисининг зулмидан халос этишди. Бошқа чораси қолмаган полис ходимлари Омирга тўхмат қилиб, уни итоатсизликда ва Аҳли сунна ва

жамоадан чиққанликда айблай бошлади: “У аёлларга уйланмайди, ҳайвон сүтини ичмайди, гўштини емайди. Бошлиқлар мажлисларига келишдан бош тортади”, деб халифа Усмон розияллоҳу анҳуга шикоят қилдилар. Халифа Басранинг волийсига Омир ибн Абдуллоҳни ҳузурига чақиришни, унга тиркалаётган айбловлар ҳақида сўраб-суриштириб, натижаси ҳақида хабар беришни буюрди.

Волий Омирни чақириб: “Мўминларнинг амири сенга қўйилаётган айбловлар ҳақида сўраб-суриштиришни менга амр қилди”, деди.

Омир: “Мўминларнинг амири амр қилган нарсалар ҳақида сўрайверинг”, деди.

Волий айтди: “Нега сен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан юз ўгириб, уйланмай юрибсан?”

“Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан юз ўгирганимдан уйланишни тарк қилмаганман, – деди Омир, – балки роҳиблик Исломда йўқ эканига гувоҳлик бераман. Аммо кўрдимки, менда бир дона қалб бор экан, шунинг учун уйланиш нафсимга ёлиб келишидан қўрқиб, нафсимни Аллоҳга атаб юбордим”.

Волий сўради: “Нега сен гўшт емайсан?”

Омир жавоб берди: “Нега энди, гўшт ейман. Гўшт топа олсам ва иштаҳам бўлса, албатта, ейман, аммо иштаҳам бўлмаса ёки иштаҳам бўлса-ю, гўшт бўлмаса, унда емайман-да”.

Волий: “Нега пишлоқ емайсан?” деди кейин.

“Мен мажусийлар пишлоқ тайёрлайдиган минтақада яшайман. Мажусийлар эса ўлакка билан сўйилган ҳайвонни фарқламайдилар. Пишлоқ қилинадиган модда ширдон, ҳаром ўлган қўйдан олинган бўлишидан қўрқаман, агар икки мусулмон, бу шариатга мувофиқ сўйилган қўйдан олинган деб гувоҳлик берса, ейман”, деди Омир.

“Нега амирлар ҳузурига келмайсан, мажлисларида ўтирмайсан?” деб сўради волий.

Омир: “Шундоқ ҳам, сиз амирларнинг остонангиз ҳожатталаблар билан тўлган. Ана шуларни ҳузурингизга чақириб, ҳожатларини ўтанг. Сизларга эҳтиёжи йўқларни эса холи қўйинг”, деди.

Омир ибн Абдуллоҳнинг сўзлари халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга етказилди. Мўминларнинг амири унинг бу сўзларидан итоатдан бўйинтовлаш ва ёки аҳли сунна вал жамоадан чиқишни топмадилар. Бироқ шунда ҳам ёмонлик ўти ўчмади. Омир ибн Абдуллоҳ ҳақида миш-мишлар кўпайди. Фитна зўрайиб кетишининг олдини олиб, Усмон розияллоҳу анҳу уни Шом диёрларига кўчиб, ўша ерни ватан тутишга амр қилдилар. Шомдаги волийлари Муовия ибн Абу Суфёнга эса Омир ибн Абдуллоҳ яхши кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйишни тайинладилар.

Омир ибн Абдуллоҳ Басрадан кўчаётганда уни кузатиш учун биродарлари ва шогирдларидан иборат катта жамоа чиқиб, Марбат номли Басранинг энг чекка маҳалласигача эргашиб бордилар. Шу ерда Омир ибн Абдуллоҳ уларга қараб: “Мен дуо қиламан, сизлар “Амин” деб туринглар”, деди. Одамлар уни кўриш учун бўйинларини чўздилар, ҳаракатлар сукунатга айланди, кўзлар унга қадалди. Омир ибн Абдуллоҳ икки қўлини кўтариб: “Аллоҳим, менга ёлғон тўқиб, мен ҳақимда миш-миш тарқатиб, мени шаҳримдан чиқарилишим ва биродарларимдан айрилишимга сабаб бўлганларни... Парвардигоро, мен уларни кечирдим, Сен ҳам кечиргин. Дин-у дунёсида офият бергин. Мени ҳам, уларни ҳам ва бошқа мусулмонларнинг ҳам гуноҳ-у камчиликларини Раҳматинг, Мағфиратинг ва Лутфинг билан яширгин, эй Раҳмли, Меҳрибон Зот”, деб дуо қилди ва уловини Шом тарафга буриб йўл олди.

Омир ибн Абдуллоҳ қолган ҳаётини Шом диёрларида ўтказди. Байтул мақдиси ўзига ватан қилиб олди. Шомнинг амири Муовия ибн Абу Суфён тарафидан ўзига лойиқ тарзда эътибор, ҳурмат, иззат-икром кўрди.

Ўлим соати яқинлашиб, касал бўлиб ётганида, биродарлари зиёратига кирсалар, йиғлаб ётган экан. Улар:

“Ахир сиз тақволи ва солиҳ киши бўлсангиз, нега йиғлайсиз?” дедилар.

Омир айтди: “Аллоҳга қасамки, мен дунёга иштиёқим ёки ўлимдан қўрққанымдан йиғлаётганим йўқ. Балки сафарнинг узоқлиги, озуқанинг камлигидан йиғлаяпман. Мен баландлик ва жарлик оралиғида турибман... ё жаннатга ва ё дўзахга. Қай бирига киришимни билмайман”.

Омир ибн Абдуллоҳнинг сўнги нафаси тили Аллоҳнинг зикри билан нам бўлган ҳолда чиқди. Муслмонларнинг биринчи қибласи, икки ҳарамнинг учинчиси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сайр қилган Муқаддас заминда Омир ибн Абдуллоҳ Тамимий мангу қўним топди.

Аллоҳ унинг қабрини мунаввар айласин ва абадий Жаннатда юзини ёруғ қилсин.

## Урва ибн Зубайр

**“Жаннат аҳлидан бўлган кишига қараш кимни қувонтирса, Урва ибн Зубайрга қарасин” (Абдулмалик ибн Марвон)**

Ботаётган қуёш ўзининг заррин нурларини Байтуллоҳдан териб-териб олиб, майин шабадаларга унинг пок саҳнида эсишга изн берган дамда, улўғ саҳобаи киромлар ва тобеинларнинг катталари, ҳавони такбир-у таҳлил билан хушбўйлаб, атрофни хайрли дуоларга тўлдириб тавоф қилмоқдалар... Масжиди ҳаромнинг ўртасида маҳобат ва улўғворлик билан турган Каъбаи муаззаманинг атрофида, улўғворлигидан одамларнинг кўзлари қувнаб, моляъни ва гуноҳ бўлмаган сўзларни сўзлашиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтирардилар... Рукни Ямонийга яқин ерда эса, юзлари нурли, улўғ насабли, масжиддаги қушлар каби пок ва яқдил, хушбўй ва хушрўй тўрт йигит давра қурган эди. Улар Абдуллоҳ ибн Зубайр, унинг икки ўкаси – Муъсаб билан Урва ҳамда Абдулмалик ибн Марвонлар эди. Даврада ширин суҳбат айланаётган эди. Ораларидан биттаси: “Келинлар, ҳар биримиз ўзи яхши кўрган орзусини Аллоҳдан сўрасин”, деди. Ўртага бу таклиф ташлангач, хаёллар кенг олам узра кеза бошлади, ширин орзулар оғушида Абдуллоҳ ибн Зубайр гап бошлаб, кўнглидагини баён қилди: “Менинг орзуим – Ҳижозга эга бўлиб, халифаликка эришишдир”. Муъсаб ибн Зубайр ҳам акасининг орзусига яқин гап айтди: “Кўфа билан Басрага эга бўлсам ва бунда ҳеч ким мен билан тортишмаса, дейман”, деди. Абдулмалик ибн Марвон: “Сизларни шу қониқтирса ҳам, мени қониқтирмайди. Менинг орзуим – ер юзига эгалик қилиб, Муовия ибн Абу Суфёндан кейин халифаликни қўлга киритиш”, деди. Урва ибн Зубайр эса ҳеч нима демай жим ўтирар эди. Унга қараб: “Зубайр, сен нимани орзу қиласан?” дедилар. Урва ибн Зубайр: “Орзу қилган дунё ишларингизга Аллоҳ барака берсин. Аммо менинг орзуимга келсак, мен амал қилувчи олим бўлишни орзу қиламан. Мендан одамлар Аллоҳнинг Китобини, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ва Ислом дини аҳкомларини ўргансалар... Охиратда мен Аллоҳнинг розилигига эришиб нажот топсам ва жаннатдан насибадор бўлсам... Мана шу менинг орзуимдир”, деди.

Қарангки, кунлар ўтиши билан Язид ибн Муовиянинг вафотидан сўнг Абдуллоҳ ибн Зубайр халифалик билан байъат қилиниб, Ҳижоз, Миср, Яман, Хуросон ва Ироққа эгалик қилди... Аммо кўп ўтмай, ёшлик чоғида ўша орзусини айтган жой яқинида... Каъбанинг олдида қатл қилинди. Муъсаб



ибн Зубайрни ҳам орзуси рўёбга чиқди – акаси Абдуллоҳ тарафидан Ироққа ҳоким этиб тайинланди, лекин қисқа муддат ичида ҳокимликдан четлатилиб, ҳатто қатл қилинди. Абдулмалик ибн Марвонга келсак, отаси вафот этгач, халифалик унга ўтди, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва укаси Мусъабнинг қатлидан сўнг эса барча мусулмонлар унинг қўл остига тўпланди ва у замонасининг энг буюк подшоҳларидан бирига айланди.

Урва ибн Зубайрнинг ҳаёти қандай кечди экан? Келинлар, у ҳақдаги қиссани бошидан бошлаймиз.

Урва ибн Зубайр Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу халифалиklarининг охириги йили мусулмонлар орасидаги энг ҳурматли ва олий мақом хонадонда таваллуд топди. Отаси Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фидойи саҳобаларидан эди... Исломда биринчи бўлиб қиличини яланғочлаган, жаннат башорат берилган ўнта саҳобанинг бири... Онаси эса кимсан, Абу Бакрнинг қизи Асмо, “икки белбоғ соҳибаси” деган шарафли лақабнинг эгаси (ҳижрат куни белбоғини иккига бўлиб, бири билан Росулulloҳнинг озуқа идишларини, бошқаси билан сув идишларини боғлагани учун шундай шарафга эришган)... Она тарафдан бобоси Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифалари ва ғордаги ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу... Ота тарафдан момоси София бинти Абдулмутталиб – Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аммалари... Холаси мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо... (Оиша розияллоҳу анҳо вафот этганларида Урва ибн Зубайр ўзи қабрга тушиб, лаҳадга қўйган.) Ҳар тарафдан шараф ва иззатга бурканган яна шундай олий насаб бормикин?

Каъбаи муаззама олдида қилган орзусини рўёбга чиқариш учун Урва ибн Зубайр илм таҳсилига бел боғлаб, қаттиқ киришди. Ҳаёт бўлган саҳобаларни ғанимат билиб, уларнинг уйларига қатнаб, ортларида намоз ўқиб, илм мажлисларини қолдирмай иштирок этди. У Алий ибн Абу Толиб, Абдурахмон ибн Авф, Зайд ибн Собит, Абу Айюб Ансорий, Усома ибн Зайд, Саъид ибн Зайд, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳумдан ривоят қилди. Аксар илмини холаси Оиша розияллоҳу анҳодан олди ва одамлар уларга дин ишларида сўянадиган, солиҳ ҳокимлар эса ўзлари масъул бўлган халқлар ва шаҳарлар масаласида улардан ёрдам истайдиган, Мадинанинг етти устун фуқаҳоларидан бири бўлиб етишди. Бунинг далили ўлароқ бир воқеани келтирамиз: Умар ибн Абдулазиз Валид ибн Абдулмалик тарафидан Мадинага волий этиб

тайинланганида, одамлар қутлаш учун унинг ҳузурига келдилар. Пешин намозини ўқиб бўлгач, Мадина уламоларидан ўн кишини таклиф қилди. Таклиф қилинган олимларнинг пешқадами эса Урва ибн Зубайр эди. Умар ибн Абдулазиз уламоларни яхши кутиб олиб, уларга иззат-икром кўрсатгач, Аллоҳга ҳамду сано айтиб шундай деди: “Менга ҳақ устида ёрдамчи бўладиган ва ҳамда ажр-савобга ҳам эга бўлиб қоладиган бир иш учун мен сизларни чорладим. Мен ҳар бир ишни сизларнинг фикрингиз ва маслаҳатингиз билангина қилмоқчиман. Сизлардан илтимосим шуки, агар бирон кимсани бошқа бировга зулм қилаётганини кўрсангиз ёки менинг ходимларим ҳаддан ошиб, зулмга қўл ургани сизларга етса, шуни менга хабар берсангиз!” Бу гапларни эшитган Урва ибн Зубайр унинг ҳаққига дуои хайрлар қилиб, Аллоҳдан унга ҳақда собитлик ва рушду ҳидоят тилади.

Урва ибн Зубайр илм билан амални жамлаган эди. У иссиқ кунларда рўзадор, узун тунларда бедор, тили эса доим Аллоҳнинг зикри билан машғул эди. Бунга қўшимча у Аллоҳнинг Китобига ҳамроҳ бўлиб қолган, Қуръон ўқишга шундай берилган эдики, кундузлари Қуръоннинг тўртдан бирини мусҳафга қараб, тунлари шунча қисмини ёддан тиловат қилар, эътиборли жиҳати – мана шу одатини ёшлигидан бошлаб то вафот топгунга қадар тарк қилмаган, фақат бир марта бошига тушган мусибат сабаб қолдирган эди. Бу ҳодиса тафсилотини кейинроқ баён қиламиз.

Урва ибн Зубайр илм билан амални жамлаган эканига далиллардан яна бири – намоз... Намоз унинг қалб роҳати, қўз қувончи ва ердаги жаннати эди. Намоз ўқиганида ниҳоятда гўзал, мукамал ва узун ўқир эди. Урва ибн Зубайр ҳақида келган ривоятларда айтилишича: “У бир кишининг енгил намоз ўқиётганини кўриб, намоздан фориф бўлгач ҳузурига чақирди ва: “Эй биродар, Аллоҳ таолодан сўрайдиган биронта ҳам эҳтиёжинг йўқми? Аллоҳга қасамки, мен намозда Аллоҳ таолодан ҳамма нарсани, ҳатто тузни ҳам сўрайман”, деб насиҳат қилди.

Урва ибн Зубайр саховатда ҳам пешқадам бўлиб, бағри кенг ва ниҳоятда қўли очиқ инсон эди. Сахийлиги ҳақидаги ривоятлардан бири: Мадинадаги энг катта боғлардан бири унга тегишли эди. Боғнинг ичи салқин, суви ширин, хурмо дарахтлари баланд ва кўп эди. Ҳайвонлар ва ёш болалар кириб дарахтларга шикаст етказмаслиги учун йил давомида боғнинг атрофини девор билан яхшилаб ўраб қўяр, хурмолар одамнинг иштаҳасини очадиган бўлиб фарқ пишганда эса, одамлар бемалол кириб тўйгунларича

еб, хоҳлаганларича олиб кетишлари учун қўрғондеворнинг бир неча тарафидан дарча очиб қўярди. Қачон боғига кирса, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини қайта-қайта ўқир эди: **“Сен боғингга кирган ва ундан кўзинг қувонган пайтингда: “Мошооллоҳ, агар Аллоҳ куч-қувват бермасайди, буларга эришишга менда ҳеч қандай куч-қувват йўқ эди”, деб айтсанг эди!..”** (Каҳф сураси, 39).

Валид ибн Абдулмаликнинг халифалик даврида Аллоҳ таоло Урва ибн Зубайрни, фақат иймон ва ишонч билан суғорилган қалб эгаларигина кўтара оладиган имтиҳон билан синашни ирода қилди. Мусулмонлар халифаси Урва ибн Зубайрни Дамашққа меҳмонга таклиф қилди. Урва ибн Зубайрга катта ўғли ҳамроҳ бўлди. Дамашққа етиб келишганда халифа уларни чиройли кутиб олди, иззат-икром кўрсатиб, ҳурматларини жойига қўйди. Сўнг кўнгиллар истамайдиган бир иш бўлишини Аллоҳ таоло ирода қилди. Аввал Урва ибн Зубайрнинг ўғли халифанинг зотли отларини кўриш учун отхонага кирганида, отлардан бирининг тўсатдан тепиб юбориши натижасида, ўша ерда вафот этди. Кейин мусибатзада ота ўғлини тупроқга қўйиши кетидан, ўзи ҳам қорасон касали билан оғриб қолди. Болдиришишиб, оғриқ ҳам кундан кун кучая борди. Халифа ҳар тарафлардан табиблар чақириб, азиз меҳмонини даволашлари учун турли воситалар билан уларни рағбатлантирди. Лекин барча табиблар: “Касал бошқа аъзоларга ҳам тарқаб ҳалокатга олиб бормасдан аввал, оёқни кесиш керак”, деган яқдил хулосага келдилар. Бунга кўнишдан бошқа чора йўқ эди. Жарроҳ келиб, оёқни кесиш учун асбобларни ҳозирлагач, Урва ибн Зубайрга деди: “Оёқни кесишдаги оғриқни сезмаслигингиз учун маст қилувчи ичимликдан ичишни маслаҳат қиламан”. Урва ибн Зубайр: “Ҳайҳот, йўқ-йўқ, даволаниш умидида ҳаромдан асло истифода қилмайман”, деди. Жарроҳ: “Унда наркоз берайлик”, деган эди, “Аъзоларимнинг биридан айрилишдаги оғриқни сезмай туриб, Аллоҳдан бунга ажр умид қилишни хоҳламайман”, деб жавоб берди. Жарроҳ оёқни кесишни бошлаётганида, бир қанча кишилар Урва ибн Зубайрни олдига келишди. Урва: “Булар кимлар?” деган эди. “Оғриқдан оёгингизни қимирлатиб юборсангиз, сизга бирон зарар бўлиб қолмаслиги учун ушлаб туришга келишди”, дейилди. Урва ибн Зубайр: “Буларнинг ҳожати йўқ, уларга жавоб бериб юбораверинг. Зикр ва тасбеҳ билан буларнинг ўрнини босишни умид қиламан”, деди. Жарроҳ тиғни олиб, тери ва гўштни кесди. Пичоқ суякка тақалгандан кейин аррани ишга солди. Урва эса: “Ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбар”, деб зикр айтиб ётарди. Жарроҳ суякни арралашда давом этди, Урва ҳам такбир ва таҳлил айтаверди. Ниҳоят, оёқ жасаддан ажралди. Қонни тўхтатиш ва газак олмай яра тез битиши учун,

қиздириб турилган ёғга ботирилганда Урва ҳушидан кетиб, узоқ вақт беҳуш бўлиб ётди. Ана шундагина юқорида айтганимиз, Қуръондан кундалик улушини ўқий олмади. Ёшлигидан бошлаган бу хайрли одатини мана шунда бир мартагина тарк қилди.

Урва ўзига келгач, кесилган оёғини олиб келтиришларини сўради. Олиб келишгач, кесилган оёғини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб туриб: “Кечалари сени устингда мени масжидларга юрғизган Аллоҳ биладики, мен сен билан асло ҳаромга бормадим”, деди ва Маън ибн Авсинг ушбу байтини ёдга олди (маъноси): “Қасамки, қўлимни асло шубҳага чўзмадим. Юргазмади мени фаҳш тараф оёқларим. Фаҳшга бошламади қулоғим ҳам кўзим. Ўйлатмади уни фикрим ва ақлим. Менга етган мусибат аввалгиларга ҳам етганин билдим”.

Азиз меҳмоннинг бошига тушган мусибатлар: ўғлидан, сўнг оёғидан ажралиши халифа Валид ибн Абдулмаликка ҳам оғир ботди. Шунинг учун меҳмонга таъзия билдириш, уни сабрга ундаш ва оз бўлса-да мусибатини енгиллатиш чораларини излади. Шу вақт Дамашққа “Бану Абс”дан бир жамоа келган эди. Уларнинг орасида кўзи кўр киши ҳам бор эди. Халифа ундан кўзининг кўрмай қолишига нима сабаб бўлганини сўраганида, шундай ҳикоя қилган эди: “Эй мўминларнинг амири, “Бану Абс”да мендан бой, мендан кўра хотин ва бола-чақаси кўп киши йўқ эди. Бир кун бутун мол-дунёйим, хотин ва болаларим билан қавмимга қарашли бир водийга келиб тушдим. Тўсатдан катта бир сел босдики, бунақасини ҳаётимда кўрмаган эдим. Бу сел мол-у дунёйимни ҳам, аҳли-аёл, бола-чақамни ҳам ҳаммасини оқизиб кетди. Қарасам, битта туя ва янги туғилган чақалоғимиз қолибди. Туя асов эди, бир силтаниб қўлимдан чиқиб кетди. Болани ерга қўйиб, туянинг кетидан югурдим. Туяга етган эдим ҳамки, у ёқда бола чинқириб қолди. Қарасам, бўри боламни тишлаб турган экан. Болага югурдим, лекин қутқаришга улгурмадим. Яна туянинг кетидан чопиб, уни ушлашга ҳаракат қилдим. Туяга яқинлашганимда оёғи билан тепиб юборди, пешанам ёрилиб, ана шунда кўзим ҳам кўрмай қолди... Шундай қилиб бир кечада аҳли-аёлим, бола-чақам, мол-дунёйим ва кўз нуримдан айрилиб қолдим...”

Унинг бу гапларини эшитган халифа ёрдамчисига: “Бу кишини меҳмонимиз Урва ибн Зубайрнинг олдига олиб бор. Бошига тушган бу мусибатни уларга ҳам айтиб берсин. Ҳаётда ўзидан кўра кўпроқ мусибатланганлар борлигини эшитса, шояд мусибати енгиллашар”, деди.

Урва ибн Зубайр Мадинага қайтиб, оиласи ҳузурига кирганида, уларга: “Эй аҳлим, қайғурманглар, Аллоҳ таоло бизга тўрт фарзанд берган эди, биттасини олиб, учтасини ўзимизда қолдирди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Менга икки қўл ва икки оёқ берган эди, биттасини олиб, учтасини ўзимда қолдирди. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳ мендан озини олиб, кўпини ўзимда қолдирди. Бир марта балолаган бўлса, кўп марта офиятда қолдирди”, деб тасалли берди.

Мадина аҳли ўз имомлари ва олимлари Урва ибн Зубайрнинг қайтганини билгач, у зотга таъзия билдириш ва кўнгил сўраш учун ҳар тарафдан кела бошладилар. Таъзия билдирганлар ичида энг чиройли ва таъсирли сўз Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳаники бўлди: “Хурсанд бўлинг, эй Абу Абдуллоҳ, тана аъзоларингиз ва фарзандларингиздан бири сиздан аввал жаннатга кетди. Аллоҳ хоҳласа, барчангиз бир-бирларингизга эргашасиз. Аллоҳ таоло бизларга, биз муҳтож бўлган, сизнинг илмингиз ва фикрингизни қолдирди. Аллоҳ таоло илмингизни сизга ҳам, бизга ҳам фойдалиқ қилсин. Аллоҳ ажр-у савоб бериш ва гўзал ҳисоб қилиш Эгасидир”.

Урва ибн Зубайр бутун ҳаёти мобайнида муслмонлар учун ҳидоят нури, нажотга йўлловчи ва яхшиликларга чорловчи бўлиб қолди. Энг катта аҳамиятни болаларга, хусусан, ўзининг фарзандлари ва, қолаверса, бошқа муслмонларнинг фарзандлари тарбиясига қаратди. Ҳеч бир фурсатни қўймай, уларни тўғри йўлга йўллаб, насиҳат қилиб турди. Фарзандларини илм талаб қилишга қизиқтириб айтган сўзларидан баъзилари: “Болаларим, илм талаб қилинглари ва унинг ҳаққини тўла ўтанглари. Гарчи сиз қавмнинг кичиги бўлсангиз ҳам, илм билан Аллоҳ таоло сизни қавмнинг катталаридек қилиб қўяди”. Сўнг: “Бу дунёда илмсиз қариликдан ҳам қабиҳроқ нарса бормикин?!” дер эди.

Яна фарзандларини Аллоҳ азза ва жалла йўлида берадиган садақаларнинг яхшиларини танлаб, чин кўнгилдан беришга даъват этарди: “Болаларим, қавмингизнинг ҳурматли кишисига беришга уяладиган нарсани Аллоҳ йўлида садақа қилманглар. Чунки Аллоҳ энг Азиз ва энг Ҳурматли ва ҳамда энг яхшисини танлаб беришга Ҳақли Зотдир”.

Уларга одамларни танитиб, уларнинг туб мақсадларини кўра билиш ва англашни ўргатиб шундай дер эди: “Болаларим, гарчи одамлар наздида

ёмон киши деб билинган одамдан бир яхши амал кўрсангиз, ундан яхшилиқни умид қилаверинг, зеро, яхшилиқнинг ака-укалари бўлади. Ва гарчи одамлар наздида яхши киши деб билинган одамдан бир ёмон амал кўрсангиз, ундан эҳтиёт бўлинглар, зеро, ёмонликнинг ҳам ака-укалари бўлади. Яхшилиқ ака-укаларига етаклайди ва ёмонлик ҳам ака-укаларига етаклайди, шунини билиб олинглар!”

Яна уларни содда муомала қилишга, ширин сўз ва очиқ чеҳрали бўлишга ундар эди: “Болаларим, ҳикматли сўзларда келган: “Сўзинг ширин, чеҳранг очиқ бўлса, одамларга пул бериб турувчи кишидан ҳам суюкли бўласан”.

Урва ибн Зубайр одамлар дунёга боқиб, неъматлар билан ҳузурланиб қолганларини кўрса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оғир ва машаққатли ҳаётларини эслатар эди. Мана шулардан бирини Муҳаммад ибн Мункадир ҳикоя қилиб берган: “Бир кун Урва ибн Зубайр қўлимдан ушлаб: “Эй Абу Абдуллоҳ, мен холам мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирганимда, менга: “Эй ўғлим, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонларида қирқ кунлаб ўт ёқилмас эди”, деди. Мен: “Нима билан кун кечирар эдингиз?” деб сўрадим. Оиша розияллоҳу анҳо: “ Хурмо ва сув билан”, дедилар.

Урва ибн Зубайр етмиш бир йил яхшилиқ ва эзгуликларга тўла, тақво билан бурканган умр кечирди. Қочиб қутилиб бўлмайдиган ажал унга ҳам келган кунини у рўзадор эди. Аҳллари ифторлик ҳозирлашганида, Кавсар сувлари билан оғиз очишни умид этгани учун ифтор қилмади...

## Рабеъ ибн Хусайм

Эй Абу Язид, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сизни кўрганларида, албатта яхши кўрган бўлар эдилар. (Абдуллоҳ ибн Масъуд)

Ҳилол Ашжаий меҳмони Мунзир Саврийга:

– Эй Мунзир, шайхнинг олдиларига бориб, бир иймонлашиб келмайми? – деди. Мунзир:

– Ҳа, албатта, аслида шайх Рабеъ ибн Хусайм билан кўришиб, у кишининг иймон саҳнларида бир соат бўлса-да яшашга бўлган завқ-шавқ мени Кўфага етаклаб келган. Ҳузурларига киришимизга изн олдингизми? Шайх фалаж бўлиб қолганларидан бери, уйларида чикмай, Рабларига юзланиб, одамлардан четланибдилар, деб эшитган эдим, – деди.

Ҳилол айтди:

– Кўфа аҳли у кишини танибдики, одатлари шундай. Касаллик шайхни ўзгартиргани йўқ.

Мунзир:

Ундай бўлса яхши, лекин сиз биласизки, шайхларнинг ўзларига хос хислатлари бўлади, шунинг учун Рабеъ ибн Хусаймнинг ҳузурига кирганимизда ўзимиз хоҳлаган нарса ҳақида сўрайми? ёки шайхга қулоқ солиб, у зот нимани гарирса, жим эшитганимиз маъқулми? – деб маслаҳат солди.

Ҳилол:

– Агар Рабеъ ибн Хусайм билан тўлиқ бир йил ўтирсангиз ҳам, сиз гапирмасангиз ва бирон нарса ҳақида сўрамасангиз, у киши гапирмайди. Рабеъ ибн Хусайм сўзларини зикр, сукутларини фикр қилиб олган – деди.

Мунзир айтди:

– Ундай бўлса, Аллоҳдан барака сўраймиз, қани, кетдик.

Сўнг Рабеъ ибн Хусаймнинг манзилига қараб йўл олдилар. Шайхнинг ҳузурига кириб саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашди:

– Шайх, қандайсиз?

Рабеъ ибн Хусайм:

– Заиф ва гуноҳкорман, ризқимни еб, ажалимни кутиб ётибман, – деди.

Ҳилол айтди:

– Кўфага кучли бир табиб келибди, ижозат берсангиз, уни олиб келар эдим?

– Эй Ҳилол, – деди Рабеъ ибн Хусайм, – шифо ҳақлигини биламан. Лекин мен Од, Самуд (қабилаларини) ва қудуқ эгаларини (яъни Шуайб пайғамбарни ёлғончи қилганлари сабабли қудуққа қулаб ҳалок бўлган кимсаларни) ҳамда шу орадаги кўпдан-кўп қавмлар ҳақида фикр юритдим. Уларнинг дунё ва унинг матоларига ҳавасларини кўрдим. Улар биздан кўра кўпроқ куч-қудратга эга эдилар, ораларида табиблар ва касаллар бор эди. На даволовчи қолди ва на даволанувчи...

Сўнг чуқур хўрсиниб:

– Агар ҳақиқий дард шу бўлганида, ундан, албатта, даволанган бўлар эдик, – деди.

Мунзир:

– Ҳақиқий дард нима унда? – деб сўради.



Рабеъ ибн Хусайм айтди:

– Гуноҳлар... Гуноҳлар ҳақиқий дарддир.

Мунзир сўради:

– Уларнинг давоси не?

– Даво истифодир.

– Тузалиш қандай бўлади?

– Гуноҳдан тавба қилиб, сўнг унга қайтмаслик билан, – деди шайх. Сўнг бизларга тикилиб айтди: – Махфий ишлар... Махфий ишлар... Одамларга махфий, лекин Аллоҳга ошкор бўлган махфий ишларга ҳушёр бўлинг! Унинг давосини изланг!

Мунзир:

– Унинг давоси нима? – деб сўради кейин.

Рабеъ ибн Хусайм:

– Давоси холис тавба қилишдир, – деди-да йиғлаб юборди, ҳатто кўз ёшлари соқолини ҳўл қилди.

Мунзир:

– Сиздек одам ҳам йиғлайдими? – деб айтган эди, Рабеъ ибн Хусайм:

– Ҳайҳот... Нега йиғламайин?! Мен шундай одамларни кўрганман, (саҳобаларни назарда тутиб) биз уларнинг олдида ўғрига ўхшаймиз, – деб жавоб қилди.

Ҳилол ҳикоясини давом эттиради: “Биз шундай суҳбатлашиб ўтирганимизда, шайхнинг ўғли кириб саломлашди ва: “Отажон, онам сизга яхши ҳолва тайёрладилар. Шундан еб олсангиз, анча хурсанд бўларди, олиб келайми?” деди. Рабеъ ибн Хусайм: “Маили, олиб келақол”, деб жавоб қилди. Ўғли ҳолвани олиб келиш учун чиқиб кетганида, эшикни тақиллатиб бир тиланчи келиб қолди. Рабеъ ибн Хусайм: “Уни ичкарига олиб киришлар”, деди. Мен ҳовлига кирган тиланчига назар солдим: у ўрта ёшлардаги киши экан. Кийимлари йиртиқ, сўлаги оқиб турар, кўринишидан ақли паст эди. Тиланчининг афт-ангорига қараб турганимизда, шайхнинг ўғли ҳолвани олиб келди. Рабеъ ибн Хусайм ҳолвани тиланчининг олдига қўйишга ишора қилди. Ҳолва тиланчининг олдига қўйилгач, у сўлагини оқизиб ҳолвани ейишга киришди ва шу алфозда уни еб битирди.

Рабеъ ибн Хусаймнинг ўғли: “Аллоҳнинг раҳмати бўлсин сизга, отажон, онам атайин шуни сизга тайёрлаган эди. Шундан тамадди қилишингизни биз ҳам хоҳлаган эдик. Сиз бўлсангиз, нима еганини ҳам билмаган мана бу кишига ҳаммасини едириб юбордингиз”, деди. Рабеъ ибн Хусайм: “Эй ўғлим, у билмаса ҳам, Аллоҳ таоло билади”, деди-да: **“Эй мўминлар, то ўзингиз суйган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилмагунча асло жаннатга эришолмайсизлар. Озми, кўпми, бирон нарсани инфоқ-эҳсон қилсангиз, уни, албатта, Аллоҳ билиб турувчидир”** (Оли Имрон, 92), оятини ўқиди.

Шу вақт шайхнинг яқинларидан бири келиб: “Эй Абу Язид, Фотима розияллоҳу анҳонинг ўғли имом Хусайн қатл қилинди”, деди. Рабеъ ибн Хусайм: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун”, деб, Зумар сурасининг 46-оятини ўқиди: “Айтинг: **“Эй Аллоҳ! Эй еру осмонларни яратувчи! Эй еру осмонларни тенгсиз ўхшаши бўлмаган бир суратда пайдо қилган Зот! Эй ички сирлару барча махфий ва ошкор нарсаларни билувчи Зот! Сен Қиёмат куни бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилган нарсалар тўғрисида Ўзинг ажрим қилгайсан”**. Лекин шайхнинг бу дегани хабар келтирган кишига камлик қилди, шекилли: “Унинг ўлими ҳақида нима дейсиз?” деб сўради.

Рабеъ ибн Хусайм: “Нима ҳам дердим, Аллоҳга қайтишади ва ҳисоб-китобларини ҳам Аллоҳ қилади, дейман”, деди.

Қарасам, пешин вақти яқинлашиб қолибди. Шайхга: “Менга насиҳат қилинг”, дедим. Рабеъ ибн Хусайм: “Эй Ҳилол, одамларнинг мақташлари сени мағрурлантириб қўямасин, зеро, улар сенинг ташингни биладилар. Сен амалинга қайтувчисан, Аллоҳнинг розилиги мақсад қилинмаган ҳар қандай амал эса саробдир”, деди. Кейин Мунзир: “Менга ҳам насиҳат

қилинг, Аллоҳ ажрингизни берсин”, деди. Рабеъ ибн Хусайм: “Эй Мунзир, билган нарсаларингда Аллоҳдан қўрқ, билмаганингни эса билувчисига топшир. Эй Мунзир, бирортангиз: “Парвардигоро, мен Сенга тавба қиламан” деб, кейин тавба қилмаса, битта ёлғон бўлади, лекин “Парвардигоро, мени тавба қилишга муваффақ қил”, десин, шунда дуо бўлади. Эй Мунзир, таҳлил (“ла илаҳа иллаллоҳ” дейиш), ҳамд (“алҳамдулиллаҳ” дейиш), такбир (“Аллоҳу акбар” дейиш), тасбиҳ (“субҳаналлоҳ” деб айтиш), яхшилиқни сўраб, ёмонлиқдан паноҳ иташ, амри маъруф ва наҳий мункар қилиш ҳамда Қуръон ўқишдан бошқа сўзларда яхшилиқ йўқдир”, деб насиҳат қилди.

Мунзир: “Сиз билан мана шунчадан бери ўтирибмиз, лекин шеър айтиб мисол келтирганингни эшитмадик, аммо бошқа шайхлар шеър билан мисол келтирадилар”, деди.

Рабеъ ибн Хусайм: “Бу дунёда айтган ҳар бир сўзинг ёзилиб, у дунёда ўқиб эшиттирилади. Мен ҳисоб кунда номаи аъмолим ўқиб эшиттирилганда, унда бир байт шеър топилишини хоҳламайман”, деди ва бизга юзланиб: “Ўлимни кўп эсланглар, зеро, у кутаётган меҳмонингиздир. Меҳмоннинг келиши узайиб кетса, демак, ташрифи яқинлашган бўлади”, деди. Сўнг йиғлаб: **“Қачонки, ер ларзага келиб, ундаги нарсалар бир-бирига урилиб, чил-парчин қилинса, Раббингиз махлуқотлари ўртасида ҳукм қилиш учун келса, малоикалар саф тортиб келсалар ва ўша оғир кунда жаҳаннамни келтириб қўйилганда”**, мана шу Кунда биз нима қиламиз?” деди”.

Ҳилол Ашжаий давом этади: “Рабеъ ибн Хусайм сўзларини тугатмасдан пешин намозига азон айтилиб қолди. Ўғлига қараб: “Қани кел, муаззиннинг чақириғига ижобат қилайлик”, деди. Шайхнинг ўғли бизларга: “Масжидга олиб чиқишга ёрдамлашиб юборинг! Аллоҳ ажрини берсин”, деди. Шайхни кўтардик, ўнг қўлини ўғлининг, чап қўлини менинг елкамга қўйиб, масжидга йўналдик, унинг оёқлари ерни чизиб борарди. Шунда Мунзир айтди:

– Эй Абу Язид, сизнинг бу ҳолингизда намозни уйингизда адо этишга рухсат берилган-ку?!

Рабеъ ибн Хусайм:

– Ҳа, гапинг тўғри, лекин мен муаззиннинг “Ҳаййа ала фалаҳ” (Нажотга келинлар) деган чақириғини эшиттим. Сизлардан бирортангиз нажотга чақириқни эшитса, эмаклар бўлса ҳам борсин! – деди”.

Рабеъ ибн Хусайм ким ўзи?!

Келинг, шу киши билан танишиб чиқамиз.

Рабеъ ибн Хусайм тобеинларнинг улуғларидан. Ўша зуҳд асрида етишиб чиққан саккиз зоҳиднинг бири. Асли араб, Музарий. Насл-насаби боболари Илёс ва Музарда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан туташади.

Рабеъ ёшлик чоғидан Аллоҳнинг тоатида улғайди ва нафсини тақвога ўргатди. Онаси ярим кечада уйқудан уйғониб қараса, ёш ўғлининг ҳали ҳам жойнамоз устида тик туриб Аллоҳга муножот қилаётган, намозга фарқ бўлган ҳолда кўрар эди. Ўғлига: “Эй болам... Рабеъ... ухламайсанми?” деса, “Тун зулмати ўраб олган ва душманнинг ҳужумидан қўрққан одам ухлай оладими?” дер эди. Бу сўзларни эшитган муштипар онанинг кўзларидан ёш қуюлиб, ўғлининг ҳаққига дуолар қиларди.

Рабеъ улғайган сари унинг тақвоси ҳам, Аллоҳдан қўрқиши ҳам улғайиб борди. Унинг кўп тазарруъ билан ёлворишлари, кечалари одамлар ухлаб ётганда ҳўнграб йиғлашлари онаизорнинг раҳмини келтирар ва ҳатто ҳар хил гумонларга ҳам олиб борарди. Бир куни ҳатто: “Эй ўғлим, нима бўлди сенга, балки каттароқ бир жинойт қилдингми? Одам ўлдириб қўйдингми?” деб сўради.

Рабеъ: “Ҳа она, мен одам ўлдирдим”, деди.

Онаси: “Кимни ўлдирдинг, болам, уни оиласидан ўртага одам қўйиб илтимос қилсак, балки кечирар. Сенинг бу йиғлашларингни, кечаларидаги нолаларингни билишса, албатта, раҳм қилишади, болам”, деди.

Рабеъ шундай жавоб қилди: “Онажон, фақат ҳеч кимга айтманг! Мен ўз нафсимни ўлдирдим... Гуноҳлар билан уни ўлдирдим...”

Рабеъ ибн Хусайм Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишда у зотнинг энг яқин саҳобаларидан бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳуға шогирд тушиб, фарзанд отасига боғлангандек, устозининг этагини маҳкам тутди. Ўз навбатида устоз ҳам шогирдини ота ўзининг ёлғиз фарзандини қандай яхши кўрса, шундай яхши кўриб қолди. Рабеъ Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳузурларига изн сўрамай кираверар, бошқаларнинг киришига эса, то Рабеъ чиқиб кетмагунча изн берилмас эди. Улуғ саҳоба Рабеъдаги соф қалб, ихлос ва ибодатдаги эҳсонни кўриб, шогирдининг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замони саодатларидан кечиккани ва У Зотнинг сўхбатларида бўлмаганидан қалбида ўкинч пайдо бўларди. Шогирдига: “Эй Абу Язид, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сени кўрганларида эди, албатта, яхши кўрган

бўлардилар”, дерди. Яна: “Сени кўрсам Аллоҳдан қўрқувчиларни эсламан”, дер эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд бу сўзларида муболаға қилгани йўқ. Ҳақиқатда Рабеъ ибн Хусайм Аллоҳдан қўрқув, тақво ва парҳезкорликда, ўз давридаги оз кишиларгина етган юксакликка чиқа олган эди. Бу ҳақда ҳали-ҳануз тарих саҳифаларини порлатиб турган кўпдан-кўп хабарлар ривоят қилинган. Биродарларидан бири айтади: “Рабеъ ибн Хусайм билан йигирма йил ҳамроҳлик қилган бўлсам, фақат хуш сўзларнигина эшитганман”, деб Аллоҳнинг ушбу сўзини тиловат қилди: “Аллоҳнинг зикри бўлмиш хуш сўзлар Аллоҳнинг ҳузурига юксалгай. Солиҳ амалларни ҳам У Ўз даргоҳига кўтаргай” (Фотир, 10).

Абдурахмон ибн Ажлон ҳикоя қилади: “Рабеъ ибн Хусаймнинг уйида бир кеча тунаб қолдим. Мени ухлади деб билгач, туриб намоз ўқий бошлади. Намозда Аллоҳ таолонинг: “Ёки ёмонликлар қилган, Аллоҳнинг Пайғамбарларини ёлғончига чиқарган, Раббиларининг амрига хилоф қилган ва Ундан ўзгаларга сиғинган кимсалар Биз уларни Аллоҳга иймон келтирган, Пайғамбарларини тасдиқлаган, яхши амаллар қилган ва ибодатни ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига холис қилган кишилар каби қилишимизни, дунёю охиратда уларни ўшалар билан баробар қилишимизни гумон қилдиларми? Охиратда яхшилар билан ёмонларни баробар бўлиши ҳақидаги ҳукмлари нақадар ёмон ҳукмдир” (Жосия, 21), оятини ўқиди. Бутун тун бўйи намозда ушбу оятнигина ўқиди, бошидан бошлар, оят тугагач, яна бошидан бошлар ва то субҳ бўлгунга қадар шу ҳолда давом этди, кўзларидан эса дув-дув ёш оқиб турарди”.

Рабеъ ибн Хусаймнинг Аллоҳдан хавфи ва қўрқиши ҳақидаги ривоятлар ҳам ниҳоятда кўп... Бир неча киши ҳикоя қилган ушбу воқеа диққатга сазовордир: “Кунларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу билан бирга сафарга чиқдик. Рабеъ ибн Хусайм ҳам бор эди. Фурот бўйлаб кетаётганимизда, тошни оҳакга айлантириш учун олов ёқилган катта қўрага рўпара келиб қолдик. Қўрадаги олов гуриллаб ёнар, учқунлари учиб, гувиллаган товуши эшитилиб турарди. Қўрага оҳакка айланиши учун ташланган оқ тошлар ловуллаб ёнар эди. Рабеъ ибн Хусайм оловни кўргач, бир сесканиб жойида туриб қолди ва Аллоҳ таолонинг: “Дўзах қиёмат кунини ўша қиёматга ишонмаган кимсаларни узоқдан кўрган пайтда улар унинг ғазабнок ўқиришини ва шиддатли нафас олишини эшитишади. Уларни қўллари бўйинларига занжирлар билан боғланган ҳолда жаҳаннамнинг ўта тор жойига улоқтирилган пайтда улар ундан қутулиш учун ўзларига ҳалокат тилаб дуо қиладилар” (Фурқон,12-13), оятини ўқиб, ҳушидан кетиб йиқилди. Дарҳол ҳушига келтириш чораларини қилдик, ҳушига келгач эса, уйига олиб кетдик”.

Рабеъ ибн Хусайм умри бўйи ўлимни кутиб, унга ҳозирлигини кўриб ҳаёт кечирди. Ўлим соати келганида, меҳрибон отасидан ажралаётганига йиғлаб турган қизига қараб: “Нега йиғлайсан, қизим, ахир отангга яхшилик келди”, деб руҳини Яратганга топширди...

## Иёс ибн Муовия Музаний

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

*“Амрнинг мардлиги, Ҳотим (Ҳотамтой)нинг саховати, Аҳнафнинг ҳалимлиги, Иёснинг заковати...” (Абу Таммам)*

Мўминларнинг амири Умар ибн Абдулазиз тунни мижжа қоқмай, безовталаниб ўтказди. Дамашқнинг бу совуқ кечасида унинг уйқусини қочирган, уни машғул қилган иш Басра аҳли ўртасида адолат тарозисини қоим қиладиган, уларнинг устида Аллоҳнинг Китоби билан ҳукм юритадиган, ҳақни барпо этишда қўрқув ва рағбат ҳалал қилмайдиган қозини танлаш эди. Ўйлай-ўйлай ихтиёри икки кишига тўхталди. Иккаласи ҳам, динда олим, ҳақда салобатли, теран фикрли, ўткир назар ва фаҳму фаросатли бўлиб, бу сифатларда улар бамисоли эгизаклардек эди. Халифа биттасида унисидан ошиқча бир фазилатни топса, бунинг муқобилида унисидан ҳам бунга баробар келадиган афзалликни топар эди. Тонг отгач, Дамашқда ҳозир бўлган Ироқдаги волийси Адий ибн Артоҳни чақириб:

– Иёс ибн Муовия Музаний ва Қосим ибн Робиа Ҳорисий билан суҳбатлаш-да, иккисидан бирини Басрага қози қилиб тайинла, – деб амр қилди. Волий:

– Хўп бўлади, эй амийрулмўминин, – деди ва Иёс билан Қосимни чақирди.

– Мўминларнинг амири – Аллоҳ умрларини зиёда қилсин – иккингиздан бирингизни Басрага қози этиб тайинлашимга амр этдилар, хўш нима дейсизлар?

Улар бир-бирларининг фазилати, илм ва билимини зикр қилишиб, қозиликка ўзидан кўра ҳақлироқ эканини айта кетишди. Бу суҳбат билан масала ҳал бўлмаслигини кўрган волий:

– Масалани ҳал қилмагунингизча мажлисдан чиқмайсиз, – деб қатъий сўз айтгач, Иёс сўз бошлади:

– Эй амир, яхшиси, мен билан Қосим ҳақида Ироқнинг икки олими Ҳасан Басрий ва Муҳаммад ибн Сийридан сўранг, ана улар бизнинг ўртамизда ажрим қилишга энг қодир кишилар, – деди. Бу икки улуғ зот билан Иёсдан кўра Қосимнинг борди-келдиси кўпроқ эди. Қосим Иёснинг тадбирини тушунди. Агар амир улар билан маслаҳатлашадиган бўлса, албатта, Қосимни тайинлашга маслаҳат беришади. Шунда Қосим ҳам ўз сўзини айтди:

– Эй амир, мен ҳақимда ҳам, Иёс ҳақида ҳам ҳеч кимдан сўраманг. Эй амир, Аллоҳга қасам ичиб айтаман, Иёс Аллоҳнинг динида ва қозилик ишларида мендан кўра олимроқдир. Агар мен бу қасамимда ёлғон сўзлаётган бўлсам, мендек сўзида ёлғон аралаштирадиган кишини қозиликка тайинлаш дуруст эмас. Агар қасамим рост бўлса, ҳақли одам қолиб, ҳақсиз одамни тайинлаш ҳам дуруст бўлмайди.

Шунда Иёс волийга:

– Эй амир, сиз бир кишини чақириб, унга қозиликни таклиф қилишингиз билан, уни жаҳаннам лабига олиб бориб қўйдингиз. Энди у, ёлғон қасам ичиб бўлса ҳам, ўзини бундан халос қилмоқда. Кейин ёлғон қасам ичгани учун Аллоҳга истиғфор айтиб тавба қилади ва қўрққан нарсасидан ўзини қутқариб қолади, – деди. Шунда Адий:

– Шунини фаҳмлаган сиздек заковат соҳиби қозиликка ҳақлироқ ва лойиқдир, – деди ва Иёсни Басрага қози этиб тайинлади.

Умар ибн Абдулазиздек зоҳид халифа Басрага қози бўлишини ихтиёр этган бу киши ким экан? Ҳотим Тоийнинг (Ҳотамтой) сахийлиги, Аҳнафнинг ҳалимлиги ва Амр ибн Маъди Карибнинг мардлигида зарбул-масал қилингани каби, унинг заковати ва фаҳму фаросати ҳақида ҳам зарбул-масаллар қилинган бу киши ким ўзи? Келинлар, бу кишининг ҳаётини бошидан ўрганамиз, зеро, унинг ҳаёти нодир ҳодисаларга бой ва қизиқарлидир.

Иёс ибн Муовия ибн Қурра Музаний ҳижратнинг қирқ олтинчи йили, Нажднинг Ямома минтақасида дунёга келди. Оиласи билан Басрага кўчиб, шу ерда ўсиб-улғайиб, таълим-тарбия олди. Ўсмирлик чоғида у Дамашққа



ҳам тез-тез қатнаб, саҳобаи киромлар ва улуғ тобеинлардан дарс олди. Музанийлик бу болада ёшлигиданоқ улуғворлик ва закийлик аломатлари зоҳир бўлиб, бу ҳақдаги хабарлар ва нодир ҳодисалар одамлар оғзига тушган эди. Шулардан бири:

“Иёс аҳли зиммалардан бўлган бир яҳудийда ҳисоб илмини таълим оларди. Бир куни муаллимнинг олдига ўзига ўхшаган яҳудий ошналари жамланиб, дин ҳақида гаплашиб ўтиришди. Четда қолган Иёс эса, жимгина уларни тинглаб ўтирарди. Муаллим ошналарига:

– Муслмонлардан ажабланмайсизми, улар жаннатда турли таомлар ейишаркан-у, аммо қазои ҳожат қилмас эканлар?! – деди. Шунда Иёс муаллимга қараб:

– Сизни ажаблантираётган иш ҳақида гапирсам, майлими? – деди.

Муаллим айтди:

– Майли, гапир.

Иёс деди:

– Шу дунёда ейилган ҳар бир нарса, чиқинди бўлиб ҳожатда чиқиб кетадими?.

– Йўқ.

– Унда чиқмайдигани қаерга кетади?.

– Жисмга озуқа бўлиб сингади.

– Шу дунёнинг ўзида еганларимизнинг баъзиси жисмимизга озуқа бўлиб кетар экан, жаннатда унинг ҳаммаси озуқа бўлиб кетишидан нега ажабланасиз?

Муаллим қўли билан унга нуқиб: “Ҳа, яшшамагур сен бола”, деб қўйди”.

Иёс улғайган сари, унинг заковати ҳақидаги хабарлар ҳам улғаяверди. Ривоят қилинишича, Иёс ўспиринлик чоғида Дамашққа келади. Иттифоқо, у ерда дамашқлик қария билан бир ҳақ устида тортишиб қолади. Уни ҳужжат билан қониқтира олмагач, қозининг ҳузурига борадилар. Қозининг ҳузурида Иёс бироз қизишиб, даъволашаётган қарияга баланд овозда гапириб юборади. Шунда қози:

– Овозингни пастроқ қил, эй бола, сени қаршингда ёши ва қадри катта инсон турибди, – дейди. Иёс:

– Лекин ҳақиқат ундан каттароқдир, – деб жавоб беради.

Қозининг жаҳли чиқади:

– Жим бўл!

Иёс:

– Жим бўлсам, менинг ҳужжатимни ким гапиради?

Қозининг ғазаби ошиб:

– Қозихонага кирганингдан бери фақат ботил сўзларни сўзлаяпсан-а, – дейди. Иёс айтади:

– Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир. У ягонадир шериги йўқдир. Бу гап-чи, ҳақми ёки ботилми?

Қози ғазабидан тушиб:

– Ҳақ, ҳақ... Каъбанинг Раббига қасамки ҳақ, – дейди...

Музанийлик бу йигит илм таҳсил қилишга астойдил киришиб, Аллоҳ насиб этганича ундан қониб-қониб симирди. Ҳатто у илмда шундай катта даражага эришдики, ёш бўлишига қарамай, катталар унга бўйсунар, уни ўзларига имом қилиб, орқасида туриб унга иқтидо қилишар ва қўлида шогирд бўлиб таълим олишар эди. Абдулмалик ибн Марвон халифа бўлишидан аввалги йилларнинг бирида Басрага келганида тўртта яшил чопонли, соқолли қориларнинг олдида, ҳали мўйлаби сабза урмаган ёш Иёснинг имом бўлиб намоз ўқимоқчи эканини кўриб:

– Мана бу соқол эгаларига ҳайронман, ичларида пешволикка лойиқ бирон ёши катта олим йўқми, бу ёш болани ўтказибдилар? – деди. Сўнгра Иёсга қараб:

– Ҳой бола, ёшинг нечида? – деб сўради. Шунда Иёс:

– Ёшимми, ёшим... Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар бўлган лашкарга амир этиб тайинлаган Усома ибн Зайднинг ёшидаман, – деб жавоб берди.

Бу жавобдан лол қолган Абдулмалик ибн Марвон:

– Боракаллоҳ! Ўтавер, болам, ўтавер, – деди.

Яна қайсидир бир йили одамлар улуғ саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу бошчилигида Рамазон ҳилолини кўриш учун очиқ майдонга чиқдилар. Шу кунларда бу улуғ саҳобий юз ёшни қаршилаган эди. Ҳамма осмонга тикилган, ойни қидирган, аммо ҳеч ким кўрмаётган дамда, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу осмонга тикилиб: “Мен кўряпман, ҳов ана ой, ҳов ана”, деб қўллари билан кўрсатди. Бироқ ҳеч ким уни кўрмади. Ҳамма осмонга тикилганида, фаросатли Иёс Анас розияллоҳу анҳуга қаради. Қараса, қошларининг узун бир толаси кўзларига тушиб турган экан, одоб билан изн сўраб, қошларини силаб тўғрилаб қўйди ва: “Эй Расулulloҳнинг соҳиблари, энди қаранг-чи”, деди. Анас розияллоҳу анҳу осмонга тикилиб қараб айтди: “Йўқ, энди кўринмаяпти, энди кўрмаяпман”.

Иёс ибн Муовия Музанийнинг заковати ҳақидаги хабарлар тарқалганда тарқалди. Одамлар унинг ҳузурига ҳар тарафлардан келиб, ўзларининг илм

ва дин ишларидаги мушкулларини арз қилар, баъзилар маърифатни истасалар, айримлар эса ожиз қолдириш, ботил нарсаларда тортишишни хоҳлар эди. Мана, шундай воқеалардан бири:

“Кунларнинг бирида бир қабила раиси келиб:

-Эй Абу Воила (Иёс ибн Муовиянинг кунялари) мускир (маст қилувчи ичимлик) ҳақида нима дейсиз? – деб сўради. Иёс ибн Муовия:

– Ҳаром, – деди.

– Нега ҳаром бўлади, ахир у оловда қайнатилган сув ва хурмодан таркиб топган бўлса, буларнинг бари ҳалол нарсалар эмасми?.

– Гапириб бўлдингми, раис, ёки яна гапинг борми?

– Гапириб бўлдим.

– Агар бир ҳовуч сув олиб, шуни юзингга сепсам оғритадимми?

– Йўқ, оғритмайди.

– Агар бир сиқим тупроқ олиб, шуни юзингга сочсам-чи, оғритадимми?

– Йўқ, оғритмайди.

– Агар бир сиқим сомон олиб, шуни юзинга отсам оғритадимми?

– Йўқ.

– Энди шу тупроқни олиб, унга сомонни аралаштириб, устидан сув солиб гувала қилсам ва буни қуёшда пиширсам, кейин шу билан юзинга урсам, оғритадимми?

– Ҳа, оғритади, ўлдириб қўйиши ҳам мумкин.

– Маст қилувчи ичимликнинг ҳукми ҳам худди шундай. Унинг ҳам бўлаклари жамланиб ачитилса, ҳаром бўлади...”

Иёс ибн Муовия қозилик вазифасига тайинлангач, заковатининг очилмаган қирралари, тадбирининг кенглиги ва ҳақиқатни топишдаги нодир маҳорати зоҳир бўла бошлади. Мана, бир мисол: “Икки киши жанжаллашиб, унинг ҳузурига келишди. Бири иккинчисига маълум миқдордаги молни омонат қолдиргани, энди шу омонатни қайтариб беришни сўраганида, инкор қилаётганини айтди. Иёс ибн Муовия омонатни тан олмаётган кишидан сўраган эди, у яна омонатни инкор қилиб:

– Даъвогарнинг ҳужжати бўлса олиб келсин, бўлмаса, қасам ичишдан бошқа менинг устимда ҳаққи йўқдир, – деди. Иёс ибн Муовия қасам билан бировнинг моли ноҳақ еб кетилишидан қўрқди. Даъвогардан:

– Қайси жойда молингни омонат берган эдинг? – деб сўради.

Даъвогар: “Фалон ерда”, деб жойини айтди.

– Ўша ерда нима бор эди?

– Катта бир дарахт бор эди. Дарахтнинг сояси остида ўтириб овқатландик, сўнг кетишимиздан олдин омонатни бердим.

Иёс ибн Муовия айтди:

– Ўша дарахтнинг олдига қайтиб бор, шояд дарахт сенга молингни қаерга қўйганини ва нима қилганини эслатса, кейин ҳузуримга қайтиб келиб нима ҳол бўлганини менга айтасан.

Даъвогар кетгач, Иёс ибн Муовия омонатни инкор қилаётган кишига қараб:

– Даъвогар қайтгунига қадар шу ерда ўтира тур, – деди ва ҳузурида навбат кутиб турган одамларга юзланиб, уларни эшита кетди. Бироқ омонатни инкор қилаётган кишидан ҳам назарини узмай, кўзининг қири билан уни кузатиб турарди. Бир оз вақт ўтгач, уни хотиржам, бепарво ўтирганини кўриб, тўсатдан:

– Нима деб ўйлайсан, даъвогар сенга омонатни берган жойга етиб борганмикин? – деб сўради. У киши ўзи билмаган ҳолда, ўйламай:

– Йўқ, ҳали етиб бормаган бўлса керак. У ер анча узоқ, – деб қўйди. Шунда Иёс ибн Муовия:

– Эй Аллоҳнинг душмани, омонатни инкор қиласан, аммо уни қаерда олганингни биласан. Аллоҳга қасамки сен хоинсан, – деди. У киши ҳайрат ва даҳшатда жим ўтириб қолди, сўнг хиёнат қилганига иқрор бўлди. Иёс ибн Муовия уни даъвогар келгунига қадар ушлаб турди ва омонатни қайтариб беришга амр қилди”.

Яна шундай воқеалардан бири: “Икки киши эркаклар бошларига ташлаб юрадиган икки рўмол устида тортишиб, Иёс ибн Муовиянинг ҳузурига даъволашиб келишди. Рўмолларнинг бири яшил, қимматбаҳо янги рўмол, иккинчиси эса қизил рангли эски рўмол эди. Даъвогар сўз бошлади:

– Чўмилиш учун кийимларимни ечиб ҳовузга тушдим. Рўмолимни ҳовузнинг четига кийимларим ёнига қўйган эдим. Бу киши келди ва ўзининг қизил рўмолини менинг рўмолим ёнига қўйиб, у ҳам ҳовузга тушди, кейин мендан аввал ҳовуздан чиқди ва кийимларини кийиб, менинг рўмолимни бошига ташлаб кетиб қолди. Орқасидан югуриб: “Ҳой, биродар, ахир бу менинг рўмолим-ку, қайтариб бер”, десам, “йўқ, бу меники”, деб бермаяпти.

Иёс гумондорга қараб:

– Сен нима дейсан? – деб сўради.

– Рўмол меники, мана қўлимда турибди, – деди. Даъвогарга:

– Рўмол сеники эканига бирон ҳужжатинг борми? – деб сўраган эди, даъвогар:

– Йўқ, – деб жавоб берди. Шунда Иёс ходимларидан бирига:

– Менга тароқ олиб келинг! – деб амр қилди. Тароқ олиб келингач, даъволашаётган кишиларнинг сочини таради. Бирининг сочидан қизил толалар, бошқасидан эса яшил толалар чиқди. Сочидан қизил толалар чиққан кишига қизил рўмолни, яшил толалар чиққан кишига яшил рўмолни беришга ҳукм қилди”.

Иёс ибн Муовия Музанийнинг фаросат ва заковати ўткирлигига далолат қилувчи воқеалардан яна бири: “Кўфа шаҳрида одамларга ўзини тақволи, омонатдор қилиб кўрсатадиган бир киши бор эди. Бу киши ҳақида мақтовлар ҳам, унга ишонувчилар ҳам кўпайиб кетди. Одамлар сафар қилмоқчи бўлсалар, молларини унга омонат қолдирадиган, ажаллари яқинлашганини сезганлар эса, болаларига уни васий қиладиган бўлиб қолишди. Кунларнинг бирида бир киши келиб, унга ўзининг бир қанча молини омонат қолдирди. Вақт ўтиб, қайтиб келиб молини сўраганида, у тан олмади. Бу ҳолдан ҳайрон қолган киши нима қиларини билмай, охири қози Иёснинг ҳузурига бориб, арзини баён қилди. Иёс унга:

– Мени ҳузуримга шикоят қилишингни унга айтганмидинг? – деб сўради. Шикоятчи:

-Йўқ, – деди.

Иёс ибн Муовия:

– Ҳозир кетавер, аммо эртага яна келгин! – деб тайинлади, сўнг ҳалиги омонатдор деб танилган кишини чақиртирди. Келгач:

– Менинг ҳузуримда қаровчиси йўқ етим болаларнинг кўпгина моллари йиғилиб қолди. Шунинг сенга топширишни ва етим болаларга сени васий қилишни ихтиёр этдим. Шунга вақтинг бемалол ва жойинг ишончлими? – деб сўради. У:

– Ҳа, бемалол муҳтарам қози, – деб жавоб берди. Иёс ибн Муовия:

– Ундай бўлса, молни сақлашга жой ҳозирла, индинга молни кўтариб кетишга ҳаммоллар билан кел, – деди. Эртасига топшириққа кўра шикоятчи келди. Иёс ибн Муовия:

– Ҳозир сен унинг олдига бор, яна бир бор молингни қайтариб беришини талаб қил, агар яна инкор қилса, “Қозига шикоят қиламан” деб айт! – деди. Шикоятчи бориб ундан молини қайтаришни талаб қилганида, у ҳеч қандай омонат олмаганини айтиб, молни беришдан бош тортди. Шунда Иёс айтганидек:

– Ундай бўлса қозига шикоят қиламан, – деди. Бу сўзни эшитиши биланоқ омонатини қайтариб берди ва узр айтиб уни юпатиб ҳам қўйди. Шикоятчи Иёснинг ҳузурига қайтиб:

– У омонатимни қайтариб берди, Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан мукофатласин, – деб миннатдорлик билдирди. Ваъдалишилган кунда ўзини омонатдор қилиб кўрсатиб юрган киши, бир қанча ҳаммоллар билан қозининг олдига келганида, Иёс ибн Муовия унинг кирдикорларини фош этиб шарманда қилди ва: “Сен қандай ҳам ёмон одам экансан, эй Аллоҳнинг душмани! Дунё топиш учун динни қопқон қилиб олибсан-а”, деб койиди”.

Иёс ибн Муовия шунчалик ўткир заковати, топқирлиги ва ҳозиржавоблигига қарамай, баъзида уни ҳужжат билан қониқтириб, чорасиз қолдирганлар ҳам бўлган. Бу ҳақдаги ҳикояни унинг ўзидан эшитамиз: “Мени биров мағлуб қила олмаган эди. Фақат бир киши бунга муваффақ бўлди. Бир куни Басрада қозихонада эдим, ҳузуримга бир гувоҳни олиб келишди. У фалон боғ фалончининг боғи эканига гувоҳлигини айтиб, боғнинг ҳудудини белгилаб берди. Мен унинг гувоҳлигини текшириб:

– Боғнинг ичида қанча дарахти бор? – деб сўрадим. У бир оз жим ўтириб, сўнг шифтга қараб:



– Муҳтарам қози, неча йилдан бери шу ерда қозилик қиласиз? – деди.  
Мен:

– Фалон йилдан бери, – деб айтдим. У:

– Унда айтинг-чи, шу шифтнинг вассажуфтлари нечта? – деди. Мен билмадим ва унга:

– Сен ҳақсан, – деб, унинг гувоҳлигини қабул қилдим”.

Иёс ибн Муовия ёши етмиш олтига етганда бир туш кўрди. Тушида отаси билан ўзи от миниб, ёнма-ён борар, на отаси ва на ўзи ўтиб кетмай, баробар кетишаётган экан. Отаси етмиш олти ёшда вафот қилган эди. Шу куни Иёс ибн Муовия аҳлидан:

– Бугун қандай кунлигини биласизми? – деб сўради. Улар:

– Йўқ, – деб жавоб беришди. Иёс ибн Муовия:

– Шу кеча отамнинг умрлари ниҳоясига етган, – деди ва тонгга етмай шу тунда вафот етди.

Қози Иёсни Аллоҳ раҳматига олсин. Дарҳақиқат, у замонасининг заковат ва фаросатда ҳамда ҳақни билиш ва унга етишдаги нодир шахслардан бири эди.

## Умар ибн Абдулазиз

“Умар ибн Абдулазиз аҳли илмлар наздида, амал қилувчи олимлардан ва хулафои рошидинлардан ҳисобланади”.  
(Имом Заҳабий)

Хулафои рошидинларнинг бешинчиси, обид, зоҳид халифа Умар ибн Абдулазиз ҳақида суҳбатлашиш мушқдан ҳам хушбўйроқ, гулдан ҳам гўзалроқдир. Зеро, у зотнинг ажойиб ёрқин ҳаёти хушбўй гулларга тўла боғга ўхшайдики, унинг қаерига келсангиз ҳам, тоза майсаси, гўзал чечаклари ва янги-янги меваларидан баҳра олаверасиз.

Тарих саҳифаларини бойитган бу сийратнинг ҳаммасини келтириш имконият доирамиздан ташқарида, лекин унинг боғидан бир гулни узиб олиш ва унинг ўхшаши йўқ ифоридан баҳра олиш имконимиз доирасидадир. Ҳаммасига эришиб бўлмайдиган нарсанинг бир қисми тарк қилинмайди, дейилганидек, сиз азизларга Умар ибн Абдулазизнинг ҳаётларидан уч лавҳани ҳавола қиламиз.

### Биринчи лавҳа

Мадинанинг олими, қозиси ва устози Салама ибн Дийнор ҳикоя қилади: “Бир куни халифа Умар ибн Абдулазиз билан кўришиш ниятида йўлга отландим. У Ҳалаб (Суриядаги шаҳар) юмушлари билан Хуносира деган жойда экан. Ёшим улғайиб, анча кексайиб қолган эдим. Умар ибн Абдулазиз билар кўришмаганимизга ҳам анча йиллар бўлган эди. Хузурига кирдим, хонанинг ўртасида ўтирган экан. У Мадинада волий бўлиб турганида кўрганимча қайтиб кўрмаганим ҳамда кўринишининг ўзгариб кетганидан танимай қолибман. Халифа менга салом бериб: “Яқинроқ келинг, Абу Ҳозим”, деди. Уни яқиндан кўргач: “Мўминларнинг амири Умар ибн Абдулазизмисиз?” дедим. У: “Ҳа...” деди. Мен: “Нима бўлди сизга? Ёш, кўркам, тароватли эдингиз, ҳаётингиз ҳузур-ҳаловатда, роҳат-фароғатда эмасмиди?” деб сўрадим. Яна: “Ҳа”, деди. Мен: “Олтин-у кумушларга эга бўлганингиз ва мўминларнинг халифасига айланганингиздан сўнг, сизни бу даражада нима ўзгартириб ташлади?” деб сўрадим кейин. Халифа: “Нима ўзгарибди, эй Абу Ҳозим?” деди. “Озиб-тўзиб кетибсиз, юзингиз сарғайиб, ажин тушибди, кўзингизнинг нури ҳам сўлибди”, дедим. Умар ибн Абдулазиз йиғлаб юборди ва: “Қабрда икки кўзим лунжимга оқиб тушган, қорним шишиб титилган ҳамда қурт-қумурсқалар танамни кемириб юрган – мана шу уч ҳолатдан кейин кўрсангиз, ана ўшанда умуман танимаган бўлар эдингиз”, деди. Сўнг менга юзланиб: “Мадинада менга айтган ҳадис ёдингиздами, эй Абу Ҳозим?” деб савол ташлади. “Сизга кўп ҳадисларни айтганман, қай бирини назарда тутяпсиз?” дедим. Умар ибн Абдулазиз: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис”, деди. “Ҳа, эсладим”,

деган эдим, “Шу ҳадисни яна айтиб беринг, мен сиздан эшитишни хоҳлайман”, дея илтимос қилди. Мен: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан: “Мен Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг: “Қаршингизда машаққатли ва ҳалокатли тўғон бор, ундан (ибодат ва жиҳод сабаб) озиб кетган кишигина ўта олади”, деганларини эшитдим”, деб ривоят қилган ўша ҳадисни айтиб бердим. Умар ибн Абдулазиз қаттиқ йиғлаб юборди, ҳатто мен жигари ёрилиб кетмаса эди, деб қўрқдим. Сўнг кўз ёшларини арта-арта менга қараб: “Мана шу тўғондан ўтиб, нажот топиш мақсадида жисмимни ориқлатганимга мени маломат қиласизми? Аммо мен ўзимни нажот топган деб ўйламайман”, деди.

### **Иккинчи лавҳа**

Имом Табарий Туфайл ибн Мирдосдан ривоят қилади: “Мўминлар амири Умар ибн Абдулазиз халифа бўлганидан сўнг, ўзининг “Сўғд”даги волийсига қуйидагиларни айтиб мактуб йўллаган эди: “Шаҳрингизга мусулмонлар учун меҳмонхоналар қуришлар. Бирор бир мусулмон келса, бир кеча ва кундуз меҳмон қилинлар, ҳол-аҳволини ўнглаб, уловига ҳам қаранлар. Агар машаққат чеккан ва жуда чарчаган бўлса, икки кеча-кундуз меҳмон қилинлар ҳамда унга ёрдам беринлар. Ва агар бирон маблағи ҳам, улови ҳам бўлмаса, унинг ҳожатини ўтайдиган миқдорда маблағ билан таъминлаб, шаҳрига элтиб қўйинлар”.

Волий мўминлар амирининг буйруғига бўйсиниб, меҳмонхоналар қуриб, мусофирлар учун ҳозирлаб қўйди. Бунинг хабари ҳар ёққа тарқаб, Ислом диёрларининг машриқу мағрибидаги одамлар бу ҳақда гапиришар ва халифанинг адолати ва тақвосини мақташар эди.

Самарқанд аҳлининг обрўли кишилари волий Сулаймон ибн Абу Сарийнинг ҳузурига келиб: “Сиздан аввалги волий Қутайба ибн Муслим Боҳилий бизнинг шаҳримизга ҳеч бир огоҳлантиришсиз бостириб кирди, биз билан жанг қилишда сизларнинг йўлингизни тутмади... Биз биламизки, сизлар душманингизни аввал Ислом динига киришга чақирасиз, агар бош тортсалар, жизя тўлашни таклиф қиласиз, бундан ҳам бош тортсалар, шундагина уларга қарши уруш эълон қиласиз. Биз сизларнинг халифангизнинг адолати ва тақвосини эшитгач, лашкарларингиз ва унинг бир қўмондони устидан шикоят қилишга ўзимизда журъат топдик. Шунинг учун, эй амир, рухсат берсангиз, биз халифангиз ҳузурига бориб, ўзимизга етган зулмни у кишига билдирсак. Агар ҳақ биз тарафда бўлса, ҳаққимизни оламиз, агар ноҳақ бўлсак, яна қайтиб келаверамиз” дейишди. Волий Сулаймон халифанинг ҳузурига бориш учун рухсат берди ва Самарқанд аҳлининг вакиллари Дамашққа қараб йўл олишди. Етиб боришгач, халифанинг ҳузурига киришди ва унга шикоятларини айтишди. Шикоятни эшитган халифа Умар ибн Абдулазиз дарҳол волий Сулаймон ибн Абу

Сарийга мактуб ёзиб, қуйидагиларни битди: “Аммо баъд... Бу мактубим сенга етиб боргач, Самарқанд аҳлининг шикоятларини тинглайдиган қозини ҳозирла... Агар қози Самарқанд аҳлининг фойдасига ҳукм чиқарса, муслмон лашкарларни уларнинг шаҳарларидан чиқиб кетишга амр қил. Уларнинг ораларида яшаётган муслмонларга ҳам шаҳарни ташлаб чиқишларини айт. Қутайба ибн Муслим Боҳилий Самарқандга киришидан олдинги ҳолат қандай бўлса, сизлар ҳам, улар ҳам ўша ҳолатга қайтинглар,” деб амр қилди.

Самарқанд шаҳрининг вакиллари ортга қайтиб, мўминлар амирининг мактубини волий Сулаймон ибн Абу Сарийга топширишди. Хатни ўқиғач, волий дарҳол катта қози Жумайъ ибн Ҳозир Ножийни Самарқанд аҳлининг шикоятларини тинглаш учун ўтирғизди. Қози уларнинг шикоятларини эшитиб, ҳолатни батафсил ўрганиб чиқди. Муслмон лашкарлари ва қўмондонларидан ҳам бир қанчаларининг гувоҳликларини тинглади ва уларнинг даъволари ойдин бўлгач, Самарқанд аҳлининг фойдасига ҳукм чиқарди. Ҳукмни эшитгач, волий муслмон лашкарларга шаҳарни ташлаб чиқишга, қароргоҳларига қайтиб, яна қайтадан жанга отланишга амр қилди... Ё уларнинг шаҳрига сулҳ тузиб кирадилар, ёки жанг орқали ғалаба қозониб фатҳ қиладилар ва ёки тақдирда битилмаган бўлса, фатҳга эриша олмасликлари ҳам мумкин.

Самарқанд аҳлининг ақлли ва обрўли кишилари муслмонлар қозиси уларнинг фойдаларига чиқарган ҳукмни эшитишгач, бир бирларига айтдилар: “Муслмонлар билан аралашиб бирга яшадик, уларнинг хулқларини, адолатини ва садоқатини кўрдик. Уларнинг қандай қавм эканини кўра билатуриб, чиқариб юборсак ҳолимизга вой бўлмайдимиз, ахир. Уларни ўзимиз билан олиб қолайлик, улар билан хотиржамликда, бахт-саодатда бирга яшайверайлик...”

### **Учинчи лавҳа**

Ибн Абдулҳакам “Умар ибн Абдулазизнинг сийрати” номли ўзининг нафис китобида ҳикоя қилади: “Умар ибн Абдулазизга ўлим соати яқинлашганида, унинг ҳузурига Маслама ибн Абдулмалик киради ва: “Эй мўминлар амири, сиз мол-дунёга эгалик қилишдан фарзандларингизни тўсиб қўйдингиз, агар уларга мени ва ё аҳли байтингиздан ўзингиз ортиқ кўрган биронтасини васий қилиб қолдирсангиз, жуда яхши бўлар эди”. Маслама сўзини тугатгач, Умар ибн Абдулазиз: “Мени ўтқазиб қўйинглар”, деди. Ўтқазиб қўйишгач: “Эй Маслама, сўзингни эшитдим. Аммо “мол-дунёга эгалик қилишдан фазандларингизни тўсиб қўйдингиз”, деган сўзинг, Аллоҳга қасамки, мен уларга тегишлик бўлган ҳақдан биронталарини манъ қилганим йўқ ва шу билан бирга уларга тегишлик бўлмаган биронта

нарсани ҳам уларга берганим йўқ. Энди “агар уларга мени ва ё аҳли байтингиздан ўзингиз ортиқ кўрган биронтасини васий қилиб қолдирсангиз, жуда яхши бўлар эди”, деган сўзингга келсак, мен уларга васий қилиб қолдирадиган Зот ва менинг Эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур. Шунин билки, эй Маслама, менинг фарзандларим икки тоифанинг бири бўладилар: ё солиҳ тақводор одам бўладилар, агар шундай бўлсалар, Аллоҳ уларни фазлу карами билан бой-бадавлат қилади ва улар учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилиб қўяди; ёки гуноҳларга ботган ёмон одам бўладилар, агар шундай бўлсалар, Аллоҳга маъсият қилишларида мен уларга мол-дунё билан ёрдам берувчи бўлмайман”, деди ва фарзандларини чақиришларини сўради. Ҳаммаларини чақирдилар. Улар ўн тўққизтача эди. Барчаси кириб келишди. Умар ибн Абдулазиз уларни кўриб, икки кўзи ёшга жик тўлди ва: “Жоним фидо бўлсин бу йигитларга, ҳеч вақолари йўқ камбағал ҳолда уларни ташлаб кетяпман”, деб ичидан тўлиб йиғлади. Сўнг фарзандларига қараб: “Болажонларим, мен сизларга кўп яхшиликларни қолдириб кетяпман. Сизлар биронта мусулмоннинг ёки зиммийнинг олдидан ўтсангиз, уларнинг устида сизнинг ҳаққингиз борлигини билиб турадилар. Болажонларим, икки ишдан бирини танлаш ихтиёри турибди: сизлар бой-бадавлат бўлиб, отангиз дўзахга кириши ва ёки сизлар камбағал қолиб, отангиз жаннатга тушиши. Бойликдан воз кечиб, отангизни дўзахдан қутқариб қолишни ихтиёр этасиз, деб ўйлайман”, деди. Сўнг меҳр билан уларга боқиб: “Бораверинглар. Аллоҳ сизларни ҳифзи-ҳимоясида сақлаб, ризқингизни мўл-кўл қилиб берсин”, деб айтди. Маслама ибн Абдулмалик Умар ибн Абдулазизга қараб: “Эй мўминлар амири, менда бундан кўра яхшироқ фикр бор”, деди. Умар ибн Абдулазиз сўради: “Нима экан у?” “Менда уч юз минг дийнор бор, – деди Маслама ибн Абдулмалик, –шунин сизга ҳадя қиламан, сиз эса фарзандларингизга бўлиб беринг, хоҳласангиз, садақа қилиб юборинг”. Умар ибн Абдулазиз: “Менда сеникидан кўра яхшироқ фикр бор”, деди. Маслама ибн Абдулмалик: “Нима экан у, эй мўминлар амири?” деб сўраган эди, Умар ибн Абдулазиз: “Шу дийнорлар кимдан олинган бўлса, эгаларига қайтариб бер, чунки бунга сен ҳақли равишда эга бўлмагансан”, деди. Масламанинг икки кўзи намланди: “Аллоҳнинг раҳмати бўлсин сизга, эй мўминлар амири, қотиб кетган қалбларимизни юмшатдингиз, унутганларимизни эслатдингиз ва биз учун яхши инсонлар ичида ном қолдирдингиз”, деди...

\* \* \*

Умар ибн Абдулазиз вафотидан сўнг фарзандларининг ҳаётларини кузатган одамлар, уларнинг биронталари камбағал ва муҳтож бўлмай яшаганларини кўрдилар. Аллоҳнинг сўзи ростдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтган: **“Фаразан ўзлари ҳам вафот этиб, ортларидан ёш ва заиф болаларни қолдириб кетсалар, ўша фарзандларига зулм ё зоелик етишидан қўрқадиган кишилар энди бошқалар ҳаққидан ҳам қўрқсинлар ва қўллари остида бўлган етимлар ва бошқалар хусусида уларнинг молларини асраб-авайлаш, ўзларини чиройли тарбия қилиш ва уларга етадиган озорларни даф қилиш билан Аллоҳдан тақво қилсинлар ва уларга тўғри ва яхши сўзларни айтсинлар!”** (Нисо сураси, 9).

## Умар ибн Абдулазиз ҳамда ўғли Абдулмалик

“Билмайсанми, ҳар бир қавмнинг ўз аслзодаси бўлади... Бани Умайянинг аслзодаси Умар ибн Абдулазиздир”.

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн

Улуғ тобеин, мўминларнинг амири Умар ибн Абдулазиз ўтмишдоши Сулаймон ибн Абдулмаликни қабрга қўйиб, қўлидаги тупроқни қоқиб улгурмасидан, ерни зириллатиб келаётган зарбалар товушини эшитди. “Ниманинг товуши бу?” деб сўраган эди, “Халифа минадиган арава, эй амирулмўминин, сиз учун ҳозирлаб қўйилди”, деб жавоб беришди. Кўз қири билан унга бир қараб олган Умар ибн Абдулазиз чарчоқ ва бедорлик туфайли заифлашган товушда: “Бунга менинг ҳожатим йўқ, олиб кетинглар! Менга ўзимнинг хачиримни олиб келинглар, барака топинглар, шу менга етарлидир”, деди. Хачирга мингач эса, миршаблар бошлиғи найза тутган соқчиларни ўнг ва чап тарафга саф торттириб, ўзи халифанинг олдига тушиб олди. Умар ибн Абдулазиз миршаббошига қараб: “Менинг сизларга ҳожатим йўқ. Мен мусулмонларнинг бириман, холос, улар қандай юришса, мен ҳам шундай юраман”, деб, одамлар билан бирга масжид сари йўл олди. Жарчи одамларни масжидга чорлаб жар солганида, мусулмонлар ҳар тарафдан ёғилиб келдилар. Сафлар тўлгач, Умар ибн Абдулазиз туриб гапира бошлади. Олдин Аллоҳ таолога ҳамду сано ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломлар айтди, сўнг шундай деди: “Эй одамлар, мен бу мансабга бирон бир талабсиз, ихтиёрсиз ҳамда мусулмонларнинг маслаҳатсиз тайинланиб қолдим. Шунинг учун бўйнингиздаги менга бўлган байъатни ечиб, ихтиёрни ўзингизга бердим. Ўзингиз рози бўладиган халифани сайлаб олинглар”. Одамлар: “Биз сизни ихтиёр этдик ва сизни халифа бўлишингизга розимиз. Ишимизга садоқат ва Аллоҳнинг баракаси билан бош бўлаверинг”, деб, бир овоздан жавоб бердилар. Овозлар тиниб, қалблар таскин топганини кўргач, яна бир бор Аллоҳга ҳамду сано ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавотлар айтиб, одамларни тақво қилиш ва дунёда зоҳид бўлишга ундади, охиратга рағбатлантирди, ўлимни эслатди... Уларга ўлимни шундай услубда эслатдики, қотиб кетган қалблар юмшаб, осий кўзлардан тирқираб ёшлар қуйилди, сўзловчининг юрагидан чиқиб, эшитувчининг қалбига ўрнашди. Сўнг ҳамма эшитиши учун толиққан товушини баландлатиб: “Эй одамлар, Аллоҳга бўйсунган кишигагина итоат қилинади, Аллоҳга итоат этмаса, унга ҳам итоат йўқдир. Модомики, мен сизлар ҳақингизда Аллоҳга

итоат қилар эканман, сизлар ҳам менга бўйсунинглар. Аллоҳга осийлик қилсам, биронтангиз менга итоат қилманг”, деди. Сўнг минбардан тушиб, уйига йўл олди. Халифанинг вафотидан сўнг етган чарчоқни чиқариш мақсадида хонасига кириб бир оз дам олмоқчи бўлиб ёнбошлаган эди ҳамки, ўн етти ёшли ўғли Абдулмалик кириб: “Мўминларнинг амири нима қилмоқчилар?” деб сўради. Умар ибн Абдулазиз айтди: “Танамда куч қолмади, шунинг учун бир оз мизғиб олмоқчиман”.

- “Мазлумларга ҳақларини олиб бермасдан аввал дам олмоқчимисиз?”

- “Эй ўғлим, Сулаймон амакинг вафот этганидан бери мижжа қоққаним йўқ. Пешин вақти бўлсин, одамларга намоз ўқиб бергач, Аллоҳ хоҳласа, мазлумларга ҳақларини олиб бераман”.

- “Пешингача яшашингизга бирон кимса кафил бўла оладими?”

Мана шу сўз Умарнинг ғайратини кўзғаб, кўзидан уйқуни қочириб юборди. Толиққан жасадига қувват ва ирода бахш этди. Ўғлини бағрига босиб, пешонасидан ўпди ва: “Зурриётимдан динда менга ёрдам берувчиларни чиқариб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”, деб шукрона қилди. Сўнг одамларни жамлаб деди: “Ким мазлум бўлиб, ҳаққини ололмаётган бўлса, менга айтсин...”

Одамлар “Отасини ибодатга киргизган ва зоҳидлик йўлида юргизган”, деб мақтайдиган Абдулмалик ким экан? Келинлар, бу солиҳ йигит билан яқиндан танишайлик.

Умар ибн Абдулазизнинг ўн беш фарзанди бўлиб, шулардан учтаси қиз ва қолганлари ўғил эди. Барчаси тақводан тўлиқ насибадор ва салоҳиятда ҳам юқори мақомда эди. Бу дуру гавҳар шодаларининг ичида Абдулмалик порлаб турган юлдуз каби бўлиб, ўта қобилиятли ва фаросатли, ўзи ёш бўлса ҳам, ақли катталарнинг ақли каби эди. Аллоҳ азза ва жалланинг тоатида улғайди. Хаттоб оиласидагиларга ва хусусан, Абдуллоҳ ибн Умарга тақвода, гуноҳдан тийилишда ва тоат-ибодат билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишда жуда-жуда ўхшар эди. Амакиваччаси Осим шундай ҳикоя қилади: “Дамашққа келганимда амакимнинг ўғли Абдулмаликникида меҳмон бўлдим. У вақтда ҳали бўйдоқ эди. Хуфтон намозини ўқигач, ухлаш учун



жойимизга ётдик. Абдулмалик чироқни ўчиргач, кўзлар юмилиб уйқуга кетдик. Ярим кечаси уйғониб кетдим. Қарасам, Абдулмалик туриб намоз ўқиётган экан. У Аллоҳ таолонинг: **“Эй Пайғамбар, нима дейсиз, агар Биз уларнинг ажалларини кечиктириб, узоқ йиллар бу ҳаётдан фойдалантириб қўйсак, шундан кейин уларга ваъда қилинган азоб тушса, улар ширкларидан тавба қилмаган бўлсалар, шунча узоқ умр кечирганлари ва фаровон ҳаёт ўтказганликлари уларга асқотадимми?!”** оятини ўқир эди. Ундаги мени мафтун қилган ҳолат, Абдулмалик оятларни қайта-қайта ўқир экан, юракни эзадиган даражадаги йиғлаши бўлди. Ҳар қачон оят тугагач яна қайтадан бошлар эди. Шунда мен ҳатто уни йиғидан ўлиб қолса керак, деб ўйладим. Уни бу ҳолатдан тўхтатиш учун, уйғонганда айтиладиган **“Ла илаҳа иллаллоҳ валҳамду лиллаҳ”** калимасини айтдим. Овозимни эшитгач, жим бўлди ва бошқа товуш эшитмадим”.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳунинг зурриётидан бўлган бу йигит ўша асрнинг катта уламоларига шогирд тушиб, Аллоҳнинг Каломини, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ҳамда шариат илмини мукаммал ўрганди. Ёш бўлишига қарамай, ўз давридаги Шом уламоларининг аввалги сафларидан ўрин олди. Ривоят қилинишича, Умар ибн Абдулазиз Шомнинг олиму қориларини жамлаб: **“Сизларни йиғишимдан мақсад, мендан аввал аҳли байтимиз одамлардан ноҳақ олиб қўйган бу моллар ҳақида сўрамоқчи эдим, шунга нима дейсизлар?”** деди. Улар: **“Эй мўминларнинг амири, бу иш сиз халифа бўлишингиздан аввал содир бўлган, шунинг учун бунинг гуноҳи уни ноҳақ олганлар зиммасидадир”**, деб жавоб беришди. Аммо Умар ибн Абдулазиз бу жавобдан қониқмади. Олимларнинг ичларида ҳам бу жавобга қўшилмаганлари бор эди, шулардан бири: **“Эй мўминлар амири, бу масала ҳақида Абдулмаликни чақириб сўранг, зеро, унинг илми ҳам, ақли ҳам бу ерга чақирилган олимларникидан кам эмас”**, деди.

Абдулмалик келгач, Умар ибн Абдулазиз унга: **“Амакимизнинг фарзандлари одамлардан зулм билан олиб қўйган бу мол-дунё ҳақида нима дейсан? Буларнинг эгалари келиб, молларини талаб қилишмоқда, ҳақиқатда, биз бу моллар уларнинг ҳаққи эканини биламиз”**, деди. Абдулмалик: **“Модомики, бу моллар одамларнинг ҳаққи эканини билсангиз, уни қайтариб бериш керак, чунки сиз билиб туриб уни эгаларига олиб бермасангиз, улардан зулм билан олиб қўйганларга шерик бўлиб қоласиз, деб ўйлайман”**, деб фикрини билдирди. Буни эшитган Умар ибн

Абдулазизнинг кўнгли ёришиб, қалби таскин топди ва шу билан уни ўйлантираётган масала ҳал бўлди.

Умарлар авлоди бўлган бу йигит мусулмон ҳудудларни қўриқлаш мақсадида боғу роғлар, соя-салқинлар ва зилол сувларга бой бўлган Дамашқни ташлаб, Шомнинг чегарага яқин бир қишлоғида яшашни ихтиёр этди. Умар ибн Абдулазиз ўғлининг солиҳ ва муттақий йигит эканини билса-да, уни шайтон васваса қилиб қўйишидан ёки болалик инжиқлиги домига тортиб қўйишидан қаттиқ ҳадиксираб, ўғлининг ҳар бир ҳолатини билиб туришга ҳаракат қилар, бундан асло эринмас эди. Бу ҳақда Умар ибн Абдулазизнинг вазири ва маслаҳатчиси қози Маймун ибн Меҳрон шундай ҳикоя қилади: “Бир куни Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига кирдим. У ўғли Абдулмаликка охиратни эслатувчи, жаҳаннам азобидан қўрқитиб, жаннат роҳатлари билан шодлантирувчи, насиҳатга тўла мактуб ёзаётган экан. Мана, мактубда битилган сатрлардан баъзилари: “Аммо баъд... Эй ўғлим, менинг насиҳатларимни ёдда тутиш ва сўзларимни идрок қилишга энг ҳақлиси сендирсан. Аллоҳ таоло ишларнинг катта-ю кичигида бизларга кўп яхшиликлар ато этди, бу учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, бас шундай экан сен ўзингга ва ота-онангга бўлган Аллоҳнинг фазлу марҳаматини доим ёдингда тут. Кибр-ҳаво ва ўзни катта олишдан сақлан, чунки бу ишлар шайтоннинг амалидан бўлиб, шайтоннинг ўзи эса мўминларнинг очиқ душманидир. Мен бу хатни сендан бирон ножўя иш хабари етгани учун ёзганим йўқ – Аллоҳ сақласин – мен сенда фақат яхшиликни биламан, холос, фақат ўзингга бир оз юксак баҳо бериб юборганинг хабари етиб қолди. Агар сендаги бу ҳолат мен ёмон кўрган даражага етган бўлса, сен ҳам мендан ёмон кўрган нарсангни кўрасан...” Сўнг Умар ибн Абдулазиз менга ўгирилиб: “Эй Маймун ибн Меҳрон, ўғлим Абдулмаликка нисбатан қалбимда кучли муҳаббат бор. Мана шу муҳаббат ундаги асл ҳолатни идрок қилишдан ёлиб келиб, кўпгина оталарда бўлган болаларининг айбини кўра олмаслик балоси менга ҳам етиб қолишидан қўрқаман. Сиз Абдулмаликнинг олдига бориб, ундаги яширин ҳолатлардан хабар топишга урининг. Унда кибр-ҳаво ва фахрланиш каби иллатлар борми-йўқми, шуни кузатинг. Чунки ҳали ёш бўлгани учун уни шайтон васваса қилиб қўйишидан хавотирдаман”, деди.

Маймун ибн Меҳрон айтади: “Отни қамчилаб Абдулмалик томон йўл олдим. Етиб боргач, изн сўраб, ҳузурига кирдим. Қарасам, ёш, навқирон, хушрўй ва ниҳоятда камтарин йигит экан. У жундан қилинган тўшакда ўтирар эди. Мени илиқ кутиб олиб, сўз бошлади: “Отамдан сиз ҳақингизда

жуда кўп яхши гапларни эшитганман, сиздан фойдаланиб қолиш ниятидаман”. Мен: “Қандайсиз, аҳволингиз не?” деб сўрадим. У: “Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан яхши юрибман. Аммо отамнинг мен ҳақимдаги яхши фикрлари мени мағрурлантириб юборишидан хавотирдаман. Ҳали мен отам ўйлаётган даражага етганим йўқ. Отамнинг менга бўлган муҳаббатлари мендаги асл ҳолатни билишдан тўсиб қўйиб, отамга офат бўлиб қолишдан қўрқаман”, деди. Мен ота-боланинг сўзи бир хил чиққанига ҳайратландим ва яна сўрашда давом этдим:

- Нимадан тирикчилик қиласиз?
- Ўзимнинг ҳалол пулимга ер сотиб олганман. Шунинг ҳосилидан келаётган фойда эвазига, одамлардан беҳожат бўлиб кун кечирмоқдаман.
- Таомингиз нималардан иборат?
- Баъзида гўшт, баъзида адас (ясмиқ, чечевица, мержимек) билан зайтун, яна баъзида сирка билан зайтун... Мана шулар яшаш учун етарлидир.
- Нафсингизда бирор манманлик, бино қўйиш аломатларини сезмадингизми?
- Ҳа, шулардан бир нав бор эди менда... Отам насиҳат қилиб, нафсимнинг ҳақиқатини тушунтириб, унинг ҳақирлигини кўрсатиб, қадрини пастлатиб қўйганларидан кейин Аллоҳ фойда берди ва у нарсалар мендан кетди. Аллоҳ отамни яхши мукофотлар билан мукофотласин.

Абдулмалик билан бир соатча гаплашиб, суҳбатидан баҳра олдим. Бундай очиқ юзли, ақли комил, ёш бўлишига, тажрибаси оз эканига қарамай, гўзал одобли болани кўрмаган эдим. Кун охирлаб қолганида бир йигит келиб: “Тақсир, бўшатиб қўйдик”, деди. Абдулмалик жим бўлиб қолди. Мен: “Нимани бўшатиб қўйишди?” деб сўрадим. “Ҳаммомни”, деб жавоб берди.

- Қанақасига?
- Одамлардан холи қилиб, менга бўшатиб қўйишади.
- Сал олдин менда катта таассурот қолдириб турган эдингиз, дедим.

У хижолат бўлиб, мусибатда айтиладиган “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” калимасини айтди. Сўнг: “Бунинг нимаси ёмон, амаки?” деб сўради.

- 
- 
- Нега унда одамларни ундан чиқартириб юбордингиз. Гўё сиз бу билан ўзингизни улардан устун қўймоқчимисиз ёки қадрингизни кўтармоқчимисиз? Бундан ташқари, сиз ҳаммом соҳибига кунлик дароматида зиён етказасиз, яна ҳаммомга келганларнинг ҳам орзуларини пучга чиқарасиз.
- Ҳаммом соҳибини рози қилиб, кунлик даромадини бераман.
- Бу манманлик аралашган исрофдир. Одамлар билан бирга ҳаммомга киришдан сизни нима тўсади? Сиз ҳам уларнинг бири эмасмисиз?
- Мени одамлар билан бирга киришдан тўсадиган нарса – баъзи нодонлар ҳаммомда авратини ёпмайди, кўзим уларга тушиб қолишини истамайман, шунингдек, уларни авратларини ёпишга мажбурлашни ҳам хоҳламайман, чунки улар буни “ҳокимлик билан зўравонлик қилиш” деб қабул қилишлари мумкин, Аллоҳ таоло бизларни бу салтанатдан, фойда ҳам, зарар ҳам келтирмай, тамоман халос қилишини сўрайман. Аллоҳ сизга раҳм қилсин, менга фойдали насиҳат қилинг, йўл кўрсатинг.
- Ҳаммомга келган барча одамлар чиқиб кетгунларига қадар кутиб туринг, одамлар қолмагач, сўнг кираверинг.
- Ваъда бераман, энди асло кундуз кунни ҳаммомга кирмайман. Бу диёрларнинг қаттиқ совуғи бўлмаганида умуман кирмаган бўлар эдим.

Сўнг, бир нарса ўйлаётган одамдек бошини эгиб қолди, бир оздан кейин менга юзланиб: “Сиздан ўтиниб сўрайман буни отамга айтманг, чунки мен отамнинг мендан ғазабланиб қолишларидан ва мен розилиklarини ололмай, ажал ўртамызни ажратиб қўйишидан қаттиқ қўрқаман”, деди.

Мен Абдулмаликдан бу гапни эшитгач, ақлини синаб кўриш мақсадида: “Агар мўминларнинг амири: “Ўғлимда бирон ножўя иш кўрдингизми?” деб сўрасалар, ёлғон гапиришимга рози бўласизми?” дедим. У: “Йўқ, асло, Аллоҳ сақласин, лекин сиз: “Мен унда биргина ножўя ишни кўриб насиҳат қилиб қўйган эдим, дарҳол ундан қайтди”, десангиз, отам сиз яширган нарсани ошкор қилишингизни сўрамайдилар, зеро, Аллоҳ яширган нарсани кавлаштиришдан отамни Аллоҳ пок қилган”, деди”.

Маймун ибн Меҳрон: “Мен ҳаётимда бундай ота-болани кўрмадим, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”, дейди.

Хулафои рошидинларнинг бешинчилари Умар ибн Абдулазиздан Аллоҳ рози бўлсин ва уни рози қилсин... Қабрларини ва ҳамда жигарбанди, ўғли Абдулмаликнинг қабрини мунаввар айласин...

Рофиқул-аълода кўришадиган Кунда уларга саломлар бўлсин...

Яхши, солиҳ мўминлар билан қайта тириладиган Кунда уларга саломлар бўлсин...

## Умар ибн Абдулазиз

Умар ибн Абдулазиз хилқати ҳам, хулқи ҳам гўзал, илми кенг, одамларнинг энг билимдони, кўнгилчан ва ибодатли киши эди. (Имом Заҳабий)

Тобеин ва халифа Умар ибн Абдулазизнинг сержило ва сермазмун ҳаёти ҳақида сўзлаш ҳар қандай кишини тўлқинлатиб юборади. Сиз бу нодир ҳаёт кўринишларидан бири билан танишиб улгурмасингиздан, бошқа ундан-да завқлироқ, ҳодиса-воқеаларга бойроқ ва таъсири кучлироқ кўринишларга сизни етаклайди. Биз ўтган суҳбатимизда хулафои рошидинларнинг бешинчиси ҳақида, тўғрироғи, у зотнинг ҳаётидан уч лавҳани баён қилган эдик. Келинг, мунаввар бу ҳаётнинг бошқаларидан кам бўлмаган навбатдаги уч лавҳаси ҳақида суҳбатлашиб завқланайлик.

### Биринчи лавҳа

Ражаз вазнида шеър ёзишнинг асосчиларидан бўлган шоир Дукайн ибн Саид Доримий айтади: “Умар ибн Абдулазиз Мадинанинг волийси бўлиб турган кунда уни мақтаб шеър ёзган эдим, энг зотдор туялардан ўн бештасини менга ҳадя қилиб берди. Туялар кўлимга текканида, уларга қараб кўзим қувнади. Тоғ оралаб уларни ёлғиз ўзим ҳайдаб кетишдан кўрқдим. Шундай туяларни сотиб юборишга ҳам кўзим қиймади. Нима қилишимни билмай турганимда бизнинг Нажд тарафга сафар қилишни мўлжаллаб турган бир жамоа келиб қолди. Улардан мени ҳам ўзларига ҳамроҳ қилиб олишни сўраган эдим, “Хуш келибсиз, биродар! Бош устига, биз билан сафарга чиқиш учун тайёргарлик кўраверинг, биз мана шу кеча йўлга чиқамиз”, деб, илиқ қарши олдилар. Сафарга чиқишим аниқ бўлгач, хайрлашиш учун Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига бордим. Унинг суҳбатида мен танимайдиган иккита шайх ўтирган экан. Хайрлашиб энди кетаётган эдим, Умар ибн Абдулазиз менга қараб: “Эй Дукайн, мен юқори, олий мақсадлар сари интилувчан кишиман, қачон сен мени ҳозирги ҳолатимдан юқори даражаларга эришганимни эшитсанг, ҳузуримга кел. Мендан сенга кўп илтифотлар бўлгай”, деди. Мен: “Шу гапингизга мен учун бир гувоҳ келтирсангиз”, дедим. У: “Аллоҳни гувоҳ қиламан”, деди. Мен: “Махлуқотларидан ҳам”, деган эдим, у: “Мана шу икки шайх гувоҳдир”, деди. Мен: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, шайх, сизни таниб олишим учун менга исмингизни айтсангиз?” деб, шайхларнинг биридан сўрадим. Шайх: “Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб”, деди. Шайхнинг ким эканини

билгач, Умар ибн Абдулазизга қараб: “Қасамки, гувоҳга ёлчидим”, дедим. Сўнг иккинчи шайхга қараб: “Жонфидойингиз бўлай, сиз ким бўласиз?” дедим. У: “Амирнинг мавлоси Абу Яҳё”, деди. Мен: “Бу амирнинг аҳлидан бўлган гувоҳ”, дедим ва хайрлашиб чиқиб кетдим. Умар ибн Абдулазиз ҳадя қилган туяларни ҳайдаб, она юртим Нажд томон йўл олдим. Аллоҳ бу туяларга жуда барака берди. Натижада, кўп мол-дунёга, туялар ва қулларга эга бўлдим.

Ойлар, йиллар ўтди. Кунларнинг бирида Нажддаги Ямома ерларига туташ саҳрода юрганимда, бир жарчи халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг вафот этгани хабарини айтиб қолди. Жарчидан: “Унинг ўрнига халифа этиб ким тайинланибди?” деб сўраган эдим, “Умар ибн Абдулазиз”, деган жавобни эшитдим. Эшитдим-у уловимни эгарлаб, Шом томон йўлга чиқдим. Дамашққа етиб борганимда, халифанинг ҳузуридан келаётган Жарир (Умавийлар давридаги энг катта учта шоирнинг бири) билан кўришиб қолдим. Саломлашгач: “Эй Абу Ҳазра, қаердан келяпсиз?” деб сўрадим. Жарир: “Камбағалларга бериб, шоирларга бермайдиган халифанинг ҳузуридан. Сен ҳам ортинга қайтиб кетавер, шундай қилганинг яхши”, деди. “Менинг сизларникидан ўзгача ўрним бор”, дедим. Жарир: “Ихтиёринг”, деди. Йўлимда давом этдим. Халифанинг уйига етиб келгач, қарасам, ҳовлисида ўтирибди, атрофини етимлар, бевалар, мазлумлар ўраб олган, уларнинг кўплигидан ҳатто халифагача етиб боришга имкон топа олмадим. Шунда овозимни баландлатиб шеър ўқий бошладим:

“Эй Умар, қарам соҳиби, катта-катта атолар қани?

Мен қатанлик Доримий киши, келдим қарзим сўраб, қарам соҳиби”.

Умар ибн Абдулазизнинг мавлоси Абу Яҳё менга тикилиб турди, сўнг халифага: “Эй мўминлар амири, мени бу бадавий учун сизнинг устингизда гувоҳлигим бор”, деди. Умар: “Биламан, ёдимда”, деди ва менга қараб: “Эй Дукайн, яқинроқ кел”, деб, ёнига чақирди. Олдига борганимда, мен тарафга эгилиб: “Мадинада сенга айтган: “Мен юқори, олий мақсадлар сари интилувчан кишиман”, деганимни эслайсанми?” деди. Мен: “Ҳа эсимда, эй мўминлар амири”, дедим. Умар ибн Абдулазиз шунда айтди: “Дунёдаги энг олий мартаба – подшоҳликка эга бўлиб турибман, лекин нафсим охиратдаги энг олий мартаба – жаннатга интилмоқда. Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш сари интилмоқда. Агар подшоҳлар мулкни

дунё азизлигига эришиш учун восита қилсалар, мен уни охират азизлигига етиш учун васила қилиб оламан. Эй Дукайн, Аллоҳга қасамки мен бу мансабга келганимдан бери мусулмонларнинг молидан бир дирҳам ҳам, бир дийнор ҳам олганим йўқ. Ўзимни минг дирҳамгина пулим бор. Ана шунинг ярмини олақол, ярмини эса ўзимга қолдир”. Мен Умар ибн Абдулазиз берган пулни олиб уйга қайтдим. Аллоҳга қасамки, бундай баракали пулни ҳаётимда бошқа кўрмадим”.

#### Иккинчи лавҳа

Мусил шаҳрининг қозиси Яҳё ибн Яҳё Ғассоний ҳикоя қилади: “Кунларнинг бирида Умар ибн Абдулазиз сотувчиларни кўздан кечириш ва нарх-навони ўрганиш мақсадида Ҳимсинг (Суриядаги катта шаҳар) бозорларини айланиб юрган эди, кимхоб тўн кийган бир киши келиб: “Эй мўминлар амири, эшитишимча, ким мазлум бўлса, ҳузуримга келсин, деб амр этибсиз, шундайми?” деб сўради.

Умар ибн Абдулазиз деди: “Ҳа шундай”.

У: “Ундай бўлса, мана ҳузурингизга уйи узоқ мазлум бир киши келди”, деди.

Умар ибн Абдулазиз: “Оила, бола-чақанг қаерда?” деб сўради.

“Аданда”, деди.

Умар ибн Абдулазиз: “Ростанам, уйинг Умарнинг уйдан анча узоқ экан”, деди. Сўнг уловидан тушди ва у кишининг қаршисига келиб: “Нима зулм қўрдинг?” деб сўради. У киши: “Менинг чорбоғимни сизнинг одамларингиздан бири тортиб олди”, деди. Шунда Умар ибн Абдулазиз ўзининг Адандаги волийсига хат ёзиб, қуйидагиларни айтди: “Аммо баъд... Сенга ушбу мактубим етиб боргач, хатни олиб борган кишининг ҳужжат-далиллариغا қулоқ сол. Агар у ҳақ бўлса, ҳаққини қайтариб бер”. Сўнг мактубни муҳрлаб, ўша кишига берди. Мактубни олиб у киши энди кетай деганда Умар ибн Абдулазиз: “Шошмай тур, сен ҳузуримизга узоқ ердан



келгансан, шубҳа йўқ, сафар учун анчагина пул сарфлаган бўлсанг керак, янги кийимларинг тўзиб, миниб келган уловинг ҳам ҳалок бўлгандир”, деди ва шуларнинг ҳаммасини ҳисоблаб, пулга чақиб, у кишига ўн икки дийнор беришга амр қилди, сўнг: “Мана шуни одамлар орасида тарқатгин, токи одамлар уйлари қанчалик узоқ бўлмасин, мазлум бўлсалар келиб бошларидаги зулмни баён этишдан оғринмасинлар”, деди.

### **Учинчи лавҳа**

Обид ва зоҳидлардан бўлган Зиёд ибн Майсара Махзумий ҳикоя қилади: “Хожам Абдуллоҳ ибн Айёш баъзи юмушларини битириб келишим учун мени Мадинадан Дамашққа мўминлар амири Умар ибн Абдулазиз ҳузурига юборди. Умар ибн Абдулазиз билан ўртамизда у Мадинада волийлик қилган давридан бери самимий алоқа бор эди. Пойтахтга етиб боргач, Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига кирдим. Унинг олдида бир котиб халифа айтаётган сўзларни ёзиб ўтирарди. Ҳужранинг остонасига келиб: “Ассалому алайкум”, деб салом бердим. Умар ибн Абдулазиз: “Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ, кел, Зиёд”, деб жавоб қайтарди. Мўминлар амири, деб салом бермаганимга хижолат бўлиб, халифа томон юрдим. Яқинлашгач: “Ассалому алайка ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, эй мўминлар амири”, дедим. Умар ибн Абдулазиз: “Эй Зиёд, биринчи саломинг учун сени айбламаймиз, иккинчи саломга нима ҳожат бор?” деди.

Халифанинг ёнида ёзиб ўтирган котиб Басрадан чопар орқали келган мазлумлар мактубини ўқиб қолди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Эй Зиёд, шу ерда ўтира тур, ишимиздан бўшаб олайлик, кейин бафуржа гаплашамиз”, деди. Эшик олдидаги тахтасупага ўтирдим, котиб арзномаларни ўқир эди, Умар ибн Абдулазиз эса диққат билан тинглаб, алам билан чуқур-чуқур хўрсиниб қўярди.

Котиб ҳамма мактубларни ўқиб бўлгач, чиқиб кетди. Умар ибн Абдулазиз ўрнидан туриб келиб, мен ўтирган эшик олдида рўпарамга ўтирди ва тиззамга қўлларини қўйиб: “Хуш келибсан, Зиёд, эгнингдаги кийиминг билан исиниб, бизни бўйнимизга тушган нарсалардан роҳатда бўлиб қолдинг”, деди. Эгнимдаги жундан тўқилган кийим эди. Сўнг Мадина аҳлининг солиҳ кишилари, эркаг-у аёллари ҳақида бирма-бир сўраб чиқди. Ҳеч кимни қолдирмай суриштирди. Кейин Мадинада бизга волий бўлиб турган вақтда буюрган қилган ишлари ҳақида сўради. Сўраган нарсаларининг ҳаммаси ҳақида бирма-бир хабар бердим. Умар ибн

Абдулазиз чуқур хўрсиниб: “Эй Зиёд, Умар нимага тушиб қолганини кўряпсанми?” деди. Мен: “Сиз учун бу нарсада яхшилик ва ажр-савобни умид қиламан”, дедим. Умар ибн Абдулазиз: “Ҳайҳот!” деб йиғлаб юборди. Унга раҳмим келиб: “Ўзингизга раҳм қилинг, мўминлар амири. Бу ишда мен сиз учун яхшилик бор деб умид қиламан”, дедим. Умар ибн Абдулазиз: “Қанчалик узоқ нарсени умид қиляпсан, Зиёд. Шундай куч-қудратга эга бўлиб қолдимки, мен сўка оламан, биров мени сўка олмайди. Мен ура оламан, биров мени ура олмайди. Одамларга озор бера оламан, улар менга озор бера олмайди”, деб, яна йиғлаб юборди. Менинг ҳам кўнглим юмшаб, унга ачиниб кетдим.

Мен Умар ибн Абдулазиз хожамнинг ишларини битириб бергунича, ҳузурда уч кун қолдим. Иш битгач, уйга қайтадиган бўлиб турганимда, Умар ибн Абдулазиз хожамга мени ўзига сотишини сўраб мактуб битди ва уни қўлимга тутқазди, сўнг ўриндиғи тагидан йигирма дийнор чиқариб: “Бу пуллар яшашингга ёрдам бўлади. Агар хирожда бирон ҳаққинг бўлганида эди, ҳаққингни берган бўлардик”, деди. Мен дийнорларни олишдан бош тортдим. Шунда: “Бу пуллар мусулмонларнинг молларидан эмас, ўзимнинг нафақамдан, олавер, Зиёд”, деди. Олмадим, лекин у сўзида қаттиқ турди. Ноилож дийнорларни олиб йўлга тушдим. Мадинага етиб боргач, мўминлар амирининг мактубини хожамга тутқаздим. У мактубни очиб ўқигач: “Умар ибн Абдулазиз сени унга сотишимни сўрабди. Мендан сени сотиб олиб, кейин озод қилиб юбормоқчи... Нима учун мен ўзим сени озод қилмайин?!” деди-да, мени озод қилиб юборди”.

## Ҳасан Басрий

Ҳасан Басрий каби инсон орасида бўлган қавм қандай адашсин?!

Маслама ибн Абдулмалик

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари Умми Салама розияллоҳу анҳога чўрилари Хайра ўфиллик бўлгани ҳақидаги хушхабар келиб, мўминлар онасининг қалбларини қамраб олган шоду хуррамлик нурлик чеҳраларида ҳам намоён бўлган эди. Хушхабарни эшитгач, чилласини уйларида ўтказиш учун она-болани олиб келишга тезда одам жўнатдилар. Чунки Хайра Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ҳузурларида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлгани, қалбларида муҳаббат қозона олгани сабабли янги туғилган чақалоқни кўриш завқ-шавқи онамизда кучлик эди. Кўп ўтмай, Хайра чақалоғини кўтариб кириб келди. Умми Салама розияллоҳу анҳонинг кўзлари болага тушиши билан қалбларини унга нисбатан меҳр ва мамнунлик эгаллаб олди. Чақалоқ ҳам унга қараган одамни ўзига ром қиладиган даражада юз-кўзи чиройли, тўрт мучаси соғ ва ширингина эди. Боланинг онасига юзланиб:

– Чақалоғингга исм қўйдингми? – деб сўрадилар.

Хайра:

– Йўқ, онажон, ўзингиз хоҳлаган исмни қўясиз деб, сизнинг ихтиёрингизга қолдирдим, – деди.

Умму Салама розияллоҳу анҳо:

– Аллоҳдан барака тилаб, исмини Ҳасан қўямиз, – дедилар ва қўлларини кўтариб гўдакнинг ҳаққига дуо қилдилар.

Янги меҳмон хушхабари Умми Салама розияллоҳу анҳонинг хонадонлари билан чекланиб қолмади. Бу хурсандчиликда уларга

Мадинадаги яна бир хонадон аҳли шерик эди. Бу хонадон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котиблари Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг хонадони эди. Негаки Зайд ибн Собитнинг ходими Ясор Ҳасаннинг отаси эди-да. Ясор ҳам улуғ саҳобий ҳузурларида ҳурматга сазовор, у зотнинг муҳаббатларини қозонган эди. Шундай қилиб, бундан буёғига Ҳасан Басрий бўлиб танилган Ҳасан ибн Ясор Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонларидан бирида ўсиб-ўлғайиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларидан бири Умми Салама номи билан машҳур бўлган Ҳинд бинт Сухайлнинг ҳужраларида тарбия топди. Шуни билиб қўйинг, Умми Салама араб аёллари ичидаги ақл, фазл, юксак мартаба ва олийжанобликда энг етуқларидан ҳамда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари ичида ҳам илм ва ҳадис ривоятида уларнинг илфдорларидан бири эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан уч юз саксон еттита ҳадис ривоят қилганлар. Буларга қўшимча Исломдан аввал ёзишни биладиган камсонли аёллардан бўлганлар. Умму Салама розияллоҳу анҳога насибаси қўшилиб қолган бу чақалоқнинг боғланиши шу билан чекланиб қолмай, балки яна ҳам чуқурроқ аслида... Яъни кўпинча Ҳасаннинг онаси Хайра Умму Салама онамизнинг юмушлари билан ташқарида юрганида чақалоқ қорни очганидан йиғлаб қоларди. Йиғиси зўрайиб кетса, Умми Салама розияллоҳу анҳо болани бағриларига босиб, овутиш учун унга ўз кўкракларини тутар эдилар. Болага бўлган кучли муҳаббатлари туфайли кўкракларидан сўт тўлиб чиқар, бола эмиб, йиғидан тўхтаб тинчланар эди. Ана шу билан Умму Салама розияллоҳу анҳо Ҳасанга икки жиҳатдан она бўлдилар... Бири мўминларнинг онаси сифатида ва яна эмизган она сифатида...

Мўминлар оналарининг ўзаро гўзал ва мустаҳкам алоқада бўлганлари ҳамда уйларининг бир-бирига яқин бўлгани бу бахтлиқ болага Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонларининг барчасига кириб юриш ва ушбу хонадон эгаларининг хулқлари билан хулқланиш, тутган йўлларини ушлаш бахтига муяссар қилди. Ҳасан Басрий ўзлари айтганларидек, бу уйларни ўзининг шўхлиги, қилиқлари ва ўйинлари билан тўлдириб, ҳатто сакраб-сакраб уйларнинг шифтларига қўлини теккизиб ўйнаб юрар эди. Ҳасан нубувват хушбўйликлари билан муаттар бўлган, унинг нури билан жилвираган шундай муҳитда ҳаёт гузаронлик қилди. Уммаҳотул мўминининг ҳужралари тўлиб тошган ширин чашмалардан қониқиб симирди ва бундан ташқари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжиди шарифларида Усмон ибн Аффон, Алий ибн Абу Толиб, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Анас ибн Молик,

Жобир ибн Абдуллоҳ ва бошқа улуғ саҳобаларга шогирд бўлиб илм ўрганди, улардан ривоятлар қилди. Буларнинг ичида мўминлар амири Алий ибн Абу Толибга қаттиқ муҳаббат қўйди. Алий розияллоҳу анҳунинг диндаги салобати, ибодатдаги эҳсоли ва дунё зебу зийнатларига зоҳидлиги уни қойил қолдирди... Ёрқин баёнлари, етук ҳикматлари, сермазмун сўзлари ва қалбларни ларзага солувчи панд-насиҳатлари уни ўзига ром этди... Шулардан қаттиқ таъсирлангач, у зотнинг ибодат ва тақводаги хулқлари билан хулқланди... Фасоҳат ва баёндаги йўлларида изма-из юрди... Ҳасаннинг ёши ўн тўртга кириб, катталар сафига қўшилгач, онаси билан Басрага кўчиб ўтиб, шу ерда истиқоматда қолди. Шу сабаб Ҳасан Басрага нисбат берилиб, одамлар орасида Ҳасан Басрий бўлиб танилди.

Ҳасан келган вақтда Басра шаҳри Ислом давлатидаги илм кўрғонларининг энг катталаридан эди. Ундаги катта масжид эса, Басрага келган саҳобалар ва тобеинларнинг улуғлари билан денгиз мисоли тўлқинланиб турарди... Турли-туман илм ҳалқалари масжиднинг ичи-ю ташилини обод қилиб, кўркига кўрк қўшар эди. Ҳасан ҳам масжидга қаттиқ боғланиб, уммати Муҳаммаднинг олими ва обиди Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг илм ҳалқаларидан жой олди, у кишидан тафсир, ҳадис, қироат, фикҳ, луғат, адаб ва бошқа-бошқа кўп илмларни ҳосил қилди. Кўп ўтмай, ўзи ҳам дин ва илмда унга суюниладиган олим ва фуқаҳоларнинг бирига айланди. Одамлар унга юзланиб, унинг тўлиб тошган илм булоғидан қониб-қониб симирадиган, қаттиқ қалбларни эритиб, кўзлардан тирқираб ёшлар оқизадиган ваъз-насиҳатларига жим ўтириб қулоқ тутадиган, ақлларни мафтун этадиган ҳикматларини ёд олиб, тадаббур этадиган, мушки анбардан хушбўйроқ ахлоқини ўзларига ўрناк қилиб оладиган бўлдилар. Ҳасан Басрийнинг овозаси атроф шаҳарларга ва одамлар орасида тез ёйилиб кетди... Халифа ва амирлар қизиқиб, у ҳақда сўраб суриштирадиган, хабардор бўлишга интиладиган бўлдилар. Холид ибн Сафвон ҳикоя қилади:

“Ҳийрада (Ироқдаги қадимий шаҳар) Маслама ибн Абдулмаликни (умавийларнинг амири ва лашкарбошиси) учратиб қолдим. У менга:

– Эй Холид, Ҳасан Басрий ҳақида менга гапириб бер, уни сендан кўра яхши биладиган киши йўқ бўлса керак, деб ўйлайман, – деди.

Мен:

– Амиримизни Аллоҳ саломат қилсин... Ҳа, мен Ҳасан Басрий ҳақида сизга энг кўп хабарни мен бера оламан, чунки, биринчидан, мен унинг қўшнисиман, иккинчидан, илм мажлисида унинг ҳамнишини ва Басра аҳли ичида уни энг яхши билувчиман, – дедим.

Маслама:

– Билганларингдан айтиб бер, – деди.

Мен:

– Ҳасан Басрий ичи билан таши, сўзи билан амали бир хил одам. Яхшиликка буюрса, ўзи шунга энг яхши амал қилувчи, ёмонликдан қайтарса, ўзи шундан энг биринчи қайтувчидир. Одамлардан беҳожат, уларнинг қўлларидаги нарсалардан ўзини тийган, аксинча, одамлар унга муҳтож, ундаги нарсаларга талабгор зот...

Маслама ибн Абдулмалик:

– Бўлди, Холид, бўлди, етарли! Ҳасан Басрий каби инсон орасида бўлган қавм қандай адашсин?! – деди.

Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироққа волий этиб тайинланиб, у ерда зулм қилиб ҳаддидан ошганда, Ҳасан Басрий унга қарши чиқиб, эътироз билдирган, одамларга унинг ёмон ишларини ошкор қилган ва ҳақ сўзни унинг ўзига очиқ айта олган оз сонли кишилар қаторида эди. Шулардан баъзиларини айтиб ўтамиз.

Ҳажжож Басра билан Кўфа оралиғидаги Восит деган шаҳарда ўзи учун қаср қурдирди. Сўнг одамлар томоша қилиб, дилхуш бўлишлари ва барака тилаб дуо қилишлари учун ҳаммани қасрга чорлади. Одамлар йиғиладиган бундай фурсатдан унумли фойдаланиб, уларга панд-насиҳат қилиш, дунё зеб-зийнатларига берилмай, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузуридаги нарсаларга интилиш ва шу каби эслатмаларни баён қилиш умидида Ҳасан

Басрий ҳам у ерга борадилар. Етиб боргач, одамлар қасрнинг ҳашаматига, кенглиги-ю катталигига, нақш ва зийнатига маҳлиё бўлиб, қаср атрофида айланиб юришган пайтда уларга гапира бошладилар:

– Ёмонларнинг ёмони қурдирган бу қасрни кўриб турибмиз, шуни билинларки, Фиръавн бундан-да катта ва ҳашаматли қасрларни қурдирган эди... Натижа нима бўлди? Аллоҳ Фиръавнни ҳалок этди, қурдирган қасрларини эса, ер билан яксон қилди... Кошкийди Ҳажжож само аҳли уни ёмон кўришини, ердагилар уни мағрурлантириб юборганини билса эди...

Ҳасан Басрий шундай қаттиқ-қаттиқ гапиришда давом этдилар. Ўша ердагилардан бири Ҳажжож Ҳасан Басрийни жазолашидан ҳадиксираб:

– Бўлди, эй Абу Саид, – деганида, Ҳасан Басрий:

– Аллоҳ аҳли илмлардан “...одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!” деб аҳд-паймон олган, – деб сўзларида давом этдилар.

Эртаси куни Ҳажжож ғазабдан ёрилиб кетгудек ҳолда ўз қароргоҳига кириб, аъёнларига:

– Ҳалокат бўлсин сенларга, нонкўрлар... Басралик бир қул туриб, биз ҳақимизда хоҳлаганини гапирса-ю, уни тийиб қўядиган бирорта одам топилмаса!.. Аллоҳга қасамки, ҳаммангизга унинг қонини ичираман, кўрқоқлар, – деди ва қилич билан зеркунда (қатл қилишда тўшаладиган чарм тўшама) олиб келишни буюрди, сўнг жаллодни чақиртирди. Ҳузурида ҳаммаси ҳозир бўлгач, Ҳасан Басрийни олиб келиш учун одамларини жўнатди. Оз ўтмай, Ҳасан Басрийни олиб келдилар. Кўзлар Ҳасан Басрийга қадалди, юраклар дукуллаб ура бошлади. Ҳасан Басрий қилич, зеркунда ва жаллодни кўргач, лабларини қимирлатиб қўйдилар. Сўнг Ҳажжожга юзландилар. У кишида мўминнинг улуғворлиги, муслмоннинг азизлиги ва Аллоҳ йўлига чақирувчи даъватчининг виқори намоён эди. Ҳасан Басрийни ана шундай ҳолатда кўрган Ҳажжож сустлашиб:

– Хуш келибсиз, эй Абу Саид, хуш келибсиз... Қани, бу ёққа ўтсинлар... – деб илтифот кўрсатиб, ҳатто ўз тахтига ўтқазгунича “бу ерга ўтсинлар”, деб такрорлаб турган Ҳажжожни кўрган аъёнлар ҳайрон қолдилар. Ҳажжож

сўнг тахтда ўтирган Ҳасан Басрийга юзланиб, диний масалалар ҳақида сўрай бошлади. Ҳасан Басрий ҳар бир саволга ҳайиқмай, чиройли баён ва кенг илм билан жавоб берардилар. Шунда Ҳажжож:

– Сиз уламоларнинг сайидисиз, эй Абу Саид, – деди ва қимматбаҳо хушбўйлик келтириб, у билан Ҳасан Басрийнинг соқолларини хушбўйлатиб, кузатиб қўйди. Ҳасан Басрий қароргоҳдан чиқиб кетгач, Ҳажжожнинг дарбони (эшик қоровули) чопиб келиб:

– Эй Абу Саид, аслида Ҳажжож сизни бошқа мақсадда чақиртирган эди. Сиз кирганингизда, қилич, зеркунда ва жаллодни кўриб, лабингизни қимирлатиб пичирлаганингизни кўрдим, менга айтинг, шунда нима дедингиз? – деб сўради.

Ҳасан Басрий айтдилар:

– Эй неъматларимнинг Хожаси ва ғам-аламда менга паноҳ бўлган Зот, Сен оловни Иброҳим алайҳис-салом учун салқин ва омонлик жойи қилганинг каби, бунинг ҳам қаҳр-ғазабини мен учун салқин ва омонликка айлантиргин, дедим...

Волийлар ва амирлар билан шунга ўхшаш ҳолатлар Ҳасан Басрийнинг сермазмун ҳаётида кўп содир бўлган. Бундай вазиятлардан у ҳар сафар Аллоҳ тарафидан ҳимояланган, ҳокимлар кўз ўнгида янада азиз, янада обрў-эътиборли бўлиб чиқар эди... Мана, шунга яна бир мисол: Зоҳид халифа Умар ибн Абдулазиз оламдан ўтиб, хилофат Язид ибн Абдулмаликка ўтгач, у Ироққа Умар ибн Ҳубайра Фазорийни волий этиб тайинлайди. Кейин унинг ҳокимиятини катталаштириб, Хуросонни ҳам қўшиб беради. Аммо Язид ўзидан аввал ўтган солиҳ халифа изидан кетмай, Ироқдаги волийси Умар ибн Ҳубайрага мактублар жўнатиб, улардаги буйруқларни, гарчи гоҳида ҳаққа терс бўлса ҳам, сўзсиз ижро этишга амр қилади. Умар ибн Ҳубайра Ҳасан Басрий ва Шаъбий номи билан танилган Омир ибн Шураҳбийлни чақиртириб уларга:

– Мўминларнинг амири Язид ибн Абдулмаликни Аллоҳ таоло халифа бўлишини ирода этиб, унга бўйсунишни эса мусулмонларга фарз қилган. Биласизки, халифа мени Ироққа, сўнг бунга қўшиб Форсга волий этиб



тайинлади. Аммо халифа гоҳида менга шундай амр-фармон мактубларни юборадики, мен ундаги буйруқларнинг адолатли эканига кўнглим тўлмайди. Мен халифага итоат этиб, унинг бу амрларини бажаришим учун менга диндан бирон ечим топиб бера оласизми? – деб мурожат қилади.

Шаъбий халифага илтифот ва волийга енгиллик бўладиган бир сўз айтади. Ҳасан Басрий эса сукут сақлаб ўтиради. Умар ибн Ҳубайра Ҳасан Басрийга қараб:

– Сиз нима дейсиз, эй Абу Саид? – дейди.

Ҳасан Басрий:

– Эй Ибн Ҳубайра, Язиднинг амрларини бажаришда Аллоҳдан кўрқинг, Аллоҳнинг амрларини бажаришда Язиддан кўрқманг... Шунинг биланги, Аллоҳ таоло сизни Язиддан ҳимоя қила олади, аммо Язид сизни Аллоҳдан ҳимоя қила олмайди... Эй Ибн Ҳубайра, яқинки осмондан қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган фаришта тушиб, сизни бу ўрнингиздан четлатиб, кенг қасрдан тор қабрга кўчириб қўйса, сиз у ерда Язидни топа олмайсиз, балки Язиднинг Парвардигорига хилоф қилган амалингизни топасиз... Эй Ибн Ҳубайра, агар сиз Аллоҳ таоло билан бирга ҳамда Унинг итоатида бўлсангиз, Парвардигори олам сизни Язиднинг озорларидан, бу дунёда ҳам, охирада ҳам сақлайди... Агар сиз Аллоҳга осийлик қилишда Язид билан бирга бўлсангиз, унда Аллоҳ сизни Язидга ташлаб қўяди. Шунинг биланги, эй Ибн Ҳубайра, Холиқ таолога гуноҳ бўлган ишларда, ким бўлишидан қатъи назар, махлуқга итоат қилинмайди, – дейди. Умар ибн Ҳубайра кўз ёшлари соқолини ҳўл қилгудек даражада йиғлаб юборади. Сўнг Шаъбийдан кўра Ҳасан Басрийга мойил бўлиб, уни кўпроқ иззат-икром билан сийлаб кузатиб қўяди. Икковлари волийнинг ҳузуридан чиқишиб, масжид тараф юра бошлаганларида, атрофларига одамлаб йиғилиб, волий билан бўлган суҳбат ҳақида сўрайдилар. Шаъбий одамларга юзланиб:

– Эй одамлар, ичларингизда кимда ким ҳар қандай ўринда ҳам Аллоҳ таолони махлуқотларидан ортиқ қўя олса, шунинг биланги! Аллоҳга қасамки, Ҳасан Басрий волийга айтган сўзларни мен ҳам билар эдим, лекин мен ўз сўзим билан волийни риоя қилган бўлсам, Ҳасан Басрий Аллоҳнинг

риоясини қилиб сўзлади... Натижада, Аллоҳ мени волийнинг назаридан узоқлатди, Ҳасан Басрийни эса волийга яқин ва маҳбуб қилди, – деди.

Ҳасан Басрий саксон йилга яқин умр кечириб, бу вақт мобайнида дунёни илм, ҳикмат ва маърифат билан тўлдирдилар. Келажак авлодга қолдирган бебаҳо мерослари – асрлар оша қалбларга улфат бўлиб қолган, қалбларни титратиб, таъсирлантирадиган, кўзлардан шашқатор ёшлар оқизадиган, адашганларни Аллоҳга йўллайдиган, бепарво-ғофилларни эса дунёнинг ҳақиқати ва ундаги одамларнинг ҳоли билан огоҳ қиладиган ваъз-насихатларидир. Дунё ва унинг ҳоли ҳақида сўраган сўровчига айтган сўзлари шу меросдан бир намунадир:

“Дунё ва охират ҳақида мендан сўрайдиган бўлсанг, сенга шуни айтаман: дунё билан охиратнинг мисоли машриқ билан мағрибга ўхшайди. Уларнинг бирига яқинлашсанг, бошқасидан узоқлашасан. Менга бу дунёни сифатлаб беринг дейсан. Аввали офат-бало, охири йўқлик-фано бўлган дунёнинг нимасини сенга сифатлай... Ҳалоли ҳисоб қилинса, ҳароми учун азобга қолинса... Бойлар мафтун бўлса, камбағаллар маҳзун қолса...”

Яна ўзи ва одамлар ҳоли ҳақида сўраган кишига айтган ушбу сўзлари:

“Ҳолимизга вой бўлсин, ўзимиз учун нима қилдик?! Динимизни оздириб, дунёимизни семиртирдик. Ахлоқимизни эскиртиб, буюм ва либосларимизни янгиладик. Биримиз ёнбошлаб бемалол бировнинг молини ейдиган бўлди... Таоми зўрлик билан тортиб олинган... Хизматчини ҳақсиз ишлатган... Нордондан сўнг ширинни, совуқдан сўнг иссиқни, қуруғидан сўнг ҳўлини талаб қилган... Ҳатто тўйиб кетганидан товуш чиқариб кекиради, сўнг ҳазми таом истаб, овқатини сингдирмоқчи бўлади... Эй аҳмоқ, сен овқатни эмас, динингни ҳазм қилмоқдасан...”

Муҳтож кўшнинг қаерда қолди?

Қорни оч етим қариндошинг қаерда?

Сенга кўз тикиб турган мискин-бечора-чи?

Аллоҳ таолонинг сенга буюрган амрлари қаерда қолди?

Қаерда?!

Кошки, сен сонлардан иборат эканингни, ҳар кун ўтганида бир сонга камайиб боришингни билсанг эди”.

Бир юз ўнинчи ҳижрий йил, Ражаб ойининг аввали жума кечасида, Ҳасан Басрий Парвардигорининг чақириғига лаббай деб ижобат қилди... Тонг отиб, одамлар орасида унинг вафоти ҳақидаги хабар тарқаганида, Басра ларзага тушди. Уни ювиб, кафанлаб, ҳаётининг аксарини олим, муаллим ва даъватчи бўлиб ўтказган ўша катта масжидда Жума намозидан сўнг жанозалари ўқилиб, дафн қилишга олиб кетдилар... Ҳамма одамлар жанозага эргашиб борди, ҳатто ўша куни Басранинг жомеъсида аср намози ўқилмади, чунки намоз ўқийдиган биронта ҳам одам қолмаган эди... Мана шу кун, Ҳасан Басрий Парвардигорининг ҳузурига кўчган кундан бошқа бирон кун ҳам Басра жомеъсида намоз ўқилмай қолганини одамлар билмайдилар...

## Қози Шурайх

Шурайхдан: “Қай йўл билан бундай илмга эриша олдингиз?” деб сўрадилар. Шурайх деди: “Уламолар билан суҳбат қилиш, улардан ўрганиб, сўнг ўргатиш билан эришдим” (Суфён Авсий).

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир аъробийдан от сотиб олдилар ва пулини нақд бериб, ўша ернинг ўзида отга миниб йўллариغا равона бўлдилар. Аммо ҳали узоқ кетмасларидан, отнинг юришида нуқсон кўрина бошлади. Умар розияллоҳу анҳу дарҳол ортга қайтиб, аъробийга шундай деди:

– Отингни қайтариб ол, уни айби бор экан.

– Қайтариб олмайман, эй мўминларнинг амири, чунки мен уни сизга сотганимда у соппа-соғ эди.

– Ундай бўлса, ўртамизда ажрим қиладиган бир кишини танла.

– Ўртамизда Шурайх ибн Ҳорис ҳакам бўлсин.

Умар розияллоҳу анҳу рози бўладилар ва икковлон муаммони ҳал қилиш учун Шурайхнинг олдига йўл олдилар. Шурайх аъробийнинг сўзини эшитгач, Умар розияллоҳу анҳуга юзланиб деди:

– Отни олганингизда у соппа-соғ эдимиз, эй мўминлар амири?

– Ҳа.

– Ундай бўлса, отни ё ўзингизда олиб қолинг, ё бўлмаса, қандай ҳолда сотиб олган бўлсангиз, шундайлигича қайтаринг.

Бундай одилона ҳукмдан қойил қолган Умар розияллоҳу анҳу Шурайҳга қараб деди:

– Мана буни ҳукм деса бўлади... Ҳақ сўз ва одилона ҳукм. Кўфага бор, сени у ерга қози этиб тайинладим. Умар розияллоҳу анҳу Шурайҳни қози этиб тайинлашларидан аввал ҳам у жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, илмли, теран фикрли улуғ саҳобалар-у тобеинлар орасида ўзига яраша обрў-эътиборга сазовор кишилардан эди. Фозил ва етук инсонлар Шурайҳдаги ўткир фаросат ва ўта камёб заковатни, олий хулқ ва бой ҳаётий тажрибани қадрлар эдилар.

Шурайҳ ибн Ҳорис асли Яманнинг Кинда қабиласидан бўлиб, оғир кечган ҳаётининг ярмини жоҳилиятда ўтказган эди. Арабистон ярим ороли ҳидоят нури билан мунаввар бўлиб, Ислом нури унинг ерларига ҳам етиб боргач, Шурайҳ Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган, ҳидоят ва ҳақ чақириқни лаббай деб қабул қилган илк яманлик мусулмонлардан бўлди.

Шурайҳнинг фазилати, одоб-ахлоқи ва бошқалардан устун жиҳатларини қадрлаган инсонлар у иймонга мушарраф бўлгач, Мадинага эртароқ келиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан кўришиш насиб қилмаганига афсусланар, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам билан Рафийқул аълога йўлиқишларидан аввал учрашиш, мусаффо чашмаларидан билвосита эмас, бевосита қониб-қониб симириш, иймон неъматини насиба қилгандан сўнг, саҳобийлик шарафи ҳам насиб қилганида эди, деб орзу қилар эдилар. Дарҳақиқат, шундай бўлганида, у барча яхшиликларни ўзида жамлаши аниқ эди. Аммо инсоннинг хоҳиши эмас, тақдирда битилгани бўлади...

Умар Форуқ розияллоҳу анҳу, гарчи Ислом осмонида ҳали Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидек ёрқин юлдузлар порлаб турган бир пайтда, тобеинлардан бўлган кишини қозилиқдек катта ва масъулиятли мансабга тайинлаб хато қилмаган эдилар. Умар розияллоҳу анҳунинг фаросатларининг қанчалар ўткирлиги, тадбирларининг нақадар тўғрилиги кунлар ўтиши билан исботини топиб борди. Шурайҳ мусулмонлар ўртасида узлуксиз олтмиш йил қозилиқ қилди. Унинг бу мансабда қолишини кетма-кет келган халифаларнинг барчалари – Умар, Усмон, Али ва Муовия розияллоҳу анҳум ва улардан кейинги умавий халифалар ҳам маъқул топдилар. Ҳажжожнинг волийлик даврида Шурайҳ

қозилиқдан озод қилишларини сўради. Бу вақтда у ўзининг сермазмун ва узун умрининг бир юз еттинчи йилига қадам қўйган эди.

Ислонда қозилиқ тарихини қози Шурайхнинг ажойиб ва ҳайратомуз ҳукмлари беааб турибди. Аллохнинг шариатига гўзал тарзда бўйсунуш қандай бўлишини кўрсатиб берган қози Шурайхнинг ибрати-ю унинг изидан юрган катта-ю кичик муслмонларнинг амали Ислон осмониди порлаб турибди. Ана шундай ибратга тўла воқеалардан бири Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг жуда қадрли совутини йўқотиб қўйгани хусусиди ҳодисадир. Али розияллоху анху йўқотганидан кўп ўтмай, худди шу совутни Кўфа бозориди бир зиммийнинг қўлиди кўриб қолди. Зиммий уни сотувга қўйган эди. Али розияллоху анху кўзи тушиши биланок таниди ва зиммийга қарата шундай дейди:

– Бу совут меники эди, фалон кечади, фалон жойди туямнинг устидан тушиб қолибди.

– Йўқ, бу менинг совутим, мана қўлимди турибди, эй мўминлар амири!

– Ахир бу менинг совутим, уни бировга сотган ҳам эмасман, ҳади ҳам қилмаганман-ки, сеники бўлиб қолса?!

– Ундай бўлса, ўртамизда муслмонларнинг қозиси ажрим қилсин.

– Инсоф қилдинг, қани, юр бўлмаса.

Икковлари қози Шурайхнинг ҳузурига бордилар. Қозихонага киришгач, Шурайх Али розияллоху анхудан сўради:

– Қандай даъвоингиз бор, эй мўминларнинг амири?

– Мана бу совут менинг совутим эди, уни фалон кечади, фалон ерди йўқотиб қўйган эдим. Баногох уни мана бу кишининг қўлиди кўриб қолдим. Унга бу совут олди-сотди йўли ёки ҳади орқали келмаган.

Шурайх зиммийга қараб деди:

– Сен нима дейсан?

– Совут меники, мана, қўлимда турибди. Лекин мўминлар амирини ёлғон гапиришда айбламайман.

Шурайх Али розияллоҳу анҳуга деди:

– Эй мўминлар амири, сизнинг рост айтаётганингизда ва бу совут сизники эканида қалбимда заррача ҳам шак-шубҳа йўқ. Лекин даъвоингизнинг рост эканига икки гувоҳ олиб келишингиз шарт.

– Ҳа, албатта. Хизматкорим Қанбар ва ўғлим Ҳасан мен учун гувоҳлик беради.

– Ўғилнинг ота учун гувоҳлиги ўтмайди, эй мўминлар амири.

– Субҳаналлоҳ! Жаннат аҳлидан бўлган кишининг гувоҳлиги ўтмайдими?! Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Ҳасан ва Ҳусайн жаннат аҳли йигитларининг саййидларидир”, деганларини эшитмаганмисиз?

– Эшитганман, мўминлар амири, лекин мен фарзанднинг ота учун берган гувоҳлигини қабул қилмайман.

Шунда Али розияллоҳу анҳу зиммийга қараб деди:

– Совут сенга бўлақолсин, мени бу икковидан бошқа гувоҳим йўқ.

– Эй мўминлар амири, чиндан ҳам совут сизники, – деди шунда Али розияллоҳу анҳунинг гапидан ҳайратга тушган зиммий, – ё Аллоҳ! Мўминларнинг амири менингдек бир зиммий билан қозига бориб даъволашса-ю, қози менинг фойдамга, унинг зарарига ҳукм чиқарса?!

Мана шундай одилликга буюрувчи дин ҳақ эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқлигига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига гувоҳлик бераман. Эй қози жаноблари, ҳақиқатда бу совут мўминлар амирининг совутидир. Мен Сиффинга (Шом вилоятидаги жойнинг номи) йўл олган лашкарнинг кетидан кетаётиб, унинг кул ранг туясидан тушиб қолган совутини олган эдим.

– Модомики, мусулмон бўлган экансан, бундан буён бизга биродарсан. Мана шу совут ва унга қўшимча мана бу от ҳам мендан сенга ҳадя, – деди Али розияллоҳу анҳу.

Бу воқеадан кўп ўтмай, мазкур одам Али розияллоҳу анҳу бошчилигида хаворижларга қарши бўлиб ўтган Наҳравон жангида шаҳид бўлди.

Шурайҳнинг ажойиботларига далолат қилувчи яна бир воқеа:

Кунларнинг бирида Шурайҳнинг ўғли отасига:

– Отажон, мен билан бир қавм ўртасида келишмовчилик юз берди. Эшитиб кўринг, агар ҳақ мен тарафда бўлса, улар билан даъволашаман. Борди-ю, ҳақ улар тарафда бўлса, уларни сулҳга чақираман, – дея отасига ҳолатни баён қилди. Шурайҳ воқеа тафсилотларини эшитгач:

– Улар билан даъволашавер, – деди.

Отанинг маслаҳати билан ўғил уларни қозига бориб даъволашишга чақирди. Улар рози бўлишиб, ҳаммалари қозининг ҳузурига бордилар. Шурайҳ икки томон даъвосини эшитгач, қавмнинг фойдасига, ўғлининг зарарига ҳукм қилди. Ота бола уйга қайтгач, ўғли:

– Ота, мени шарманда қилдингиз. Аввал сиз билан маслаҳатлашмаганимда эди, сизни маломат қилмаган бўлардим, – деди. Шунда Шурайҳ ўғлига деди:

– Эй ўғлим, Аллоҳга қасамки, сен мен учун улардан суюклироқсан. Лекин Аллоҳ азза ва жалла менга сендан-да азиздир! Менга маслаҳат



солганинда, ҳақ улар тарафида эканини сенга айтмаганим, сен буни билгач, уларни сулҳга кўндиришинг, натижада, уларнинг баъзи ҳақлари зое бўлишидан қўрқдим. Шунинг учун сенга шундай деган эдим.

Яна бир нодир ҳолат: Шурайхнинг ўғли маҳкамага тортилган бир кишига кафил бўлиб ўртага тушди. Шундан сўнг у киши маҳкамадан қочиб кетди. Шурайх кафил бўлиб ўртага тушган ўғлини, қочиб кетган кишининг ўрнига қамоқга ташлади ва ўзи ҳар куни ўғлининг олдига қамоққа овқат олиб бориб турди.

Баъзан қозихонага даъволашиб келганларнинг гувоҳларидан Шурайхнинг кўнгли тўлмас, аксинча, қалбида уларга нисбатан шубҳалар пайдо бўларди. Аммо гувоҳлар гувоҳликка ярайдиган ва рад қилиш мумкин бўлмагани учун, уларни қабул қилишдан ўзга чора топмас эди. Лекин улар гувоҳликка ўтишларидан аввал, уларга насиҳат қилиб бундай дер эди: “Менга қулоқ солинглар! Аллоҳ сизларни ҳидоятда қилсин. Сиз бу кишига гувоҳлик беришингиз билан унга ҳукм қилган бўласиз. Мен қиёматда сизларни рўкач қилиб, дўзахдан сақланаман, аслида, дўзахдан сақланадиган ишни қилиш сизларга муҳимроқдир. Гувоҳлигингиз чин бўлмаса, ҳозир гувоҳликка ўтмаслик имконингиз бор”. Агар шундан кейин ҳам улар гувоҳликка ўтишда қаттиқ туриб олсалар, унда бу гувоҳларни олиб келган кишига қарата: “Билиб қўй, мен буларнинг гувоҳлиги билан сенга ҳукм чиқараман, аммо билиб турибманки, ҳақ сен тарафда эмас, лекин мен гумон билан эмас, балки гувоҳларнинг шаҳодати билан ҳукм қиламан. Мен чиқарган ҳукм сенга Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб бермайди”, дер эди.

Қози Шурайх ўзига шиор қилиб олган ва қозихонада тез-тез айтиб турадиган сўзлардан бири қуйидаги эди:

“Эртага қиёматда золим киши аслида ким ютқизганини билиб олади. Золимлар азобни кутсалар, мазлумлар адолатни кутадилар. Қасам ичиб айтаманки, Аллоҳ учун бирон нарсани тарк этган киши уни қўлдан бой бергани учун асло пушаймон қилган эмас”.

Шурайх фақат Аллоҳ, Унинг Китоби ва Расулига тааллуқли бурчини адо қилибгина қолмай, балки мусулмонларнинг олим ва амирлари ҳамда оммага ҳам қўлидан келган эзгуликни улашар, уларга нисбатан

зиммасидаги вазифасини садоқат билан бажарар эди. Бунга қуйидаги воқеани далил қилиш мумкин:

Бир киши дўстидан шикоят қилаётганини эшитиб қолган Шурайх уни қўлидан ушлаб четга тортди-да, шундай деди: “Укажоним, сенга насиҳатим Аллоҳ азза ва жалладан Ўзгага шикоят қилишдан сақлан. Чунки сен шикоят қилган киши ё дўст, ёки душман бўлади... Дўст бўлса, унинг кўнглини ранжитасан, душман бўлса, устингдан кулади, уни севинтирасан”. Сўнгра унга қарата: “Менинг мана бу кўзимга боқ, – деб бир кўзига ишора қилди, – Аллоҳга қасамки, мана шу кўзим билан ўн беш йилдирки на бир одамни ва на теварак-атрофни кўра оламан... Ўн беш йилдан бери шу кўзим кўрмайди, аммо ҳеч кимга бу ҳақда шикоят қилмаганман. Сенга ибрат бўлсин, деб айтдим, холос. Солиҳ банда Яъқуб алайҳиссаломнинг сўзларини эшитмаганмисан: “Албатта, мен дарду ҳасратимдан фақат Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиламан...” (Юсуф сураси, 86). Бошингга бирон мусибат тушса Аллоҳгагина шикоят қил, Унга дардингни тўкиб сол, зеро, Аллоҳ сўралувчиларнинг энг саховатлиси ва дуони ижобат қилишга энг яқин Зотдир”.

Шурайх бир кишининг бошқа бир кишидан тиланаётганини кўриб: “Эй биродар, ким ўзига ўхшаган одамдан ҳожатини ўташини сўраса, ўзини қулликка маҳкум қилган бўлади. Агар сўралувчи унинг ҳожатини ўтаса, бу билан уни қул қилган бўлади. Борди-ю, ҳожатини ўтамай рад қилса, иккаласига ҳам хорлик етади... Бирига бахиллик хорлиги, яна бирига рад қилиниш хорлиги. Шунинг учун сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Ёрдам сўрасанг, ҳам Аллоҳдан сўра. Шунинг билки, банда учун Аллоҳнинг мадади ва тавфиқисиз бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳам ва бу ҳолатда давом этиш учун қувват ҳам бўлмайди”, деб насиҳат қилди.

Кўфада вабо касали тарқаганида Шурайхнинг бир дўсти вабодан қочиб Нажаф деган тарафларга кетиб қолди. Шунда Шурайх дўстига мана бундай мазмунда хат юборган экан: “Аммо баъд... Дўстим, сен ташлаб кетган ер сенга ажалингни яқин қилмас ва тақдирда битилган умрингни сендан тортиб олмас эди. Сен борган у ерлар ҳам, чора-тадбир қилиш Уни ожиз қолдирмайдиган ва Ундан қочиб қутулиб бўлмайдиган Зотнинг қабзидадир. Биз ҳам, сен ҳам бир Подшоҳнинг бисотидамиз. Нажаф эса қудрат Эгасига яқинроқдир”.

Буларнинг барига қўшимча тарзда Шурайх жуда қобилиятли, хилма-хил мавзуларда шеър ёзадиган қалами ўткир шоирлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ривоятларга кўра, Шурайхнинг ўн ёшлардаги, жуда ўйинқароқ, шўх боласи бор экан. Бир куни болани излаб борса, мактабдан кетиб, итларни томоша қилаётган экан. Уйга қайтгач, ўғлидан: “Намоз ўқидингми?” деб сўраганида, у: “Йўқ”, деб жавоб берибди. Шунда қоғоз ва қалам келтиришга буюриб, боланинг тарбиячисига ушбуларни битган экан: (Шеърнинг мазмуни):

“Илакишиб итларга, намозини ташлади,

Ёмонларга қўшилиб, дилимизни ғашлади.

Ҳузурингизга ушбу мактуб ила борганда,

Адаб беринг яхшилаб, таъзирин есин анда.

Уришга ҳожат бўлса, майли, дарра урингиз,

Уч даррадан ошиғи кўплик қилар, билингиз.

Қаршингиздаги бола гарчи шўхдир, ёмондир,

Бироқ бизга жигарбанд, бизга ширин бир жондир”.

Умар Форукдан Аллоҳ рози бўлсин, дарҳақиқат, у Исломдаги қозилик мансабини соф ва адолатли қози билан зийнатлаб кетди... Мусулмонлар то бугунги кунга қадар унинг Аллоҳ таолонинг шариатига доир илмий зиёсидан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари хусусидаги тушунчасининг нуридан баҳра оладиган ҳамда қиёмат кунида бошқа умматлар олдида у билан фахрланадиган ёрқин чироқни инъом этди.

Қози Шурайҳни Аллоҳ раҳматига олсин. Олтмиш йил мобайнида одамлар орасида адолатни барпо қилиб турди. Бирон кимсага жабр-зулм этмади, ҳақдан бурилмади, шоҳу гадога баб-баравар муомала қилди.

## Муҳаммад ибн Сийрин

**“Муҳаммад ибн Сийриндек тақвосида фақихроқ ва илмида тақволироқ кишини кўрмадим”** (Муварриқ Ижлий).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу қулликдан озод қилган, ҳунари орқали катта даромад ва кўп яхшиликларни қўлга киритган, моҳир мисгар уста Сийрин динининг қолган ярмини тўлдиришга, яъни уйланишга қарор қилди. Излай-излай охири Расулulloҳнинг халифаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг София исмли чўрисини ихтиёр этди.

София ёш бўлишига қарамай, заковатли, гўзал хулқли, ўзига яраша яхши хислатларга эга бўлган хушрўй чўрилардан эди. Қолаверса, у Мадина аёлларидан уни таниганларига – ўзининг тенгқур дугоналарига ҳам, унинг фикр ва сулукдаги жиддийлигини ўзларига ўртак қилиб олган кекса аёлларга ҳам баб-баравар суюкли эди. Айниқса, уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари, алалхусус, Оиша онамиз (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) жуда яхши кўрар эдилар.

Шундай қилиб, Сийрин Софиянинг қўлини сўраб совчи қўйди. Бунини қарангки, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу чўрисига совчи қўйган йигитни, ҳудди меҳрибон ота ўз қизига совчи қўйган йигитни суриштиргани каби суриштира бошлади. Аслида бунинг ажабланарли жойи йўқ. Сабаби, София Абу Бакр Сиддиқнинг қалбидан фарзанд сифатида жой олган ва бундан ташқари Сиддиқ розияллоҳу анҳуга Аллоҳ таоло томонидан топширилган омонат ҳам эди. Шунинг учун совчи йигитнинг дини, хулқи ва бошқа сифатлари билан қизиқди ва эринмай суриштириб чиқди. Йигит ҳақида Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан сўраганида у киши шундай деди: “Эй Расулulloҳнинг халифаси, Софияни Сийринга иккиланмай никоҳлаб бераверинг. Софиядан хавотир олманг. Мен Сийринни дини-ю хулқи аъло даражада бўлган, ўта мурувватли инсон деб биламан. Холид ибн Валид “Айнут-тамр” жангида асирга олиб Мадинага олиб келган қирқ қулнинг ичидан Сийрин менинг улушимга тушган эди. Ана шундан бери мен бу йигитнинг фақат яхшилигини биламан”.

Шундан сўнг Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Софияни Сийринга никоҳлаб беришга рози бўлди. Мушфиқ ота ўзининг суюкли қизига яхшилик қилгани каби, чўрисига ҳам яхшилик қилиш мақсадида, қизлар ҳавас

қиладиган, Мадинанинг анча-мунча ҳур қизлари ҳам эриша олмайдиган даражада чиройли тўй қилиб берди. Бу муборак тўйга бир қанча саҳобаи киромлар, жумладан, Бадр жанги иштирокчиларидан ўн саккизтаси ҳозир бўлдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котиблари Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу икки ёшнинг ҳаққига дуо қилди ва ҳозир бўлганлар “амийн” деб туришди. Келини Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёллари – мўминларнинг оналаридан учтаси ясантирдилар. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Аллоҳ таоло ушбу муборак никоҳнинг самараси ўларoқ, бу ёш келин-куёвга, йиллар ўтиб тобеинларнинг буюкларидан, мусулмонларнинг энг нодирларидан бўлиб етишган бир ўғил фарзанд инъом этди. У Муҳаммад ибн Сийрин эди.

Келинг, яхшиси, бу улуғ тобеиннинг ҳаётини бошидан ҳикоя қилиб берай.

Муҳаммад ибн Сийрин Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида, аниқроғи, унинг халифалик даври тугашига икки йил қолганда дунёга келди. Ҳар бир бурчагида парҳезкорлик ва тақво ифори уфуриб турган хонадонда тарбия топди. Ақл-заковатли, доно бу бола балоғат ёшига яқинлашганида, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини Зайд ибн Собит, Анас ибн Молик, Имрон ибн Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳум каби буюк саҳобалар ва кекса тобеинлар билан тўла ҳолда топди. Муҳаммад ибн Сийрин уларнинг илм чашмаларига, худди ташна кишининг зилол сувга талпингани каби талпинди, Аллоҳнинг Китобига оид илмларидан, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг ривоятларидан ақлини ҳикмат ва илмга, нафсини салоҳият ва ҳидоятга лиммо-лим қилгудек қониқиб-қониқиб симирди. Сўнгра оиласи билан бирга Басра шаҳрига кўчиб бориб, ўша ерни ўзига ватан тутди.

Умар розияллоҳу анҳу халифалик даврининг охиrhoғида асос солинган Басра шаҳри ёш бўлишига қарамай, ўша асрдаги Ислом умматининг кўпгина хусусиятларини намоён қилиб турар эди.

Басра шаҳри Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган муслмон лашкарлари учун ҳарбий қароргоҳ, Ироқ ва форс аҳлидан Аллоҳнинг динига кирувчилар учун таълим ва иршод маркази эди. Шунингдек, бу шаҳар дунё ободонлиги учун гуёки абадий яшайдигандек саъй-ҳаракат қиладиган, охират учун эса гўё эртага ўладигандек амал қилувчи жиддий исломий жамиятнинг инъикоси эди.

Муҳаммад ибн Сийрин Басрадаги янги ҳаётини икки бир-бирига тенг ва ёнма-ён йўлда юриш ила давом эттирди: кунининг ярмини илм ва ибодатга, қолган ярмини эса касб ва тижоратга ажратди. Тонг отиб, дунё Раббил оламиннинг нури ила мунаввар бўлгач, масжидга бориб таълим олар ва бошқаларга ҳам ўргатар, кун ярмидан ўтгач эса, бозорга бориб олди-сотди билан шуғулланар, кеч тушиб, қоронғулик борлиққа ўз пардасини тортгач, уйининг меҳробида қоим бўлган ҳолда Қуръон тиловатига шўнғиб, Аллоҳ таолодан қўрққанидан қалб ва кўз ёшларини тўкар, унинг қалб томирларини ёргудек инграшларини эшитган оила аҳли ва бир девор қўшниларининг раҳми келар эди.

Муҳаммад ибн Сийрин бозорда юрганда ҳам одамларга охиратни эслатиб, дунёга берилиб кетишдан огоҳлантирар, уларни Аллоҳ таолога яқин қиладиган йўлларга йўллаб, ўзаро келишмовчиликларни ҳал қилиб юрар эди. Вақти-вақти билан маҳзун диллардаги ғашликларни кетгазувчи ҳазилнамо гаплардан ҳам гапириб турар, аммо бу унинг одамлар назаридаги виқори ва ҳайбатини ҳеч ҳам туширмас эди. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло унга зукколик ва ҳайбат-салобат инъом қилганидан, одамлар унинг таъсирли гапларини диққат билан тинглар ва мамнуният билан қабул қилар эдилар. Бозорда савдога берилиб ғафлат босган одамлар, уни кўрганларида, дарҳол ҳушёр тортиб, Аллоҳ азза ва жаллани эсга олишар, таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ) ва такбирлар айтишар эди. Айниқса, унинг амалий сийрати одамларга энг яхши муршид эди. Тижоратда икки ишдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, гарчи дунёсига зарар бўлса ҳам, динига фойдалисини ихтиёр қиларди.

Дин асрорларини чуқур билиши ва ҳалол-ҳаром масалаларига тўғри қараши баъзан уни одамлар кўзида ғалати туюлган қарорлар қабул қилишга ундарди. Масалан, бир киши унинг икки дирҳам қарзи борлигини ёлғондан даъво қилиб келганида, Муҳаммад ибн Сийрин бундан бош тортади. Даъвогар икки дирҳамни деб Ибн Сийрин қасам ичмаса керак, деган гумонда унга:

– Қасам ичасизми? – дейди.

– Ҳа, ичаман, – деб, қарздор эмаслигига қасам ичади. Одамлар:

–Эй Абу Бакр, кечагина бошқалар шубҳаланмайдиган нарсадан ўзингиз шубҳа қилиб, қирқ минг дирҳамни тарк этгандингиз. Энди эса арзимас икки дирҳамни деб ҳам қасам ичасизми? – дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Сийрин:

– Ҳа, қасам ичаман. Сабаби, бу кишининг ҳаром ейишини хоҳламайман, чунки мен бу икки дирҳам унга ҳаром эканини яхши биламан! – деб жавоб берди.

Муҳаммад ибн Сийриннинг илм мажлиси эзгулик, яхшилик ва панду насиҳатдан иборат бўлар эди. Агар унинг ҳузурида бирон кимса ёмонлаб қолинса, дарҳол ўша кишининг яхши хислатларини эслатиб қўярди. Ҳатто бир киши вафот этиб кетган Ҳажжожни ҳақорат қилаётганини эшитиб: “Ҳой биродар, бас қил! Ҳажжож Парвардигорининг ҳузурига кетди. Сен ҳам Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурига борганинда, ҳаёти дунёда қилган энг кичик гуноҳингни Ҳажжож қилган энг катта гуноҳдан ҳам ўз нафсинга қаттиқроқ эканини кўрасан. Ҳар бир одамнинг у Кунда ўзига етарли ташвиши бўлур. Шуни билгинки, Аллоҳ таоло мазлумлар учун Ҳажжождан қасосларини олгани каби, Ҳажжожга зулм қилганлардан ҳам қасос олади. Бугундан кейин бировни ҳақорат қилиш билан овора бўлма”, деди.

Тижорат сафарига кетаётган бирон кимса хайрлашиш учун Муҳаммад ибн Сийриннинг олдига келса, унга насиҳат қилиб: “Биродарим, сизга насиҳатим, аввало, Аллоҳ азза ва жалладан қўрқинг, Ундан тақво қилинг. Ризқингизни фақат ҳалол йўллар билангина топинг. Сиз ризқингизни ҳалол бўлмаган йўллардан изласангиз ҳам, барибир тақдирда ёзилганидан кўпроғини топа олмайсиз”, деб кузатиб қўярди.

Муҳаммад ибн Сийрин Умавий амирлар ҳузурида ҳам ўзига хос мавқега эга эди. Улар билан кўришганида маломатдан қўрқмай ҳақ сўзни гапирганига тарих шоҳиддир. Чунки у Аллоҳ учун, Расули учун ва муслмонлар ҳокимлари учун холис насиҳат қиларди. Шулардан бири қуйидаги қиссадир:



Ироқ ва Хуросон ҳокими, Умавийларнинг катталаридан бўлган Умар ибн Ҳубайра Фазорий Мухаммад ибн Сийринни ҳузурига чорлаб чопар юборади. Ҳокимнинг даъватига ижобат қилиб Мухаммад ибн Сийрин жияни билан йўлга тушади. Ҳокимнинг олдига киришганда у Мухаммад ибн Сийринни иззат-икром билан кутиб олиб, тўрга ўтказди, сўнг дин ва дунё ишларига тааллуқли кўп масалаларни сўрайди. Сўхбат асносида ҳоким:

– Эй Абу Бакр, шахрингиз аҳолиси қай аҳволдалар?– деб сўрайди.

Мухаммад ибн Сийрин:

– Шаҳар аҳолиси ичида зулм кенг тарқаган, сиз эса бундан беҳабарсиз... – деб жавоб қилади. Шунда жияни Мухаммад ибн Сийриннинг елкасини босиб, гапдан тўхташини талаб қилганида, унга қараб:

– Сен булар ҳақида масъул эмассан, аммо мен масъулман. Бу “гувоҳлик”дир, ахир! Аллоҳ таоло: **“Ким гувоҳликни яширса, (у хиёнаткор ва бузуқ қалб эгасидир)”**, деган, – дейди. Сўхбат ниҳоясига етганида Умар ибн Ҳубайра Мухаммад ибн Сийринни қандай иззат-икром билан кутиб олган бўлса, ундан-да зиёда ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўяди ва ортидан уч минг динор бериб юборади. Мухаммад ибн Сийрин дийнорларни олмайди. Жияни:

– Ҳокимнинг ҳадясини нима сабабдан олмадингиз? – деб сўраганида, улуғ тобеин шундай жавоб қилади:

– Ҳоким мени яхши одам деган ўйда ҳадя берган. Агар ҳоким ўйлаганидек яхши одам бўлмасам, ҳоким берган ҳадяни олиш менга дуруст эмас. Агар у ўйлаганидек бўлсам, олмаслигим яхшироқдир.

Аллоҳ таоло Мухаммад ибн Сийриннинг содиқлигини имтиҳон қилишни хоҳлаб, чинакам мусулмонларга етадиган турли машаққатларга рўбарў қилди. Қуйида ана шундай ҳикоялардан бирини ҳавола қиламиз:

Улуғ тобеин насияга қирқ минг дирҳамлик ёғ сотиб олади. Ёғ солинган идишларнинг бирини очганида, ичида ўлган сичқоннинг титилиб ётганига

гувоҳ бўлади. Бу ҳолатни кўрган Ибн Сийрин ўйлайди: “Бу идишлардаги ёғларнинг ҳаммаси мойжувозникида олдин битта идишда бўлган. Демак, бу нажосат фақат мана шу идишдаги ёққа хос эмас. Агар “ёғинга сичқон тушиб, ўлиб, титилиб кетибди. Мен бундай айбли маҳсулотни олмайман”, деб ёғни эгасига қайтариб берсам, у билдирмай одамларга сотиб юбориши мумкин”. Шундан сўнг Ибн Сийрин ёғнинг ҳаммасини тўкиб ташлайди. Бу иш тижорати қаттиқ касодга учраган вақтга тўғри келган эди. Шу сабабли катта қарзга кириб қолади. Ёғнинг эгаси ҳаққини талаб қилганида қарзини тўлашга қодир бўлмайди. Ёғнинг эгаси Ибн Сийриндан волийга шикоят қилади. Волий бўйнидаги қарзни адо қилмагунича Муҳаммад ибн Сийринни қамаб қўйишга амр қилади. Қамоқда узоқ муддат қолиб кетган бу улуғ тобеиннинг диндаги матонати, тақвоси ва ибодатини кўрган қамоқ ноziри унга раҳми келиб шундай дейди:

– Эй шайх, кеч киргач, уйингизга бориб, оилангиз билан кечани ўтказиб кела қолинг, тонг отгач, қайтарсиз. Қамоқдан озод бўлиб чиққунингизгача шундай қилишингиз мумкин.

– Аллоҳга қасамки, мен асло бундай қилмайман, – деди Муҳаммад ибн Сийрин.

– Нима учун?

– Волийга хиёнат қилишингда сенга ёрдамчи бўлиб қолмаслигим учун!

Муҳаммад ибн Сийриннинг қамоққа тушиши улуғ саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ҳаётининг охириги дамларига тўғри келди. Улуғ саҳобий вафотларидан сўнг уни ювиш, кафанлаш ва жанозаларини ўқишни Муҳаммад ибн Сийрин бажаришини васият қилдилар. Анас ибн Молик вафот этгач, одамлар волийга келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилган улуғ саҳобийнинг сўнгги васиятлари ҳақида хабар бериб, уни бажариш учун Муҳаммад ибн Сийринни қамоқдан чиқариб туришга изн сўрайдилар. Волий рўхсат беради. Аммо қамоққа бориб Муҳаммад ибн Сийринга ҳолатни баён қилишганида, улуғ тобеин: “Токи қарзимнинг эгаси изн бермагунича чиқмайман. Чунки мен устимда унинг ҳаққи борлиги учун қамалганман”, деб жавоб беради. Ҳақдор ҳам рози бўлгач, қамоқдан чиқиб, Анас розияллоҳу анҳуни ювиб, кафанлаб,

жанозаларини ўқиб, сўнг аҳли-оиласини кўриш учун уйига ҳам бормаи яна қамоққа қайтиб келади.

Муҳаммад ибн Сийрин етмиш етти йил умр кечирди. Умри ниҳоясига яқинлашганида, ўлим уни дунё юкларидан енгил, охират ҳаёти учун салмоқли захира ҳозирлаган ҳолатда топди.

Замонасидаги обида аёлларидан бўлган Ҳафса бинти Рошид шундай ҳикоя қилади: “Тоат-ибодатга берилган, жуда обид киши бўлган Марвон Маҳмалий бизнинг қўшнимиз эди. Шу киши вафот этганида қаттиқ ғамга ботдик. Бир куни туш кўрибман, тушимда ана шу обид қўшнимизни кўриб:

– Эй Абу Абдуллоҳ, Аллоҳ таоло сизни нима қилди? – деб сўрадим.

– Раббим мени жаннатга киритди, – деди у.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин ўнг тараф эгаларининг олдига олиб чиқилдим.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин муқарраблар (Аллоҳга яқин қилинган пешқадамлар) олдига олиб чиқилдим.

– У ерда кимларни кўрдингиз?

– Ҳасан Басрий билан Муҳаммад ибн Сийринни.

Аллоҳ Муҳаммад ибн Сийринни раҳматига олсин, Ислом умматига қилган хизматлари сабаб улуғ ажр-мукофотлар билан сийласин!

## Рабеа ар-Раъй

“Рабиадан кўра суннатни сақловчи роқ кишини кўрмадим”.

(Ибн Можашун)

Мана, ҳозир биз ҳижратнинг эллик биринчи йилида турибмиз. Ана улар ернинг мағрибу машриғида кезиб, башарият учун бунёдкор, соф ақидани кўтариб, ёрдам ва ислоҳ қўлини чўзиб, одамларни ўзига ўхшаган инсонга қуллик қилишдан озод этиб, шериги йўқ ёлғиз Аллоҳга қуллик қилдирадиган шариатни ёйиб юрган мусулмон лашкарлари. Бу киши эса Хуросон амири, Сижистон фотиҳи, музаффар қўмондон, улуғ саҳобий Рабеъ ибн Зиёд Ҳорисий разияллоҳу анҳу. Аллоҳ йўлида юрган ушбу лашкарнинг аввалида, ундан ҳеч ажралмас, шижоатли ғуломи Фаррух билан кетмоқда. Аллоҳ таоло унга Сижистон ва бошқа ерларни фатҳ қилиш шарафини ато этгач, улуғ саҳобий ўзининг сермазмун, жаҳонгашта ҳаётининг охирида Сайхун дарёсидан кечиб, Мовароуннаҳр диёрларида тавҳид байроғини олий қилишни азм этади. Рабеъ ибн Зиёд розияллоҳу анҳу кутилаётган жангга қаттиқ тайёргарлик кўриб, Аллоҳнинг душманларини тор-мор қилиб ташлашга шайланди. Жанг бошлангач, Рабеъ разияллоҳу анҳу ва унинг енгилмас лашкарлари шундай жасорат ва мардлик намоён қилдиларки, ҳали-ҳануз тарих бу фидойиликни олқиш ва мақтовлар билан ёд этади. Айниқса, улуғ саҳобийнинг ғуломи Фаррух жанг майдонида шундай қаҳрамонлик ва жасорат билан олишадикки, Рабеъ разияллоҳу анҳу ҳам бундан ҳайратланиб, шарафлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Жанг мусулмонларнинг тўлиқ ғалабаси билан ниҳоясига этади. Душман тор-мор қилинади. Шундан сўнг турк диёрлари, Суғд вилояти ва Хитой ерлари билан ораларини тўсиб турган дарёдан кечиб ўтадилар. Улуғ саҳобий ва қўмондон Рабеъ розияллоҳу анҳу лашкарлар билан дарёни кечиб, қирғоқнинг бу тарафига қадамлари тегиши биланоқ, дарё сувида чиройли таҳорат олиб, қиблага юзланиб, нусрат ато этган Аллоҳ азза ва жаллага шукрона ўлароқ икки ракат намоз ўқийди. Сўнг ғуломи Фаррухнинг жангдаги фидойилигини гўзал тарзда тақдирлаган қўмондон саҳобий, уни озод этиб, қўлга киритилган ўлжадан унга тегишли бўлган улушни ажратади ва ўз ёнидан ҳам катта миқдорда насиба қўшиб беради.

Бундай нурафшон, ёрқин кунлардан сўнг Рабеъ ибн Зиёд разияллоҳу анҳунинг ҳаёти узоқ давом этмади. Орзулари рўёбга чиққанидан икки йил ўтиб, тақдирда битилган ажали вафо қилиб, Парвардигори ҳузурига рози

бўлинган ва рози бўлган ҳолда кетди. Довюррак, шижоатли йигит Фаррух эса ғаниматлардан қўлга киритган катта улуши, саховатли хожасининг ҳадяси, бунга қўшимча бебаҳо ҳуррият ҳамда нодир жасорат ва қаҳрамонликка бой хотиралар билан Мадинаи Мунавварага қайтиб келди. Фаррух Мадинага келганида, чамаси ўттиз ёшдаги билаги кучга тўлган, чавандоз, навқирон ёш йигит эди. У ҳам бошқалар каби, уй-жой қилиб, уйланиб, бола-чақа орттириш мақсадида Мадина марказидан ҳовли сотиб олди. Ўзига жуфтликка ақли расо, фазилат борасида етук, диндор, ёш жиҳатдан ҳам муносиб аёлни ихтиёр этди.

Фаррух Аллоҳ таоло унга инъом қилган неъматлар ичида, яъни кенг ҳовли ва солиҳа жуфти ҳалолнинг ширин сўхбатидан баҳра олиб, ўзи ўйлаганидан ҳам зиёда ҳаёт лаззатларидан роҳатланиб яшай бошлади. Лекин барча қулайликларга эга бўлган бу кенг ҳовли жой ҳам, Аллоҳ ато этган гўзал хулқ ва олий фазилатларга эга бўлган солиҳа аёл ҳам, паҳлавон, чавандоз бу йигитнинг жанг майдонларига бўлган жўшқин иштиёқини, ўткир қиличларнинг бир-бирига урилгандаги товушини эшитишга бўлган муштоқлигини ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодга бўлган муҳаббатини боса олмади. Ҳар сафар Аллоҳ йўлида ғазотга чиққан мусулмон лашкарларининг ғалаба қилгани ҳақидаги хабарлар тарқаганда, унинг жиҳодга бўлган завқини, шаҳид бўлиш иштиёқини янада аланга олдиран эди.

Бир куни Фаррух жума намозида, масжидун Набийнинг имом хатиби мусулмон лашкарларнинг бир неча майдонлардаги ғалабаси ҳақидаги хушxabарни эълон қилиб, одамларни Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга ундади, диннинг иззати ва Аллоҳнинг розилигини истаган ҳолда шаҳид бўлишга тарғиб этди. Фаррух уйига қайтгач чор атрофга тарқаб кетган мусулмон қўшинларидан бирининг байроғи остига киришга қарор қилганини аёлига айтди. Шунда аёли: “Эй Абу Абдурахмон, мен ҳомиладор бўлсам, шу ҳолимда мени ва ҳомиламни кимга қолдириб кетасиз, ахир, сизни Мадинада на бир яқинларингиз ва на қариндошларингиз бўлса?” деди. Фаррух: “Сизларни Аллоҳ ва Унинг Росулига қолдираман, ғаниматлардан йиққан ўттиз минг динорни ҳам сизларга ташлаб кетаман, шуни иложи бўлса, кўпайтиргин ва мен қайтиб келаманми ёки орзуимга етиб шаҳид бўламанми, эҳтиёт қилиб, ўртача тарзда ўзингга ва болага сарфлагин”, деб жавоб берди ва хайрлашиб мақсади сари йўл олди.

Эри кетганидан сўнг бир неча ой ўтгач, оғир вазминли ва жиддий бу аёлнинг кўзи ёриб, кўрган одамнинг кўзини қувонтирадиган, тўрт мучаси

соғ чақалоқ дунёга келди. Бундан ниҳоятда шодланган она бир муддат чақалоқ отасининг фироғини ҳам унутди. Чақалоқ ўғил эди, унга Рабеа деб исм қўйди.

Болада ёшлик чоғиданоқ улуғворлик аломатлари, ишидаю сўзида закийлик белгилари кўрина бошлади. Меҳрибон она фарзандининг билимли бўлишини жуда-жуда истаганидан муаллимлар ёллаб ўқитди, тарбиячилар топиб болага гўзал тарбия беришларини илтимос қилди. Кўп ўтмай бола ўқиш ва ёзишда моҳир бўлди. Қуръонни мукаммал ёд олди. Ҳадисларни пухта ўзлаштирди. Фойдали араб мақоллари ва ҳикматли сўзларини ёдлади.

Рабеанинг онаси муаллим ва тарбиячиларга мол-дунё ҳамда мукофотларни аямай берар, боласининг илми зиёда бўлаётганини кўргани сари уларга инъом-эҳсонини кўпайтирар эди. Отаси қайтиб қолса, кўзларини қувонтирадиган фарзанд бўлсин деб интилар эди. Бироқ Фаррухнинг қайтиши чўзилиб кетди. Ундан ташқари, у ҳақда турли гап-сўзлар ҳам эшитила бошлади, баъзилар: “Фаррух душман қўлида асир бўлиб қолибди”, деса, бошқалар: “Фаррух ҳали ҳам жиҳод майдонларида жанг қилиб юрган экан”, дер, яна бировлар: “Фаррух ўзи орзу қилган шаҳидликка эришибди”, деб айтар эди. Фаррухнинг ўзидан бирон бир хат-хабар келмай қолганидан, Рабеанинг онасида ҳам мана шу учинчи гап тўғри бўлса керак, деган ўйга келди. Қалби эзилди, қайғуга ботди, қаттиқ маҳзун бўлди. Аллоҳдан ажрини беришини илтижо қилди.

Рабеа балоғат ёшига яқинлашиб, йигитлар сафига қўшила бошлади. Баъзилар унинг онасига: “Мана, Рабеа ҳам катта йигит бўлиб қолди. Ўқиш-ёзишни мукаммал ўрганиб, тенгқурларидан ўзиб кетти. Қуръон ва ҳадисни ёдлаб олди. Энди бирон касб-ҳунар ўрганса ҳам бўларди. Бу қобилияти билан тезда яхши ҳунарлик бўлади, оилани бемалол таъминлар эди”, деди. Меҳрибон она: “Аллоҳ таолодан боламга икки дунёси учун фойдалисини бер деб сўрар эдим. Рабеа умрининг охиригача илм ўрганиш ва ўргатиш йўлини танлади”, деб жавоб берди.

Ҳа, дарҳақиқат, Рабеа ўзи танлаган йўлдан бўшашмай, илдам юра бошлади. Масжиди набавийдаги илм чашмаларига ташна одамдек талпинди. Ҳаёт бўлган саҳобаи киромларни, хоссатан, “Пайғамбар ходими”

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуни маҳкам тутди. Тунни кунга улаб Саид ибн Мусайяб, Макхул Шомий, Салама ибн Динор каби пешқадам тобеинлардан дарс олди. Илм олиш машаққати уни оздириб-тўздириб юборди. Унга: “Бунчалар ўзингни қийнама, озгина бўлса ҳам ўзингга раҳм қил” деганларга: “Сен бор-йўғингни бермагунингча илм сенга озгинасини ҳам бермайди”, деб жавоб берарди. Кўп ўтмай, Рабеанинг доврўғи тарқади, дўсту шогирдлари кўпайди, қавмининг саййидига айланди. Хуллас, Мадина олимининг ҳаёти оддий ва осойишта кеча бошлади. Куннинг ярмини уйда оила аъзолари ва биродарлари билан ўтказса, иккинчи ярмини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида илм ҳалқаларида ўтказар эди. Кутилмаганда унинг ҳаётида муҳим воқеа рўй берди...

Ойдин ёз кечаларининг бирида Мадинаи мунавварага чамаси олтмиш ёшларни қоралаган бир отлиқ кириб келди. Шаҳарнинг тор кўчаларида отига минганича ўзининг ҳовлисини излаб борар эди. Аммо ҳовлиси ҳали ҳам турганми ёки йиллар ўтиб бузилиб кетганми – билмасиди. Уйдан чиқиб кетганига нақ ўттиз йил бўган эди-да. У бирма-бир хаёлидан ўтказиб борарди: “Қолдириб кетган ёш ҳомиладор хотиним қаерда экан? Ҳоли нима кечди экан? Ҳомиласи ўғил туғилганмикин ё қизми? Ҳаётмикин ё вафот этиб кетганмикин? Ҳаёт бўлса, қай аҳволда экан? Бухоро, Самарқанд ва ўша атрофдаги ерларни фатҳ қилиш учун муслмон лашкарлари билан кетаётганимда қолдирган катта миқдордаги маблағ нима бўлган экан?” Мадина кўчалари зиёратчилар билан гавжум эди. Хуфтон намози эндигина тугаган, масжиддагилар аста-секин ташқарига чиқа бошлаган эди. Одамлар бу отлиқнинг ёнидан ўтиб кетар, аммо ҳеч бири уни танимас, на ўзига, на учқур отига ва на бўйнида осилган қиличига эътибор берар эди. Одатда, муслмонлар Аллоҳ йўлида жиҳодга кетаётган ё қайтган мужоҳидни кўринишидан билар, унга яхши муносабатда бўлар эди. Бу ерда шу иззатни кўрмагани учун отлиқ бироз ранжиди. Мадинанинг сал-пал ўзгарган тор кўчаларида ўйга чўмганча кетаётиб, ногаҳон ўз уйининг олдидан чиқиб қолди. Оиласи билан дийдорлашиш қувончидан шошилганча уйининг дарз кетган дарвозасидан кириб, ҳовлининг ичкарасигача ўтиб борди. Эшикнинг ғижиллаганини эшитган уй эгаси тепа қаватдаги хонадан чиқди. Қараса, бўйнига қилич ва найза осиб олган киши кечаси ўйга бостириб кирибди. Ёш хотинига яқин масофада турибди, унга кўзи тушиши мумкин. Ҳабадан сакраб тушиб, нотаниш кишининг олдида ялангоёқ келди. “Тунда уйимга бостириб кириб, хотинимга тажовуз қилмоқчимисан, эй Аллоҳнинг душмани”, дея ҳужумга учраган Ҳабабнок шердек ташланди. Нотаниш кишининг гапиришига фурсат ҳам қолдирмади. Ҳовлининг ўртасида

икковлон ёқалашди. Товушлари кўтарилиб, шовқин-сурон бўлиб кетди. Дарҳол қўшнилари ҳар тарафдан ёрдамга келиб, нотаниш кишини кишанлагандек маҳкам ушлаб олди. Уй соҳиби унинг бўйнидан қаттиқ ушлаб: “Эй Аллоҳнинг душмани, Аллоҳга қасамки, сени волийнинг ҳузурдагина қўйиб юбораман”, деди. Нотаниш киши: “Мен Аллоҳнинг душмани эмасман, гуноҳга ҳам қўл урганим йўқ, бу менинг уйим, менинг мулким. Дарвозаси очик экан, кириб келавердим”, деди ва одамларга: “Ҳой одамлар, бу уй меники, мен уни ўз пулимга сотиб олганман. Мен Фаррухман... Наҳот ичингизда ўттиз йил муқаддам Аллоҳ йўлида жиҳодга кетган Фаррухни танийдиган бирон кимса бўлмаса?!” дея юзланди. Уй соҳибининг ухлаётган онаси шовқин-сурондан уйғониб кети. Деразадан қараса, бутун бўй-басти билан эри турибди. Даҳшатдан тили айланмай қолди. Ўттиз йилдан бери алоқаси узилган эри билан шу ерда яна қайта кўришиш хаёлига ҳам келмаган эди. Ўзига келиб: “Бу кишини қўйиб юборинглар... Рабеа, ўғлим, қўйиб юбор. Ахир, бу сенинг отанг бўлади... Эй барака топкурлар, тарқалинлар. Абу Абдурахмон, хотиржам бўлинг, бу йигит сизнинг ўғлингиз, жигарбандингиз”, деди. Бу гапни эшитиши билан Фаррух Рабеани ўзига тортиб, қучоқлаб олди. Рабеа ҳам уни қучди, қўли, елкаси ва пешонасидан ўпди. Қўшнилари уй-уйига тарқалди. Онаси ҳам саломлашиш учун хонасидан чиқди.



## Ражо ибн Ҳайва

**“Кинда қабиласида уч киши бор. Аллоҳ шулар сабаб осмондан ёмғир ёғдиради, душман устидан ғалаба ато этади. Улардан бири Ражо ибн Ҳайвадир”** (Маслама ибн Абдулмалик)

Тобеинлар авлодида уч киши бор. Ўша замонда яшаган инсонлар уларга тенг келадиган инсонни билишмаган ва уларга қиёс қилинадиган бошқа бировни кўришмаган. Гўё учовлон ўзаро келишиб олган: бир-бирларига ҳақни маҳкам тутиш ва сабр қилишни тавсия этган, яхшилик ва эзгулик устида аҳдлашган, ҳаётларини илм ва тақво устига қурган, Аллоҳ ва Расулига, мусулмонлар оммасига, олим у амирлардан иборат етакчи тоифасига хизмат қилишга бел боғлаган эдилар. Улар Ироқда Муҳаммад ибн Сирин, Ҳижозда Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Шомда Ражо ибн Ҳайва эдилар.

Келинг, уларнинг учинчилари Ражо ибн Ҳайванинг баракотли умридан баъзи лаҳзаларни қисса қилиб ўтамыз.

Ражо ибн Ҳайва Фаластиннинг “Бийсан” деган жойида дунёга келди. Унинг таваллуд топиши Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу халифалик даврининг охирларига тўғри келди. Арабларнинг “Кинда” қабиласига мансуб бўлиб, шунга кўра ватани Фаластин, асли араб, қабиласи “Киндий” деб таъриф берилди.

Бу йигит ёшлик чоғиданоқ Аллоҳ таолога тоат-ибодатда улғайди. Ажаб эмас, шунинг учун Аллоҳ таоло уни суйган, одамларга ҳам суюкли этган бўлса. У ёшлигиданоқ илмга юзланди, илм унинг қалбини соф, тоза ва холи ҳолда топиб, унга мустаҳкам ўрнашиб олди. У асосий эътиборини Аллоҳ таолонинг Китобидан мўл-кўл насиба олиш ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини чуқур ўрганишга қаратди. Натижада фикри Қуръон нури билан мунаввар, ақл-идроки нубувват йўли ила нурафшон, қалби эса панду-насиҳат ҳамда ҳикмат бирла тўлиб тошди. Кимга ҳикмат – Қуръон ва ҳадис илми берилган бўлса, албатта, кўп яхшилик берилган бўлади.

Ражо ибн Ҳайвага бахт кулиб боқиб, бир қанча улўф саҳобалардан таълим олиш шарафига муяссар бўлди. Абу Саид Худрий, Абу Дардо, Абу

Умома, Убода ибн Сомит, Муовия ибн Абу Суфён, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Наввос ибн Самъон ва бошқалар шулар жумласидан. Барчалари Ражо учун ҳидоят ва илм-ирфон маёғи бўлдилар. Шундай улуғ бахтга муяссар бўлган Ражо ўзи учун қатъий дастур тузиб олиб, ҳаётининг охиригача шунга амал қилиб ўтди. У шундай дер эди: “Иймон зийнатлаган ислом, тақво зийнатлаган иймон, илм зийнатлаган тақво, амал зийнатлаган илм, ҳалимлик ва мулойимлик зийнатлаган амал нақадар гўзалдир!”.

Дарҳақиқат, Ражо ибн Ҳайва Абдулмалик ибн Марвондан бошлаб, то Умар ибн Абдулазизгача бўлган бир қанча умавий халифаларга вазирлик қилди. Айниқса, унинг Сулаймон ибн Абдулмалик ва Умар ибн Абдулазиз билан бўлган алоқаси улардан аввал ўтган халифалар билан бўлган алоқасидан кўра мустаҳкамроқ эди. Ражо ибн Ҳайвани умавий халифаларга яқин қилган сифат унинг ўта мулоҳазали, тўғри сўз ва холислиги, ишга ҳикмат билан ёндошиши эди. Буларнинг барига тож бўлган асосий сифати эса, одамларнинг подшоҳлар атрофида ўралашишига сабаб бўладиган дунё матоларидан ўзини тортиши эди.

Ражо ибн Ҳайванинг умавий халифаларга яқин бўлиши Аллоҳ таолонинг уларга буюк раҳмати ва улуғ инъоми бўлди, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Ражо ибн Ҳайва уларни яхшиликга чорлади, уларга яхшилик йўлларини кўрсатиб турди. Ёмонликдан қайтарди, унинг эшикларини беркитди. Уларга ҳақни кўрсатиб, унга эргашишни зийнатлаб кўрсатди. Уларга ботилни тушунтириб, унга эргашишдан огоҳлантирди. Аллоҳ ва Расули учун, муслмонларнинг имомлари ва омма халқ учун холис насиҳат қилди.

Ражо ибн Ҳайва ҳаётида унинг халифалар билан аралашиш борасидаги йўлини ёритган, уларга нисбатан бажариши лозим бўлган вазифасини белгилаб берган бир воқеа содир бўлади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Мен ва Сулаймон ибн Абдулмалик одамлар орасида турганимизда ногоҳон зич оломон орасини ёриб биз тарафга юриб келаётган бир кишига кўзим тушди. У келишган ва ҳайбатли инсон эди. Сафларни ёриб юришда давом этар экан, унинг халифани кўзлаб келаётганига шубҳа қилмадим. Рўпарамга келгач саломлашиб ён томонимга ўтди ва: «Эй Ражо, сен мана бу киши билан синовга ташланибсан», деб халифага ишора қилди ва бундай дея сўзида давом этди: «Унга яқин бўлиш, ё катта яхшиликка, ё катта ёмонликка сабаб бўлади. Сен унга яқинлигингни ўзинга ҳам, унга ҳам, одамларга ҳам яхшилик бўлишига ҳаракат қилгин. Шунини билки, эй Ражо, кимнинг ҳоқим

ҳузурида обрў-эътибори бўлса ва ҳокимга ҳожатини етказа олмайдиган заиф кишининг ҳожатини унга етказса, қиёмат куни Аллоҳга йўлиққанида У зот унинг ҳисоб-китобини осон қилиб қўяди. Унутма, эй Ражо, ким бир муслмон биродарининг ҳожатини ўтаса, Аллоҳ унинг ҳожатини ўтайди. Яна шуни билки, эй Ражо, Аллоҳ азза ва жаллага энг суюкли амаллардан бири, муслмон кишининг кўнглини шод этишдир». Мен унинг сўзларини мушоҳада қилиб, яна кўпроқ гапиришини истаб турганимда бирдан халифа: “Ражо ибн Ҳайва қаерда?” деб мени йўқлаб қолди. Халифа томонга бурилиб: “Шу ердаман, эй мўминлар амири”, дедим. Халифа мендан баъзи нарсалар ҳақида сўради. Унинг саволларига жавоб бериб бўлишим билан менга насиҳат қилган киши томонга қайрилдим. Аммо у йўқ эди. Одамлар орасидан роса қидирдим, лекин топа олмадим”.

Ражо ибн Ҳайва билан Бани Умайя халифалари ўртасида Ражонинг ихлоси, динга садоқатига далолат қиладиган талай воқеалар бўлиб ўтган. Бу воқеалар тарихнинг зарҳал саҳифаларида сақланиб қолган бўлиб, уларни кейингилар олдингилардан нақл қилиб келади. Қўйида шундай воқеалардан намуналар келтирамиз.

Бир куни Ражо халифа Абдулмалик ибн Мавоннинг мажлисида ўтирар экан, бир киши Бани Умайяга қарши ёмон ниятли экани билан халифага таъриф этилди. У ҳақда «Ибн Зубайр жамоатидан, унинг тарафини олиб юради», дейилди. Гап етказувчи у кимсанинг баъзи сўзлари ва хатти-ҳаракатларини тилга олди. Бундан халифанинг ғазаби келиб: «Агар қўлимга тушгудек бўлса, ундоқ қиламан, бундоқ қиламан, бошини танасидан жудо қиламан!» деди. Орадан кўп ўтмай ҳалиги кимса қўлга тушди ва халифанинг олдига олиб келинди. Уни кўрган халифанинг ғазаби жунбушга келди ва у ҳақда айтган таҳдидини ижро этмоқчи бўлди. Буни сезган Ражо ўрнидан туриб халифага яқинлашди ва деди: «Эй мўминлар амири, Аллоҳ сизга ўзингиз яхши кўрган куч-қудратни берди. Энди сиз ҳам Аллоҳ учун У зот яхши кўрган афв ва кечиримлиликини аяманг». Бу сўздан кейин халифа ўзига келди, ғазаби сўнди, ҳалиги кишини афв этди, унга яхшилик қилиб, қўйиб юборди.

Ҳижрий тўқсон биринчи йилда Валид ибн Абдулмалик Ражо ибн Ҳайва ҳамроҳлигида Ҳажга борди. Мадинага етиб келишгач, Умар ибн Абдулазиз ҳамроҳлигида Масжиди набийни зиёрат қилдилар. Халифа масжидни икки юз газ қилиб кенгайтиришни мақсад қилганидан уни шошмасдан бемалол кўздан кечиришни хоҳлади. Шунинг учун одамлар масжиддан чиқарилди.

Масжидда Саид ибн Мусайябдан бошқа ҳеч ким қолмади. Қўриқчилар Саид ибн Мусайябни чиқаришга журъат қила олмадилар. Ўша вақтда Мадинанинг волийси бўлган Умар ибн Абдулазиз: “Одамлар чиқиб тургани каби сиз ҳам масжиддан чиқиб турсангиз яхши бўлар эди” деб унга одам жўнатди. Саид ибн Мусайяб унга: “Масжиддан ҳар куни чиқишга одатланган вақтимдагина чиқаман”, деб жавоб берди. “Ўрнингиздан туриб мўминлар амири билан саломлашсангиз бўлар эди”, дейилганда: “Мен бу ерга оламлар Рабби учун тургани келганман”, деди. Умар ибн Абдулазиз Саид ибн Мусайябнинг жавобидан хабар топгач, халифани у ўтирган жойдан буришга, Ражо ибн Ҳайва эса халифани гап билан чалғитишга ҳаракат қила бошлади. Чунки улар халифанинг жаҳлдор ва қаттиққўллигини яхши билар эдилар. Халифа барибир уни пайқаб қолди. “Ҳов анави ўтирган ким, Саид ибн Мусайяб эмасми?” деди халифа. “Ҳа, Саид ибн Мусайяб, эй мўминлар амири”, дея жавоб қилди икковлон ва Саид ибн Мусайябнинг диёнати, илми, фазли ва тақвоси ҳақида тўлиб-тошиб гапира кетдилар. “Сиз турган жойни билган бўлганида, албатта, келиб сиз билан кўришган бўлар эди, бироқ шайхнинг кўзи яхши кўрмайди” деб, узр баён қилган бўлдилар. Халифа: “Мен шайхни сизлар сифатлаган даражада биламан, у киши биз ўзимиз бориб, саломлашишимизга ҳақли зотдир”, деди. Сўнг масжидни айланиб, шайх ўтирган жойга бориб, у кишига салом берди ва: “Шайхимизнинг аҳволи қалай?” деб ҳол сўради. Саид ибн Мусайяб ўрнидан турмаган ҳолда: “Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан яхши юримман, Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мўминлар амири қалайлар? Аллоҳ у кишини Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларга муваффақ қилсин», деди. Халифа шайхнинг ҳузуридан кетар экан: “Бу инсон солиҳ одамлардан бизгача етиб келганидир... Бу киши умматнинг салафига ўхшаш кишидир”, дер эди.

Халифалик Сулаймон ибн Абдулмаликга ўтгач, Ражо ибн Ҳайванинг шаъни, обрў-эътибори ўтган халифалар ҳузуридан кўра яна зиёдалашди. Сулаймон ибн Абдулмаликнинг Ражо ибн Ҳайвага бўлган ишончи жуда катта, унга қаттиқ суяниб қолган, ҳар бир катта-ю кичик ишларда унинг маслаҳатини олишга ҳарис эди.

Ражо ибн Ҳайва билан Сулаймон ибн Абдулмалик ўртасида жуда кўп воқеа ва ҳодисалар юз берган. Буларнинг ичида энг муҳими, Ислом ва муслмонлар учун энг фойдали воқеа Сулаймон ибн Абдулмаликдан кейинги халифанинг тайинланишида тутган ўрни, Умар ибн Абдулазизга байъат қилинишига қўшган ҳиссасидир. Бу ҳақда Ражо ибн Ҳайванинг ўзи

шундай ҳикоя қилади: “Ҳижрий тўқсон тўққизинчи йил сафар ойининг биринчи жума кунда мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмалик билан “Добиқ” (Суриянинг Ҳалаб шаҳрига яқин қишлоқда) эдик. Сулаймон ибн Абдулмалик иниси Маслама ибн Абдулмалик қўмондонлигида ўғли Довуд ва аҳли байтидан бир қанча кишилар ҳам бўлган катта бир қўшинни “Қустантиния”га юборган эди. Сулаймон ибн Абдулмалик “Қустантиния” фатҳ қилинмагунча ёки вафот этмагунча “Добиқ” ерларини тарк этмасликка қасам ичган эди. Жума намози вақти яқинлашганида халифа мукаммал тарзда таҳорат қилди, сўнг эгнига яшил тўн кийди, бошига яшил салла ўради. Ўзидан фахрланган, қирчиллама йигитлигидан мағрур ҳолда кўзгуга боқди. Ўша кезде у қарийб қирқ ёшда эди. Сўнг одамларга жума намозини ўқиб бериш учун масжидга чиқди. Масжиддан иситмаси кўтарилган ҳолда қайтди. Кундан кунга касали зўрая бошлади. Халифа мендан узоққа кетмаслигимни, унга яқинроқ бўлиб туришимни сўради. Бир сафар ҳузурига кирсам ниманидир ёзаётган экан. Мен: “Эй мўминлар амири, нимани китобат қилмоқдасиз?” деб сўрадим. У: “Ўзимдан сўнг ўғлим Айюбни халифа этиб тайинлаш ҳақидаги фармонни ёзмоқдаман”, деди. Мен: “Халифани қабрда азобдан сақлайдиган ва Парвардигори ҳузурдаги жавобгарлигидан озод этадиган ишлардан бири ўзидан кейин одамларга солиҳ бир халифа қолдиришидир. Ўғлингиз Айюб ҳануз балоғатга етмаган ёш бола, у солиҳлардан бўладими-йўқми сизга номаълум», дедим. Халифа бу фикрдан қайтди ва: “Бу шунчаки китобат қилганим бир мактуб эди... Мен бу хусусда Аллоҳга истихора қилмоқчи эдим, ҳануз қарор қилганимча йўқ”, деди. Сўнг мактубни йиртиб ташлади. Орадан бир-икки кун ўтгач мени ҳузурига чақириб: “Эй Абу Миқдом, ўғлим Довудга нима дейсиз?” деб сўраб қолди. Мен: “Довуд шу кунларда мусулмон лашкари билан Қустантинияда. Унинг тирик, ё ўликлиги сизга номалум бўлса...», дедим. Халифа: “Унда кимни дейсиз, эй Ражо?” деди. Мен: “Сиз кимни десангиз, шу, эй мўминлар амири...», дедим. Мақсадим халифа таклиф этган кишиларнинг ҳар бирини бирма-бир йўққа чиқариб, гапни Умар ибн Абдулазизга олиб бориш эди. Ва ниҳоят халифа: “Умар ибн Абдулазизга нима дейсиз?” деди. Мен: “Уни фозил, дину диёнатли... комил инсон деб биламан”, дедим. Халифа: “Тўғри айтасиз, ҳақиқатда у шундай одам... Лекин мен уни халифа қилиб қолдириб, Абдулмалик болаларини четда қолдирсам фитна бўлишидан қўрқаман. Улар асло ўзларига унинг бош бўлишига рози бўлмайдилар... Мен: “Ундай бўлса Абдулмалик фарзандларидан бирини валиаҳд қилиб тайинлаш керак», дедим. Халифа: “Тўғри айтасиз, уларни тинчлантирадиган, Умар ибн Абдулазиз халифа бўлишига уларни рози этадиган иш мана шудир...», деди. Сўнг қоғоз қалам олиб ёза бошлади: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу Аллоҳнинг бандаси

ва мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмаликдан Умар ибн Абдулазиз учун фармон мактубидир. Мен уни ўзимдан кейин халифа этиб тайинладим, ундан кейин эса Язид ибн Абдулмаликни халифа этдим. Унга қулоқ солинглари ва итоат этинглари. Аллоҳдан қўрқинглари, парчаланиб кетишингизни умид қилиб турганлар умидвор бўлиб қолмаслиги учун асло ихтилоф қилманглари». Шундан сўнг мактубга муҳр босиб, менга узатди. Сўнг миршаблар бошлиғи Каъб ибн Ҳомизга одам жўнатиб, унга қуйидагиларни амр этди: «Аҳли байтимга айт, бир жойга йиғилсинлар. Уларга айт, Ражо ибн Ҳайванинг қўлидаги мактуб менинг фармонимдир. Фармонда ёзилган кишига барчалари байъат қилишсин».

Ражо ибн Ҳайва воқеани ҳикоя этишда давом этади: “Абдулмалик фарзандлари йиғилишгач, мен уларга айтдим: “Бу мўминлар амирининг мактуби, унда бўлажак халифа кимлиги ҳақида фармон ёзилган. Халифа ҳар бирингиздан бўлажак халифага байъат олишимни менга амр этди”. Барчалари: “Мўминлар амирининг фармонини бош устига қабул қиламиз ва бўлажак халифага итоат этамиз”, дедилар. Сўнг халифа билан саломлашиш учун уларга изн олиб беришимни сўрадилар. Изн берилиб халифа ҳузурига киришгач, Сулаймон ибн Абдулмалик уларга бундай деди: “Ражо ибн Ҳайванинг қўлидаги мактуб менинг фармонимдир. Мен унда ўзимдан кейинги халифани тайин қилганман. Бўлажак халифага қулоқ солиб итоатда бўлинглар ва барчангиз унга байъат қилинглари». Барчалари бирма-бир байъат қилдилар. Мен муҳр босилган мактуб қўлимда ташқарига чиқдим. Мактубда нима битилганини халифа ва мендан бошқа бирон кимса билмас эди. Одамлар тарқалишгач, Умар ибн Абдулазиз ёнимга келиб: “Эй Абу Миқдом, биласиз, мўминлар амири мен ҳақимда яхши фикрда эди. Менга кўпдан-кўп саховат ва меҳр-мурувват кўрсатган. Халифалик вазифасини менга топшириб қўймаганмикан, деган хавотирдаман. Ўртамиздаги ўзаро дўстлик ҳурмати, айтингчи, халифа мактубида менга тегишли бирон вазифа йўқми, ишқилиб? Акс ҳолда, фурсат борида халифа ҳузурига кириб, мени бу вазифадан озод этишини сўраб қолай” деди. Мен: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, мактубдаги бир ҳарфни ҳам айтмайман”, дедим. У ғазабланган ҳолда ёнимдан кетди. Кўп ўтмай ёнимга Ҳишом ибн Абдулмалик келиб: “Эй Абу Миқдом, сиз билан мен эски қадрдонлармиз, мен сиздан бағоят миннатдорман. Шундай экан, халифа мактубидан мени хабардор қилсангиз. Агар кейинги халифа этиб мен тайинланган бўлсам, жим бўламан. Акс ҳолда, халифа билан гаплашиб кўраман, чунки мен бу ишдан четда қолишим мумкин эмас. Сиз айтганингизни эса ҳеч кимга айтмасликга ваъда бераман” деди. Мен: “Йўқ, Аллоҳга қасам, халифа менга сир қилган мактубнинг бир ҳарфини ҳам сизга

айтмайман”, дедим. Ёнимдан кетар экан, икки кафтини бир-бирига урганча: “Халифалик менга бўлмаса, унда кимга бўлади? Халифалик Абдулмалик авлодидан кетадимми? Қасамки, мен Абдулмалик авлодининг саййидиман”, дер эди.

Шундан кейин халифанинг ҳузурига кирдим. Қарасам, жон таслим қилаётган экан. Ҳар жон бериш талвасаси тутган пайтда халифани қибла тарафга буриб турдим. У эса ҳиқиллаганча: “Ҳали вақт келмади, эй Ражо” дер эди. Икки маротаба шу ҳолат такрорланди. Учинчи марта қиблага бурмоқчи бўлганимда: “Энди, эй Ражо, нима қилмоқчи бўлсанг ана энди қилгин... Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадан расулуллоҳ...», деди. Шунда мен уни қибла тарафга юзлантириб қўйдим, кўп ўтмай жон таслим қилди. Кўзларини ёпдим, устига яшил мато ташладим, эшикни устидан беркитиб, хонадан чиқдим.

Халифанинг хотини унинг ҳоли ҳақида сўраб, иложи бўлса унинг ҳузурига киришни талаб қилиб одам юборган экан. Чопарга эшикни қия очиб: “Ана қара, узоқ бедорликдан сўнг эндигина ором олди, уни безовта қилмай туришсин”, дедим. Чопар халифанинг хотинига бориб шу гапларни айтганида, эрининг ухлаётганига шубҳа қилмади. Сўнг эшикни маҳкам қулфладим ва эшик олдига ишончли одамларимдан бирини соқчи қилиб қўйдим. Унга қайтиб келгунимча шу ердан жилмаслигини ва халифанинг олдига, ким бўлишидан қатъи назар, ҳеч кимни киритмаслигини тайинладим. Ўзим эса масжидга қараб йўл олдим. Йўлда дуч келган, халифанинг аҳволи ҳақида сўраганларга: “Касал бўлганларидан бери бундай тинчланмаган эдилар”, деб жавоб бердим. Улар: “Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”, деб хурсандликларини изҳор қилардилар. Йўл-йўлакай миршаблар бошлиғи Каъб ибн Ҳомизга одам юбориб, халифанинг оила аъзоларини “Добиқ”нинг катта масжидига жамлашини айтдим. Барча йиғилгач: “Мўминлар амири мактубида ёзилган кишига байъат қилинглар”, дедим. Улар: “Бир марта байъат қилдик, яна байъат қиламизми?” дедилар. Мен: “Бу мўминлар амирининг амридир. Буюрилганидек мана бу муҳрланган мактубдаги кишига байъат қилинглар», дедим. Бирма-бир ҳамма байъат қилди. Иш режадагидек амалга ошганини кўргач: “Халифамиз мўминлар амири вафот этдилар. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожеун! (Биз Аллоҳникимиз ва У зотга қайтувчилармиз)» дея халифанинг вафот этганини эълон қилиб, мактубни ўқий бошладим. Умар ибн Абдулазизнинг номига етиб келганимда Ҳишом ибн Абдулмалик ўрнидан туриб кетди ва: “Асло унга байъат қилмаймиз!» деб бақирди. Мен: “Ундай

бўлса, Аллоҳга қасам, бошинг кетади! Туриб байъат қил», дедим. У ўрнидан туриб, оёғини зўрға судраб Умар ибн Абдулазизнинг олдига келди. Халифалик на унга ва на Абдулмалик фарзандлари бўлган укаларига эмас, Умар ибн Абдулазизга насиб қилгани учун мусибат етган кишининг дуосини айтиб: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожеун», деди. Ўз навбатида Умар ибн Абдулазиз ҳам мазкур дуони айтди. Бироқ у ўзи истамаган ишига мажбуран тайинланганидан шундай деди.

Умар ибн Абдулазизга қилинган бу байъат сабаб Аллоҳ таоло Ислоннинг навқиронлигини янгилади, унинг маёғини олий қилди.

Мусулмонлар халифаси Сулаймон ибн Абдулмаликдан Аллоҳ рози бўлсин. У Аллоҳ таоло олдидаги вазифасини бажариб, ўзидан кейин солиҳ кишини қолдириб кетди. Вафодор вазир Ражо ибн Ҳайвага олқишлар бўлсин. У Аллоҳга, Расулига ва мусулмонларнинг имомларига нисбатан ўз вазифасини садоқат билан бажарди. Аллоҳ солиҳ ва садоқатли маслаҳатчига яхши мукофотлар, ажру-савоблар ато этсин. Зеро, омадли ҳокимлар уларнинг тўғри фикр ва маслаҳатлари ила ҳидоят топадилар!



## Омир ибн Шураҳбил Шаъбий

Шаъбий жуда кенг илмга эга, ўта ҳалим инсон эди... Исломда унинг алоҳида ўрни бор...

(Ҳасан Басрий)

Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу халифалик даврининг олти йили қолганида мусулмонлар сафида жажжигина бир чақалоқ дунёга келди. Чақалоқ жуда кичкина эди. Бунга онасининг қорнидаги эгизак акаси унинг ўсишига халақит бергани сабаб бўлди. Аммо ана шундан кейин илм, ҳилм, ҳифз ва фаҳм-у фаросат сарҳадларида унга на акаси ва на бошқа бирон кимса халақит бера олди. Бу киши Шаъбий номи билан танилган, ўз замонида мусулмонлар ичида бетакрор бўлган олийжаноб инсон Омир ибн Шураҳбил Ҳимярийдир.

Имом Шаъбий Куфа шаҳрида дунёга келди ва шу ерда улғайиб вояга етди. Бироқ у орзу қилган, қалби ошиқ бўлган шаҳар Мадинаи мунаввара эди. Саҳобалар Аллоҳ азза ва жалла йўлида жиҳодга чиқиш ёки яшаш учун маскан қилиш мақсадида Куфага келганлари каби, Шаъбий ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари билан кўришиб, улардан сабоқ олиш мақсадида, дамба-дам Мадинага бориб турар эди. Беш юзга яқин саҳоба билан ҳамсўхбат бўлиш, Алий ибн Абу Толиб, Саъд ибн Абу Ваққос, Зайд ибн Собит, Убода ибн Сомит, Абу Мусо Ашъарий, Абу Саъид Худрий, Нўъмон ибн Башир, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Адий ибн Ҳотим, Абу Ҳурайра, уммул мўминин Оиша каби улуғ саҳобалардан розияллоҳу анҳум ҳадис ривоят қилиш шарафига муяссар бўлди.

Шаъбий ўта заковатли, қалби уйғоқ, зеҳн ва фаҳм-фаросати ўткир, ёдлаш ва эслаб қолиш қобилиятлари фавқуллодда юксак йигит эди. Ўзи ҳақида бундай дегани ривоят қилинган: “Ҳаётимда асло оқни қора қилмаганман, яъни бирон сўзни вараққа ёзмаганман, ким бир ҳадисни айтса, уни ёдлаб олардим, менга бир сўз айтган кишининг яна шу сўзни қайтаришини сўрамаганман”.

Шаъбий илмга муҳаббатли, билим ва маърифат билан доим машғул бўлиб, бу йўлда энг қимматбаҳо нарсаларни, ҳатто жонини ҳам фидо этишга тайёр, ҳар қандай қийинчиликларни эса енгил санар эди. У шундай дерди: “Агар бир киши Шомнинг у чеккасидан Яманнинг бу чеккасига сафар қилиб, умрининг қолган қисмида ўзига фойда бўладиган бир калима ўрганган бўлса, сафари зое бўлмабди”.

Шаъбий илмда жуда юқори даражага етганидан: “Мен энг оз ўрганган илм шеърият. Шунга қарамай, агар истасам битта шеърни икки марта такрорламасдан, сизларга бир ой шеър айтиб бера оламан”, дер эди.

Саҳобалар ҳали ҳаёт, одамлар орасида юрган чоғларида, Куфанинг жомеъ масжидида Шаъбийнинг ўз ҳалқаси – дарс мажлиси бор эди. Одамлар унинг атрофида тўп-тўп бўлиб ўтирардилар. Ҳатто бир кун улўғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо Шаъбийнинг одамларга ғазотлар ҳақида мукаммал тарзда, нозик нуқталаригача қолдирмай айтиб бераётганини диққат билан эшитиб: “Дарҳақиқат, мен бу йигит гапириб бераётган ғазотларнинг айримларини ўз кўзим билан кўрганман, қулоғим билан эшитганман, лекин шунга қарамай, бу йигит мендан кўра уларни гўзалроқ баён қилмоқда”, деган эди.

Шаъбийнинг кенг илмли ва ўткир зеҳнли эканига далолат қилувчи воқеа-ҳодисалар жуда кўпдир. Шулардан бирини ўзи шундай ҳикоя қилади: “Бир куни насл-насаби билан бир-бирига фахрланаётган икки киши ҳузуримга келишди. Бири Омир, бошқаси Асад қабиласидан эди. Омирий биродаридан устун чиқиб, уни кийимидан судраб келарди. Асадий эса мағлуб ҳолда: “Қўйиб юбор”, деб зорланар, Омирий: “Аллоҳга қасамки, Шаъбий ўртамизда ҳукм чиқармагунча қўйиб юбормайман”, дер эди. Омирийга юзланиб: “Ўртангизда ҳукм чиқараман, уни қўйиб юбор”, дедим. Сўнг Асадийга қараб айтдим: “Нима учун унинг ёнида заиф ва синиқ ҳолда турибсан? Ҳолбуки сенинг қабилангда арабларнинг биронтасида бўлмаган олти фахрланадиган ўрин бор:

Биринчиси, сизнинг қабилангизга мансуб аёлга башарият саййиди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам совчи қўйганлар, Аллоҳ таоло етти осмон тепасидан ул зотни унга уйлантирган. Ўрталаридаги элчи Жаброил алайҳис салом бўлган. Бу аёл мўминлар онаси Зайнаб бинти Жаҳшдир.

Бундай ҳурмат-икром фақат сенинг қавминга бўлган, араблардан бошқа биронтасига қилинмаган.

Иккинчиси, ер устида юрган жаннати киши Укоша ибн Миҳсан сизнинг қавмингиздан. Бу ҳам бошқа қавмларда бўлмаган, сиз Бани Асаддагина бўлган фазилатдир.

Учинчиси, Ислом байроғи остида юборилган биринчи лашкарга сизнинг қавмдошингиз Абдуллоҳ ибн Жаҳш бошчилик қилган.

Тўртинчиси, Исломда тақсим қилинган биринчи ўлжани ҳам Абдуллоҳ ибн Жаҳш қўлга киритган.

Бешинчиси, Байъати Ризвонда биринчи байъат қилган киши сизлардан эди. У қабиладошингиз Абу Синон ибн Ваҳб бўлиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Расулуллоҳ, қўлингизни беринг, мен сизга байъат қиламан”, деганида, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Нима нарсага?” деб сўрадилар. У: “Сиз хоҳлаётган нарсага”, деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен нимани хоҳлаяпман?” дедилар. У: “Ғалаба ёки шаҳидлик”, деди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, шундай”, дедилар ва у байъат қилди, шундан сўнг одамлар ҳам Абу Синондек байъат беришди.

Олтинчиси, қавминг Бану Асадликлар Бадр кунда муҳожирларнинг еттидан бир қисмини ташкил қилган”. Шунча фазилатларни санаганимдан кейин Омирий жим бўлди қолди”.

Имом Шаъбий заиф ва мағлуб кишига кучлик ва ғолиб устидан ёрдам беришни хоҳлаганига шубҳа йўқ. Агар Омирий мағлуб ҳолда бўлганида, Бану Омирнинг у билмаган фазилатларни санаб ўтган бўлар эди.

Абдулмалик ибн Марвон халифалик мансабига ўтирганида, Ироқ волийси Ҳажжожга: “Менга маслаҳатчи, насиҳатгўй ва ҳамсуҳбат бўла оладиган, дин ва дунёга мувофиқ келар бир кишини ҳузуримга юбор” деб мактуб жўнатди. Ҳажжож Шаъбийни юборади.

Халифа уни ўзига энг яқин кишилардан қилиб, қийин ишларда унинг кенг илмига таянар, ташвишли онларда унинг фикрига суюна ва қўшни давлатларга элчи қилиб юборар эди.

Халифа Шаъбийни Рум шоҳи Жистинённинг олдига юборгани ана шу элчиликдан бири бўлиб, тарих саҳифаларига муҳрланган эътиборли ҳодиса бўлган.

Элчи бўлиб келган Шаъбийнинг сўзларини эшитган Рум шоҳи унинг заковати, улуғворлиги, сўзамоллиги ва ҳозиржавоблигидан даҳшатга тушади. Одатда, бошқа элчиларга кўрсатилмайдиган лутф билан ҳузурда бир қанча кун қолдиради. Ва ниҳоят кетишга изн берар экан, Шаъбийдан сўрайди:

“Сиз халифанинг аҳли байтидан бўласизми?”.

Шаъбий: “Йўқ, мен мусулмонларнинг бириман, холос”.

Рум шоҳи: “Халифанинг ҳузурига қайтгач, бу ерда бўлган барча гапларни айтиб берганингиздан сўнг, унга мана шу мактубни беринг”, дейди. Шаъбий Дамашққа қайтгач, халифанинг ҳузурига киради ва кўрган, эшитган барча нарсаларни сўзлаб, халифа сўраган саволларга жавоб беради. Қайтиш олдидан эса Рум шоҳи омонат қилган мактубни халифага бериб чиқиб кетади. Абдулмалик ибн Марвон мактубни ўқиши билан соқчиларга Шаъбийни тезда қайтаришни буюради. Шаъбий келгач, Абдулмалик ибн Марвон: “Мактубда нима битилганини билармидингиз?” деб сўрайди. Шаъбий: “Йўқ, эй мўминлар амири, билмас эдим”, деб жавоб беради. Абдулмалик ибн Марвон: “Рум шоҳи менга қуйидагиларни ёзиб юборибди: “Арабларга ҳайронман, қандай қилиб ўзларига бу йигитдан бошқани подшоҳ қилиб юрибдилар?”. Шаъбий: “У сизни кўрмагани учун шундай деган, агар эй мўминлар амири, у сизни кўрган бўлганида бундай демаган бўлар эди”. Абдулмалик ибн Марвон: “Нима учун Рум шоҳи менга бундай мактуб йўллаганини биласизми?” деб сўради. Шаъбий: “Йўқ, билмайман”, деди. Абдулмалик ибн Марвон айтди: “Менда сиздек киши борлигига, Рум шоҳи ҳасад қилганидан шундай қилган. Бу билан у сизни қатл қилишга мени тезлаб, сиздан халос бўлишни ирода қилган”. Рум шоҳига бу гаплар етиб борганида: “Отасига балли, қойилман, қасамки, дарҳақиқат бундан бошқа нарсани мақсад қилмаган эдим”, деди.

Имом Шаъбий илмда шундай юқори даражага эришдики, ҳатто у ўз асридаги тўртда забардаст олимларнинг бири бўла олди. Имом Зухрий бундай дер эди: “Уламолар тўртадир: Мадинаи мунавварада Саид ибн Мусаййаб, Куфада Омир Шаъбий, Басрада Ҳасан Басрий ва Шомда Макхул”.

Имом Шаъбий камтарлигидан бирон киши унга олим деб мурожаат қилса, хижолат бўлиб кетар эди. Кунларнинг бирида бир киши унга: “Эй фақиҳ олим, менга жавоб берсангиз”, деб савол сўрамоқчи бўлганида, “Ҳой, барака топгур, бизда йўқ сифат билан бизни кўтар-кўтар қилмагин. “Фақиҳ” деб Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тақво қилган, “олим” деб Аллоҳдан ҳақиқий кўрққан кишига айтилади. Улар қаерда-ю биз қаерда?!” деган эди. Яна бир киши бир масала ҳақида сўраганида: “Бу ҳақда Умар ибн Хаттоб бундай деганлар, Алий ибн Абу Толиб бундай деганлар”, деб жавоб берди. Сўровчи: “Ўзингиз нима дейсиз?” деб сўради. Шунда Шаъбий уялган ҳолда табассум қилиб: “Умар ва Алий разияллоҳу анҳумонинг сўзини эшитгач, мени сўзимни нима қиласиз”, деди.

Имом Шаъбий гўзал ахлоқ ва улуғ хислатларга эга олим эди. Мана шу хислатлардан бири у талашиб-тортишишни ёмон кўрар, фойдасиз нарсаларга шўнғишдан ўзини сақлар эди. Бир куни суҳбатдошларидан бири: “Эй Абу Амр, одамлар гапираётган мана бу икки киши ҳақида сиз нима дейсиз?” деб сўраганида. Шаъбий: “Қайси икки киши ҳақида сўраяпсан?” деди. Суҳбатдош айтди: “Усмон билан Алий”. Шаъбий: “Аллоҳга қасамки, Қиёмат куни Усмон ибн Аффон ва Алий ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳумога хусумутчи бўлиб қолишдан покман”, деб жавоб берди.

Шаъбий илм билан ҳалимликини жамлай олган эди. Ривоят қилинишича, бир киши уни жеркиб, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилганида: “Агар менга қилаётган тухматларингда рост бўлсанг, Аллоҳ мени кечирсин. Агар ноҳақ ҳақорат қилаётган бўлсанг, Аллоҳ сени кечирсин”, дейишдан нарига ўтмаган экан.

Шаъбий нақадар қадрли баланд ва улуғ фазилат соҳиби бўлишига қарамай, маърифат ва ҳикматни ўзидан шаъни паст одамлардан олишдан бўйин товламасди. Бир аъробий унинг илм мажлисига келишни ўзига одат қилиб олган эди. Бироқ доим жим ўтирарди. Шаъбий унга:

“Гапирмайсизми?” деганида, аъробий: “Жим ўтирсам – саломат бўламан, эшитсам – ўрганаман. Кишининг қулоқларидан бўлган улуши ўзига қайтади. Аммо тилидан бўлган улуши эса бошқага кетади”, деб айтганида, Шаъбий то вафот этгунига қадар аъробийнинг шу сўзларини қайтариб юрган эди.

Балоғат ва фасоҳат билан гўзал гапириш ва уни чиройли бошқара билиш каби инъом жуда нодир кишиларгагина берилган бўлиб, шулардан бири Шаъбий эди. Бунинг мисоли ўлароқ, Шаъбийнинг икки Ироқ амири Умар ибн Ҳубайра бир жамоа мусулмонларни қамаб қўйгандаги унга айтган сўзини келтирсак бўлади: “Эй Амир, агар уларни ноҳақ қамаган бўлсангиз, ҳақ уларни чиқаради. Агар уларни ҳақ билан қамаган бўлсангиз, афв уларга ҳам ўтади”. Шаъбийнинг сўзидан ҳайратда қолган амир унинг ҳурматидан барчаларини озод қилиб юборган экан.

Имом Шаъбий ўта шижоатли, дин ва илмда даражаси ниҳоятда юқори бўлиши билан бирга, очиқ қалб, бир нав ҳазилкаш ҳам эди. Ҳазил ўрни келиб қолса, уни ўтказиб юбормасди. Шулардан бири: Шаъбий аёли билан ўтирганида, бир киши келиб: “Қайси бирингиз Шаъбий бўласиз?” деганида, аёлини кўрсатиб: “Мана бу”, деган. Яна бир киши: “Шайтоннинг хотинини исми нима?” деб сўраганида. “Биз у тўйда қатнашмаган эдик”, деб ҳазиллашиб қўйган.

Шаъбий ҳақидаги энг яхши тасаввурни унинг ўзи ҳақида айтган сўзлари берса ажабмас: “Одамлар кўз тикиб турган нарсага асло ўрнимдан турмаганман. Қўл остимдагиларни асло урмаганман. Бирон қариндошим бўйнида қарзи бўлган ҳолда вафот этиб қолса, дарҳол унинг номидан қарзини тўлаб қўйганман”.

Имом Шаъбий саксон ёшдан кўпроқ умр кечирди. Аллоҳ таоло чақириғига лаббай деб жонни топширганида, Ҳасан Басрий таъзия изҳор қилиб шундай деган эди: “Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Дарҳақиқат, Шаъбий жуда кенг илмга эга, ўта ҳалим инсон эди. Исломда унинг алоҳида ўрни бор”.

## Салама ибн Динор

*Салама ибн Динор Абу Ҳозим Аъраж номи билан ҳам танилган.*

Абу Ҳозимдан кўра тили ҳикматга яқин бўлган бирон кишини кўрмадим.

(Абдураҳмон ибн Зайд)

Ҳижратнинг тўқсон еттинчи йилида мусулмонлар халифаси Сулаймон ибн Абдулмалик анбиёлар отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломнинг нидоларига “Лаббай” деб, муқаддас ерга сафарга отланди. Унинг карвони катта шавқ билан умавийлар пойтахти Дамашқдан Мадинаи мунаввара сари йўл олди.

“Равзаи мутоҳҳарада” намоз ўқиш, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салом бериш завқи халифанинг қалбини эгаллаб олган эди. Халифанинг карвонида қорилар, муҳаддислар, фуқаҳолар, уламолар, амир ва саркардалар жам бўлган эди.

Карвон етиб келиб, юклар туширилгач, Мадинанинг мансабдор ва ҳурматли кишилари халифага салом бериш ва қутлашга бордилар. Лекин халифани кутиб олишга чиққанлар ичида шаҳарнинг қозиси, мўътабар олими, ишончли имоми Салама ибн Динор йўқ эди. Сулаймон ибн Абдулмалик зиёратга келганлар билан саломлашиб, дийдорлашиб бўлгач, суҳбатдошларидан бирига қараб шундай деди: – Қалб вақти-вақти билан тозаланиб, доғлари кетказиб турилмаса, худди темир каби занг қоплайди.

Суҳбатдоши:

– Ҳа, шундай, мўминлар амири, тўғри айтасиз.

Халифа:

– Мадинада бизга панд-насиҳат қилиб, қалбимизни поклайдиган, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини кўрган бирон киши йўқми? – деб сўради.  
– Бор, Абу Ҳозим Аъраж айна сиз айтган одам, – дейишди.

Халифа:

- Ким у Абу Ҳозим Аъраж? – деб сўради.
- Салама ибн Динор, Мадинанинг олими ва имоми, бир неча саҳобаи киромларни кўрган тобеинлардан бири, – деб жавоб қайтаришди. Халифа айтди:
- Ундай бўлса, ҳурматини жойига қўйган ҳолда ҳузуримизга таклиф қилинглр.

Аъёнлар халифанинг таклифини Абу Ҳозимга етказганларида, улуг тобеин қабул қилиб, халифа қўним олган ерга келди. Ўз навбатида, халифа ҳам таклифини қабул қилганига хурсанд бўлиб, Абу Ҳозимни илиқ кутиб олди, ўзига яқин ерга ўтқазди. Сўнг маломатомуз оҳангда: – Бу не жафо эй Абу Ҳозим? – деди.

Абу

Ҳозим:

- Қандай жафо кўрдингиз мендан, эй мўминлар амири?

Халифа:

- Мадина улуғларининг ҳаммаси зиёратимизга келди, фақат сиз келмадингиз.
- Жафо танишлар орасида бўлади, – деди Абу Ҳозим, – сиз эса мени бугунгача танимас эдингиз, мен ҳам сизни илгари кўрмаганман. Шундай экан, қандай жафо содир бўлди мен тарафдан?

Халифа атрофидагиларга қараб:

- Шайх узрини тўғри баён қилди, халифа уни ноўрин маломат қилди, – деди. Сўнг Абу Ҳозимга юзланиб: – Кўнглимда йиғилиб қолган муҳим масалалар бор, шуни сизга баён қилсам.
- Марҳамат, эй мўминлар амири, мадад ёлғиз Аллоҳдандир.
- Эй Абу Ҳозим, нима учун биз ўлимни ёмон кўраемиз?
- Чунки биз бу дунёмизни обод, у дунёмизни эса, хароб қилганмиз... Шунинг учун обод жойдан хароб жойга чиқишни ёмон кўраемиз.
- Рост айтдингиз... Эй Абу Ҳозим, эртага Қиёмат куни биз учун Аллоҳнинг ҳузуринида нелар ҳозирланганини жуда билгим келади?
- Амалингизни Аллоҳнинг Китобига солиб кўрсангиз, ҳамма нарса аён бўлади.
- У ўлчовни Аллоҳ таоло Китобининг қаеридан топаман?



- Калимаси олий Зотнинг ушбу сўзидан топасиз: “Шак-шубҳасиз, тақводор зотлар жаннат неъматларида бўлгайлар. Шак-шубҳасиз, фожир кимсалар жаҳаннамда бўлгайлар” (Инфитор, 13-14).
- Аллоҳнинг раҳмати қаерда қолди?
- “Албатта, Аллоҳ таолонинг раҳмати яхши амал қилувчи зотларга яқиндир” (Аъроф, 56).
- Аллоҳнинг ҳузурига қай ҳолда борилади?
- Яхши амал қилувчи одам узоқ муддат айрилиқдан сўнг уйига қайтаётган киши каби келади. Ёмон амал қилувчи эса, хожасидан қочган, кейин ушланиб, хожаси ҳузурига судраб олиб келинаётган қул каби келади.

Халифа йиғлаб юборди, йиғлаганда ҳам ҳўнграб йиғлади. Сўнг: – Эй Абу Ҳозим, қандай қилсак, солиҳлардан бўламиз? – деб сўради.

- Абу Ҳозим жавоб берди:
- Такаббурликни ташлаб, тавозели бўлсангиз, солиҳларга қўшиласиз.
  - Мол-дунё ҳақида нима дейсиз ва унда (мол-дунёда) Аллоҳ таолога тақво қилиш йўли қандай?
  - Мол-дунёни ҳақ билан оласиз ва уни эгаларига берасиз. Уни баробар тақсимлаб, қўл остингиздагилар орасида адолат қиласиз.
  - Айтинг-чи, эй Абу Ҳозим, одамларнинг афзали ким?
  - Амали кўп бўлган ва тақво қилган одамлар энг афзалдир.

– Энг адолатли сўз қайси сўз?

– Бир кишидан кўрқиб ёки бирон нарса умид қилиб турган одамнинг ўша кишига қарши айтган ҳақ сўзи энг адолатли сўздир.

– Энг тез ижобат бўладиган дуо қайси?

– Чиройли амал қилувчи кишининг чиройли амал қилувчи кишилар ҳақида қилган дуоси.

– Садақаларнинг афзали-чи?

– Мол-дунёси оз кишининг ўзидан кўра муҳтожроқ бечораҳолга миннат қилмай, озор етказмай берган садақаси.

– Энг ақлли киши ким?

– Аллоҳ таолога итоат қилиш имкониятига эга бўлган ва амал қилган, сўнг бошқаларни ҳам шунга йўллаган киши.

– Энг аҳмоқ киши ким?

– Золим дўстининг нафс-ҳавосига эргашиб кетган, бировнинг дунёси эвазига ўз охиратини сотиб юборган киши.

– Эй Абу Ҳозим, бизга ҳамроҳ бўлиб юрмайсизми, сиз биздан, биз сиздан насибадор бўлардик?!

– Йўқ, эй мўминлар амири, сизга ҳамроҳ бўла олмайман.

– Нима учун?

– Сизларга ён босиб қолишимдан, натижада, Аллоҳ менга бу дунё азобини ҳам, охират азобини ҳам тоттиришидан қўрқаман.

– Эй Абу Ҳозим, бирон ҳожатингиз бўлса, айтинг, – деди халифа суҳбат сўнгида. Абу Ҳозим бирон нарса демай жим турди. Халифа яна қайта сўради: – Абу Ҳозим, бирон ҳожатингиз бўлса, айтинг, сиз учун қандай ёрдам керак бўлса ҳам, ўтаб берамиз.

– Ҳожатим шуки, мени дўзахдан қутқариб, жаннатга олиб кириб қўйсангиз.

– Бу менинг қўлимдан келмайди, эй Абу Ҳозим.

– Менинг бундан бошқа ҳожатим йўқ, эй мўминлар амири.

– Менинг ҳақимга дуо қилинг, эй Абу Ҳозим.

Абу Ҳозир дуо қилди:

– Эй Аллоҳ, агар мана шу Сулаймон банданг Сенга яқин бандаларинг қаторида бўлса, унга икки дунё яхшилигини осон қил. Агар Сенга душманлардан бўлса, уни солиҳлар жумласидан қилиб, Ўзинг яхши кўрган ва рози бўладиган йўлга бошлаб қўй.

Шунда ўтирганлардан бири:

– Яхши гап айтмадингиз, мўминлар амирини Аллоҳнинг душманлари сафига қўшиб, халифамизга озор бердингиз, – деди.

Абу Ҳозим:

– Аксинча, сиз гапирган гап яхши бўлмади, шунини билинки, Аллоҳ таоло: **“Одамларга баён қилиб берасиз, ундан бирор нарсани яширмайсиз...”** деб, уламолардан ҳақ гапни гапиришга аҳд паймон олган, – деди. Сўнг халифага юзланиб, ушбу гапларни айтди:

– Эй мўминлар амира, биздан аввал ўтганларнинг амирлари уламолар илмига рағбат қилиб уларнинг ҳузурига давомий тарзда қатнаб истифода олганидан яхшилик ва офиятда яшадилар. Кейин ҳиммати паст кишилар пайдо бўлди, улар амирлар ҳузурдаги арзимас дунёни қўлга киритиш учун илм ўргандилар, амирлар эса бундай олимларни назарга илмай қўйдилар. Натижада, бу олимлар хор бўлиб, ожиз қолдилар ва Аллоҳнинг ҳам назаридан тушдилар. Агар уламолар амирлар қўлидаги нарсалардан ўзларини тийганларида, амирлар уларнинг илмига интилар эди. Лекин уламолар амирлардаги нарсаларга интилдилар, амирлар эса улардан ўзларини тортдилар ва уларни қадрламай қўйдилар.

Халифа:

– Гапингиз ҳақ, Абу Ҳозим. Менга яна насиҳат қилинг, сиздан кўра тили ҳикматга яқин бўлган бирон кишини кўрмаган эдим, – деди.

Абу Ҳозим айтди:

– Агар насиҳатга қулоқ тутадиганлардан бўлсангиз, сизга қилган насиҳатим етарлидир. Агар насиҳатни олмайдиганлардан бўлсангиз, ипсиз камондан ўқ отганимдан не фойда?

Халифа яна айтди:

– Илтимос қиламан, менга насиҳат қилинг.

Абу Ҳозим:

– Майли, насиҳат қиламан, лекин қисқа айтаман. Роббингизни улуғланг, Уни покланг, сизни қайтарган ерда кўринишдан ва сизни буюрган ерда кўринмай қолишдан сақланинг, – деди. Сўнг Абу Ҳозим салом бериб чиқиб кетди.

Халифа унинг ортидан:

– Насиҳатгўй олимга Аллоҳ яхши мукофотлар ато этсин, – деб дуо қилиб қолди.

Абу Ҳозим халифанинг олдидан чиқиб, энди уйига етганида, халифадан чопар келиб, динорга лиқ тўла халта ва мўминлар амирининг мактубини узатди. Мактубда “Бу динорларни ишлатинг, сиз учун менда бунданда кўпроғи бордир”, деб ёзилган эди.

Чопарга динор тўла халтани қайтариб, мактубга жавобан ушбу сўзларни битди: “Эй мўминлар амири, сизнинг мендан сўраган саволларингиз ҳазил-беҳуда бўлишидан ва менинг жавобларим эса ботил-бекор кетишидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман. Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири, бундай бўлишини сизга раво кўрмайман, қандай қилиб ўзимга раво кўрай. Эй мўминлар амири, агар бу динорлар сизга айтган сўзларим ва қилган насиҳатларим эвазига бўлса, музтар ҳолатдаги ўлакса ва чўчқа гўшти бундан ҳалолроқдир... Ва агар байтул молдан бериладиган улушим бўлса, бошқа мусулмонларга ҳам баробар шундай улуш ажратдингизми?”

Салама ибн Динорнинг ўйи илм талабгорлари ва яхшилик шайдолари учун суви ширин булоқдек бўлиб, бунда оға-инилари билан шогирдлари ўртасида фарқ йўқ эди.

Кунларнинг бирида Салама ибн Динорниқига Абдурахмон ибн Жарир ўғли билан келди, шайх билан саломлашишди, кейин ўтиришиб, икки дунё яхшилигини тилаб дуо қилишди. Одоб пешвоси улўғ тобеин ҳам ота-боланинг саломига уларниқидан чиройлироқ алик олиб, илиқ кутиб олди ва ўрталарида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди. Абдурахмон ибн Жарир сўради:

– Эй Абу Ҳозим, қандай қилиб қалбимизни доимий ўйғоқ сақлай оламиз?

Абу Ҳозим айтди:

– Ичингизни ўнгласангиз, катта гуноҳлар кечиради. Банда агар гуноҳларни тарк этишга азму қарор қилса, унга яхшилик эшиклари очилади. Асло шуни унутманг, эй Абдурахмон, мол-дунёнинг озгинаси ҳам бизни охират ишларининг кўпгинасидан чалғитиб қўяди. Сизни Аллоҳ таолога яқинлаштирмайдиган ҳар қандай нарса неъмат эмас, балки у жазо, азоб, офат ва балодир.

Абдурахмон ибн Жарирнинг ўғли деди:

– Бизнинг кўп шайхларимиз бор, уларнинг қай бирига эргашайлик?

Абу Ҳозим:

– Эҳ, ўғилчам, ёлғиз пайтда Аллоҳдан қўрқадиган ва айб ишларга аралашишдан ўзини сақлайдиган, ёшлигидан ўзини ислоҳ қилган, бу ишни кексалик даврига қолдирмаган инсонларига эргаш. Эй ўғилчам, шуни билгин, қуёш чиққан ҳар кун борки, толиби илмга нафс-ҳавоси билан илми қарама-қарши келиб, икки рақиб курашгани каби, унинг қалбида улар ҳам ўзаро курашадилар. Агар илми нафс-ҳавоси устидан ғолиб келса, ўша кун толиби илм учун фойдали кун бўлади. Ва агар нафс-ҳавоси илмидан ғолиб бўлса, у кун толиби илм учун зиён, ҳасрат куни бўлади.

Абдурахмон ибн Жарир:

– Эй Абу Ҳозим, бизни шукр қилишга кўп ундайсиз, шукрнинг ҳақиқати нима? – деб сўради.

Абу Ҳозим жавоб қилди:

– Бизнинг ҳар бир аъзоимизда шукрнинг ҳаққи бор.

– Икки кўзнинг ҳаққи нима?

– Яхшилиқни кўрганингизда уни ёймоғингиз, ёмонликни кўрганингизда эса яширишингиз икки кўзнинг шукридир.

– Икки қулоқнинг шукри нима?

– Яхшилиқни эшитсангиз, уни қалбга жойлаб сақлаб қўйишингиз, ёмонликни эшитсангиз, кўмиб ташлашингиз икки қулоқ шукридир.

– Икки қўлнинг шукри нима?

– Сизга тегишли бўлмаган нарсани олмаслигингиз ва Аллоҳнинг ҳақларидан бўлган ҳақни тўсмаслигингиз икки қўлнинг шукридир. Шунинг учун унутманг, эй Абдурахмон, ким тил шукрини етарли қилмаса ва тил шукрига дил ҳамда бошқа аъзолар шукрини қўшмаса, бундай одамнинг мисоли либосини киймай, қўлида ушлаб турган кишига ўхшайди, бу эса уни иссиқдан ҳам совуқдан ҳам сақламайди.

Бир йили Салама ибн Динор Рум шаҳарларига йўл олган мусулмон лашкар билан мужоҳидларга қўшилиб, Аллоҳ йўлида жанг қилиш учун йўлга чиқди. Лашкар кўзланган манзилга етишга оз қолганда, душманга қарши жангга киришдан олдин куч тўплаб, бир оз дам олиш учун тўхтади. Лашкар ичида умавий амирлардан бири бор эди. Ана шу амир Абу Ҳозимга:

– Келиб, бизларга бир дарс бериб кетсин, – деб одам юборди. Абу Ҳозим амирга жавобан хат жўнатди. Хатда ушбулар битилган эди: “Эй амир, мен шундай аҳли илмларни кўрдим, улар дунё аҳлига динни кўтариб бормас эдилар. Дунё аҳлига динни кўтариб борган аҳли илмларнинг биринчиси мен бўлишимни истамасангиз керак, деб ўйлайман. Ҳожатингиз бўлса, олдимизга ўзингиз келинг. Сизга ҳам, атрофингиздагиларга ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин”.

Хатни ўқиган амир Абу Ҳозимнинг ҳузурига етиб борди, кўришиб саломлашгач:

– Эй Абу Ҳозим, бизга йўллаган мактубингизни ўқиганимиздан сўнг, наздимизда мартабангиз янада зиёда бўлиб, қадрингиз ошди. Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан сийласин, бизга панд-насиҳат қилсангиз.

Абу Ҳозим насиҳат қила бошлади, қуйидаги сатрлар у айтган сўзларнинг бир қисмидир:

– Қиёматда қайси амал сиз билан бўлишини яхши кўрсангиз, бу дунёда шу амални қилишга ҳарис бўлинг. Охирада сиз билан қайси амал бўлишини истамасангиз, бу дунёда шу амалдан узоқ бўлинг. Шунинг билингики, эй амир, агар сизда ботилнинг бозори чаққон бўлса, бемаънилар, мунофиқлар атрофингизга йиғилиб оладилар. Ва агар сизда ҳақнинг бозори чаққон бўлса, атрофингизга яхши одамлар йиғилиб, ҳақ устида сизга ёрдамчи бўладилар. Ўзингизга ёққанини танлаб олаверинг...

\*\*\*

Абу Ҳозимнинг дарди оғирлашганида, атрофидагилар:

– Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? – деб сўрашди.

– Дунёда қилиб қўйган ёмонликларимдан нажот топа олсам, дунёда йўқотган нарсаларим менга зарар бўлмас, – деди. Кейин ушбу ояти каримани такрор-такрор ўқиб жон таслим қилди: **“Албатта, Раҳмон таоло Унга иймон келтирган, Унинг пайғамбарларига эргашган ва Унинг**

**шариатиға мувофиқ солиҳ амаллар қилган кишилар учун бандаларининг қалбига меҳр-муҳаббат солиб қўйгай”.**



## Саид ибн Мусайяб

“Саид ибн Мусайяб саҳобалар ҳаётлик чоғларидаёқ фатво бера олар эди”  
(Муаррихлар)

Мўминлар амири Абдулмалик ибн Марвон икки ҳарамни зиёрат қилишни: Маккага бориб ҳаж қилишни ва Мадинага келиб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга салом айтишни ният қилди. Зулқаъда ойи киргач, ниятини амалга ошириш учун сафар тадоригини кўришга амр қилди ва бир қанча умавий амирлар, давлатнинг обрўли кишилари, айрим фарзандлари ҳамроҳлигида Ҳижоз ерлари томон йўлга тушди. Халифа сарбонлигидаги карвон Дамашқдан Мадинаи мунаввара сари ўрта тезликда илдамлаб борар, ҳар қачон истироҳат учун тўхтасалар, чодирлар қурилиб, тўшаклар ёзилар ва диний билимлар зиёда бўлиши, қалблар ҳикмат ва гўзал мавъизалар ила озиқаланиши учун илм мажлислари уюштирилар эди.

Халифа Мадинаи мунавварага етиб келгач, аввало Ҳарами шарифга бориб, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллalloҳу алайҳи ва салламга салом айтиш шарафига ва Равзаи мутаҳҳарада намоз ўқиш бахтига муяссар бўлди. Қалб саломатлиги ва хотиржамлиги роҳатини тотган халифа Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам шаҳрида имкон қадар кўпроқ туришни қасд қилди. Мадинада унинг диққатини энг кўп жалб қилган нарса Масжиди Набийни обод қилиб турган илм мажлислари бўлди. Осмонда порлаб турган юлдузлар мисоли Ҳарами шарифда улўғ тобеинлардан иборат уламолар ялт-ялт этиб кўзга ташланиб турар эдилар. Мана бу Урва ибн Зубайрнинг илм ҳалқаси, буниси эса Саид ибн Мусайябники. Ҳов анови ерда Абдуллоҳ ибн Утбаники ва ҳоказо...

Кунларнинг бирида қайлула қилаётган (чошгоҳ вақтида ухлаётган) халифа одатда уйғонмайдиган вақтда уйғониб, хизматкори Майсарага: “Эй Майсара, Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг масжидларига бориб, бизларга ҳадис айтиб бериши учун уламолардан бирини чақириб кел”, деб тайинлади. Майсара Масжиди Набийга бориб қараса, қайлула вақти бўлганидан кўпчилик дам олаётган эди. Масжидда фақат биргина илм ҳалқасига кўзи тушди. Ҳалқанинг шайхи ёши олтмишлардан ошган, кўринишида уламоларга хос оддийлик, шу билан бирга илм ҳайбати ва

виқори барқ уриб турган киши эди. Майсара ҳалқага яқин келиб қўли билан шайхни имлаган эди, шайх унга қарамади, эътибор ҳам бермади. Шунда Майсара шайхнинг олдига келиб:

– Мен сизни имлаганимни кўрмадингизми? – деди.

– Мени чақирдингми?! – деди шайх.

– Ҳа.

– Нима ҳожатинг бор эди?

– Мўминлар халифаси қайлула қилаётган эдилар, бирдан уйғониб: “Масжидга бориб қарагин ва менга ҳадис айтиб берадиган уламолардан бирини чақириб келгин”, дедилар.

– Мен унга ҳадис айтиб берадиган киши эмасман.

– Аммо халифа унга ҳадис айтиб берадиган кишини истамоқда.

– Ким бирон нарса истаса, уни ўзи қидириб келади. Масжиддаги илм ҳалқаси кенг, агар халифа ҳадис эшитишни хоҳлаётган бўлса, бемалол сиғади. Ҳадис эшитмоқчи бўлган ҳадиснинг олдига боради, ҳадис унинг олдига бормайди!

Майсара ортга қайтиб бориб, халифага: “Масжидга бордим. У ерда бир шайхдан бошқасини топмадим. Имлаб чақирган эдим, ўрнидан турмади, эътибор ҳам бермади, ўзим олдига бориб: “Мўминлар халифаси қайлуладан уйғониб: “Масжидга бориб қарагин ва менга ҳадис айтиб берадиган уламолардан бирини олиб келгин” дедилар, десам, хотиржам ва қатъийлик билан: “Мен унга ҳадис айтиб берадигани киши эмасман! Масжиддаги илм ҳалқаси кенг, агар халифанинг ҳадис эшитгиси келган бўлса, бемалол сиғади”, деб жавоб берди. Абдулмалик ибн Марвон чуқур хўрсиниб ўрнидан сапчиб турди-да, ичкарига кета туриб: “Бу Саид ибн Мусайяб. Кошки эди, сен унинг олдига бормаган ва унга гапирмаган

бўлганинда”, деди. Ичкарига кириб кетгач, Абдулмалик ибн Марвоннинг кичик ўғли акасига:

– Дунё итоат этган, ҳайбатидан Рум шоҳлари бўйсунган мўминлар амирига катталик қилиб, ҳузурига келиш ва мажлисига ҳозир бўлишдан бўйин товлаган ким?! – деди.

– Мўминлар амири акамиз Валид учун қизига совчи қўйганида қизини беришдан бош тортган киши” – деди акаси.

– Қизини Валид ибн Абдулмаликка беришдан бош тортганми? Мўминлар амирининг валиаҳди, муслмонларнинг бўлажак халифасидан кўра азизроқ куёв истаганми қизига?!

Акаси унинг гапларига жавоб бермай жим турган эди, укаси сўзида давом этди:

– Қизини мўминлар амирининг валиаҳдига беришни хоҳламаган бўлса, шунга яраша қизини муносиб куёвга узатганми ёки айримларга ўхшаб қизини узатишни хоҳламай, қариқиз қилибдими?

– Очиғини айтсам, мен у киши ва унинг қизи ҳақида бирон хабарга эга эмасман, – деди акаси. Шунда суҳбатни эшитиб ўтирган Мадиналик бир киши: “Агар амир изн берсалар, мен бу ҳақда тўлиқ гапириб бераман. У қиз маҳалламизда яшовчи Абу Вадоа деган йигитга турмушга чиққан. Бу йигит бизнинг ён қўшнимиз бўлади. Унинг у қизга ўйланишининг ғаройиб қиссаси бор, бу ҳақда йигитнинг ўзи менга гапириб берган”. Ака-укалар: “Ҳа, албатта, айтиб беринг”, дедилар. Мадиналик киши деди: “Абу Вадоа менга қуйидагиларни сўзлаб берган эди: “Мен илм талабида Масжиди Набийга боғланган, толиби илмлар билан елкама-елка туриб масжиддаги Саид ибн Мусайябнинг илм ҳалқаларида давомий қатнашиб келар эдим. Шайхнинг илм ҳалқаларига бир неча кун бормай қўйдим. Мени кўравермаган шайх “Касал бўлиб қолдими ёки унга бирон кор-ҳол рўй бердими?” деб, мен ҳақимда атрофидагилардан сўрабдилар, аммо улардан бирон хабар била олмабдилар. Бир неча кундан сўнг ўзим яна шайхнинг илм ҳалқаларига қайтдим. Шайх мен билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрагач:

– Эй Абу Вадоа, қаерда эдинг, нега кўринмай қолдинг?” – деди.

– Хотиним вафот этиб қолди, шу билан машғул бўлиб келолмадим” – дедим.

– Эй Абу Вадоа, бизларга ҳам хабар бермабсан-да, сенга ёрдамлашардик, жанозада қатнашиб бошинга тушган мусибатда сенга ҳамдард бўлардик?

– Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан сийласин, – дедим ва шайхдан рухсат сўраб ўрнимдан турмоқчи эдим, тўхтатиб олдиларида олиб қолдилар. Мажлисдагилар кетгач менга:

– Эй Абу Вадоа, ўйланиш ҳақида ўйлаб кўрмадингми? – деб сўраб қолдилар.

– Аллоҳнинг раҳмати бўлсин сизга. Менга ким ҳам қизини берарди. Етим бўлиб ўсган бўлсам, камбағал бўлиб яшасам, икки-уч дирҳамдан бошқа пулим бўлмаса – дедим.

– Мен сенга қизимни никоҳлаб бераман.

Тилим айланмай қолди. Зўрға: – Сиз?!... Менинг бу ҳолимни билгач, ўз қизингизни менга никоҳлаб берасизми?! – дедим.

– Ҳа... Биз қизимизни дини ва хулқи маъқул келган киши бўлса, албатта никоҳлаб берамиз. Сен бизнинг наздимизда ана шундай кишисан.

Сўнг бизларга яқин турганларни чақирдилар ва уларнинг гувоҳлигида Аллоҳга ҳамду сано айтиб ва Пайғамбаримиз Мухаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот ва саломлар йўллаб менга қизларини никоҳлаб қўйдилар. Маҳрига икки дирҳам белгиладилар. Мен ҳайронлигимдан ва хурсандлигимдан нима дейишни билмай қотиб қолган эдим. Уйимга кетдим, шу куни рўза тутган эдим, рўзадорлигимни ҳам унутибман. Ўзимга-ўзим гапирардим: “Ҳолингга вой, эй Абу Вадоа, нималар қилиб қўйдинг?! Энди пулни қаердан топасан, кимдан қарз

сўрайсан?! Шундай ҳолатда турар эканман, шомга азон айтилди. Намозни адо этиб бўлгач, ифторга ўтирдим, дастурхонда нон ва зайтундан бошқа нарса йўқ эди. Бир-икки луқма еган ҳам эдимки, эшик тақиллаб қолди. “Ким у?” дедим. “Саидман”, деган жавоб келди. Аллоҳга қасамки, хаёлимдан Саид исмли ўзим билган инсонларнинг ҳаммаси бирма-бир ўтди, аммо Саид ибн Мусайяб хаёлимга келгани йўқ. Сабаби, қирқ йилдирки шайхни фақат уйлари билан масжид орасидагина кўриш мумкин эди. Эшикни очдим. Не кўз билан кўрайки, рўпарамда Саид ибн Мусайяб турар эди. Хаёлимга келган ўй: қизини никоҳи бўйича келдимикин, фикридан қайтиб қолдимикин?

– Эй Абу Муҳаммад, чақиртирсангиз ўзим ҳузурингизга борар эдим” – дедим.

– Бугун мен сенинг ҳузурингга келишимга ҳақлироқсан” – деди Саид ибн Мусайяб.

– Қани уйимизга марҳамат қилсинлар!

– Йўқ, раҳмат, мен бир иш билан келган эдим...

– Аллоҳнинг раҳмати бўлсин сизга, нима иш экан у?

– Қизим Аллоҳнинг шариатига мувофиқ чошгоҳ пайтида сенинг хотинингга айланган эди. Биламан, сенинг ёлғизликдан овутиб, кўнглингни оладиган ҳеч киминг йўқ. Сен бир жойда, хотининг эса бошқа жойда тунашингизни маъқул кўрмадим, шунинг учун уни ҳузурингга олиб келдим.

– Во ажаб, қизингизни олиб келдингизми?! – дедим. Қарасам, чиндан ҳам қизлари ёнида турар эди. Саид ибн Мусайяб қизига қараб: “Қизим, Аллоҳнинг номи ва баракоти билан жуфти ҳалолингнинг уйига кир”, деди. Қиз бечора энди қадам қўйиб деганида, уялганидан кийимига қоқилиб йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Мен эса, карахт ҳолда нима дейишимни ҳам, нима қилишимни ҳам билмай қотиб турардим. Бир оз ўзимга келгач, уни ичкарига таклиф қилдим, қиз кўриб қолмаслиги учун ундан олдинроқ бориб, нон ва зайтундан иборат ифторлик дастурхонимни йиғиштириб олдим. Сўнг томга чиқиб қўшниларимни чақирдим. Қўшнилар чиқиб:

– Ҳа, тинчликми, нима гап? – дейишди. Мен:

– Бугун масжидда Саид ибн Мусайяб қизини менга никоҳлаб берган эдилар. Ҳозир мени хабарим йўқ, қизини олиб келиб ташлаб кетдилар. Биласизлар, онамнинг уйи узоқ, мен онамни чақириб келгунимча, келинни ёлғизлатмай аёллар кириб туришсин – дедим. Бир кампир қўшнимиз деди:

– Ҳой, эсинг жойидами, нима деяётганингни биласанми ўзи, Саид ибн Мусайяб қизини сенга никоҳлаб бердимми?! Қизини ўзи сенинг уйингга олиб келиб ташлаб кетдимми?! Ахир у қизини Валид ибн Абдулмаликка бермаган-ку?!

– Ҳа шундай. Лекин қиз менинг уйимда ўтирибди, ўзингиз кириб кўринглар.

Қўшнилари уйга киришиб кўзларига ишонмасдилар. Қиз билан саломлашиб, сўрашиб, мен онамни олиб келгунимча унинг олдида турдилар. Бир оздан сўнг онам келди. Келинни кўргач, менга қараб: “Келинни ясангириб бергунимча бизни холи қўй”, деди. Мен: “Ихтиёр сизда, онажон” деб, қайнона-келинни холи қолдирдим. Бир мунча вақтдан сўнг онам келинни менга топширдилар. Қарасам, у Мадинадаги энг гўзал қиз экан. Ундан ташқари одамлар ичида Аллоҳнинг китобини энг мукаммал ёд олган қория ҳамда Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадисларини энг кўп билган ровия экан. Устига-устак, эрнинг аёл устидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳам аъло даражада билар экан. Бир неча кун бирга яшадик. Бу аснода на қизнинг отаси ва на оиласидан бирон киши бизникига келди. Мен ўзим яна одатимга кўра масжидга, шайхнинг илм ҳалқаларига бордим. Шайхга салом бериб ўтирдим. Шайх саломимга алик олди ва бошқа ҳеч нарса демади. Дарс тугаб, мажлисдагилар тарқалишиб, мендан бошқа ҳеч ким қолмаганида шайх: “Эй Абу Вадоа, жуфти ҳалолингнинг аҳволи қандай?” деб сўради. Мен: “Жуфти ҳалолим дўстнинг ҳаваси, душманнинг ҳасади келадиган ҳолатда”, деб жавоб бердим. Шайх: “Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”, деди. Уйга келиб қарасам, шайх рўзғоримизни бутлаб олишимиз учун бизга етарли маблағ юборган экан”.

Абдулмалик ибн Марвоннинг ўғли: “Бу шайхнинг қилган ишлари ажойиб экан-а?!”, деди. Мадиналик киши деди: “Амирзодам, ажабланишга ўрин йўқ. Зеро, шайхимиз дунёни охиратга восита қилган, ўзи ва оиласи

учун фоний дунё эвазига боқий охиратни сотиб олган. Аллоҳга қасамки, шайх қизларини мўминлар амирининг ўғлига беришга бахиллик қилмаган, “қизимнинг тенги эмас” деб ҳам ўйламаган. Аксинча, қизи дунё билан фитналаниб қолишидан қўрққан. Яқинларидан бири шайхга: “Мўминлар амирининг совчисини қайтариб, қизингизни оддий бир мусулмонга никоҳлаб берасизми?” деганида, у: “Қизим бўйнимдаги омонатдир. Унга яхшилиқни раво кўрганимдан шундай қилдим”, деб жавоб қилган. Шайхнинг мақсадини англамаганлар: “Ахир, қандай қилиб?” дейишибди. Шайх дебди: “Нима деб ўйлайсизлар, агар қизим умавийлар қасрига кўчиб ўтса, қимматбаҳо кийимлар, зеб-зийнатлар ичига тушиб қолса, хизматкорлар, шотирлар ва чўрилар унинг хизматида бўлса, Ўзи халифанинг бекаси бўлса, қани айтингчи, у ҳолда қизимнинг дину диёнати нима бўлади?!”. Шом аҳлидан бўлган ва ўша ерда ўтирган бир киши: “Шайхнингиз одамлар ичидаги ноёб шахслардан кўринади”, деди. Мадиналик киши: “Ҳақ гапни айтдингиз. Шайх кундузи рўзадор, кечаси қойимдир. Қирқ марта ҳаж қилган. Мана қирқ йилдирки, Масжиди Набийда такбири таҳримани ўтказиб юбормаган. Шунча муддатдан бери доим биринчи сафда турганидан намозда бировнинг орқа тарафига кўзи тушмаган. Қурайш аёлларидан истаганига ўйланиш имкони бўлатуриб, Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу)нинг қизини бошқа аёллардан маъқул кўриб, шунга уйланган. Сабаб Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу)нинг Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га яқинлиги, ҳадисларини энг кўп ривоят қилгани ва у зотдан илм олишга рағбатининг кучли бўлганидир.

Саид ибн Мусайяб ёшлиқ чоғиданоқ ўзини илмга атади. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг покиза аёллари – мўминларнинг оналаридан илм, одоб-ахлоқ ўрганди. Бундан ташқари Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умарга шогирд тушиб дарс олди. Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Суҳайб Румий ва бошқа саҳобаи киромлардан (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) дарс тинглаб, панд-насиҳатлар олди. Уларнинг хулқлари билан хулқланди, сийрату шамоиллари билан зийнатланди.

Саид ибн Мусайяб ҳаёти давомида бир калимани доим такрорлаб юрарди. Ҳатто бу калима шайхнинг шиорига айланган эди: “Бандалар Аллоҳга тоат-ибодат қилиш билангина азизликка эришадилар, Аллоҳга осийлик қилиш билан ўзларини хор қиладилар”.

## Саид ибн Жубайр

*“Саид ибн Жубайр қатл қилинди. Ҳолбуки, ер юзидаги ҳар бир одам унинг илмига муҳтож эди” (Аҳмад ибн Ҳанбал)*

Бақувват, жуссадор, келишган ва айна дамда қалби уйғоқ, ўта фаросатли, яхшилиққа интилган ва ёмонлиқдан ҳазар қилган навқирон бир йигит бор эди. Рангининг қоралиги, жингалак сочи ва асли ҳабаший экани унинг ўта ноёб шахсиятига путур етказмас эди.

Араб бўлиб кетган бу ҳабаш йигити илм Аллоҳга элтувчи, тақво эса жаннатга етказувчи бирдан-бир тўғри йўл эканини идрок этади. Тақвони ўнг тарафига, илмни эса сўл тарафига қўяди ва икки қўли билан уларни маҳкам тутган ҳолда ҳаёт сафарига оғишмай-толишмай илдам одимлаб боради. Ёшлиқ чоғиданоқ одамлар уни ё бутун вужуди ила берилиб китоб ўқиётган, ё бўлмаса жойнамози устида туриб ибодат қилаётган ҳолда кўрардилар. Юқоридаги сифатлар соҳиби Ислом умматининг дурдона шахсларидан бўлмиш Саид ибн Жубайр раҳматуллоҳи алайҳдир.

Саид ибн Жубайр бир қанча улуғ саҳобалар, жумладан, Абу Саид Худрий, Адий ибн Ҳотим, Абу Мусо Ашъарий, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар, Ойша разияллоҳу анҳумлардан таълим олди. Унинг энг асосий ва энг катта устози бу умматнинг олими, илм чашмаси Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо бўлган эди. Саид ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Аббосга соя каби эргашди. У зотдан Қуръон ва тафсири, ҳадис ва шарҳларини ўрганди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо қўлида диний билимларни чуқур ўрганиб фақиҳ бўлди, тафсирдан таълим олиб буюк муфассир бўлиб етишди. Буларга қўшимча араб тили ва қоидаларини шундай мукамал ўргандики, ҳатто ўз замонида ер юзидаги ҳар бир одам у зотнинг илмига муҳтож эди.

Сўнг илм-маърифат излаб бақадриҳол Ислом диёрларини кезди. Режасидаги илм ҳосил бўлгач, Кўфани ўзига макон тутиб, аҳолисига устоз ва имом бўлиб шу ерда яшади.

Рамазон кечаларида одамларга имом бўлиб намоз ўқир экан, бир кеча Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳунинг қироатида, бошқа бир кеча



Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳунинг қироатида, учинчи кеча эса бошқа бир саҳобанинг қироатида Қуръон тиловат қилар эди.

Ёлғиз ўзи намоз ўқиганида эса кўпинча бир намозда Қуръоннинг ҳаммасини ўқир эди. Аллоҳ таолонинг **“Ҳали билурлар! Ўшанда улар бўйинларида кишанлар ва занжирлар ила ўта қайноқ сувга тортилулар. Сўнгра оловда кўйдирилурлар”** (Ғофир сураси, 70-72), деган сўзлари ва умуман шу каби ваъда ёки таҳдид оятларини ўқиса, эти жимирлаб кетар, қалби ларзага келиб, кўзларидан тирқираб ёш оқарди, бу оятни такрор-такрор ўқийверганидан жон таслим қилишга яқин бўларди.

Саид ибн Жубайр йилда икки бор Байтул ҳаромга боришни одат қилган эди. Бири ражаб ойида умра учун, иккинчиси зулқаъда ойида ҳажни ният қилиб эҳром боғларди.

Илм толиблари, яхшилик ва насиҳат шайдолари Саид ибн Жубайрнинг соф илм чашмасидан қониб-қониб ичиш, насиҳат ва маслаҳатини олиш мақсадида Кўфага келар эдилар. “Аллоҳдан қўрқиш қандай бўлади?”, деб сўраган кишига: “Аллоҳдан қўрқининг сени гуноҳлардан тўса олса, ана шу Аллоҳдан қўрқиш бўлади”, деб жавоб берса, зикр ҳақида сўраган кишига: “Аллоҳ таолога итоат қилиш зикрдир, ким Аллоҳга юзланса ва Унга итоат қилса, Аллоҳни зикр қилган бўлади, ким Аллоҳга юзланмаса ва Унга итоат қилмаса, гарчи кечанинг ҳаммасини зикр ва тиловат билан ўтказган бўлса ҳам, Аллоҳни зикр қилувчилардан бўлмади”, деб жавоб берар эди.

Саид ибн Жубайр Кўфани ўзига макон тутган дамда Кўфа Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийнинг қўл остида эди. Ҳажжож ўша вақтда Ироқ, Машриқ ва Мовароуннаҳр диёрларининг волийси эди. У Абдуллоҳ ибн Зубайрни қатл қилиб, унинг ҳаракатига чек қўйган, Ироқни умавийлар салтанатига бўйсиндирган, у ер, бу ерларда бош кўтарган қўзғолонларни бостириб, одамлар устида қиличини ўйнатиб турган, одамлар қалбига қўрқув солган, барча ундан ҳайиққан ва ғазабидан чўчиган ҳукмронлик даврининг энг юқори чўққисига чиққан дамлар эди.

Шундай бир пайтда Ҳажжож билан унинг қўмондонларидан бири Абдурахмон ибн Ашъас орасида зиддият чиқиб, бу зиддият қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Натижада, бу фитна ўтида ҳўл-у қуруқ баравар ёнди ва у мусулмонлар танасида чуқур жароҳатлар қолдирди.

Ушбу фитна тафсилоти қуйидагича бўлган: Ҳажжож қўмондонларидан бири Абдурахмон ибн Ашъасни катта қўшин билан Сижистоннинг орқа тарафидаги минтақаларга эгалик қилган турк подшоҳи Ратбилга қарши жанг қилиш учун юборади. Музаффар қўмондон Ратбилга қарашли талай ерларни фатҳ қилиб, мустаҳкам қўрғонларини эгаллаб олади, унга оид шаҳар ва қишлоқлардан катта миқдорда ўлжаларни қўлга киритади. Сўнг Ҳажжожга буюк нусрат ва ғалаба хушxabарини етказиш учун чопарларни ва уларга қўшиб мусулмонлар байтулмолининг ҳаққи бўлган ўлжанинг бешдан бирини ҳам юборади. Яна қўмондон Ҳажжожга бир мактуб ёзиб, унда душман ерларини яхши ўрганиш, кириш-чиқиш йўллари, табиати ва ҳолатини текшириш, у ерлардаги кўздан пана бўлган тоғ йўлларига кириб, музаффар лашкарни хатарга қўймаслик учун бир муддат жанг қилмай туришга изн сўрайди. Мактубни ўқиган Ҳажжож ғазабга тўлади, унга жавоб хати ёзар экан, қўмондонни қўрқоқликда айблайди, уни қатл қилиш, вазифасидан четлатиш кабилар билан таҳдид қилади. Абдуррахмон лашкардаги эътиборли кишиларни ва бўлинма қўмондонларини чақириб, Ҳажжожнинг мактубини ўқиб беради ва бу ҳақда маслаҳат сўрайди. Улар Ҳажжожнинг тоатидан чиқиб, унга қарши жанг қилишни маслаҳат берадилар. “Шундай қилсам, сизлар менга байъат берасизми, Аллоҳ таоло Ироқ ерларини Ҳажжожнинг ёмонлигидан тозалаши учун унга қарши жиҳодимда менга ёрдамчи бўласизми?”, дейди Абдурахмон. Ҳаммалари тасдиқ жавобини бериб, унга байъат берадилар.

Ҳажжожга қарши нафратга тўлиб-тошган Абдуррахмон ибн Ашъас лашкари билан Ҳажжож лашкари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтди ва унда Абдурахмоннинг қўли баланд келди. У Сижистонни тўлиқ эгаллаб, Форс ерларининг ҳам катта қисмини қўлга киритди. Сўнг Кўфа билан Басрани ҳам Ҳажжожнинг қўлидан тортиб олишга отланди.

Томонлар ўртасида жанг алангаси ловуллаб турган, Абдурахмон ибн Ашъас зафар устига зафар қозониб турган бир пайтда Ҳажжож рақибининг қувватини янада зиёда қиладиган бир муаммога дуч келади. Шаҳар волийлари Ҳажжожга хат йўллаб, унда зиммийлар жизя тўлашдан халос бўлиш учун Исломни қабул қиладигани, қишлоқларини ташлаб шаҳарларга кўчиб келадигани, натижада ердан олинадиган хирож тушмай қолиб, хазиналар бўшаб қоладиганини маълум қиладилар. Ҳажжож Басрадаги ва бошқа шаҳарлардаги волийларига мактуб йўллаб: “Шаҳарларга кўчиб келган зиммийларни йиғиб, қачон кўчган бўлишидан қатъи назар, ҳаммаларини яна қишлоқларига қайтаринг!” деб, амр қилади. Волийлар

буйруқни бажаришга киришадилар ва зиммийлардан жуда кўпчиликни диёрларидан ҳайдаб, тирикчиликларидан айириб, шаҳар чеккаларига жамлайдилар. Уларга қўшиб хотинлари ва болаларини ҳам чиқариб юборадилар, анча илгари ташлаб кетган қишлоқларига қайтиб боришга мажбур қиладилар. Аёллар, ёш болалар ва қариялар дод-вой солиб йиғлашар, ёлворишар, «Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад», деб нидо қилишар, нима қилишни, қаерга боришни билмай ҳайрону лол эдилар. Басранинг олиму фуқаҳолари орага тушиб, уларга ёрдам бериш учун чиқдилар. Аммо бирон чорасини қила олмасдан, уларга қўшилиб йиғлаб, Аллоҳдан мусибатларини аритишни тиладилар.

Абдурахмон ибн Ашъас бу фурсатни ғанимат билиб, олиму фуқаҳоларни ўзига қўшилишга чақирди. Саид ибн Жубайр, Абдурахмон ибн Абу Яъло, Шаъбий, Абул Бухтарий бошчилигидаги бир қанча улўф тобеинлар ва уламолар унинг бу чақириғига қўшилди.

Икки гуруҳ орасида уруш тегирмони айлана бошлади. Аввалига Абдурахмон ибн Ашъас ва унинг лашкари Ҳажжож ва унинг аскарлари устидан ғолиб келаётган эди. Лекин аста-секин Ҳажжожнинг қўли устун келиб, охири-оқибат, Абдурахмон ибн Ашъас мағлуб бўлди. Унинг ўзи қочиб қутилиб қолди, лашкари эса Ҳажжож ва унинг лашкарига таслим бўлди.

Ҳажжож жарчисига амр қилиб, енгилган жангчиларни унга бўлган байъатларини янгилашга чақирди. Уларнинг аксари бу чақириқни қабул қилдилар, айримлари эса қабул қилмай яшириниб юрдилар. Саид ибн Жубайр яшириниб юрганлар орасида эди. Таслим бўлганлар байъатни янгилаш учун келганларида кутилмаган ҳолатга дуч келдилар; Ҳажжож байъатдан олдин ҳар бир байъат берувчидан сўрай бошлади: “Мўминлар амирининг волийсига берган байъатингни бузишлик билан кофир бўлганинга гувоҳлик берасанми?”. Агар: “Ҳа”, деса, янгидан бераётган байъатини қабул қилар ва қўйиб юборар, “йўқ” деганни қатл қиларди.

Баъзилар Ҳажжождан қўрқиб, жонини сақлаб қолиш учун кофир бўлганига иқрор бўлар, баъзилари эса «кофир бўлдим» дейишни ўзига эп кўрмас, бош тортиш бадалига калласидан жудо бўлар эди. Бир неча минг кишилар қатл қилинган ва яна бир неча мингги кўфрга иқрор бўлиб, ўлимдан қутулиб қолган бу ваҳшиёна қирғин хабари кенг тарқалди.

Хасъам қабиласидан бўлган бир қария икки гуруҳга ҳам қўшилмай, Фурот дарёсининг ортида яшар эди. Ҳажжож ҳузурига олиб келинганлар қаторида қарияни ҳам олиб келишганда Ҳажжож унинг нима ишлар қилгани ҳақида сўради. Қария:

– Бу уруш олови чиққанида мен мана шу дарё ортида уруш нима билан тугашини кутиб турдим. Сиз ёлиб бўлгач, байъат қилишга келдим, – деди.

Ҳажжож:

– Ўлим бўлсин сенга, амиринг билан бирга жанг қилмай, кутиб ўтирдингми?! – деди. Сўнг дағдаға қилиб:

– Кофир бўлганинга гувоҳлик берасанми?!

– Саксон йил Аллоҳга ибодат қилиб, сўнг «кофир бўлдим», деб гувоҳлик берсам, қандай ҳам ёмон одам бўламан.

– Унда сени қатл қиламан.

– Қатл қилсанг ҳам бундай демайман. Аллоҳга қасамки, умримдан қолган бўлса, эшак сувсизликка сабр қила оладиганча муддат қолгандир<sup>1</sup>. Эшак эрталаб сув ичсаю, кечга бориб суғорилмаса, ўлиб қолади. Шундоқ ҳам, мен ўлимни эрта-ю кеч кутиб ўтирибман. Хоҳлаганингни қилавер!

– Бўйнига ур буни! – қичқирди Ҳажжож. Жаллод қариянинг бўйнига қилич уриб уни қатл қилди. Ҳозир бўлганларнинг ҳаммалари, Ҳажжож тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам, қарияга ачиниб такбир айтдилар ва «Аллоҳ раҳматига олсин!», деб дуо қилдилар.

Сўнг Комил ибн Зиёд Нахайй олиб келинди. Ҳажжож унга деди: – Кофир бўлганинга гувоҳлик берасанми?

---

<sup>1</sup> Бирон ишнинг ниҳояси яқин эканига ишора қилиш учун айтиладиган арабча мақол. (Тарж.)

– Аллоҳга қасамки, гувоҳлик бермайман, – деди Зиёд.

– Унда сени ўлдираман!

– Нима ҳукм қилсанг қилавер. Аллоҳнинг ҳузурида кўришамиз. Ўлдиришдан сўнг ҳисоб-китоб бор.

– Ўша кунда ҳужжат сенинг зарарингга бўлади, фойдангга эмас.

– У кунда сен қози бўлсанг, ҳа, айтганингдай бўлади.

– Ўлдиришлар! – қичқирди Ҳажжож. У ҳам қатл қилинди.

Сўнг яна бир киши олиб келинди. Бу киши Ҳажжожни масхара қилиб юрар эди. Бунга эшитган Ҳажжож уни ёмон кўриб қолган, қатл қилиш учун фурсат излаб юрган эди. Ҳажжож унга қарата деди:

– Мен қаршимда кўриб турган бу киши ўзини кофир бўлганига гувоҳлик бермайдиганлардан деб ўйлайман.

– Мени ҳалокатга ташламанг ва мен ҳақимда менда бўлмаган нарсани айтманг. Мен ер аҳлининг энг кофириман, қозиқлар эгаси бўлган Фиръавндан ҳам кофирроқман, – деди ҳалиги киши. Ҳажжож ноилоҳ уни қўйиб юборди. Аммо уни қатл қилишга бўлган ташналиқдан ичи ёнар эди.

Бир неча минг собитқадам кишилар қатл қилинган, бир неча мингги ўзларига куфр тамғасини босишга мажбурланган бу қатлиом хабари ҳар ёққа тарқалди. Саид ибн Жубайр ҳам, борди-ю, Ҳажжожнинг қўлига тушиб қолса, шу икки ишдан бирига дучор бўлиши: ё бўйни узилиши, ё ўзига куфр тамғасини босишга мажбурланишини билди. Ҳолбуки, бу икки ишнинг «ширинроғи ҳам аччиқ» эди. Шунинг учун у Ироқдан чиқиб, кўзга кўринмай, яшириниб юришни танлади.

Аллоҳнинг кенг ерида Ҳажжож ва унинг жосусларидан яшириниб, Макка ерларидаги кичик бир қишлоққа қочиб келди ва шу залда тўлиқ ўн

Йил ҳаёт кечирди. Бу йиллар Ҳажжож қалбида ёнаётган ўч олиш оловини ўчириш ва ундаги ғазабни кетказиш учун етарлидек кўринганди. Аммо кутилмаган ҳодиса рўй берди; Маккага умавийлар томонидан Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий исмли янги ҳоқим тайинланди. Саид ибн Жубайрнинг дўстлари бу ҳоқимнинг ёмон хулқи ва душманчилигидан хавотирга тушдилар. Улар Саид ибн Жубайрнинг олдига келишиб: “Маккага тайинланган янги ҳоқимдан сизга зарар етишидан хавотирдамиз. Шунинг учун бизнинг талабимизга кўниб, бу ерлардан чиқиб кетсангиз”, дедилар. Шунда Саид ибн Жубайр: “Шунча йил қочиб юрдим, Аллоҳга қасамки, яна қочишга Аллоҳдан уяламан. Шу жойимда қолишга қарор қилдим. Аллоҳ не кунни бошимга солса ҳам розиман”, деб жавоб берди.

Дарҳақиқат, янги ҳоқим одамларнинг у ҳақдаги ёмон гумонларини ёлғонга чиқармади. У Саид ибн Жубайр турган ердан хабар топиб, уни қўлга олиш ва Восит шаҳридаги Ҳажжож қароргоҳига олиб бориш учун дарҳол бир тўда аскарини юборди. Лашкарлар Саид ибн Жубайрнинг уйини қуршаб олиб, шайхнинг айрим шогирдлари кўз ўнгида қўлларига кишан тақдилар ва Ҳажжожнинг ҳузурига олиб кетишларини билдирдилар. Шайх бу хабарни хотиржам қабул қилди ва шогирдларига ўгирилиб деди: “Мен бу золимнинг қўлида қатл қилинаман, деб ўйлайман. Чунки мен икки шеригим билан ибодат ила ўтказаетган кечалардан бирида дуо ҳаловатини ҳис этиб, Аллоҳга ёлвориб, тазарру билан кўп дуо қилгани эдик. Охирида учовимиз ҳам шаҳидликни насиб этишини Аллоҳдан илтижо қилиб сўрадик. Аллоҳ таоло икки шеригимга шаҳидликни насиб этди, мен ўз насибамни кутиб турибман”, деди. Саид ибн Жубайр гапини тугатар-тугатмас ичкаридан жажжи қизчаси чиқиб қолди ва аскарлар отасининг қўлига кишан солиб олиб кетаётганини кўриб, отасига қаттиқ ёпишиб олиб хўнграб йиғлаб юборди. Қизчани юмшоқлик билан оҳиста ўзидан ажратди ва: “Эй қизалоғим, онанга айтиб қўй, иншаоллоҳ, жаннатда кўришамиз”, дедилару жўнаб кетдилар.

Лашкарлар олим, обид, зоҳид ва муттақий имомни Восит шаҳрига олиб келишиб, Ҳажжожнинг ҳузурига олиб кирдилар. Ҳажжож шайхга ғазаб билан тикилиб туриб сўрай бошлади:

– Исминг нима?

– Саид ибн Жубайр.

– Йўқ, сен Шақий ибн Кусайрсан (исмининг тескарисини айтди).

– Исминни ота-онам сендан кўра яхши билишган.

– Муҳаммад ҳақида нима дейсан?

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни назарда тутяпсанми?

– Ҳа.

– Одам болаларининг саййиди, Аллоҳ танлаб олган Пайғамбар, Шу пайтгача ўтган ва бундан буён келадиган башариятнинг энг яхшисидирлар. Рисолатни етказдилар, омонатни ўтадилар. Аллоҳ ва Унинг Китобига, муслмонлар оммаси ва раҳбарларига нисбатан зиммаларидаги мажбуриятни бажариб ўтдилар.

– Абу Бакр ҳақида нима дейсан?

– Абу Бакр Сиддиқ Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифаси, бахтли яшади ва мақтовга сазовор бўлиб оламдан ўтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида бирон нарсани ўзгартирмай ўтиб кетди.

– Умар ҳақида нима дейсан?

– Умар Аллоҳ таоло унинг воситасида ҳақ билан ботил ўртасини ажратган зот – Форуқдир. Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари уни яхши кўрган эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр юрган йўлда собит туриб ўтиб кетди. Бахтли яшади ва шаҳид қилинди.

– Усмон ҳақида нима дейсан?

– Усмон Табук ғазотида “жайшул усра”ни жиҳозлаган, Рума қудуғини қаздирган, жаннатдан ўзига уй сотиб олган, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки қизларига уйланган кувлари бўлиб, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам осмондан инган ваҳий билан уни уйлантирганлар. Усмон ибн Аффон зулм билан қатл қилинди.

– Али ҳақида нима дейсан?

– Али ибн Абу Толиб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг ўғли. Болалардан энг биринчи Исломи қабул қилган, Фотимаи Заҳрога уйланган ва жаннат аҳли йигитларининг саййидлари Ҳасан ва Ҳусайннинг оталари бўлган зотдир.

– Умавий халифаларнинг қай бири сенга кўпроқ ёқади?

– Яратганни рози қилувчироғи.

– Уларнинг қай бири яратганни рози қилувчироқдир?

– Буни уларнинг ичию ташини билувчи Зот билади.

– Мен ҳақимда нима дейсан?

– Қандайлигингни ўзинг яхшироқ биласан.

– Мен сенинг фикрингни билмоқчиман.

– Фикримни билишинг сени хафа қилади, хурсанд қилмайди.

– Фикрингни ўзингдан эшитишни истайман.

– Сен Аллоҳнинг Китобига хилоф ишлар қиласан, ҳайбатли бўлишни хоҳлаб баъзи ишларга қадам босасан. Ҳолбуки, бу ишлар сени ҳалокатга олиб боради, сени дўзахга улоқтириб юборади.



– Аллоҳга қасамки, сени албатта қатл этаман!

– Агар шундай қилсанг, менинг дунёйимни барбод қиласан, мен эса, сенинг охиратингни барбод қиламан.

– Қандай қатл этилишни хоҳлайсан, ўзинг танла.

– Йўқ, буни сен танла, эй Ҳажжож! Аллоҳга қасамки, сен мени қандай қатл қилсанг, охиратда Аллоҳ таоло сени ҳам худди шундай қатл этади.

– Сени афв этишимни истайсанми?

– Афв этиш Аллоҳнинг қўлида, сенинг афв этишининг эътибори йўқ.

Бу сўзни эшитган Ҳажжож дарғазаб бўлиб қичқирди: “Ҳой ғулом, қилич билан кундани келтир”. Саид ибн Жубайр табассум қилди.

– Бу қандай табассум? – сўради Ҳажжож.

– Аллоҳдан қўрқмаганингни, Аллоҳнинг эса сенга ҳалимлигини кўриб ажабланыпман, – деди Саид ибн Жубайр.

– Ҳой ғулом, буни қатл эт! – қичқирди Ҳажжож.

Саид ибн Жубайр қиблага юзланиб: **“Мен ибодатда Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига юзландим. У осмонлару ерни яратган Зотдир. Мен ширкдан тавҳидга бурилдим ва мен Аллоҳга бошқаларни шерик қилувчилардан эмасман”, деди**, деган оятни ўқиди.

Ҳажжож: “Унинг юзини қибладан буриб қўйинглар”, деди.

Саид ибн Жубайр: **“...юзингизни қай тарафга бурманг, албатта, Унинг юзини (ёхуд У рози бўлган жиҳатни) қасд қилган бўласизлар”**, оятини ўқиди.

Ҳажжож: “Унинг юзини ерга қаратинглар!”, деди.

Саид ибн Жубайр: **“Биз сизларни ердан яратдик. Ўлганингиздан сўнг яна ерга қайтарамиз. Қиёматда ҳисоб-китоб ва жазо учун сизларни яна қайта тирилтириб, ердан чиқарамиз”**, оятини ўқиди.

Ҳажжож қичқириб: “Аллоҳнинг душманини ўлдилинглар! Қуръон оятларидан далил келтиришга бундан кўра кучлироқ кишини кўрмаган эдим”, деди. Шунда Саид ибн Жубайр икки қўлларини кўтариб: “Аллоҳим, мендан сўнг Ҳажжожга бирон одамни қатл қилиш имконини берма!” деб, дуо қилди.

Саид ибн Жубайрнинг фожиали ўлимидан ўн беш кун ўтар-ўтмас, Ҳажжож иситмалаб, касали кундан-кунга зўрая бошлади. Озгина кўзи илинар-илинмас бирдан қаттиқ чўчиб уйғонар ва: “Саид ибн Жубайр мени бўғяпти, Саид ибн Жубайр «Нега мени қатл этдинг?», деяпти, деб, бақирар эди. Сўнг йиғлаб: “Саид ибн Жубайр билан менинг нима ишим бор эди-я?! Уни мендан узоқ қилинглар...”, дер эди.

Ҳажжож вафот этиб, устига тупроқ тортилгач, одамлардан бири уни тушида кўриб: “Эй Ҳажжож, сен қатл қилган одамлар ҳақида Аллоҳ сени нима қилди?” деб, сўраган экан, Ҳажжож: “Ҳар бир қатл қилган одамим бадалига Аллоҳ мени бир марта қатл қилди, аммо Саид ибн Жубайрни қатл қилганим учун мени етмиш мартаба қатл қилди” деб, жавоб берибди.

## Муҳаммад ибн Восеъ Аздий

“Амирларнинг қорилари бор, бойларнинг қорилари бор. Муҳаммад ибн Восеъ Раҳмон таолонинг қориларидандир”. (Молик ибн Дийнор)

Биз ҳозир мўминлар амири Сулаймон ибн Абдулмаликнинг халифалик давридамиз.

Ислоннинг яланғочланган кескир қиличларидан бири Хуросоннинг забардаст волийси Язид ибн Муҳаллаб ибн Абу Суфра шаҳидлик излаган кўнгиллилардан ташқари юз мингдан ортиқ лашкари билан душман томон олға юриб бормоқда. У Журжон ва Табаристонни фатҳ қилишни ўз олдига мақсад қилган. Кўнгиллиларнинг аввалида улуғ тобеин, фуқаҳолар сарбони, Басранинг обиди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходими улуғ саҳобий Анас ибн Молик разияллоҳу анҳунинг шогирди Муҳаммад ибн Восеъ Аздий Басрий борар эди.

Язид ибн Муҳаллаб лашкари билан Диҳистонга келиб тушди. Диҳистонда ниҳоят кучли ва мустаҳкам қўрғонлар билан ҳимояланган туркларга мансуб бир қавм яшар эди. Улар мусулмонларга қарши ҳар куни жангга чиқишар, қаттиқ қаршиликка дуч келиб, қийинчиликка учрасалар, у ердаги баланд тоғ ва тоғ ораларига чекинишиб, баланд ва мустаҳкам қоялар билан ҳимояланиб олардилар.

Муҳаммад ибн Восеъ Аздий кексайиб, жисмонан заифлашиб қолганига қарамай, бу жангда катта ўрни бор эди. Мусулмон лашкарлар унинг юзидан таралаётган иймон нуридан баҳраманд бўлар, ширин тилидан чиқаётган оташин ундовларни эшитиб тетиклашар ва оғир дамларда мустажоб дуолари билан қалблари ором олар эди. Муҳаммад ибн Восеънинг одатларидан яна бири, ҳар қачон қўмондон ҳужум бошлаганида: “Эй Аллоҳнинг отлиқлари, олға! Эй Аллоҳнинг отлиқлари, олға!”- деб одамларни жангга тарғиб келар, унинг нидосини эшитган аскарлар тетиклашар, худди ўлжасига ташланган шердек душманга отилар, ташна одамнинг жазирама кунда музддек сувга талпинганидек, жанг майдонига талпинар эдилар.

Ана шундай қақшатгич жангларнинг бирида душман тарафдан бир отлиқ чавандоз майдонга чиқди. Унинг баҳайбатлиги, бақувватлиги, журъати ва шаҳди мисли кўрилмаган даражада эди. Жанг майдонида отини гижинглатиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Унинг савлати мусулмонларни жойларидан четга суриб, қалбларига қўрқув ва ҳайбат солиб қўйди. Сўнг у кибр ва беодоблик билан мусулмонлардан бирини яккама-якка олишувга чақирди. Такрор ва такрор чақиравергач, Муҳаммад ибн Восеъ рақиб паҳлавон билан яккама-якка олишувга чиқишга бел боғлади. Ана шунда мусулмон чавандозларнинг ҳамияти кўзиб кетди ва улардан бири шайхга юзланиб, қасам ичиб деди: “Шайх, сиз бундай қилманг, буни менга қўйиб беринг!”. Шайх рози бўлиб, унга нусрат ва мадад сўраб Аллоҳга дуо-илтижолар қилди.

Яккама-якка олишув бошланди. Ҳар иккала чавандоз рақибига ўлимга боққандай қарар эди. Улар икки кучли шер мисоли бир-бирларига ташландилар. Атрофдаги ҳар бир аскарнинг қалби-ю кўзи бу икки паҳлавонга қадалган... Чамаси бир соатча қаттиқ олишдилар, бундай олишув уларнинг тинкаларини қуритди. Ва ниҳоят иккала паҳлавон бир вақтда бир-бирининг бошига қаттиқ зарба бердилар. Туркийнинг зарбаси мусулмон чавандознинг дубулғасига келиб тушди ва қиличи дубулғада михланиб қолди. Мусулмон чавандознинг қиличи эса, рақибнинг пешонасига келиб тушди ва унинг бошини иккига бўлиб юборди. Ғолиб паҳлавон мусулмонлар сафига фавқулодда бир суратда қайтди. Унинг ҳолатини кўриб, ҳамма даҳшатга тушди. Чунки қўлидаги қиличидан қон оқар, дубулғасига қадалган қилич эса, қуёш нурида ярақлаб турар эди. Мусулмонлар уни таҳлил, такбирлар билан Аллоҳга ҳамд айтиб кутиб олдилар. Язид ибн Муҳаллаб чавандознинг бошида ва қўлида ялтираб турган қиличга қараб:

– Отасига раҳмат! Ким экан, бу чавандоз? – деди. Атрофдагилар:

– Муҳаммад ибн Восеъ дуосининг баракоти етган чавандоз бу!  
– дедилар.

Туркий паҳлавон қатл қилинган, мусулмонлар палласи босиб кетди. Мушриклар орасида қўрқув ва саросима худди шамолли кунда қуруқ хашакка ўрмалаган ўт каби шиддат ила ёйилди. Мусулмонлар қалбида эса жасорат ва иззат олови аланга олиб, Аллоҳнинг душманлари устига селдай

ёпирилдилар ва бўйинга солинган кишан каби уларни ўраб олдилар, уларга сув ва озуқа йўлларини кесиб қўйдилар. Шундан сўнг мушриклар подшоҳи сулҳдан бошқа йўли қолмаганини англаб, Язид ибн Муҳаллабга чопар юборди. Қўлидаги шаҳарларнинг ҳаммасини ундаги бор нарсалар билан бирга топширишини, эвазига ўзига, молига ва оиласига омонлик берилишини сўраб сулҳ таклиф қилди. Язид унинг таклифини қабул қилди. Етти юз минг дирҳам бўлиб-бўлиб, тўрт юз минг дирҳам нақд тўлашни, заъфарон юкланган тўрт юз улов беришини, шунингдек, қўлида бир жом кумуш кўтарган, эгнига ипақдан бўлган қалпоқли кўйлак, устидан чопон кийган ва аскарларнинг хотинлари кийиши учун бир кийимлик шойи кўтарган тўрт юз киши юборишини шарт қилди. Жанг тугагач, Язид ибн Муҳаллаб хазинабонни чақириб:

– Ҳар бир аскарга ўз ҳаққини тўлиқ адо этишимиз учун, ғаниматни ҳисоблаб чиқиб менга хабар бергин – деб топшириқ берди. Хазинабон ва у билан яна бир қанча одам ғаниматни ҳисоб-китоб қилишга киришдилар. Бироқ ғаниматлар кўплигидан бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Шунда ғаниматлар лашкарларга ўзаро розичилик асосида бўлиб берилди.

Мусулмонлар ғаниматлар ичидан соф олтиндан ясалган, дуру гавҳар билан безалган, ўзига хос ажойиб нақшлар ўйиб ишланган тож топиб олдилар. Уни кўриш учун ҳамма бўйини чўзар, унинг ярақлашига маҳлиё эди. Язид тожни қўлига олиб, ҳамма кўрсин деб, уни юқорига кўтарди ва:

– Нима деб ўйлайсизлар, мана шу тождан ўзини тиядиган, унга қиё боқмайдиган одам бормикин? – деди. Лашкар:

– Саломат бўлсинлар, ким ҳам ундан ўзини тия оларди?! – дедилар.

– Мана кўрасизлар, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматлари ичида нафақат бу тождан, балки ер юзи тўла шунга ўхшаш тожлардан ҳам ўзини тиядиган, уни сариқ чақага ҳам олмайдиганлар бор. Шундан сўнг Язид хизматчисига қараб:

– Муҳаммад ибн Восеъни топиб кел, деб амр қилди. Хизматчи шайхни излаш учун кетди. Қидира-қидира охири уни одамлардан узоқ бир ерда

нафл намоз ўқиб, дуо-илтижо қилиб, истиффор айтиб турган ҳолатида топди. Шайхнинг олдига келиб:

– Амиримиз сизни йўқлаётган эдилар, шу онда боришингизни илтимос қилдилар, – деди. Шайх хизматчи билан бирга амирнинг олдига йўл олди. Етиб боришгач, салом бериб амирга яқин ерга ўтирди. Амир саломга алик олди ва тожни қўлига олиб:

– Эй Абу Абдуллоҳ, лашкарларимиз мана шу қимматбаҳо тожни қўлга киритибдилар. Мен шуни сизга раво кўрдим, уни ғаниматдан насиба сифатида сизга бермоқчиман, аскарларимиз ҳам бунга розилар, – деди. Муҳаммад ибн Восеъ деди:

– Буни менинг улушимдан қилмоқчимисиз, эй амир?

– Ҳа, сизнинг улушингиздан қилмоқчиман.

– Аммо менинг бунга ҳожатим йўқ, эй амир. Аллоҳ барчангизни яхши мукофотлар билан сийласин.  
– Аллоҳга қасам ичиб айтаман, буни албатта оласиз.

Амир қасам ичиб қўйгани учун Муҳаммад ибн Восеъ тожни олишга мажбур бўлдилар. Тожни қўлларига олиб, изн сўраб чиқиб кетдилар. Шайхни билмайдиганлар:

– Ана, тожни ўзлариники қилиб олиб кетдилар-ку? – деб қолишди. Язид хизматкорларидан бирига:  
– Шайхнинг ортидан билдирмай кузатиб борчи, тожни нима қилар экан, – деб уни шайхнинг изидан юборди. Хизматкор билдирмай шайхнинг кетидан кузата бошлади. Муҳаммад ибн Восеъ қўлларида тож билан йўлда кетар экан, уст-боши чанг, сочлари тўзғиган, кўримсиз бир киши: “Бу Аллоҳнинг молиданми?” деб, сўраб қолди. Шайх ўнг, чап ва орқа томонларига назар солди. Ҳеч ким кўрмаётганига амин бўлгач, тожни тезда сўровчининг қўлига тутқазди ва елкасидан тоғ қулагандай ўзини енгил ҳис қилиб, хурсандлик билан йўлида давом этди.

Хизматкор сўровчининг қўлидан тутганча амирнинг ҳузурига олиб келди ва бўлган воқеани айтиб берди. Амир ундан тожни олиб, эвазига у рози бўладиган миқдорда кўп мол-дунё берди. Сўнгра лашкарга юзланиб: – Сизларга Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ичида нафақат бу тождан, балки бундан бир неча баробар ортиқ келадиган мол-давлатдан ҳам ўзини тиядиган, уни сариқ чақага ҳам олмайдиганлар бор, деб айтмаганмидим! – деди.

Муҳаммад ибн Восеъ ҳаж мавсуми яқинлашгунига қадар Язид ибн Муҳаллабнинг байроғи остида мушрикларга қарши жиҳод қилди. Ҳажга мавсуми яқинлашгач, Язиднинг олдига кириб, ҳаж ибодатини бажариш учун изн сўради. Язид:

– Ихтиёр ўзингизда, эй Абу Абдуллоҳ, истаган вақтингизда йўлга тушишингиз мумкин, ҳаж сафарингизда керак бўладиган йўл харажатларини беришга амр қилдик, – деди.

– Лашкарнинг ҳар бирига ҳам шунча маблағ ажратишга амр қиласизми? – деди Муҳаммад ибн Восеъ.

–  
Йўқ.  
– Мусулмон лашкари ичидан фақат менга хослаб бериладиган нарса керак эмас! – деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Муҳаммад ибн Восеънинг кетиши Язид ибн Муҳаллабга ҳам, унга ўрганиб қолган барча лашкарга ҳам оғир бўлди. Музаффар лашкар у зотнинг баракотларидан маҳрум бўлиб қолганидан афсусланиб, ҳаж ибодатини адо этгач яна уларнинг сафларига қайтишини умид қилиб қолдилар. Бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки ер юзида ёйилган мусулмон лашкарнинг ҳар бир қўмондони, “Басранинг обиди” Муҳаммад ибн Восеъ Аздий ўз сафларида бўлишига қаттиқ ҳарис эдилар. Улар шайхнинг улар билан бирга бўлишини катта яхшилик, деб билишар, у зотнинг тақвоси ва дуоси тўғриси Аллоҳ таоло уларга нусрат беришига орзуманд бўлардилар.

Ўзининг наздида ҳақир, аммо Аллоҳ ва одамлар наздида буюк бўлган бундай инсонлар нақадар улуғ! Мана шундай нодир инсонлардан насибадор бўлган тарих нақадар буюк!

## Басра обиди ва фуқаҳолар зийнати

«Муҳаммад ибн Восеъ Аздийнинг бир бармоғи мен учун яланғочланган қилич кўтарган мингта паҳлавон йигитдан яхшироқдир» (Қутайба ибн Муслим).

Ҳижрий саксон еттинчи йил. Муслмонлар фаҳри, фотиҳ қўмондон Қутайба ибн Муслим Боҳилий кўп сонли қўшини билан Марв шаҳридан Бухоро минтақаси томон йўлга отланган пайт. У Мовароуннаҳр ерларидан қолганларини ҳам фатҳ қилишни, сўнг Хитой тарафларга ўтиб, у ерларда ҳам ғазот қилиш ва аҳолисидан Исломга бўйсунмаганларига жизя солишни мақсад қилган эди.

Қутайба ибн Муслим Сайхун дарёсидан кечиб ўтар-ўтмас, Бухоро аҳли бундан хабар топдилар ва жойларда уруш ноғораларига уриб, жангга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Улар атрофларидаги Суғд, Турк, Чин ва улардан бошқа қавмларни ҳам ёрдамга чақирдилар. Ранги, ирқи, тили ва дини турли бўлган тўп-тўп жангчилар уларнинг сафига келиб қўшилди ва муслмонлардан сонда ҳам, тайёргарликда ҳам бир неча баробар устун бўлган душман муслмон лашкарига қарши чиқди. Жангга моҳир душман тезлик билан муслмон лашкарлар юрадиган тоғ оралиқ йўлларни, дара ва сойларни беркитиб ташлади. Қутайба ибн Муслим душман ҳолини ўрганиш, унинг хабарини билиб келиш учун юборадиган жосусларини ҳам душман тарафга киргиза олмади, шунингдек, аввалроқ душман ичига киргизиб юборилган одамларидан биронтаси ҳам у ердан чиқиб келишнинг уддасидан чиқа олмади.

Қутайба ибн Муслим ўз лашкарлари билан Бойкент шаҳрига яқин ерни ҳарбий лагер қилиб олди ва шу жойидан олдинга ҳам орқага ҳам силжиёлмай қолди.

Душман ҳар тонг отиши билан ўзининг жанговар гуруҳини чиқарар ва улар кун бўйи Қутайба лашкари билан жанг қилиб, кеч кириши билан яна мустаҳкам қўрғонларига қайтиб кетарди. Мана шу ҳол тўлиқ икки ой давом этди. Қутайба ҳайрон эди, бостириб боришни ҳам, ортга қайтиб кетишни ҳам билмай қолди.



Қутайба ва унинг лашкари мана шундай ҳолатда қолгани ҳақидаги хабар ҳар ердаги мусулмонларга етиб борди. Одамлар енгилмас буюк қўмондон ва унинг мағлубият нималигини билмайдиган катта қўшини борасида ташвишлана бошладилар. Шаҳар волийларига Мовароуннаҳр диёрида аянчли ҳолда қолган лашкар ҳақида ҳар намоздан сўнг дуо қилиш кўрсатмаси берилди. Мусулмонларнинг дуолари, ёлвориш ва илтижолари билан масжидлар ларзага келди. Имомлар ҳар намозни Аллоҳдан нусрат ато этишини сўраб тугатар эдилар. Кўпгина мусулмонлар эса кучли қўшинга ёрдамга отландилар. Ёрдамга отланганларнинг олдинги сафида улуг тобеин Муҳаммад ибн Восеъ Аздий ҳам бор эди.

Қутайба ибн Муслимнинг ўткир тажриба ва донолик билан машҳур бўлган «Тайзар» исмли ажам айфоқчиси бор эди. Душманлар уни ўзларига мойил қилиб олишга муваффақ бўлдилар, унга кўп мол-дунё бериб, ўзининг бор қобилияти ва заковатини мусулмонлар куч-қувватини заифлаштириш ва жанг қилмай бу ерларни ташлаб кетишларига сарфлашини талаб қилдилар.

Тайзар Қутайба ибн Муслимнинг ҳузурига кирди. Унинг мажлиси кибор қўмондонлар ва лашкардаги обрўли кишилар билан тўла эди. Тайзар Қутайбанинг ёнига келиб ўтирди ва оҳиста қулоғига пичирлаб:

– Эй амир, одамларни чиқариб турсангиз, холи қолсак – деди. Қутайба мажлисдагиларга ишора қилган эди, ҳаммалари чиқиб кетдилар. Зирор ибн Ҳусайн Қутайбанинг талаби билан мажлисда қолди. Учовларидан бошқа ҳеч ким қолмагач, Тайзар Қутайба қараб:

– Эй амир, мен сизга муҳим хабар олиб келдим – деди. Қутайба бетоқатлик билан:

– Айтақол, нима хабар? – деди.

– Мўминлар амири Дамашқда Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийни ва унга тобе бўлган барча қўмондонларни ишдан четлатибди. Шу жумладан, сизни ҳам. Лашкарларга янги қўмондонлар тайинлаб ҳаммаларини ўз жойларига юборибди. Сизнинг ўрнингизга тайинланган киши ҳам бугун-эрта келиб қолса керак. Шунинг учун лашкарни олиб бу диёрлардан кетганингиз ва

Марвга қайтиб жанг майдонларидан узоқроқда шахсий тадбирингизни қилганингиз маъқулдир, деб ўйлайман.

Тайзар сўзини тугатиши билан Қутайба ибн Муслим хизматкори Сиёҳни чақирди. Сиёҳ кириши билан унга деди: «Эй Сиёҳ, бу хоиннинг калласини ол». Сиёҳ унинг калласини танасидан жудо қилди-ю тезда хонадан чиқиб кетди. Қутайба Зирор ибн Ҳусайнга юзланиб:

– Бу хабарни Ер юзида сен билан мендан бошқа ҳеч ким эшитмади. Мен Аллоҳга қасам ичиб айтаман, агар олиб бораётган мана шу жангимиз тугашидан олдин бу гап тарқаб кетгудек бўлса, сени ҳам мана шу хоинга қўшиб қўяман. Агар жонингдан умидинг бўлса, тилингни тийиб юр! Шунга ҳам билиб қўй, бу хабарнинг тарқалиши лашкарнинг қувватини кетказиб, енгилишимизга сабаб бўлади» – деди. Сўнгра одамларни ҳузурга киришларига изн берди. Улар киришиб Тайзарнинг боши танидан жудо бўлиб, қонига беланиб ётганини кўришгач ҳайрат ва қўрқувдан ёқаларини ушладилар ва нима дейишларини билмай, жим бўлиб қолдилар. Шунда Қутайба ибн Муслим уларга:

– Ғаддор хиёнатчининг ўлимидан нега қўрқасизлар?!» – деди. Улар: «Биз уни мусулмонларга холис, деб ўйлар эдик» – дейишди. Қутайба:

– Мусулмонларни алдаган эди, Аллоҳ унинг гуноҳига яраша жазолади. Сўнг баланд овозда: «Энди душманга қарши жангга чиқинглар ва шу кунга қадар жанг қилаётган юракдан бошқа юрак билан душманга қарши жанг қилинглари!» – деди.

Лашкар қўмондонининг амрини бажариш мақсадида ҳаракатга тушди. Душман билан тўқнашиш учун тўсиқлардан ошиб ўтди. Икки томон лашкари саф бўлишгач, мусулмонлар душманнинг сон жиҳатдан кўплигини ва қурол-аслаҳалари ҳам мукамал ва тўлиқ эканини кўриб, қалбларига бир оз қўрқув ва ҳайбат оралагандек бўлди. Лашкарнинг бу ҳолини пайқаган Қутайба ибн Муслим шахсан ўзи гуруҳлар орасида юриб, уларнинг душманга қарши ҳамиятни қўзғатиб, куч-ғайрат ва иродасини мустаҳкамлай бошлади.

Жангдан олдин Қутайба ёнидагиларга қараб:

– Муҳаммад ибн Восеъ Аздий қаердалар? – деб сўради.

– Шайх ўнг қанотдалар, эй амир.

– Нима қияптилар?

– Найзаларига суюниб, кўзларини бир нуқтага тиккан ҳолда кўрсатгич бармоқларини осмонга қаратиб турибдилар. Ҳузурингизга чақирайликми?

– Йўқ, ўз ҳолларига қўйинглар, дуо қилаверсинлар. Аллоҳга қасамки, унинг бир бармоғи, мен учун яланғочланган қилич кўтарган мингта паҳлавон йигитдан яхшироқдир. Биз у кишини дуолари мустажоб зотлардан деб биламиз!

Ваҳший шерлар бир-бирига ташлангани каби муслмон лашкар билан куфр лашкари бир-бирларига ташландилар. Довулли кундаги жўшқин денгиз тўлқинларининг бир-бирига тўқнашгани каби икки лашкар тўқнашдилар.

Аллоҳ таоло муслмонларнинг қалбларига ором туширди ва уларга Ўзи томонидан бўлган руҳ билан мадад берди. Муслмонлар кун бўйи душманни қиличдан ўтказдилар. Кеч киргач эса, Аллоҳ таоло мушрикларнинг оёқларига титроқ, қалбларига эса қўрқув солди ва орқаларига қарамай қоча бошладилар. Мужоҳидлар уларнинг ортларидан қатл қилган, асирга олган ва қувғин қилган ҳолда тантанали юриш қилдилар. Ва ниҳоят душман Қутайба ибн Муслимдан сулҳ ва фидя олишни сўрадилар. Қутайба рози бўлди.

Асирга олинган душман ичида кўп ёмонликлар қилган, қавмини муслмонларга қарши тинмай гиж-гижлаган ўта ярамас бир киши бор эди. У Қутайба ибн Муслимга:

– Эй амир, мени қўйиб юборсангиз, эвазига катта миқдорда фидя бераман – деди. Қутайба ибн Муслим:

– Қанча бермоқчисан?

– Чинда тайёрланган, қиймати бир миллионга тенг беш минг ипак кийимлик бераман.

Қутайба лашкарнинг обрў-эътиборли кишиларига қараб:

– Нима дейсизлар? – деди. Улар:

– Бунча мол муслмонлар ғаниматини бойитади, ундан ташқари биз бундай ғалабага эришганимиздан сўнг бу ва бунга ўхшаш кишиларнинг ёмонлигидан қўрқиб ўтирмаймиз, деб ҳисоблаймиз – дедилар. Қутайба ибн Муслим Муҳаммад ибн Восеъ Аздийга қараб:

– Сиз нима дейсиз, эй Абу Абдуллоҳ? – деди. Муҳаммад ибн Восеъ:

– Эй Амир, муслмонлар диёрларидан ғаниматни кўпайтириш ва мол жамғариш учун чиқмаганлар. Улар Аллоҳнинг розилигини истаб, ер юзида Унинг динини ёйиш ва душманни мағлуб этиш учун чиққанлар, – деди. Қутайба ибн Муслим:

– Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан сийласин. Аллоҳга қасамки, ўзини қутқариш учун бутун дунё молини фидя қилса ҳам, бу кимсанинг бундан кейин бирон муслима аёл қалбига қўрқув солишига йўл қўймайман, – деди ва уни қатл қилишга амр этди.

Муҳаммад ибн Восеъ Аздийнинг умавий амирлар билан алоқаси Язид ибн Муҳаллаб ва Қутайба ибн Муслимга чекланиб қолмаган, балки улардан бошқа амир ва волийларга ҳам боғланган эди. Ана шу боғланишнинг энг кўзга ташлангани Басра волийси Билол ибн Абу Бурда билан бўлган эди. Муҳаммад ибн Восеъ билан бу волий ўртасида кўп воқеа-ҳодисалар юз берган бўлиб, улар одамлар орасида тилдан-тилга кўчиб юрган, тарих саҳифаларида битилгандир. Қўйида шулардан бирини келтирамиз:

Кунларнинг бирида Муҳаммад ибн Восеъ волий ҳузурига кирди, эгнига жунли дағал бир чопон кийиб олган эди. Волий унга:

– Эй Абу Абдуллоҳ, нима учун эгнингизга бундай дағал кийим кийиб олдингиз? – деб сўради. Шайх ўзини эшитмаганга олиб жавоб бермади. Волий шайхга қараб:

– Эй Абу Абдуллоҳ, нега жавоб бермаяпсиз? – деб, қайта сўради. Шунда Муҳаммад ибн Восеъ:

– Зоҳидликдан шундай кийим кийиб олдим, дейишни хоҳламаяпманки, бу билан даражамни кўтаргандай бўлиб қоламан. Йўқчиликдан кийдим, дейишни ҳам истамайманки, бу билан Раббимдан шикоят қилиб қўяман. Мен унисини ҳам, бунисини ҳам хоҳламайман, – деди. Волий:

– Бирон эҳтиёжингиз бўлса, айтинг, бажарамиз, эй Абу Абдуллоҳ? – деди.

– Инсонлардан сўрайдиган менинг бирон ҳожатим йўқ. Фақат мен бир мусулмон биродаримнинг ҳожати учун сизнинг олдингизга келдим. Аллоҳ шу ҳожатни ўталишига изн берган бўлса, сиз шунга сабабчи бўласиз ва мақтовга эга бўласиз, аммо Аллоҳнинг изни бўлмаса, уни сиз ҳам ўтай олмайсиз ва узрли бўласиз.

– Иншааллоҳ, Аллоҳнинг изни билан ўтаймиз, – деди ва шайхга қараб:

– Қазо ва қадар ҳақида нима дейсиз?

– Эй амир, Аллоҳ таоло қиёмат куни бандаларидан қазо ва қадар ҳақида сўрамайди, балки улардан амаллари ҳақида сўрайди.

Волий хижолат бўлганидан жим бўлиб қолди. Муҳаммад ибн Восеъ волий ҳузурида ўтирар экан, тушлик вақти бўлиб таом ҳозирланди. Волий шайхни дастурхонга таклиф қилди, шайх эса буни рад этди. Волий қаттиқ туриб олди. Ҳадеб узр айтган шайхдан ачкиқланган волий:

– Таомимиздан тановул қилишни кареҳ кўряпсизми дейман? – деди. Муҳаммад ибн Восеъ:

– Бундай деманг, амир... Аллоҳга қасамки, сиз амирларнинг яхшиларингиз биз учун ўз болаларимиздан ва яқинларимиздан ҳам суюклироқдирсизлар, – деди.

Муҳаммад ибн Восеъ Аздий бир неча мартаба қозилик мансабига таклиф қилинди. Лекин ҳар сафар буни қаттиқ туриб рад қиларди. Қозиликни қабул қилмагани боис озорларга ҳам дуч келарди. Бир куни Басранинг миршаблар бошлиғи Муҳаммад ибн Мунзир шайхни чақиртириб:

– Ироқ амири сизни қозиликка тайинлашимни талаб қилди, – деди. Муҳаммад ибн Восеъ:

– Мени бундай ишлардан озод қилинглар, Аллоҳ сизларни саломат қилсин, – деди. Миршаблар бошлиғи қайта-қайта талаб қилаверди, шайх эса бош тортиб тураверди. Шунда бошлиқ:

– Аллоҳга қасамки, қозиликни қабул қиласиз, ё бўлмаса уч юз дарра рудриб сазойи қилдираман, – деди. Муҳаммад ибн Восеъ:

– Эркинг қўлингда, хоҳлаганингни қилавер. Дунёда азобланган охиратда азоблангандан кўра яхшироқдир, – деди. Миршаблар бошлиғи қилмишидан хижолат чекиб, у кишини қўйиб юборди.

Басра масжидидаги Муҳаммад ибн Восеънинг илм ҳалқаси толиби илмлар учун бир бошпана, ҳикмат ва насиҳат талабгорлари учун эса мусаффо булоқ каби эди. Тарих ва сийрат китобларида бу ҳалқаларга оид хабарлар йиғиб, жамлаб қўйилган. Ана шундай хабарлардан бирида келишича, бир киши Муҳаммад ибн Восеъга:

– Менга насиҳат қилсангиз, эй Абу Абдуллоҳ, – дейди. Муҳаммад ибн Восеъ:

– Дунё ва охиратда шоҳ бўлишингни насиҳат қиламан, – дейди. Шунда насиҳатталаб ҳайрон бўлиб:

– Бунга қандай эришаман? – деди.

– Ўткинчи дунё матоларидан ўзингни тийсанг, одамлар қўлидаги нарсалардан беҳожатлигинг билан дунёда шоҳ бўласан, Аллоҳнинг ҳузурида гўзал ажру-савобларга эришишинг билан эса охиратда шоҳ бўласан.

Бир киши:

– Мен сизни Аллоҳ учун яхши кўраман, эй Абу Абдуллоҳ, – деганида Муҳаммад ибн Восеъ: «Мени Унинг учун яхши кўрганинг Аллоҳ ҳам сени яхши кўрсин», деди-да, ўгирилиб: «Парвардигоро, мени Сен ёмон кўриб, одамлар мени Сен учун яхши кўришларидан Ўзингдан паноҳ тилайман», деб дуо қилди.

Одамларнинг ўзи ҳақида айтган мақтовларини эшитиб қолса ёки улар унинг тақво ва ибодатини гапирсалар, уларга қараб: «Агар гуноҳларнинг ҳиди бўлганида мендан келаётган ҳиднинг бадбўйлигидан биронталарингиз менга яқин кела олмас эдингиз, – дер эди.

Муҳаммад ибн Восеъ шогирдларини Аллоҳ азза ва жалланинг Китобини маҳкам ушлашга ва унинг соясида ҳаёт кечирешга тарғиб қилишдан ҳеч тўхтамас эди. Жумладан, шундай дер эди: «Қуръон мўминнинг бўстониدير. Унинг қаерига тушса ҳам, бир боғга тушган бўлади». Шунингдек, одамларни кам таом ейишга тарғиб қилиб: «Ким камтаом бўлса, идрокли бўлади, бошқага ҳам тушунтира олади, очиқ ва феъли юмшоқ бўлади. Кўп таом ейиш эса, кишининг ўзи истаган кўп нарсалардан тўсиб қўяди», дер эди.

Муҳаммад ибн Восеъ тақво ва парҳезкорликда юқори даражаларга эришди. Бу ҳақда кўп хабарлар ривоят қилинган. Шулардан бирида айтилишича, бир куни Муҳаммад ибн Восеъ эшагини сотгани бозорга олиб чиқади. Бир киши: «Шу эшакни менга раво кўрасизми?» дейди. Муҳаммад ибн Восеъ: «Агар уни ўзимга раво кўрганимда сотмаган бўлар эдим», деб жавоб беради.

Муҳаммад ибн Восеъ ҳаётини гуноҳлардан ташвишланиб, Раббига йўлиқишдан хатарнок бўлиб ўтказди. «Қандай тонг оттирдингиз, эй Абу Абдуллоҳ?» деб сўралса:

– Ажалим яқин, орзуйим катта, амалим эса ножўя, дер ва ҳол сўраган кишида ажабланиш аломатларини кўрса:

– Кун сайин охиратга яқинлашиб бораётган кишининг ҳоли қандай бўлиши мумкин?!»- дер эди.

Муҳаммад ибн Восеъ касал бўлиб, ўлим тўшагида ётиб қолганида зиёратчилар сони кўпайиб, келиб-кетувчилар, турган ва ўтирганлардан уйи одамга тўлди. Буни кўрган шайх ёнларида турган яқинларидан бирига: «Менга айтчи, эрта қиёмат кунда пешона ва оёқларимиздан тутилсак, булар мени сақлаб қола оладиларми? Агар дўзахга улоқтирилсам, булар менга нима фойда бера оладилар?!» – деди ва Раббига юзланиб муножот қила кетди: «Эй Раббим, мен Сендан бирон ёмон жойда турган бўлсам ёки бирон ёмон жойда ўтирган бўлсам ёки бирон ёмон жойга кирган бўлсам ёки бирон ёмон жойдан чиққан бўлсам ёки бирон ёмон амални қилган бўлсам ёки бирон ёмон сўзни айтган бўлсам, шуларнинг барчасини кечиришингни сўрайман, мени кечир. Сенга шуларнинг баридан тавба қиламан, тавбамни қабул эт. Ҳисоб-китобга йўлиқишимдан олдин Сенга таслим бўламан» – деб, жон таслим қилди.



## Муҳаммад ибн Ҳанафия

### Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб

“Муҳаммад ибн Ҳанафиячалик Али разияллоҳу анҳудан кўп илм олган ва кўп фойдаланган бирон кишини билмайман” (Ибн Жунайд).

Кунларнинг бирида Муҳаммад ибн Ҳанафия билан унинг акаси Ҳасан ибн Али аразлашиб қолишади. Шунда Муҳаммад ибн Ҳанафия Ҳасанга мактуб йўллаб унда қуйидагиларни ёзади: “Аллоҳ таоло сизни мендан фазилатлик қилган. Онангиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима разияллоҳу анҳодир. Менинг онам эса Ҳанифа уруғидан бўлган бир аёлдир. Она тарафдан бўлган бобонгиз, яралмишларнинг энг афзали Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Менинг она тарафдан бобом эса Жаъфар ибн Қайсдир. Сизга ушбу мактубим етиб бориб, уни ўқиганингиздан сўнг, менинг олдимга келиб орамиздаги аразни бартараф этишга шошилинг, шунда сиз мендан ҳар тарафлама афзал бўласиз”. Имом Ҳасан мактубни ўқигач, Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг уйига келиб орани очиқ қилдилар ва шу билан ораларидаги келишмовчилик барҳам топди. Бундай одоб, заковат ва гўзал ахлоқ соҳиби бўлган Муҳаммад ибн Ҳанафия ким? Келинг, унинг ҳаёт қиссасини аввалидан кўриб чиқамиз.

Унинг қиссаси Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларининг охирларидан бошланади. Кунларнинг бирида Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўтирганларида: “Эй Расулulloҳ, сиз ўтганингиздан сўнг Аллоҳ таоло менга ўғил фарзанд ато этса, унинг исмини сизнинг исмингиз ва кунясини сизнинг кунянгиз билан номласам нима дейсиз?” деб сўради. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, майли”, деб жавоб бердилар.

Кунлар ўтди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам рафиқи аълога йўлиқдилар. Бир неча ойлардан сўнг қизлари ва райҳоналари имом Ҳасан ва Ҳусайнларнинг онаси Фотимаи Заҳро ҳам вафот этди. Шундан сўнг Али разияллоҳу анҳу Ҳанифа қабиласига куёв бўлиб Жаъфар ибн Қайсининг қизи Ҳавла Ҳанафияга уйландилар. Ундан ўғил фарзанд кўрдилар ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан олган рухсатларига кўра, унинг исмини Муҳаммад, кунясини эса Абулқосим деб номлади. Аммо одамлар Муҳаммад Абулқосимни Фотима разияллоҳу анҳонинг ўғиллари Ҳасан ва

Ҳусайндан фарқлаш учун Муҳаммад ибн Ҳанафия деб чақиришга одатландилар. У зот тарихда ҳам мана шу ном билан машҳур бўлди.

Муҳаммад ибн Ҳанафия Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу халифалик даврининг охирларида дунёга келди. Отаси Али ибн Абу Толибнинг қўл остида ўсиб-улғайди ва у зотнинг илмий ва ҳаётий мадрасасида таҳсил олди. Отасининг ибодати ва зоҳидлиги унга ҳам ўтди, қуввати ва шижоати унга мерос қолди, фасоҳат ва балоғатини тўлиқ ўзлаштирди. Бунинг натижаси ўлароқ, Муҳаммад ибн Ҳанафия жанг майдонида паҳлавон, катта мажлисларда минбар соҳиби ва коинотни зулмат қоплаб, кўзлар уйқуга фарқ бўлган тунларда ибодатгўй инсон бўлиб етишди.

Жангларда отаси Али разияллоҳу анҳу Муҳаммад ибн Ҳанафияни ловуллаб турган жанг майдонига киритиб юборар эди. Икки акаси Ҳасан ва Ҳусайнга юкламаган жанг оғирликларини унга юклар эди. Унинг найзаси ҳеч эгилмас, шашти ҳеч пасаймас эди. Муҳаммад ибн Ҳанафиядан “Нима учун отангиз акаларингиз Ҳасан ва Ҳусайнни қўйиб, сизни таҳликали ўринларга киргизади, тоқатингиз етиши қийин нарсаларни ҳам сизга юклайди?” деб сўралганда шундай жавоб беради: “Менинг акаларим гўёки отамнинг икки кўзларидир, мен эса отамнинг икки қўллариман. Отам кўзларини қўллари билан сақлайдилар-да”.

Али ибн Абу Толиб ва Муовия разияллоҳу анҳумо ўртасида бўлиб ўтган “Сиффин” воқеасида Муҳаммад ибн Ҳанафия отасининг байроқдори бўлган. Жанг тегирмони айланиб, икки тарафдан ҳам одамларни янчаётган бир дамда, Муҳаммад ибн Ҳанафия бир воқеани бошидан кечиради. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Сиффин жангида биз Муовия тарафдорлари билан тўқнаш келиб шундай қақшатқич жанг қилдикки, ҳатто мен биздан ҳам, улардан ҳам бирон кимса қолмадиёв, деб ўйлаб қолдим. Мен бу ҳолни даҳшатли воқеа, катта мусибат, деб ҳисобладим. Шуларни ўйлаб турганимда турганимда орқамда бир кишининг: “Ҳой мусулмонлар, Аллоҳдан қўрқинглар, эй мусулмонлар жамоаси! Ким аёллар ва болаларни ҳимоя қилади, ким дин ва ор-номусни сақлайди, ким Рум ва Дайлам (Каспий шимолидаги катта қабила)га қарши туради? Ҳой мусулмонлар, Аллоҳдан қўрқинглар, мусулмонларга раҳм қилинглари!” деб, қичқираётганини эшитиб қолдим. Ана шунда “Бугундан кейин қиличим бирон бир мусулмонга қарши кўтарилмайди” деб, ўзимга аҳд қилдим”.

Али разияллоҳу анҳу бир осий, золимнинг қўли билан шаҳид қилинди. Халифалик Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумонинг қўлига ўтди. Муҳаммад ибн Ҳанафия мусулмонлар орасини ислоҳ қилиш, сўзларини бир қилиш, сафларни жамлаш, Ислом ва мусулмонлар иззати учун енгил ва оғир дамларда ҳам халифага қулоқ солишга ва итоат қилишга байъат беради. Муовия разияллоҳу анҳу бу байъатнинг сидқидилдан, холис қилинганлигини ҳис қилиб, байъат соҳибига ишониб, кўнгли тўқ бўлганидан Муҳаммад ибн Ҳанафияни зиёратига чақиради. Муҳаммад ибн Ҳанафия Муовия разияллоҳу анҳу билан кўришиш учун Дамашққа бир неча бор ва бир қанча сабабларга кўра келган. Жумладан, кунларнинг бирида Рум подшоҳи мўминлар амири Муовия разияллоҳу анҳуга мактуб йўллайди. Мактубда қуйидагилар битилган эди: “Бизда подшоҳлар ўз диёрларидаги ажойиб ва ғаройиб нарсалардан бир-бирларига юборишиб, бир-бирларини шодлантириб, қайси бирларининг қўл остидагилари қилган иш ажойиб ва ғаройиброқ эканида ўзаро мусобақалашиб турадилар. Рухсат берсангиз иккимиз ҳам ўз орамизда шунини йўлга қўйсак?!” Муовия разияллоҳу анҳу таклифга ижобий жавоб қайтариб, рухсат берди. Рум подшоҳи ўзидаги ажойиб ва ғаройиб кишилардан иккитасини юборди. Уларнинг бири ҳаддан ташқари узун бўйли, ўта барваста ва баҳайбат бўлиб, гўёки одам эмас, бамисоли ўрмондаги улкан дарахт ёки бир бино каби эди. Иккинчиси эса ниҳоятда бақувват, кучли, темир каби қаттиқ бўлиб, худди ваҳший йиртқич ҳайвонга ўхшар эди. Рум подшоҳи мана шу икки кишига қўшиб икки энлик хат ҳам юборган экан: “Мамлакатингизда узунлик ва қувватда мана шу иккисига тенг келадигани борми?”.

Муовия разияллоҳу анҳу Амр ибн Ос разияллоҳу анҳуга: “Бўй-бастда новчасига тенг келадиган, ҳатто ундан ўзадиган кишини биламан. У Қайс ибн Саъд ибн Убодадир. Аммо кучлисига келсак, бу борада сизнинг маслаҳатингизга муҳтожман”.

Амр ибн Ос разияллоҳу анҳу: “Мен бунга тенг келадиган икки кишини биламан, бироқ иккиси ҳам сиздан узоқдир. Уларнинг бири Муҳаммад ибн Ҳанафия, иккинчиси эса Абдуллоҳ ибн Зубайрдир”.

Муовия разияллоҳу анҳу: “Муҳаммад ибн Ҳанафия биздан узоқ эмас”, деди.

Амр ибн Ос разияллоҳу анҳу: “Лекин нима деб ўйлайсиз, Муҳаммад ибн Ҳанафия шундай юксак қадр-қиммат, олий мартаба билан одамлар кўз ўнгида “Рум”лик бир киши билан куч синашишга рози бўлармикин?”

Муовия разияллоҳу анҳу деди: “Исломнинг иззати учун нафақат бунга, бундан-да кўпроғига ҳам рози бўлади, деб ўйлайман”.

Сўнг Муовия разияллоҳу анҳу Қайс ибн Саъд ибн Убода билан Муҳаммад ибн Ҳанафияни чақиртирди. Ҳамма йиғилиб беллашувчилар ҳам ҳозир бўлгач, Қайс ибн Саъд ўрнидан туриб шалворини ечдил ва “Рум”лик новчага узатиб кийишга амр қилди. Румлик новча шалворни кийган эди, белбоғи кўкрагигача етиб бориб, роса кулгига қолди. Одамлар бу ҳолни кўриб мириқиб кулдилар.

Муҳаммад ибн Ҳанафия эса таржимонга қараб: “Бу Румликга айт, агар хоҳласа у ўтирган ҳолда, мен эса турган ҳолда қўл бериб тортишамиз, ё у мени ўзига тортиб ўтирғизиб қўяди, ё мен уни турғизиб қўяман. Хоҳласа бунинг аксини танласин, мен ўтирган, у эса турган ҳолда”, деди. Румлик полвон ўтирган ҳолатни танлади. Беллашув бошланди. Румлик полвон Муҳаммад ибн Ҳанафияни тортиб ўтирғизиб қўя олмади, аксинча, Муҳаммад ибн Ҳанафия уни бир тортиб тургазиб қўйди. Румлик полвоннинг ҳамияти қўзиб, кўксига уриб, энди у турган ҳолатда, Муҳаммад ибн Ҳанафия эса ўтирган ҳолатда беллашишни талаб қилди. Муҳаммад ибн Ҳанафия ўтирган ҳолатда румлик полвоннинг қўлидан ушлаб шундай қаттиқ тортган эди, қўлини чиқариб юборишига оз қолди ва уни ерга ўтказиб қўйди. Шундай қилиб, румлик икки “ажойиб ва ғаройиб” ўз подшоҳларининг ҳузурига шарманда бўлиб мағлуб ҳолда қайтдилар”.

Сўнг яна кунлар ўтди... Халифалардан Муовия розияллоҳу анҳу, Язид ва Марвон ибн Ҳакамлар фоний дунёни тарк этиб, боқий дунёга сафар қилдилар. Умавийлардан халифа этиб Абдулмалик ибн Марвон тайинланди. У ўзини мусулмонлар халифаси деб эълон қилди. Унга Шом аҳли байъат бердилар. Аммо Ҳижоз ва Ироқ аҳли эса Абдуллоҳ ибн Зубайрга байъат беришди. Ҳар икки даъвогар ҳам ўзига байъат қилмаганларни байъат қилишга чақирар ва халифаликга ўзини ҳақлироқ эканини одамларга уқтиришга уринар эди. Шундай қилиб мусулмонлар сафи яна иккига ажралиб қолди. Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳижоз аҳли байъат қилганидек Муҳаммад ибн Ҳанафийя ҳам унга байъат қилишини талаб қилди. Муҳаммад ибн Ҳанафийя байъат қилиш билан, кимга байъат қилган

бўлса шунинг кўпгина ҳақ-ҳуқуқларини ўзининг бўйнига юкланишини яхши билар эди. Шулардан: Байъат қилинган кишини ҳимоя қилиб, уни қўллаб-қувватлаб унга муҳолиф бўлганларга қарши қилич кўтариш... Ва ҳолбуки унга муҳолифлар ҳам, ўзларича ижтиҳод қилиб ундан бошқага байъат берган мусулмонлардир. Ақли комил, доно киши эса “Сиффийн” кунини асло ёдидан чиқармайди. Узоқ йиллар ўтишига қарамай Муҳаммад ибн Ҳанафийя “Сиффийн” кунигаги ўз қулоқлари билан эшитган ўша бўғилган, вазмин ва ҳазин нидони асло унута олмайди: “Ҳой мусулмонлар, Аллоҳдан кўрқинглар, эй мусулмонлар жамоаси... Ким аёллар ва болаларни ҳимоя қилади, ким дин ва ор-номусни сақлайди, ким Рум ва Дайлам (Каспий шимолидаги катта қабила)га қарши туради? Ҳой мусулмонлар, Аллоҳдан кўрқинглар, мусулмонларга раҳм қилинганлар”. Ҳа, бу сўзлар унинг ёдидан чиққан эмас. Шунда Муҳаммад ибн Ҳанафийя Абдуллоҳ ибн Зубайрга: “Ўзингиз яхши биласиз, мени бу хилофат ишида бирон илинжим ва истагим ҳам йўқдир. Мен мусулмонларнинг бириман холос. Агар ҳамма мусулмонларнинг сўзи бир жойдан чиқиб, уларнинг барчалари сизга ёки Абдулмаликга байъат берсалар, мен ҳам мусулмонлар иттифоқ бўлган кишига байъат бераман. Аммо ҳозир сизга ҳам унга ҳам байъат бермайман. Шундан сўнг Абдуллоҳ ибн Зубайр Муҳаммад ибн Ҳанафийяга баъзида борди-келди қилиб яхши муомала қилса, баъзида эса алоқа қилмай ва ё дағал муомала қиладиган бўлиб қолди. Бундан ташқари Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг атрофида бирлашиб, унинг фикрига қўшилган ва уни ўзларига етакчи қилиб олганлар сони ҳам кўпайиб кетди. Фитнадан ўзларини четга олган бундайлар сони етти мингга етди. Ўзларини фитна оловига ўтин қилиб қўйишдан бош тортдилар. Муҳаммад ибн Ҳанафийяга эргашувчилар кўпайгани сари, Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ҳам ғзаби зиёда бўлар ва байъат қилишни қаттиқ туриб талаб қилар эди. Байъат қилишларидан умидини узгач, Муҳаммад ибн Ҳанафийяни ва у билан бирга бўлган Бану Ҳошим ва бошқа қабилалардан бўлганларни Маккадаги икки тоғ орасидаги жойларидан чиқмай ўша ерда туришга амр қилди ва уларга пойлоқчилар ҳам қўйиб қўйди. Сўнг уларга: “Аллоҳга қасамки, байъат берасизлар ёки бўлмаса ҳаммангизни ўтда ёндираман” деб, пўписа қилди. Сўнг уларнинг ҳаммаларини уйларига қамаб қўйди. Ўтин тўплатиб, ўтин билан уйларининг атрофини ўраб чиқди. Ўтиннинг кўплигидан ҳатто девор бўйи бўлиб кетди. Агар бир ўт чақиб юборса ҳаммалари олов остида қолиб кетар эдилар. Шунда Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг атбоъларидан бир жамоъа унинг ҳузурига келиб: “Рухсат беринг биз Ибн Зубайр билан жанг қилиб, одамларни ундан халос этамиз” дедилар. Муҳаммад ибн Ҳанафийя: “Биз ўзи мана шу фитнага аралашмай четланган бўлсак, энди ўзимиз ўз қўлимиз билан фитна ўтини ёқамизми... Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва

салламнинг саҳобасини ва саҳобасининг ўғли билан жанг қиламизми? Йўқ, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ ва Унинг Росули ғазаб қиладиган ишни асло қилмаймиз” деб, жавоб берди.

Абдулмалик ибн Марвонга Муҳаммад ибн Ҳанафийя ва у билан бирга бўлганларнинг Абдуллоҳ ибн Зубайрдан кўраётган қаттиқликлар хабари етганида, уларни ўзига мойил қилиш учун бу фурсатни ғанимат билиб, чопар орқали бир мактуб юборади. Чиройлик ва илиқ сўзлар билан ёзилган мактубда хусусан қуйидагилар ҳам битилган эди: “Ибн Зубайрни сизга ва биродарларингизга тазйиқ қилаётгани, қаримдошларингиз ўртасини узгани ва қадрингизга етмаётгани ҳақидаги хабар менга етиб қолди. Мана Шом ерлари сиз ва биродарларингиз учун очиқдир. Келсангиз қучоғимизни очиб кутиб оламиз. Хоҳлаган ерингизга келиб жойлашинг ўзингизга муносиб яқинлар топасиз ва яхши қўшниларга эга бўласиз. Бизларни ҳам сизнинг қадр-қийматингизни билувчи, фазл-шарафингизни қадрловчи ва қаримдошларингиз ўртасини боғловчи эканимизни кўрасиз иншааллоҳ”.

Муҳаммад ибн Ҳанафийя ўз сафдошлари билан бирга Шом ерларига юзланиб йўлга чиқдилар. “Убла” (ҳозирда Эйлат) шаҳрига етганларида, шу ерда ўрнашиб ўзларига макон қилиб олдилар. Шаҳар аҳолиси уларни иззат-икром билан кутиб олдилар, яхши жойларга жойлаштириб, яхши қўни-қўшничилик қилдилар. Улар Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг ибодати ва чин зоҳидлигини кўргач уни яхши кўриб қолдилар. Уни шарафлаб, ҳурмат кўрсатдилар. Ўз ўрнида Муҳаммад ибн Ҳанафийя ҳам уларни яхшиликга бошлаб, ёмонликдан қайтарар, дин шиорларини уларда қоим қилар, уларнинг ўрталарини ислоҳ этар, бирон кимсани бировга зулм қилишига йўл қўймас эди. Энди бундай ҳолат Абдулмалик ибн Марвонга етганида бу ҳол унга оғир бўлиб, ҳавотирланиб қолди ва мулозимларига маслаҳат солди, улар: “Сизнинг мамлакатингизда қолишига изн беришингизни яхши деб билмаймиз. Унинг қандай инсон эканини ўзингиз яхши биласиз. Ё сизга байъат берсин ё бўлмаса юртига қайтиб кетгани маъқулдир”. Маслаҳатдан таъсирланиб Абдулмалик ибн Марвон Муҳаммад ибн Ҳанафийяга хат ёзиб юборади: “Сиз бизнинг диёрларимизга келиб, унинг бир четига жойлашиб олдингиз. Мен билан Абдуллоҳ ибн Зубайр ўртасидаги уруш эса ҳали ҳам давом этиб турибди. Сиз мусулмонлар орасида ўз номига эга ва обрў-эътиборли инсонсиз. Мен шуни маъқул деб билдимки, модомики бизнинг ерларимизда турар экансиз менга байъат қилинг. Менга байъат қилсангиз, “Қалзам” портидан келган юзта кемани, ичидаги барча нарсалари ва одамлари билан сизга ҳадя қиламан. Бунга қўшимча яна сизга миллион дирҳам ҳам бераман, аммо бу ўзингиз, фарзандларингиз, қариндошларингиз, қўл-остингиздагилар ва биродарларингиз зиммасига вазифа ва мажбуриятларни юкланиши билан бирга бўлади. Агар бош

тортсангиз, унда менинг қўл-остимда бўлмаган ерларга кўчиб кетинг”. Мухаммад ибн Ҳанафийя унга шундай жавоб хати ёзиб юборадилар: “Мухаммад ибн Алидан Абдулмалик ибн Марвонга. Ассалому алайкум. Мен сиз учун Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ бўлган Аллоҳга ҳамд-у сано айтаман. Аммо баъд... Сиз мендан хавсираяпсиз чоғи. Менинг бу хилофат ишидаги тутган ўрнимни яхши биласиз деб ўйлайман. Аллоҳга қасамки, бир дона қишлоқдан бошқа барча уммат менга байъат қилишга жамланса ҳам қабул қилмайман ва ўша бош тортган қишлоқ аҳлига уруш очмайман. Маккада эканимда Абдуллоҳ ибн Зубайр унга байъат қилишимни истади. Мен бош тортганимдан сўнг, яхши муомалада бўлмади. Шу вақтда сиз ўзингиз менга мактуб йўллаб, Шом диёрига кўчиб келиб шу ерларда яшашимга даъват этдингиз. Салтанатингиз марказидан узоқлиги ва ҳамда нарх-навосининг арзонлиги боис, сизга қарашлик ерларнинг энг чеккасидаги бир шаҳарга келиб жойлашдик. Энди сиз менга мана шу хатни ёзиб юборибсиз... Биз сизнинг ерингиздан кетамиз иншааллоҳ”.

Мухаммад ибн Ҳанафийя ўз аҳли ва одамлари билан Шом диёрларидан чиқиб кетади. Йўлда қаерга бориб тушсалар, тезда чиқиб кетишларини талаб қилинар эди. Мана шу ғам-ташвиш етмаганидай Аллоҳ таоло яна бир булардан-да қаттиқроқ, таҳаммули оғирроқ синов билан имтиҳон қилди. У ҳам бўлса, унга эргашганлардан иймони заиф ва ақлларини ғафлат босган бир қанча кишилар: “Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Имом Али ва унинг аҳлининг қалбига кўпгина илм асрорларини, дин қоидаларини ва шариат хазиналарини жойлаб кетганлар. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам аҳли байтни, улардан бошқаларга билдирмаган нарсалар билан хослаганлар...” деган гапларни айта бошладилар. Албатта Мухаммад ибн Ҳанафийядек оқил, доно, фаҳм-фаросатли олим бу сўз ичида яширилган ҳақдан тойиш ва бурилишни дарҳол идрок этдилар. Табиийки бу сўзнинг хатарли ва зарарли эканидан Ислом ва мусулмонлар ўртасида тарқаша мумкин эмас эди. Шунинг учун Мухаммад ибн Ҳанафийя одамларни тўпладилар ва Аллоҳга ҳамд-у сано, Пайғамбаримиз Мухаммад соллalloҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломлар йўллаганларидан сўнг шундай дедилар: “Айрим кишилар бизларда яъни аҳли байтда, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бошқа бирон бир одамларга билдирмаган, бизларгагина билдирган хос илм бор деб ўйлаб қолибдилар. Аллоҳга қасамки, биз Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан мана шу Қуръондан бошқа нарсага ворис бўлмаганмиз. Кимки бизда Аллоҳнинг Китобидан бошқа, биз ўқийдиган хос нарсалар бор деб ўйласа, ёлғон гапирган ва ёлғон тўқиган бўлади”.

Мухаммад ибн Ҳанафийяга баъзи биродарлари: “Ассалому алайка, эй Маҳдий”(Йўлловчи), деб хитоб қилсалар. “Ҳа, мен тўғри йўлга

йўлловчиман, иншааллоҳ сизлар тўғри йўлга йўлланасизлар. Аммо салом берсаларингиз исмимни айтиб: “Ассалому алайка, эй Муҳаммад” деб, салом беринглар” дер эди.

Муҳаммад ибн Ҳанафийя ва у билан бирга бўлганлар ўрнашиб олган жойдаги қийинчилик узоқ чўзилмади. Сабаби Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Абдуллоҳ ибн Зубайрни қатл қилгач, барча мусулмонлар Абдулмалик ибн Марвонга байъат бердилар. Муҳаммад ибн Ҳанафийя ҳам Абдулмалик ибн Марвонга хат йўллаб байъат берганини эълон қилди: “Мўминлар амири Абдулмалик ибн Марвонга Муҳаммад ибн Ҳанафийядан. Аммо баъд... Хилофат иши сиз тарафга ҳал бўлиб, одамлар сизга байъат берганликларини кўргач, мен ҳам шулардан бири ўлароқ, сизга Ҳижоздаги волийингиз орқали байъат бердим. Ва бу байъатимни ушбу мактуб орқали сизга юбордим... Вассаламу алайка”.

Абдулмалик ибн Марвон Муҳаммад ибн Ҳанафийядан келган мактубни мулозимларига ўқиб берганида, улар: “Агар у бизларга қарши чиқишни ирода қилиб ва рози бўлмай ишни бузаман деса қўлидан келар эди. Сиз унга қарши бирон чора топа олмас эдингиз. Шунинг учун унга, уни ва у билан бирга бўлганларни асло безовта қилинмаслик, ранжитилмаслик ва ҳамда омонлик ҳақида чин аҳду паймон битилган мактуб йўлланг” деб, маслаҳат бердилар. Абдулмалик ибн Марвон маслаҳатга кўра шундай мактуб юборди. Ва Ҳажжожга ҳам мактуб йўллаб, унда Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг ҳурматини жойига қўйиш, унга зиёда иззат-икром кўрсатишга амр қилди. Аммо Муҳаммад ибн Ҳанафийя шундан сўнг кўп ҳам яшамади. Аллоҳ таоло Ўз даргоҳига рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда келишини ихтиёр этди.

**Аллоҳ таоло Муҳаммад ибн Ҳанафийянинг қабрини мунаввар айласин. Жаннатда руҳларини шод қилсин. Дарҳақиқат Муҳаммад ибн Ҳанафийя ер юзиде зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истмайдиган кишилардан эди.**



## Товус ибн Кайсон

*Волий Муҳаммад ибн Юсуф Сақафий билан бўлган ҳикояси*

“Товус ибн Кайсонга ўхшаш инсонни асло кўрмадим” (Амр ибн Динор)

Навбатдаги ҳикоя қаҳрамони Товус номи билан машҳур тобеин Заквон ибн Кайсондир. Бу ном билан танилишининг сабаби товус бошқа қушлардан ажралиб тургани каби у ҳам одамлар ичида яққол ажралиб турар эди. У фуқаҳолар товуси, ўз асрининг пешқадам кишиларидан бўлган. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Сабаби, у элликта ҳидоят юлдузининг нуридан баҳраманд бўлган, нур уни бутунлай қамраб олган, унинг қалбини, тилини, йўлини ёритган эди.

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам мадрасаларининг эллик нафар буюк алломалари қўлида таълим олган Товус ибн Кайсон иймон мустаҳкамлиги, ростгўйлик, фоний дунёдан ўзни тийиш, Аллоҳнинг розилиги йўлида фидойилик, ҳар қанча қимматга тушмасин ҳақ сўзни баралла айтиш борасида гўёки у зотнинг саҳобаларидан бирига айланган эди.

Бу муборак мадраса Товус ибн Кайсонга «дин Аллоҳ учун, Унинг китоби, Пайғамбари, муслмонларнинг имомлари ва омма халқ учун насиҳат» эканини таълим берган эди. Ҳаётий тажриба уни ислоҳ ҳокимлардан бошланиб, шуларда ниҳоясига етишини, ҳоким ўнганса халқ ҳам ўнгланиши, ҳоким бузилса халқ ҳам расво бўлишини ўргатди.

Товус ибн Кайсон яманлик эди. Ўша пайтда Яманга Ҳажжож ибн Юсуфнинг акаси Муҳаммад ибн Юсуф Сақафий волийлик қиларди. Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Зубайр устидан ғолиб бўлгач, шон-шавкати юксалиб, ҳайбат-маҳобати ортгач, акасини Яманга волий этиб тайинлаган эди.

Муҳаммад ибн Юсуфда укаси Ҳажжожнинг кўп ёмон сифатлари мужассам бўлгани етмаганидек, ундаги яхши хислатлардан мутлақо мосуво эди.

Совуқ қиш кунларининг бирида Товус ибн Кайсон Ваҳб ибн Мунаббих ҳамроҳлигида волий Мухаммад ибн Юсуфнинг ҳузурига кирдилар. Ўзларига муносиб ўриндан жой олишгач, Товус ибн Кайсон волийни яхшиликларга чақириб, ёмонликлардан қайтариб панд-насиҳат қила бошлади. Мажлисда ҳозир бўлганлар ҳам унга қулоқ солиб ўтирардилар. Волий хизматкорларидан бирига қараб:

– “Кимхоб тўн келтириб, Абу Абдурахмоннинг елкасига ташланглар”, деб амр қилди. Хизматкор қимматбаҳо яшил тўн келтириб, Товуснинг елкасига ташлади. Товус ибн Кайсон жўшқин мавъизасини янада кучайтирди. Шу аснода елкасидаги тўнни тушириб юбориш учун елкасини аста-аста қимирлатиб турарди. Ва ниҳоят елкасидан тўн тушгач, ўрnidан туриб чиқиб кетди. Бундан Мухаммад ибн Юсуф ғазабга келди. Унинг ғазаблангани юз-кўзи қизариб кетганидан яққол билиниб турарди. Шундай бўлса-да, бирон нарса демади.

Товус билан ҳамроҳи мажлисдан ташқарига чиқишгач, Ваҳб ибн Мунаббих Товус ибн Кайсонга:

– “Волийни ғазаблантирмасак ҳам бўлар эди. Шу тўнни олсангиз, сотиб пулини фақир-мискинларга бериб юборсангиз ҳам бўлар эди-ку?!”. Товус ибн Кайсон:

– “Тўғри айтдингиз. Лекин мендан кейин уламолар Товус олгани каби биз ҳам олаверамиз, дейишларидан, бироқ сиз айтган ишни қилмасликларидан қўрқдим”, деб жавоб берди.

Мухаммад ибн Юсуф Товус ибн Кайсоннинг қилган бу ишига жавобан, уни тузоққа туширмоқчи бўлди. Ичига етти юз динор солинган ҳамённи ҳозирлаб, уни ўзи билган муғамбир кишиларидан бирига берди ва:

– Мана шу ҳамённи ол, бор маҳоратингни ишга солиб, қандай бўлмасин Товус ибн Кайсонга тутқазгин. Агар сен шу ҳамённи унинг қўлига тутқаза олсанг, сенга ҳам зиёда инъомлар бераман, елканга кимхоб тўнлар ташлайман ва менга яқин кишилардан бўласан – деди. Муғамбир одам ҳамённи олиб Товус ибн Кайсон яшайдиган Санъога яқин ерда жойлашган

Жанад номли қишлоққа етиб келди. Товуснинг ҳузурига киргач, салом-алиқдан сўнг, хушмуомалалик билан:

– Эй Абу Абдурахмон, амиримиз сизга мана бу ҳадяни бериб юбордилар, – деди. Товус ибн Кайсон:

– Менинг унга ҳеч ҳожатим йўқ, – деб рад этди. Муғамбир волий берган ҳамённи бир амаллаб тутқазиб кетиш учун ҳар хил йўлларни ишга солиб, уни қаноатлантира оладиган далилларни келтириб кўрди. Бироқ улуғ тобеин қабул қилмади. Чорасиз қолган муғамбир Товуснинг чалғиб турганидан фойдаланиб, ҳамённи хонадаги кичик токчалардан бирига билдирмай қўйиб қўйди. Сўнг волийнинг ҳузурига қайтиб: “Товус ҳамённи олди”, деб айтди. Бу гапдан Муҳаммад ибн Юсуф мамнун бўлди ва кўзлаган режаси яхши натижа бериши учун бир муддат индамади. Бир неча кун ўтгач, икки хизматчисини ҳалиги муғабирга қўшиб Товуснинг олдига юборди ва:

– Кечирасиз, бу киши ҳамённи сизга адашиб бериб қўйибди, аслида у бошқа кишига берилиши керак экан. Шунинг учун биз уни сиздан қайтариб олиб, ўз эгасига олиб бориб бериш учун келдик, – деб айтишга буюрди. Товус ибн Кайсон:

– Мен амирдан бирон нарса олмадимки, уни қайтариб берсам, – деди. Улар:

– Олгансиз,– дедилар. Товус ҳамённи олиб келган одамга қараб:

– Сендан бирон нарса олдимми? – деб сўраган эди, уни қаттиқ ваҳима босди ва:

– Йўқ, сиз олмадингиз, бир иш билан чалғиб турганингизда мен уни мана бу токчага қўйган эдим, – деди. Товус ибн Кайсон:

– Ана, токчага қаранглар, агар турган бўлса, бемалол олиб кетаверинглар, – деди. Токчага қараган эдилар, муғамбир ҳамённи қандай

қўйган бўлса, шундай ҳолда турган экан, ҳатто ўргимчак ин қўйишга улгурган экан. Ҳамённи олиб амирнинг ҳузурига қайтиб кетдилар.

Волий Муҳаммад ибн Юсуфнинг қилган бу қилмишига яраша Аллоҳ таоло унга кўрсатди, у одамлар кўз ўнгида мулзам бўлди. Бу қандай бўлганини Товус ибн Кайсондан эшитамиз: “Ҳаж қилиш ниятида Маккага бориб, ўша ерда эканимда Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий мени чорлаб одам юборди. Чақириғига ижобат қилиб унинг ҳузурига бордим. Илиқ кутиб олди, салом-алик қилиб, ўзига яқин жойга ўтқазди, ёстиқ узатиб, бемалол ёнбошлаб ўтиришимни айтиб, илтифот кўрсатди. Сўнг ҳажга тааллуқли ва бошқа масалалар ҳақида сўрай бошлади. Биз Ҳажжож билан савол-жавоб қилиб ўтирар эканмиз, Каъба атрофида баланд овозда талбия айтиб юрган бир одамнинг товуши эшитилиб қолди. У товушини бир паст, бир баландлатиб, юракни эзадиган тарзда нола қилар эди. Ҳажжож: “Мана шу талбия айтувчини олиб келинглар”, деди. Уни олиб келишгач:

– Сен кимлардан бўласан? – сўради ундан. У одам:

– Муслмонлардан бириман, деди.

– Сендан бу ҳақда сўраётганим йўқ, қайси юртдансан?

– Ямандан.

– Амрингизни қай ҳолатда қолдириб келдинг? (ўз акасини назарда тутмоқда)

– Амримизни савлатли, семиз, либосни кўп ўзгартирадиган, кўп улов минадиган ва ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа борадиган ҳолида қолдириб келдим.

– Сендан у ҳақда сўрамаяпман.

– Унда нима ҳақда сўраяпсиз?

– Сизларга қандай муомала қилиши ҳақида сўраяпман.

– Одамларга кўп зулм қилувчи, мустабид, бандага итоат қилиб, Холиққа осий ҳолида қолдириб келдим. Ҳажжожнинг ҳамсуҳбатлардан хижолат бўлганидан юзи қизариб кетди ва:

– Амирингиз менинг яқиним эканини билатуриб, у ҳақда шу сўзларни айтишга сени нима мажбур қилди?!

– У сизга яқинлиги сабаб Аллоҳга яқин бўлган мендан азизроқ деб ўйлайсизми? Мен Аллоҳнинг меҳмониман, Пайғамбарини тасдиқловчиман ва қарзини ўтагучиман”. Ҳажжож жим бўлиб қолди, бирон жавоб қайтармади. Ҳикояни давом эттириб Товус ибн Кайсон деди:

“Сўнг Яманлик киши изн сўрамай, изн берилишини кутиб ҳам турмай, ўрнидан туриб чиқиб кетди. Мен ҳам унинг кетидан эргашиб чиқдим. Ўзимга ўзим: “Бу солиҳ киши кўринади, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлиб қолмасидан олдин унга эргаш, ундан фойдалан, дедим. Уни кузатиб орқасидан юрдим. У Каъбанинг олдига келди, каъбапўшга осилиб, юзини Каъбага босиб дуо қила бошлади:

«Аллоҳим Ўзингдан паноҳ истайман, Ўзингнинг ҳимоянгни сўрайман. Аллоҳим мени фазл-караминга хотиржам, кафолатинга рози, бахилларнинг ман қилишидан қутилган ва худбинлар қўлидаги нарсалардан беҳожат ҳолда қилгин. Аллоҳим сендан мусибатларни аритишинг, азалий яхшилигинг ва гўзал одатингни сўрайман, эй оламлар Рабби...”. Сўнг мени тавоф қилаётган одамлар тўлқини ўзи билан олиб кетиб, яманлик кишини ҳам кўздан ғойиб қилди. Энди уни қайта топа олмасам керак, деб ўйлаб қолдим. Арафа куни кечаси қарасам одамлар билан юриб келмоқда. Унга яқинлашиб қулоқ солсам: “Аллоҳим, агар қилган ҳаж амалимни, чеккан машаққат-у чарчоқларимни қабул қилмаган бўлсанг, мендан қабул қилмаганинга тортаётган мусибатим ажридан маҳрум этма”, деб дуо қилаётган экан. Сўнг қоронғида одамлар ичига кириб кўринмай кетди. Бу одамни яна қайтиб кўришдан умидимни узгач, дуо қилдим:

“Аллоҳим, менинг ва ана шу бандангинг ҳам дуоларини қабул қил, ўтинчларимизни ижобат эт. Қадамлар тойиладиган кунда қадамларимизни собит айла. Ҳавзи Кавсар олдида бирга жамлагин, эй карамли Зот”.

Улуғ тобеин Товус номи билан машҳур бўлган Заквон ибн Кайсон билан навбатдаги ҳикоямиз орқали кўришгунча. Аллоҳ у зотдан рози бўлсин, уни мангу жаннатлар билан сийласин.

### **Товус ибн Кайсон** **Тўғри йўлга йўлловчи воиз**

**“Эй Абу Абдурраҳмон, сизни тушимда кўрдим. Сиз Каъбанинг олдида намоз ўқиётган экансиз, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбанинг эшиги олдида туриб: “Ёпинчиғингни очиб, қироатингни равон қил, эй Товус” деб айтаётган эканлар”. (Мужоҳид)**

Мусулмонларнинг халифаси Сулаймон ибн Абдулмалик Маккага етиб келиб, Масжидул Ҳаром атрофидан жой олмай, ҳамда Каъбаи муаззамага бўлган завқ-шавқини қондирмаёқ, хизматкорига қараб: “Бизга Динимизни англатадиган, шундай улуғ кунларда бизларга эслатма ўлароқ панд-насиҳат қиладиган олимни топиб кел” деб, амр қилди. Хизматчи одамлар тўпланадиган жойга бориб, халифанинг истагини қондира оладиган киши ҳақида сўраб-суриштирди. Одамлар унга: “Сен Товус ибн Кайсонга бор. У ўз асри фуқаҳоларининг саййиди, Аллоҳ таоло йўлига даъват қилишда энг сўзи ўткир олимлардандир. Сен уни маҳкам тут” деб, маслаҳат бердилар. Хизматчи Товус ибн Кайсоннинг хузурига келиб: “Мухтарам шайх, халифанинг чорловини қабул қилинг” деб, илтимос қилди. Товус ибн Кайсон пайсалга солмай халифанинг чақириғини дарҳол қабул қилдилар. Чунки у зот Аллоҳ таоло йўлидаги даъватчилар, ҳар қандай фурсатни қўлдан чиқармай фойдаланиб қолиш, кечиктирмай унга шошилиш лозим деб билардилар. Ва энг афзал сўз, ҳокимларнинг адашган ўринларини тўғрилаш, уларни жабр-зулм қилишдан қайтариш ва Аллоҳ таолога уларни яқинлатиш учун айтилган ҳақ сўз эканига амин эдилар.

Товус хизматкор билан бирга кетдилар. Халифанинг хузурига кирганларида унга салом бердилар. Халифа саломга гўзал жавоб қайтариб, олимни илиқ кутиб олди ва ўзига яқин ерга ўтказди. Сўнг ўзига ноаниқ бўлган Ҳаж арконлари ҳақида сўрай бошлади. Олимнинг қадрини жойига қўйиб, эҳтиром ва диққат билан жавобларга қулоқ тутар эди.

Товус ибн Кайсон: “Халифанинг мақсади ҳосил бўлиб, сўрайдиган нарсаси қолмаганини сезганимда, ичимда: “Бу йиғин шундай йиғинки, Аллоҳ таоло сендан бу ҳақда шубҳасиз савол-жавоб қилади”. Ўзимга ўзим

шундай дегач, халифага юзланиб: “Эй мўминлар амири, жаҳаннам қаъридаги чуқурлик лабида турган ҳарсанг тош, ана шу чуқурликга қулаганида, етмиш йилдан сўнг унинг тубига етади. Мана шу жаҳаннам чуқурини Аллоҳ таоло кимлар учун тайёрлаб қўйганини биласизми?”. Халифа ўйлаб кўрмасдан: “Йўқ” деди. Аммо дарҳол ўзига келиб: “Ким учун тайёрлаб қўйган?” деб, ўзини койиб ҳам қўйди. Мен: “Аллоҳ таоло у чуқурликни, ҳукмда ўзига шерик қилган яъни одамлар устидан ҳукм қиладиган, одамларга бош қилиб қўйган бандаси зулм қилса, ана шундай ҳокимлар учун тайёрлаб қўйгандир” дедим. Бу гапни эшитган халифани чақмоқ ургандек бўлди. Тушган ҳолатини кўриб жони чиқиб кетса керак деб ўйлаб қолдим. Жон томирни узиб юборадиган даражада ҳўнграб йиғлаб юборди. Мен ўрнимдан туриб чиқиб кетдим, ортимдан: “Аллоҳ ажрингизни берсин” деб, такрор-такрор айтиб қолди.

Умар ибн Абдулазиз халифалик мансабига ўтирганида, Товус ибн Кайсонга мактуб йўллаб, насиҳат қилишларини сўрайди. Улуғ тобеин бир қаторлик насиҳат мактубини ёзиб юборадилар: “Амалингизнинг ҳаммаси яхши бўлишини хоҳласангиз, волийликга фақат яхшилик эгаларинигина тайин этинг, саломат бўлинг”. Умар ибн Абдулазиз мактубни ўқиб: “Етарлик насиҳат бўлибди... Етарлик насиҳат бўлибди” деди.

Халифалик Ҳишом ибн Абдулмаликга ўтгач эса, Товус ибн Кайсоннинг халифа билан бўлиб ўтган кўпгина машҳур воқеалар ҳақида ривоятлар келган. Шулардан бири: “Ҳишом ибн Абдулмалик Ҳаж ниятида Маккага келади. Ҳарами шарифга киргач, Макка аҳлидан бўлган ёрдамчиларига: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан топинглар, зиёрат қилайлик” деди. Улар: “Эй мўминлар амири, саҳобаларнинг биронталари ҳам қолмай барчалари бирин кетин Роббиларининг ҳузурига кетдилар”. Халифа: “Унда тобеинлардан топинглар”. Тобеинлардан Товус ибн Кайсонни излаб топдилар. Товус ибн Кайсон халифанинг ҳузурига кирганида, оёқ кийимини гиламнинг бир четига ечиб, халифага “мўминлар амири”ни қўшмасдан салом берди. Куняси билан эмас, балки исми билан мурожат қилди ва изн бўлмасдан аввал ўтириб олди. Бундан Ҳишом ғазаб ўтида ёнди, ғазаб аломати унинг кўзларида ҳам кўриниб турарди. Сабаби бу ҳолни у ўзига қарши журъат ҳамда ён-атрофдагилар ва хизматчилар кўз ўнгида ҳайбатини кетгазиш деб баҳолади. Лекин шу билан бирга у Ҳарамда эканини эсга олиб дарҳол ўзини босиб олди ва оғирлик билан Товус ибн Кайсонга: “Нима сабабдан бундай иш қилдингиз?” деб, сўради. Товус ибн Кайсон: “Нима иш қилибман”. Халифанинг ғазаби қайта қўзғаб: “Кавушингизни гиламнинг четига ечиб қўйдингиз, “мўминлар амири” демай салом бердингиз, куням билан эмас исмим билан чақирдингиз ва ниҳоят изн бермасимдан аввал ўтириб олдингиз”. Товус ибн Кайсон

вазминлик билан: “Кавушимни гиламингиз четига ечганимдан бошласак, мен ҳар куни беш маротаба Роббул олабийн хузурида кавушимни ечиб қўяман... У мени койимайди, менга ғазаб ҳам қилмайди. “Мўминлар амири”ни қўшмай салом берганимга келсак, барча мусулмонлар ҳам сизнинг халифалигингизга рози эмаслар, шунинг учун, “эй мўминлар амири” деб айтсам, ёлғончилардан бўлиб қолишдан қўрқдим. Энди “куням билан эмас, исмим билан чақирдингиз” деб, маломат қилишингизга жавобим: “Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбарларини исмлари билан чақирган: “Эй Довуд... Эй Яҳё... Эй Ийсо... деб. Душманларини эса кунялари билан: **“Абу лаҳабнинг қўллари қуригай — ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди —ҳалок бўлди!”**. Ва ниҳоят, изн бўлмай ўтириб олганим эса... Мен мўминлар амири Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳудан: “Дўзах аҳлидан бўлган кишини кўрмоқчи бўлсанг, ўзи ўтириб хузуридаги одамлар тик турган кишига қарагин” деб айтганларини эшитганман, шунинг учун дўзах аҳлидан деб саналган шундай кишилардан бўлиб қолишингизни хоҳламадим” деб жавоб берди. Ҳишом ибн Абдулмалик хижолатдан юзини ерга қаратиб қолди, сўнг бошини кўтариб: “Менга насиҳат қилинг, эй Абу Абдурраҳмон” деди. Товус ибн Кайсон: “Мен Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳунинг бундай деганларини эшитганман: “Жаҳаннамда катта қалин устунлардек илонлар, хачирлардек чаёнлар бор. Улар фуқаролари орасида адолат қилмайдиган раҳбарларни чақадилар”. Сўнг Товус ибн Кайсон ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Товус ибн Кайсон айрим ҳокимларга панд насиҳат қилиш ва тўғри йўлга йўллаш учун иқбол қилса, бошқа баъзиларидан уларни қоралаб ва танбеҳ бўлсин учун юз ўғирар эди. Товус ибн Кайсоннинг ўғли ҳикоя қилади: “Бир йили отам билан Ямандан Ҳаж ниятида сафарга чиқдик. Юра-юра истироҳат учун йўлдаги шаҳарлардан бирига келиб тушдик. Шаҳар ҳокими ҳокимларнинг энг ёмонларидан, ҳаққа қарши чиқишга ўта журъатли ва ботилга муккасидан кетиб шўнғиган Ибни Нажих исмли киши эди. Фарз намозини адо этиш учун масжидга кирдик. Ҳоким отамнинг келганларини эшитиб, масжидга келди. Отамнинг қаршиларига ўтириб салом берди. Отам саломига алик ҳам олмай тескари қараб ўтириб олдилар. Ҳоким ўнг тарафларидан келиб гапирди. Отам юз ўғирдилар. Чап тарафларидан келиб гапирди. Отам яна юз ўғирдилар. Бу ҳолатни кўргач мен ҳокимнинг олдига бориб салом бердим ва кўришиш учун қўлимни чўзиб: “Отам сизни танимадилар” деб қўйдим. Ҳоким: “Отангиз мени яхши танийдилар. Мени яхши билганлари учун ҳам, мана шундай қиляптилар” деди ва бошқа гапирмай ўрнидан туриб чиқиб кетди. Манзилимизга қайтганимизда эса отам менга: “Ҳой аҳмоқ, ана шундай ҳокимларни орқасидан қаттиқ



мазаммат қиласан, ўзларини кўрганингда мулойимлик қиласан. Ахир бу мунофиқлик эмасми?” деб, койиб бердилар.

Товус ибн Кайсон даъват-у насиҳатларини халифа ва ҳокимларгагина чегараламаган эдилар, балки ким шунга хожатман ва ё талабгор бўлса уларга ҳам панд насиҳатларини аямас эдилар. Ато ибн Аби Рабоҳ ҳикоя қилади: “Товус ибн Кайсон мени ўзлари қониқмаган ўринда кўриб: “Эй Ато, сенга эшигини ёпиб, эшигига соқчи қўйиб қўйган кишига эҳтиёжларингни айтмагин. Балки сенга эшикларини очиб қўйган, Унга дуо қилсанг ижобат қилиш ваъдасини берган Зотдан хожатларингни талаб қил” деб, насиҳат қилдилар.

Товус ибн Кайсон ўз ўғилларига қилган насиҳатларида: “Эй ўғлимчам, оқил инсонлар билан бирга бўл, шунда гарчи улардан бўлмасанг ҳам, уларга мансуб деб ҳисобланасан. Жоҳилларга ҳамроҳ бўлма, зеро улар билан бирга бўлсанг, гарчи жоҳиллардан бўлмасанг ҳам, уларга мансуб деб ҳисобланасан. Шуни билки, ҳар бир нарсани олий мақсади бўлади. Кишининг олий мақсади дини ва хулқининг комил бўлишидир”. Бу насиҳатларнинг самараси ўлароқ Товус ибн Кайсоннинг ўғли Абдуллоҳ отасидан олган тарбия асосида ўсиб улғайди. Отасидаги барча яхши сифатлар ўзида жамлаб, отасига монанд фарзанд бўлиб етишди. Бунинг мисоли: Аббосийлар халифаларидан Абу Жаъфар Мансур Товус ибн Кайсоннинг ўғли Абдуллоҳ билан Молик ибн Анасни (Моликия мазҳабининг асосчиси) хузурига таклиф қилади. Икковлари халифанинг қабулига кириб, ўзларига муносиб жойга ўтиришгач, халифа Абдуллоҳ ибн Товусга юзланиб: “Отангиз айтиб берган ҳадислардан, менга ҳам айтиб беринг” деди. Абдуллоҳ ибн Товус: “Отам менга ушбу ҳадисни айтиб берган эдилар: “Кимни Аллоҳ азза ва жалла мусулмонлар ишларига бош қилиб қўйган бўлса ва лекин у зулм билан ҳукм юритса, ана шундай киши Қиёмат Кунисида азоби энг қаттиқ бўладиган кишидир”. Имом Молик дедилар: “Мен Абдуллоҳ ибн Товусдан бу сўзни эшитгач, унинг қони сачраб кийимларимга тегишидан кўрқиб, кийимимни йиғиштириб олдим... Лекин бундай гапни эшитишига қарамай халифа Абу Жаъфар Мансур чамаси бир соатча гапирмай жим бўлиб қолди. Охири биз хайрлашиб чиқиб кетдик”.

Товус ибн Кайсон юз ёшдан ошиқ узун ва баракотли ҳаёт кечирдилар. Бироқ қариллик у зотнинг ўткир зеҳнлари, хотиралари ва хозир жавобликларига асло путур етказмаган эди. Абдуллоҳ Шомий шундай деган эди: “Товус ибн Кайсоннинг панд насиҳатларидан эшитиш мақсадида зиёратларига келдим, аммо ўзларини танимас эдим. Эшикни тақиллатдим. Ёши улўф бир қария чиқди. Салом бериб: “Сиз Товус ибн Кайсонмисиз” дедим. Қария: “Йўқ, мен у кишининг ўғлиман” деди. Мен: “Сиз ўғли бўлсангиз, унда ўзлари эс-ҳушлари бузилган даражада қариб-қартайиб

қолган бўлсалар керак, мен илмларидан фойдалайин деб узоқдан келган эдим”. Қария: “Ҳой инсон, шуни билки, Қуръонни кўтарганларнинг эслари оғмайди... Киравер”. Товус ибн Кайсоннинг хузурларига кириб салом бердим ва: “Илмингиздан фойдаланиш, панд насиҳатларингизни тинглаш мақсадида келган эдим”. Товус ибн Кайсон: “Сўрайвер, фақат қисқа қил, чўзиб юборма”. Мен: “Имконим борича қисқа қиламан иншааллоҳ”. Товус ибн Кайсон: “Хоҳласанг Таврот, Забур, Инжил ва Қуръонда келган нарсаларнинг хулосасини жамлаб айтиб бераман”. Мен: “Ҳа албатта, айтиб беринг”. Товус ибн Кайсон: “Аллоҳ таолодан шундай қўрқингки, Ундан ўзга бирон нарса сенга қўрқинчлироқ бўлмасин. Аллоҳдан умид қилишинг эса, Ундан қўрқингдан зиёда бўлсин. Ўзинга нимани яхши кўрсанг, бошқаларга ҳам шуни раво кўргин”.

Бир юз олтинчи ҳижрий сана Зул Ҳижжа ойининг ўнинчи кечаси, ёши улугъ шайх Товус ибн Кайсон ҳожилар билан бирга Арафотдан Муздалифага қирқинчи мартаба тушдилар. Муздалифанинг пок ерларига тушиб, шом билан хуфтон намозларини жамлаб ўқиғач, бир оз ором олиш учун ёнбошлаганларида, оила аҳллари ва ватанларидан узоқ, аммо Аллоҳга яқин ҳолларида, эҳромда, талбия айтаётган, Аллоҳнинг ажру савобини умид қилган, Аллоҳнинг фазли марҳамати билан онадан янги туғилгандек гуноҳлардан пок ҳолда у зотга ўлим келди. Тонг ёришиб, муборак жасадларини дафн қилмоқчи бўлинганида, одамлар кўпайиб кетганидан тобутни олиб чиқиб дафн қилишнинг имкони бўлмай қолди. Шунда Макканинг амийри бир қанча соқчилар юборди. Улар одамларни четлатиб дафн қилишга имкон қилиб бердилар. Товус ибн Кайсоннинг жанозаларига саноғини Аллоҳгина биладиган жуда кўп инсонлар ҳозир бўлдилар. Жанозаларини ўқиган мусулмонлар ичида уларнинг халифаси Ҳишом ибн Абдулмалик ҳам бор эди.

## Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр

“Имконим бўлганида Қосим ибн Муҳаммадни халифа этиб тайинлаган бўлардим” (Умар ибн Абдулазиз).

Бу улуг тобеин ҳақида бирон маълумотга эгамисиз?

Қосим ибн Муҳаммад ёшлик чоғиданоқ атрофидаги улугликларнинг барини битта ҳам қолдирмай ўзида жамлаган эди.

Отаси Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ...

Онаси Форснинг сўнги подшоҳи Кисро Яздажурднинг қизи...

Аммаси мўминларнинг онаси Ойша разияллоҳу анҳо...

Шунча фазилат устига у илм ва тақвони бошига тож қилиб кийган эди.

Энди бундай улугликка рақобат қилгудай улуглик бор деб ўйлайсизми?

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз улуг тобеин, Мадинанинг етти фуқаҳоларидан бири, замонасининг илм, ақл ва тақвода энг афзалларидан бўлган Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқдир. Келинг, унинг ҳаёт қиссасини аввалидан бошлаймиз.

Қосим ибн Муҳаммад Усмон разияллоҳу анҳунинг халифалик даври охирларида дунёга келди. Илк қадамлар ташлаётган гўдаклик чоғида муслмон диёрларига фитна шамоллари эсиб, уйларни ларзага келтирадиган даражада кучайди. Зоҳид, обид халифа Усмон Зуннурин разияллоҳу анҳу Қуръонни тиловат қилиб ўтирган ерларида шаҳид қилиндилар. Мўминлар амири Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу билан Шом диёри амири Муовия разияллоҳу анҳу ўрталарида катта келишмовчилик пайдо бўлиб, авж олди. Бирин-кетин чиққан бундай даҳшатли, одамни ҳайрону лол қолдирадиган ҳодисалар асносида ҳикоямиз қаҳрамони опаси билан бирга Мадинадан Мисрга қараб йўл олди. Сабаби, отаси ўшанда мўминлар амири Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу тарафидан Мисрга волий этиб тайинланган эди. Бироқ бу қонли фитнанинг чангали отасига ҳам етиб, боланинг кўз ўнгида уни ҳам қатл этди. Муовия разияллоҳу анҳу тарафдорлари Мадинани эгаллашгач, қаҳрамонимиз Мисрдан Мадинага қайтди. Мадинадан Мисрга отасининг ҳузурига кетган бўлса, энди Мадинага ота-онадан айрилган етим бўлиб қайтди.

Бу машаққатли кўч-кўчлар ҳақида Қосимнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Отам Мисрда қатл этилгач, амаким Абдураҳмон ибн Абу Бакр келиб, мен билан синглимни Мадинага олиб кетдилар. Мадинага келишимиз билан аммамиз Ойша разияллоҳу анҳо одам юбориб, бизни амакимиз уйдан ўз уйларига олиб келдилар ва бизни ўзлари тарбиялаб, вояга етказдилар. Ойша разияллоҳу анҳодан кўра яхшилик ва меҳр-шафқатда устун бўлган бирон ота-онани кўрмадим.

Бизни ўз қўллари билан овқатлантирар, аммо ўзлари емас эдилар. Бизнинг қорнимиз тўйгач, овқатдан бирон нима қолган бўлса, шундагина ер эдилар. Бизга онанинг кўкракдан ажратилган гўдагига қиладиган муомаладан кўра ҳам яхшироқ муомала қилар, бизни оқ ювиб, оқ тарар ва оппоқ кийимлар кийгизиб қўяр эдилар.

Бизни доим яхшиликка қизиштириб, яхшилик қилишга одатлантирар, ёмонликдан қайтариб, уни тарк этишга ундар эдилар.

Тоқатимиз етганича Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини бизларга қунт билан ўргатар эдилар.

Икки ҳайит кунлари яхшилик ва эҳсонлари яна-да ортиб кетар эди. Арафа оқшомида сочимни олиб, мени ва синглимни ювиб-тараб, тонг отгач янги кийимлар кийгизар ва ҳайит намозини ўқишимиз учун Масжиди Набийга юборар эдилар. Намоздан қайтганимизда эса синглим билан менинг ҳузуримизда қурбонлик қилардилар.

Бир куни бизга оппоқ кийимлар кийгизиб, мени ўнг тиззаларига, синглимни эса чап тиззаларига ўтқизиб олдилар. Шу куни Абдурахмон амакимни чақиртирган эдилар. Амаким келганларида саломлашиб, чиройли кутиб олдилар, сўнг Аллоҳ азза ва жаллага ҳамду сано айтиб, гап бошладилар. Мен аммам Ойша разияллоҳу анҳо каби фасоҳат билан, гўзал ва ширин сўзлайдиган на бир эркак ва на бир аёлни кейин ҳам кўрмадим.

Акаларига юзланиб: “Акажон, мана шу икки жиянимни сиздан олиб, уйимга олиб келганимдан бери мендан бир оз хафа бўлганга ўхшаб юрибсиз. Аллоҳга қасамки, мен буни сиздан ўзимни катта тутиб ёки сиздан ёмон гумон қилиб, ёхуд бу етим жиянларимиз ҳаққини тўла ўтай олмайсиз деган ўйда қилмадим. Акажон, сизнинг оилангиз кўп, бу икки жиянимиз эса ҳали ўзини эплай олмайдиган гўдак бўлганидан шундай қилган эдим. Болалик қилиб, у ер-бу ерларни булғаб қўйишса, аёлларингизнинг кўнгли ранжиб қолишидан қўрқдим. Жиянларимнинг бу ҳолатида уларга қараб туришга аёлларингиздан кўра ўзимни ҳақли деб ўйлаган эдим. Мана, жиянларимиз ўзларини бемалол эплай оладиган даражада катта бўлиб қолишди. Энди уларни олсангиз бўлади”, дедилар. Шундан сўнг Абдурахмон амаким бизни ўз уйларига олиб кетдилар”.

Бироқ Абу Бакр Сиддиқнинг набираси бўлмиш бу боланинг қалби аммаси, мўминлар онаси Ойша разияллоҳу анҳонинг уйларига боғланганича қолди. Нубувват хушбўйликлари билан хушбўйланган ул муборак хонадон тупроғида униб-ўсди... Пайғамбар аёлининг қарамоғида таълим-тарбия олди... У зотнинг тўлиб-тошган меҳр ва раҳм-шафқат булоғидан қониб-қониб ичди... Шундай қилиб, севимли жияннинг вақтлари аммаси билан амакисининг уйи орасида тақсимланган эди. Аммасининг

муаттар ва мунаввар манзилидаги ширин хотиралари бутун ҳаёти давомида уни тарк этмади. Қосим ибн Муҳаммаднинг ўзи айтиб берган мана шу хотиралардан айримларини сизга ҳам ҳавола қиламиз, қулоқ тутинг:

“Бир куни аммам Ойша разияллоҳу анҳога: “Онажон, менга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан икки саҳобаларининг қабрларини кўрсатинг, уларни кўргим келяпти”, дедим. Чунки учта қабр уйнинг ичида бўлиб, аммам улар устини кўз тушмайдиган қилиб ёпиб қўйган эдилар. Баланд кўтарилмаган ва ер билан текис ҳам бўлмаган учта қабрни менга кўрсатдилар. Қабрлар устига масжид ҳовлисида бўлган майда қизил тошлардан тўшалган эди. “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари қай бири?” деб сўрадим. Қўллари билан кўрсатиб: “Мана бу” дедилар ва ўша онда кўзларидан яноқларига катта-катта ёш сизиб чиқди. Кўзларидан чиққан ёшни менга кўрсатмаслик учун тезда артиб олдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари икки саҳобалари қабридан олдинда жойлашган эди. “Бобом Абу Бакр Сиддиқнинг қабрлари қайси?” деб сўрадим. “Мана буниси”, деб кўрсатдилар. Бобом Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошлари яқинига дафн қилинган эканлар. “Унда буниси Умар разияллоҳу анҳунинг қабрлари экан-да?” деган эдим: “Ҳа, шундай”, дедилар. Умар разияллоҳу анҳунинг бошлари бобомнинг беллари ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқларига яқин қўйилган экан”.

Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг зурриёти бўлмиш бу бола Қуръонни тўлиқ ёд олган ва аммаси Ойша разияллоҳу анҳодан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини Аллоҳ хоҳлаганича пухта эгаллаган ҳолда улғайди. Сўнг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида осмонда тизилган порлоқ юлдузлар мисоли масжиднинг ҳар тарафига ёйилган илм ҳалқаларига берилиб қатнай бошлади. Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Хаббоб, Рофеъ ибн Хадийж, Ҳазрат Умарнинг озод қилган қуллари Аслам (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) ва бошқа кўпгина саҳобалардан таълим олиб, катта мужтаҳид олим ва ўз замонасининг суннатни энг яхши билувчи шахсларидан бўлиб етишди. Салафлар суннатни мукаммал билмаган инсонни олим ҳисобламасдилар.

Қосим ибн Муҳаммадда илм ва маърифат қуроллари тўлиқ бўлгач, одамлар унинг ҳузурига келиб, завқ-шавқ ила илм ўргана бошладилар. Ўз навбатида у ҳам одамларга ғоят саховат билан илм улашди. Ҳар куни эрталаб белгиланган вақтдан кечикмасдан Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларига келар, икки ракат масжид ҳақини адо этиб, сўнг Равзаи мутаҳҳарада, Пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари

билан минбарлари орасидаги Умар разияллоҳу анҳунинг дарчалари олдидаги ўз жойига келиб ўтирарди. Шундан сўнг ҳар тарафдан толиби илмлар йиғилиб, унинг тотли ва мусаффо илм булоғидан ташна нафсларни қондирадиган муаттар илмдан қониб-қониб баҳра олар эдилар. Кўп вақт ўтмай Қосим ибн Муҳаммад билан холаваччаси Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, қўлларида бирон мансаб ҳам, ҳокимият ҳам йўқ бўла туриб, Мадина аҳлининг итоат этиладиган саййиди ва сўзига қулоқ солинадиган имоми бўлиб қолдилар. Тақво ва парҳезкорликни ўзларига либос ва зийнат қилганлари, илм ва маърифатни қалб тўрида сақлаб-авайлаганлари, одамлар қўлидаги нарсалардан четланиб, Аллоҳнинг ҳузурдаги нарсаларга рағбат қилганлари боис одамлар уларни ўзларига пешво қилиб олдилар.

Бу икки тобеиннинг обрў-эътибори одамлар наздида шу қадар юқорилаб кетдики, ҳатто Умавий халифалар ва амирлар ҳам Мадинага тааллуқли бирон бир жиддий ишни бу икки зотнинг фикрисиз ҳал қилмас эдилар. Шулардан бири халифа Валид ибн Абдулмалик Мадинадаги Ҳарами Шарифни кенгайтиришни ўйлаб қолади. Лекин бу ўй-орзусини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурган масжиднинг тўрт тарафидан бузиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг уйларини ҳам бузиб, масжидга қўшмай туриб амалга ошириб бўлмас эди. Бу эса одамларга оғир келадиган ва қалблар таскин топмайдиган иш эди. Шунинг учун Мадинадаги волийси Умар ибн Абдулазизга мактуб йўллади: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларини икки юз зироъга икки юз зироъ қилиб кенгайтиришга қарор қилдим. Шунинг учун сиз Масжиднинг тўрт тарафидан деворларни бузинг, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг ҳужраларини ҳам Масжидга қўшинг. Масжид атрофидаги ҳовли-жойларни ҳам сотиб олинг ва имкон бўлса меҳробни олдинга суринг. Хаттоб авлодлари бўлмиш қариндошларингизнинг одамлар қалбидан жой олган обрў-эътиборлари ва мартабалари орқали сиз бу ишни амалга ошира оласиз, деб ўйлайман. Агар Мадина аҳли бу ишга рози бўлмаса, Қосим ибн Муҳаммад ва Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умардан кўмак сўранг. Уларни бу ишда ўзингизга шерик қилинг. Одамларга бузилган уйларининг ҳаққини ортиғи билан беринг. Бунда содиқ салафларингиз Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффон сизга ҳужжатдир”.

Умар ибн Абдулазиз Қосим ибн Муҳаммад, Солим ибн Абдуллоҳ ва Мадина аҳлининг бошқа обрўли кишиларини ҳузурга чақиртириб, уларга мўминлар амирининг мактубини ўқиб берди. Улар халифанинг азму қарорини эшитиб, бундан хурсанд бўлдилар ва уни амалга ошириш учун ҳаракатга тушдилар.

Икки буюк олимлари ва имомларининг бу ишга бош қўшганларини кўрган Мадина аҳли ҳам имомлари билан елкама-елка туриб, мўминлар амирининг орзусини рўёбга чиқардилар.

Ўша кунларда мусулмонларнинг музаффар лашкарлари шавкатли қўмондон Маслама ибн Абдулмалик бошчилигида Қустантиния шаҳрига йўл очувчи қўрғонларни ишғол қилиб, Қустантиниянинг фатҳи олдидан бирин-кетин уларни эгаллаб олаётган эдилар.

Мўминлар амирининг Масжиди Набийни кенгайтириш қарорини эшитган Рум подшоҳи хушомад қилиб кўнгил овлаш ва халифага хуш келадиган иш билан унга яқинлашиш мақсадида унга юз минг мисқол тилло ва Румнинг энг моҳир ҳунармандларидан юз кишини мармар тош юкланган қирқ туя билан юборди. Халифа Валид ибн Абдулмалик эса буларнинг барини Масжид қурилишига ёрдам бўлиши учун Умар ибн Абдулазизга юборди. Умар ибн Абдулазиз юборилган нарсаларнинг барчасини Қосим ибн Муҳаммад ва Солим ибн Абдуллоҳнинг маслаҳати билан инфоқ қилиб юборди.

Қосим ибн Муҳаммад бобоси Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга ташқи кўринишда ҳам, хулқ-атворда ҳам жуда ўхшар эди. Ҳатто одамлар: “Абу Бакр Сиддиққа ҳеч бир фарзанди бу йигитдан кўра ўхшашроқ бўлмаган”, дер эдилар. У олий хулқ ва хислатида, иймонининг салобати ва кучли тақвосида, бағрикенглик ва қўли очиқлигида бобосининг айни ўзи эди. Кўпгина содир бўлган ишлар ва айтилган сўзлар ҳақиқатда шундай эканига гувоҳлик беради. Мисол учун, бир аъробий масжидга келиб, Қосим ибн Муҳаммаддан: “Сизнинг илмингиз кўпми, Солим ибн Абдуллоҳнинг илмими?” деб сўради. Қосим ибн Муҳаммад саволга жавоб беришдан тўхталганида аъробий яна қайта сўради. Қосим ибн Муҳаммад: “Субҳоналлоҳ!” деди. Аъробий қўймай саволни учинчи бор қайтарди. Шунда у: “Ҳой биродар, Солим ана у ерда ўтирибди”, деди. Масжлисида ўтирганлардан бири деди: “Отасига балли. “Менинг илмим кўп” деб ўзини мақташни истамади. “Солимнинг илми кўп” деб ёлғон сўзлагиси ҳам келмади”. Чунки Қосим Солимдан илмироқ эди.

Кунларнинг бирида одамлар Қосим ибн Муҳаммадни Минода кўриб қолишди. Аллоҳнинг Байтини зиёрат қилиш учун келган ҳожилар унинг атрофини ўраб олиб савол ёмғирини ёғдираётган эди. У эса билган нарсаларига жавоб берар, билмагани бўлса: “Билмадим... Билмадим”, дер эди. Одамлар бундан ажабландилар. Шунда уларга деди: “Чиндан сиз сўраётган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам билмайман. Билганимда асло яширмаган бўлардим. Зеро, билган нарсамизни яшириш бизга ҳалол эмас. Киши ўз устидаги Аллоҳнинг ҳаққини билганидан сўнг жоҳил бўлиб яшамоғи билмаган нарсасини гапиргандан кўра яхшидир”.

Қосим ибн Муҳаммадга йиғилган закотни тақсимлаш ва ҳақдорларга етказиш топширилганида бор куч-ғайратини сарфлаб, ҳар бир ҳақдорга ўз ҳаққини тўлиқ қилиб берди. Лекин бир киши ўзига берилган ҳақдан норози бўлиб, Қосим ибн Муҳаммадни излаб масжидга келди. Қосим намоз ўқиётган эди. Келган киши тарқатилган закот ҳақида гапира бошлади. Қосимнинг ўғли у кишига: “Аллоҳга қасамки, сиз бу закотдан ўзига ярим чақа ҳам олмаган, ундан бир дона хурмо ҳам емаган инсонни айбламоқдасиз”, деди. Қосим намозини тезроқ тугатди-да ўғлига қараб: “Эй ўғлим, бундан кейин билмаган нарсанг ҳақида гапирма”, деди. Атрофдагилар: “Шайхнинг ўғли рост сўзлади, лекин шайх фойдасиз сўзларни гапиришдан тилини сақлашни ўргатиб, ўғлига одоб берди”, дедилар.

Қосим ибн Муҳаммад етмиш икки ёшдан зиёда умр кечирди. Умри поёнасида кўзлари кўрмай қолди. Ҳаётининг охириги йилида Байтуллоҳ зиёратини қасд қилиб, ҳажга отланди. Йўлда кетаётганларида ажали етди. Сўнгги нафасларида ўғлига деди: “Вафот этсам намозда киядиган кийимларим – кўйлак, изор ва тўнимга кафанлагин. Чунки айни шулар бобонг Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг кафани бўлган. Қабримни ер билан текис қилиб қўйгин-да, аҳли оиланг олдига кетавер. Қабрим олдида туриб: “Ундоқ эдилар... Бундоқ эдилар”, деб мақташдан сақланинглар. Зеро, мен ҳеч ким эмасман”.



## Сила ибн Ашям Адавий

“Сила ибн Ашям улуғ саҳобалар қўлида тарбия топди, уларнинг кўп хислатларидан фойдаланди ва саҳобаларнинг хулқ-атворлари билан хулқланди”

Исбаҳоний

Сила ибн Ашям Адавий... Кечалари жойнамоз устида турувчи обид... Кундузлари жанг майдонида жавлон урувчи паҳлавон мужоҳид.

Кеч кириб, қоронғулик борлиққа ўз пардасини тортиб, одамлар уйқуга фарқ бўлгач, Сила ибн Ашям туриб, мукаммал таҳорат олар ва уйининг меҳробида қоим ҳолда намозга вужуди билан берилар, Раббига бўлган муҳаббати ортганидан ортар эди. Айниқса, тунги намозга иштиёқи кучли бўлиб, кечанинг охириги қисми кирганида Қуръон тиловатига шўнғиб кетар, Аллоҳнинг Каломини мунгли, ҳазин товушда қироат қилар эди. У Аллоҳ таолодан қўрқуви кучлилигидан гоҳ Қуръон тиловатидан қалбининг туб-тубигача кириб борган ва ақл жавҳарини қамраб олган ҳаловатни топса, гоҳида эса юракни ёриб юборгудек қўрқувни ҳис қиларди. Қизиғи, у уйида бўладими, сафардами, фарқсиз, мана шундай ибодат қилишдан асло сусаймас эди.

Жаъфар ибн Зайд ҳикоя қилади: “Биз мусулмон лашкарлари сафида Аллоҳдан Кобул шаҳри фатҳини сўраб, ғазотга чиқдик. Лашкар ичида Сила ибн Ашям ҳам бор эди. Йўлда эканмиз, қоронғи тушиб, ҳаммаёқни зулмат қоплади. Муносиб жой топиб жойлашдик. Бир оз тамадди қилгач, хуфтон намозини адо этдик ва бир оз дам олиб чарчоқ чиқариш илинжида ҳамма ўз жойига тарқалди. Эл қатори Сила ибн Ашям ҳам ўз жойига бориб дам ола бошлади. Бунни кўргач ўзимга ўзим: “Бу одам ҳақидаги: “Кечаси билан ибодат қилиб чиққанидан оёқлари шишиб кетади” деб айтилган гаплар қаерда қолди? Аллоҳга қасамки, шу кечани уни кузатиш билан ўтказаман. Қани, кўрамиз, нима қилар экан”, дедим. Ҳамма чуқур уйқуга кетгач, Сила ибн Ашям ўрнидан туриб, лашкаргоҳдан узоқлаша бошлади. Юриб бориб, шох-шаббаси қуюқ дарахтзор ичига кириб кетди. Дарахтлар баланд-баланд, шохлари қалин ва қўрқинчли эди, гўё асрлар мобайнида инсон қадами етмаган жойга ўхшар эди. Мен унинг орқасидан кузатиб келавердим. Сила ибн Ашям лашкардан узоқлашиб, кўз илғамайдиган ерга келгач, қиблани излаб топди ва такбир айтиб, намоз бошлади. Мен уни узоқдан кузатиб турар эдим. Унинг нурли юзи, аъзоларининг сокинлиги қалбининг хотиржамлигига далолат қилар, гўё у ёлғизликда улфатни, узоқда яқинликни, зулматда нурни топгандай эди. Шу вақт чакалакзорнинг ён тарафидан бир шер биз тарафга кела бошлади. Шерни кўриб қўрқинчдан

юрагим ёрилай деди. Еб қўймасин деб, баланд дарахтга чиқиб олдим. Шер Сила ибн Ашямга яқинлашиб келарди. У эса хотиржам намоз ўқишда давом этаверди. Шер бир-икки қадам қолгудек яқин келганида ҳам Сила ибн Ашям унга қарамади, эътибор ҳам бермади, балки намозида давом этганича саждага кетди. Мен энди шер унга ташланиб, еб қўйса керак деб ўйладим. Саждадан бошини кўтариб, ташаҳхудга ўтирганида шер унинг рўпарасида турар, гўё уни диққат билан кузатар эди. Сила ибн Ашям салом бериб намозни тугатгач, шерга қараб оҳиста бир нима деган эди, шер жимгина келган тарафига қайтиб кетди”. Субҳ бўлгач, бомдод намозини адо этди ва Аллоҳ таолога шундай ҳамду санолар айтдики, мен ҳаётимда бундай ҳамду санони эшитмаган эдим. Сўнг дуо қила бошлади: “Аллоҳим, мени дўзахдан сақлашингни сўрайман. Мендек гуноҳкор банда Сендан жаннатни сўрашга журъат қила оладими”. Шу дуони қайтаравериб-қайтаравериб ўзи ҳам йиғлади, мени ҳам йиғлатди. Сўнг унинг йўқлигини билиб, қидириб қолишмаслиги учун худди ўз жойида тунни ўтказган кишидек бўлиб, лашкарга қўшилиб олди. Мен ҳам кечани ухламай ўтказган, заиф, бўшашган, унинг устига шердан қўрққан ва яна Аллоҳ билади, қай аҳволда, унинг кетидан қайтиб келдим”.

Сила ибн Ашям бирон фурсатни қўлдан бермай, одамларга панд-насиҳат ва мавъизалар қилар эди. Аллоҳ таолонинг йўлига даъват қилишдаги услуби ҳикмат ва гўзал мавъизадан иборат эдики, бу билан у қотган қалбларни юмшатиб, динга мойил қилишни истар эди.

Унинг бу борадаги фаолиятдан баъзи намуналар:

Сила ибн Ашям холи ибодат қилиш учун Басра яқинидаги бир ялангликка чиқиш одати бор эди. Ибодат қилиб ўтирганида унинг ёнидан ёшлигига мағрурланиб, ўйин-кулги ва нафс-ҳавосига эрк бериб, бебошлик қилиб юрган ёш йигитлар ўтиб турардилар. У ҳар сафар уларга дўстона салом бериб, мулойимлик билан: “Йигитлар, нима деб ўйлайсиз, бир қавм катта сафарга отланиб йўлга чиққан, лекин кундузлари йўлидан бурилиб ўйин-кулги билан вақтичоғлик қилган, чарчоғини чиқариш учун эса кечалари дам олиб ўхлаган. Шулар қачон сафарларини тугатиб, мақсадларига эришадилар?” дер ва бу сўзини ҳар ўтганларида эринмай такрорлаб тураверар эди. Кунларнинг бирида яна шу сўзини айтганида йигитлардан бири сергак тортиб: “Аллоҳга қасамки, шайх бу сўзи билан бизни назарда тутмоқда. Ҳақиқатда, биз кундузи ўйин-кулги билан оворамиз, кечаси эса уйқуга ғарқмиз”, деди ва дўстларидан ажралиб, ўша кундан бошлаб Сила ибн Ашямнинг этагидан тутди ва то вафот этгунича у билан бирга юрди.

Яна бир мисол: Сила ибн Ашям шогирдлари билан кетаётганида олдиларидан ниҳоятда кўркам, ўзига бино қўйган, изорини узун қилиб,

такаббуруна ерга судраб юрган бир йигит ўтиб қолди. Буни кўрган шогирдлар чидай олмай, йигитга қаттиқ гапириб, адабини бериб қўймоқчи бўлдилар. Шунда Сила ибн Ашям: “Сизлар индаманглар, мен ўзим гапираман”, деди ва ота ўз жигарбандига кўрсатадиган раҳм-шафқат ва қадрдон дўст дўстига сўзлайдиган оҳангда:

-“Ҳой болам, менинг сенда ҳожатим бор”- деди.

Йигит тўхтаб, сўради:

-“Нима ҳожатингиз бор, амаки”.

-“Изорингни кўтариб олсанг, ҳам кийиминг тоза бўлади, ҳам Раббингга тақво қилишингга ва Пайғамбаринг суннатига яқин бўлишингга сабаб бўлади”.

Йигит: - “Ҳа албатта, хўп бўлади, амаки”- деди ва ўша заҳоти изорини кўтариб олди. Шунда Сила ибн Ашям шогирдларига: “Сиз тутмоқчи бўлган йўлдан бу яхшироқдир. Сизлар уни уриб сўкканингизда, у ҳам уриб сўкар эди. Изори эса ерга судралганича узун бўлиб қолаверарди”- деди.

Бир куни Басралик йигитлардан бири келиб: “Эй Абу Саҳбо, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан менга ҳам ўргатинг”, деди.

Сила ибн Ашям табассум қилиб деди: “Менга асло ёдимдан чиқмайдиган ўтмишимни эслатиб юбординг. Мен ҳам сен каби йигитлик чоғимда ҳаёт бўлган саҳобаларнинг ҳузурларига бориб: “Аллоҳ ўргатган нарсалардан менга ҳам ўргатинглар” деб айтганимда улар: “Қуръонни нафсинг ҳимоячиси ва қалбнинг ҳузур-ҳаловати қилиб ол. Қуръонга қулоқ сол, ундан сабоқ ол, одамларга Қуръон билан насиҳат қил ва имконинг борича Аллоҳ таолога кўп-кўп дуо қил”, дейишган эди.

Йигит: “Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин, мени дуо қилинг”, деди.

Сила ибн Ашям: “Аллоҳ таоло сени боқий нарсага рағбатли ва фоний нарсадан зоҳид қилсин. Сенга қалблар таскин топадиган ва динда суянчиқ бўла оладиган ишончни ато этсин” деб дуо қилди.

Сила ибн Ашямнинг амакисининг қизи бор эди, исми Муоза Адавия эди. Бу қиз мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳонинг суҳбатларида бўлиб, дарс олган тобеин аёллардан эди. Ҳатто Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ бу аёлдан ҳадис эшитган, ниҳоятда тақводор, покиза, ибодатгўй, дунёдан ўзини тийган эди. Унинг одати, кеч кирганида: “Мана шу менинг охирги кечам бўлса керак” деб, ухламай ибодат қилиб чиқар, кундузи бўлганида эса: “Мана шу менинг охирги куним бўлса керак” деб, ёнбоши ёстиқ кўрмай кунни ўтказар эди. Қишнинг совуқ кунларида: “Совуқдан ухлаб қолиб, ибодатдан қолиб кетмайин” деб, юпунроқ кийиниб оларди. Кечаларни намоз ва Қуръон тиловати билан ўтказар, уйқу бостириб келса ҳовлида айланиб: “Эй нафс, олдинда сени узоқ уйқу кутмоқда. Яқинда қабрда узоқ

ётасан. Ё ҳасрат чекиб ётасан ёки шод-хуррам бўласан. Эртага қай ҳолда бўлишни хоҳласанг, бугун шуни ўзинг учун танлаб ол, эй Муоза” деб, уйқуни кетказар эди.

Сила ибн Ашям ўта ибодатгўй ва зоҳид киши бўлиши билан бирга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйланишдаги суннатларидан юз ўгирган эмас эди. Шунинг учун ҳам амакисининг қизи Муозага совчи қўйиб, ўз никоҳига олди. Келиннинг олдига киришидан аввал жияни уни ҳаммомга олиб борди. Кейин келин ўтирган хушбўй исли уйга киритиб юборди. Сила ибн Ашям келин билан бир уйда ёлғиз қолгач, туриб икки ракат намоз ўқий бошлади. Келин ҳам унга эргашиб намоз ўқиди. Икковларини ҳам намознинг сеҳри ўзига тортиб, то тонг отгунига қадар намоз ўқиб чиқдилар. Тонг отгач Сила ибн Ашямнинг жияни келиб, кечасидаги ҳолатдан хабар топгач унга: “Амакижон, амакингизнинг қизи сизга ўзини бағишлаб, никоҳингизга кирса-ю, сиз уни қўйиб, кечаси билан намоз ўқиб чиқдингизми?” деди. Сила ибн Ашям: “Эй жиян, кеча менга ҳам дўзахни, ҳам жаннатни эслатиб қўйдинг. Натижада мен шу иккиси ҳақида фикр юритиб тонг оттириб қўйибман”, деди. “Қандай қилиб, эй амаки?” деди жиян. Сила ибн Ашям: “Кеча мени ҳаммомга олиб борганинда ҳаммомнинг иссиғи менга дўзахнинг оташини эслатиб юборди. Сўнг мени хушбўйланган чимилдиққа киритиб қўйдинг. Унинг хушбўй иси жаннатни ёдимга солди”, деб жавоб берди.

Сила ибн Ашям кўп тавба-тазарру қилувчи, обид ва зоҳидгина бўлиб қолмай, жуда кучли чавандоз ва жасур мужоҳид ҳам эдики, жанг майдонлари у каби ўта шижоатли, ғайратли, довюрак қиличбозларни оз кўрган. Ҳатто ҳар бир мусулмон жамоаси унинг шижоати туфайли катта ғалабага етиш умидида уни ўз сафларида бўлишини орзу қилар эди.

Жаъфар ибн Зайд ҳикоя қилади: “Сила ибн Ашям ва Ҳишом ибн Омир бўлган жамоада ғазотга чиқдик. Душманга рўбарў келганимизда Сила ибн Ашям билан унинг шериги лашкар ичидан отилиб чиқиб, қилич ва найзаларини ўйнатган ҳолда, ўзларини душман ичига урдилар ва душманнинг олди сафига сезиларли даражада талофат етказдилар. Буни кўрган душман қўмондонлари бир-бирига қараб: “Мусулмонларнинг лашкаридан икки киши бизни шу аҳволга солиб қўйган бўлса, уларнинг барчаси жангга кирса ҳолимиз не кечади. Яхшиси, мусулмонларнинг ҳукми остига кириб, уларга итоат қилайлик”, деди.

Ҳижратнинг етмиш олтинчи йилида Сила ибн Ашям Мовароуннаҳр диёрларига ғазотга чиққан мусулмон лашкарлари билан йўлга тушди. Ўзи билан бирга ўғлини ҳам олган эди. Душман билан тўқнаш келиб, жанг айни қизиган паллада Сила ибн Ашям ўғлига: “Эй ўғлим, олдинги сафга ўтиб, Аллоҳнинг душманларига қарши жанг қил, сени омонати (ҳеч вақт) зое

бўлмайдиган Аллоҳга топширдим”, деди. Ҳимматли отанинг жасур ўғли ҳам камондан отилган ўқдай душман ичига кириб, шаҳодат топгунга қадар жанг қилди. Ота ҳам ўғлининг кетидан жангга кириб шаҳид бўлди ва ота-бола бир ерга дафн қилинди. Бунинг хабари Басрага етганида аёллар ҳамдардлик билдириш мақсадида Муоза Адавиянинг олдига бордилар. Муоза уларга: “Мени табриклагани келган бўлсангиз, хуш келибсиз. Аммо менга таъзия билдиргани келган бўлсангиз, қайтиб кетаверинглар. Аллоҳ ажрингизни берсин”, деди.

Бундай олийжаноб, улуғ юзларни Аллоҳ нурли қилсин. Ислом ва мусулмонлар номидан уларга яхши мукофотлар берсин.

## Зайнул Обидин Алий ибн Ҳусайн ибн Алий

“Қурайшликлар ичида Алий ибн Ҳусайндан афзалини кўрмадим”.  
(Имом Зухрий)

Кисролар (қадимги Форс подшоҳларининг унвони) салтанатининг охирги саҳифалари ёпилди. Форснинг энг сўнги подшоҳи Яздажурд дарбадарликда оламдан ўтди. Унинг қўмонданлари, соқчилари ва оила аъзолари мусулмонлар тарафидан асирга олинди. Ғаниматлар Мадинага олиб келинди. Бу буюк ғалабадан қўлга киритилган ўлжа шу қадар кўп, мўл ва қимматбаҳо эдики, бунақасини ҳали Мадина кўрмаган эди. Мана шу ўлжалар ичида Яздажурднинг уч қизи ҳам бор эди. Одамлар ўлжаларга киришиб, уни қисқа муддатда сотиб олдилар, ундан қимматбаҳоларини эса мусулмонларнинг Байтулмолига қайтардилар. Ўлжалардан фақатгина Яздажурднинг ёш, кўркам ва гўзал уч қизи қолди. У қизлар сотувга қўйилганларида хор ва маюс ҳолда кўзларини ерга қаратдилар. Бу маюс кўзлардан хасрат ва ўкинчда шашқатор ёш оқар эди. Буни кўрган Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қизларга ачинган ҳолда, уларнинг ҳақларини гўзал адо этадиган яхши инсонлар сотиб олишини орзу қилдилар. Бунинг ажабланарли ери йўқ, сабаби Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қавмнинг хор бўлган подшоҳига раҳм қилинлар” деб, айтганлар. Сўнг Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга юзланиб:

-“Эй мўминлар амири, шоҳларнинг қизларига бошқалар каби муомала қилинмайди...” дедилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

-“Тўғри айтасиз... Унда қандай муомала қилинади?”. Алий розияллоҳу анҳу:

-“Уларга аниқ бир қиймат қўйилади, аммо нарҳни баланд қилиб белгиланади, сўнг сотиб олиш хоҳишини билдирганлар орасидан қай бирини танлаш ихтиёрини ҳам ўзларига топширилади”. Умар розияллоҳу анҳу бунга қониқиб рози бўлдилар ва амалга ҳам оширдилар.

Қизлардан бири Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумони, иккинчиси Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳумони, Шоҳизинон исмли учинчи қиз эса Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг набиралари Ҳусайн ибн Алий розияллоҳу анҳумони ихтиёр этдилар.

Шоҳизинон Исломни қабул қилди ва исломи гўзал бўлди. Аллоҳнинг мустақим дийнини қабул қилиш билан муваффақиятга эришди... Қўлликдан озод этилди... Чўри эди, ҳур-озод жуфти ҳалолга айланди. Бутпарастликдан иборат ўтмишига алоқадор барча нарсалардан узила бошлади. Ҳатто Шоҳизинон исмини ҳам ўзгартириб Ғазола деб чақириладиган бўлди. Ғазола шоҳларнинг қизларига муносиб, солиҳ жуфти

ҳалол бахтига муяссар бўлди. Энди унинг орзуларидан фарзанд билан неъматланишгина қолган эди. Аллоҳ унга илтифот кўрсатиб, бу неъматни ҳам ато этди. Ҳусайн розияллоҳу анҳуга қўчқордек ўғил туғиб берди. Бобоси Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга ўхшаб юрсин дея, чақалоққа Алий деб ном қўйдилар. Бироқ Ғазоланинг хурсандчилиги узоқ чўзилмади. Айрим аёлларда учрайдиган нифос безгаги тутиб, кўз қувончидан роҳатланишга фурсат ҳам қўймаган Парвардигорининг нидосига лаббай деб жавоб бериб оламдан ўтди. Ёш гўдакни парваришлаб, унга ҳомийлик қилиш вазифаси унинг бекасига топширилди. Бека ёш гўдакни, мушфиқ она ўз боласини яхши кўришидан кўра ортиқ даражада яхши кўрди. Меҳрибон она ўзининг ёлғиз фарзандига кўрсатадиган ғамхўрликдан кўра, унга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатди. Бола ҳам бекани онам деб ўсиб-улғайди.

Алий ибн Ҳусайн илм талаб қилишга қодир ёшга етгач, завқ ва шавқ билан илмга муккасидан берилди. Унинг биринчи мадрасаси ўзининг уйи бўлди. “Ўзининг уйи” - бу уй қандай ҳам олиймақом уй. Биринчи устози эса отаси Ҳусайн ибн Алий эди... Нақадар буюк устоз. Иккинчи мадрасаси эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжиди шарифлари бўлди. Шу вақтда масжидун набий ҳаёт бўлган саҳобалар ва тобеинларнинг пешқадамлари билан тўла эди. Саҳобалар ҳам ва пешқадам тобеинлар ҳам ёш тобеинларга бағриларини кенг очган эдилар... Уларга Аллоҳ азза ва жалланинг Китобини ўргатар ва уқтирар эдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини, унинг мақсад-моҳияти билан англашиб баён қилардилар. Пайғамбаримизнинг сийратлари ва ғазотлари ҳақида сўзлаб берардилар. Бунга қўшимча араб шеърларидан айтиб, унинг гўзал ўринларини тушунтириб ўтардилар. Ёшларнинг кичкина қалбларини Аллоҳ азза ва жаллани яхши кўриш, Ундан қўрқиш ва тақво билан тўлдирар эдилар. Натижада улар амал қилувчи уламолар ва тўғри йўлга бошловчи раҳбарлар бўлиб етишдилар.

Алий ибн Ҳусайннинг қалби Аллоҳ азза ва жалланинг Китобига боғланганчалик бирон нарсага боғланмади. Унинг хис-туйғулари Қуръондаги ваъда ва ваъдларга тебрангани каби бошқа нарсага тебранмади. Жаннатнинг васфи келган оятларни тиловат қилганида, унга бўлган завқ-шавқининг кўплигидан ичичидан унга интилар эди. Дўзахнинг зикри келган оятларни эшитганида эса, худди олов унинг қорнида экандек чуқур хўрсиниб ох тортарди.

Алий ибн Ҳусайн йигитликда ҳам илмда ҳам камолга етганида, Мадина аҳли Бану Ҳошим авлодлари ичида сер ибодат ва чин тақволи, буюк фазилат ва ахлоқ соҳиби, яхшилик ва эзгуликка бой, кенг билим ва маърифатли йигитга эришдилар. У ибодат ва тақвода шу даражага етдики таҳорат ва намоз орасида уни қаттиқ титроқ ушларди, худди безгак

тутгандек бадани қалтирар эди. Бу ҳақда сўралганида: "Ҳолингизга вой бўлсин, хозир кимнинг олдида туришим ва кимга муножот қилишни истаётганимни гўё билмайдигандек сўрайсиз-а?" деб, жавоб берган эди. Ҳошимий йигитнинг ибодат ва тақвода баркамоллиги шу даражага етдики, ҳатто одамлар уни Зайнул Обидин деб чақирар эдилар. Ҳатто унинг асл исми унутилаёзди. Лақабини исмидан ортиқ билдилар.

Кўп сажда қилгани ва саждаларда узоқ-узоқ қолганидан, Мадина аҳли Сажжод (кўп ва узун сажда қилувчи), нафсининг софлиги ва тоза қалбли эканидан эса Закий (гуноҳлардан пок) деб ном бердилар.

Зайнул Обидин розияллоҳу анҳу ибодатнинг руҳи, мағзи дуо эканига қаттиқ ишонган эди. Айниқса унга Каъба остонасига осилган ҳолда дуо қилиш жуда хуш ёқарди. Неча маротаба Байтул Атиқ (Каъба)ни лозим тутиб, шундай дуо қиларди: "Эй Роббим, менга Ўз раҳматингдан беҳисоб тоттирганинг ва неъматларингни менга ёғдирганингдан, мен хотиржам, хавф этмай Сенга дуо қиладиган, Сендан дўстларча сўрайдиган бўлиб қолдим. Эй Роббим, Сенинг раҳматингга ўта муҳтож, ҳақларингни адо этишга эса қуввати заиф инсоннинг илтижоси каби ёлвораман, чўкаётган ғариб, Сендан ўзга қутқарувчини билмайдиган мендек бандангдан қабул эт, эй Карамли Зот".

Бирда Товус ибн Кайсон ҳам уни Каъбанинг сояси остида туриб, худди ўлим бошига келган кишининг безовталиги каби безовта, қаттиқ оғриган касалнинг йиғисидек йиғлаётган ва музтар қолган кишининг дуо қилиши каби дуо қилаётган ҳолда кўриб, йиғи ва дуодан фориғ бўлишини кутиб турди. Сўнг унга яқинлашиб деди:

-“Эй Росулulloҳнинг чевараси, не бўлди сизни бундай ҳолда кўриб турибман ва ҳолбуки сизни хавфдан ҳимоя қилувчи уч фазилатингиз бор”.

Зайнул Обидин:

-“У қандай фазилатлар экан, эй Товус?”.

Товус:

-“Биринчиси: Сиз Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодларидансиз...

Иккинчиси: Бобонгизнинг сизни шафоат қилишлари...

Учинчиси: Аллоҳнинг раҳмати...”.

Зайнул Обидин:

-“Эй Товус, насабда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғланган бўлганим мени ҳимоя қилиб қола олмайди. Негаки мен Аллоҳ азза ва жалланинг ушбу сўзини эшитганман: “Бас, қачонки сурга пуфланганда, у кунда ораларида на насаб қолур ва на бир-бирларини суриштирурлар”. Мўъминун: 101.



Бобомнинг менга шафоатларига келсак, Аллоҳ таолонинг олий калимаси айтади: “Улар фақат У зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар”. Анбиё: 28.

Аллоҳнинг раҳмати ҳақида эса Ўзи шундай деди: “Албатта, Аллоҳнинг раҳмати яхшилик қилувчиларга яқиндир”. Аъроф: 56.

Тақво Зайнул Обидинга мурувват, улуғлик, ҳалимлик каби фазилатли хислатлардан Аллоҳ хоҳлаганича тортиқ қилган эдики, бу ҳақдаги ажойиб хабарлар ва ибратли воқеалар сийрат китобларига кўрк ва зийнат бўлиб турибди. Шулардан бирини Ҳасан ибн Ҳасан ҳикоя қилади: “Амакимнинг ўғли Зайнул Обидин билан мени орамизда гап ўтиб қолди. Ундан қаттиқ ғазабланган ҳолда олдига бордим. Масжидда ҳамсўхбатлари билан ўтирган экан. Бирон нарса қолдирмай нима бўлса гапирдим. У жим ўтираверди, гапирмади. Мен кетдим. Кеч киргач уйда ўтирсам эшик тақиллаб қолди. Ким экан деб қарасам Зайнул Обидин... Ҳалигига жавоб қайтаргани келибди деб ўйладим. Бироқ у: “Биродарим, мен ҳақимда айтган сўзларинг чин бўлса Аллоҳ мени кечирсин. Айтган сўзларинг рост бўлмаса Аллоҳ сени кечирсин”- дедида, салом бериб кетди. Орқасидан эргашиб унга етиб олдим-да: “Қасам-ки, сен ёқтирмайдиган ишга энди асло қўл урмайман”- дедим. Менга хайрихоҳлик билан: “Менга айтган сўзингда сен ҳам ҳақлисан”-деди.

Мадиналик бир йигит айтади: “Зайнул Обидин масжиддан ташқарига чиққанида, уни кетидан бориб, уни ҳақоратлаб ёмон сўзларни сўзлай кетдим. Нега бундай қилдим сабабини ўзим ҳам билмайман. Одамлар менга ёпирилиб таъзимни бериб қўймоқчи бўлдилар. Агар таъзимни берганларида, уларнинг қўлидан қутула олмаслигим аниқ эди. Зайнул Обидин одамларга:

-“Уни қўйиб юборинглар”- деди. Одамлар мени қўйиб юбордилар. Мени қўрқиб кетганимни кўргач, очиқ юз билан менга боқиб, мени тинчлантириб:

-“Сен мени билган нарсаларинг билан ҳақоратладинг. Билмаганларинг бундан ҳам кўп. Бирон эҳтёжинг борми, ёрдамимиз тегсин сенга”- деди. Қилган ишимдан уялиб кетдим, бирон нарса дея олмай қолдим. Уялиб кетганимни кўргач, эгнидаги тўнани ечиб менга кийгазди ва минг дирҳам ҳам берди. Шундан кейин уни ҳар кўрганимда:

-“Гувоҳлик бераман, сен Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг авлодларидансан”- деб, айтадиган бўлдим.

Зайнул Обидиннинг озод қилган қулларидан бири ҳикоя қилади: “Алий ибн Ҳусайннинг хизматкори эдим. Бир юмушни бажариб келиш учун мени юбордилар. Мен кечикиб кетдим. Қайтиб келганимда эса қамчилари билан

урдилар. Йиғлаб юбордим ва хожамдан қаттиқ ғазабландим. Сабаби хожам мендан олдин бирон кимсани урмаган эдилар. Шунда хожамга:

-“Аллоҳдан қўрқинг, эй Алий ибн Ҳусайн... Мени ишлатиб яна урасизми”- дедим. Алий ибн Ҳусайн йиғлаб юбордилар ва: “Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларига бор, икки ракат намоз ўқи, сўнг: “Алий ибн Ҳусайннинг гуноҳини кечир Аллоҳим”- деб, дуо қил. Шунини қилсанг Аллоҳ учун сен озодсан”- деди. Мен Масжидун Набийга бордим. Икки ракат намоз ўқиб дуо қилдим ва хожамнинг уйига қайтганимда ҳур, озод эдим”.

Аллоҳ таоло Зайнул Обидинга ризқ эшикларини кенг очган эди. Унинг фойдали тижорати, ўсиб турувчи зироати (деҳқончилик) бўлиб, хизматкорлари уни ривожлантириб турар эдилар. Зироати ҳам тижорати ҳам унга кўп мол-дунё ва катта фойда келтирар эди. Лекин Зайнул Обидин бойлик билан фахрланиб, одамларга такаббурлик қилмасди, неъмат уни димоғдор қилиб қўймаган эди. У дунё молини охиратда нажот топиш учун маркаб қилиб миниб олган эди. Солиҳ банда учун, манфаатли бойлик қандай ҳам яхши. Зайнул Обидин учун эзгу ишлар ичида энг суюқлиси махфий садақалар қилиш эди. Қоронғу тушганида ун солинган қопчаларни заиф елкасида кўтариб, одамлар ухлаётганида Мадина маҳаллаларида айланиб, одамлардан тиланиб сўрамайдиган, бироқ ҳожатманд бўлган оилалар эшикларига қўйиб кетар эди. Мадина аҳлининг кўпгина оилалари ризқлари қаердан бу қадар сероб бўлиб келишини билмай кун кўрар эдилар. Алий Ибн Ҳусайн вафот этганида, уларга келиб турадиган ризқни тополмай қолдилар. Ана шундагина ризқ манбаини англаб етдилар. Зайнул Обидинни ювиш учун олиб келганларида, ғассоллар белидаги изларни кўриб: “Бу нима?”- деб, сўраганларида уларга: “Боқувчисини йўқотган Мадина аҳлининг юзлаб оилаларига кўтариб олиб борилган ун қопчаларининг изидир”- деб, жавоб берилди.

Алий ибн Ҳусайннинг қулларни озод қилиши ҳақидаги хабарлар эса машриқ-у мағрибга ёйилгандир. Чунки унинг бу йўлдаги ишлари хаёлга ҳам келмайдиган, билганларнинг қизиқсинишидан ўтиб кетгандир.

У яхшилик қилган қулни, қилган яхшилигининг эвазига, ёмонлик қилиб қўйиб тавба қилган қулни, тавба қилгани мукофотига озод қилиб юборар эди. Ривоят қилишларича Зайнул Обидин мингта қулни озод қилиб юборган экан. У бир қулни ё чўрини бир йилдан ортиқ ушлаб турмаган. Айниқса қулларни озод этилиши Ийди фитр кечаси юқори чўққисига чиқар эди. Бу кеча у Аллоҳ қодир қилганича қуллардан озод қилиб, улардан Қиблага юзланиб: “Аллоҳим, Алий ибн Ҳусайнни мағфират эт”- деб, дуо қилишларини сўрар ва уларнинг байрамларини қўшалок байрам, қувончларини икки хисса қиладиган ҳадялар билан сийлар эди.

Алий ибн Хусайн инсонлар қалбидан шундай ўрин эгалладик, ўз асрида бирон киши бу даражага эриша олмаган. Энг самимий яхши кўриш қандай бўлса, одамлар уни бунданда яхши кўрар, энг юқори даражада унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эдилар. Унга жуда боғланиб қолган эдилар, шунинг учун ҳам уни кўриб туришга завқ-шавқлари баланд эди. Уйининг ичида бўладими ташқаридами, масжидга кетиш ва келишида уни кўриш учун йўлини пойлаб турардилар.

Ривоят қилинишича Ҳишом ибн Абдулмалик валиаҳд бўлиб турганида ҳаж қилиш учун Маккага келади. Тавофни бошлаб Ҳажарул Асвадни ўпишни ирода этганида, соқчилари уни ўраб олиб, одамларни огоҳ тоттириб, валиаҳд учун йўлни кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Лекин ҳеч ким уларга эътибор ҳам қилмади, йўлни бўшатмади ҳам. Зеро Уй Аллоҳнинг Уйи, инсонлар эса ҳаммалари Аллоҳнинг бандаларидир. Шунда ҳолда эканларида, узоқдан таҳлил ва такбирлар садоси эшитилиб қолди. Товуш келаётган тарафга бўйинлар чўзилди. Қарасалар, бир жамоат кишилар қуршовида ниҳоятда кўркам, жисми кичик, аммо ўта кўринимли ва ёруғ юзли бир киши хотиржам, вазминлик ва салобат билан келаётган эди. Эгнида изор (жасаднинг паст қисмини ёпадиган кийим) ва ридо (жасаднинг юқори қисмини ёпадиган кийим)дан бошқа нарса йўқ, пешонасида сажда асари кўриниб турарди. Одамлар дарҳол унга йўлни очиб кенгайтирдилар. Саф саф бўлиб уни муҳаббат ва илиқлик билан қарши олдилар. Шу зайлда у киши Ҳажарул Асвадга келиб уни ўпди. Шунда Ҳишом ибн Абдулмаликнинг мулозимларидан бири:

“Одамлар бунчалик иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётган бу киши ким ўзи?”- деди.

Ҳишом: “Мен уни танитайман”-деб, жавоб берди.

Ўша ерда ҳозир бўлган Фарздақ (Умавийлар асридаги биринчи табақа шоирлардан бири): “Бу кишини Ҳишом танимаса, мана мен танитайман... Уни бутун дунё танитайди... У Алий ибн Хусайндир Аллоҳ ундан, отасидан ва бобосидан рози бўлсин”- деди ва шеър ўқий бошлади:

Босган қадамини “Батҳо” ҳам билади,  
Макка, Мадинаю, Каъба билади.  
Бандаларнинг энг яхшисин ўғлидир у,  
Тақводор, поқдомон, машҳурдир у.  
Билмасанг билиб қўй у Фотиманинг ўғли,  
Унинг Бобоси Пайғамбарлар хотами.  
Ким бу? деган сўзинг зарар бермас унга,  
Маълумдир у араб ва ажамга.  
Икки қўли очиқ, саховатпеша,  
Бериши тугамайди, дерлар кўп яша.

Очиқ кўнгил, қаттиқликдан асар йўқ,  
Зийнатидир ҳусни хулқ, ёмон сифати йўқ.  
“Йўқ” сўзин талаффуз этмаган асло,  
Илло шаҳодатда айтган ошкоро.  
Агар бўлмаганда шаҳодатда “ло”,  
“Йўқ”ни ҳам “ҳа” каби қиларди адо.  
Барча халойиққа қилдилар эҳсон,  
Зулмат, йўқлик элдан тез бўлди гумдон.  
Ахлоқини кўриб Қурайш деганди:  
“Саховатда чиқди чўққига чунон”.  
Ҳаё қилиб кўзни юмар эдилар,  
Ҳайбатидан чўчиб юмилар кўзлар.  
Сўзласа юзида доим табассум,  
Қўлдаги ҳассада атир таралар.  
Қўрқмас, жасур, кўркама, азиз, мукаррам,  
Унга манба эрур Росули Ақрам.  
Асли-насли тоза, табиати пок,  
Ҳарактер, сифати чиройли биррам.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг набираларидан Аллоҳ  
рози бўлсин ва рози қилсин. Дарҳақиқат яширин ва ошкор ҳолда ҳам  
Аллоҳдан қўрқувчиларнинг нодирларидан, Аллоҳнинг иқобидан қўрқиб ва  
ажр-у мукофотини умид қилиб, нафсининг тинкасини қуритганлардан эди.

## Абу Муслим Хавлоний

**“Абу Муслим шу қадар кўп ибодат қилар эдики: “Жаннат ёки дўзахни кўзим билан кўрсам ҳам бундан ортиқ ибодат қила олмайман”, деб айтар эди”. (Усмон ибн Отика)**

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳажжатул Вадоъдан қайтганларидан кейин касалликлари оғирлашибди, деган хабар Араб ярим оролига яшиндек тарқади. Фурсатни ғанимат деб билган шайтон Асвад ал-Ансийга иймондан сўнг куфрга қайтишни, Аллоҳга ёлғон тўқишни ва Яман халқига ўзини Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар эканини даъво қилишни зийнатлаб кўрсатди.

Асвад ал-Ансий келишган, жисмонан ўта бақувват, аммо ичи қора ниҳоятда ёмон одам бўлиб, жоҳилият даврида коҳинликни яхши ўзлаштирган, одамларни сеҳр қилиш ва кўз бўямачиликка моҳир эди. Бундан ташқари гапга уста, фасоҳатли, ўзининг ботиллари билан омма халқнинг ақлини ўйната оладиган ҳамда саховати, инъом-эҳсон билан хос кишиларни ўзига мойил қилган эди. Одамларга сирли ва ҳайбатли кўриниш учун доим қора ниқобда юрар эди.

Асвад ал-Ансийнинг Ямандаги даъвати худди қуриган хашакка ўт тушгандек тез тарқала бошлади. Унинг қабиладошлари Бану Мазҳижнинг унга эргашиши бу даъватнинг тарқалишига катта ёрдам берди. Зеро Бану Мазҳиж қабиласи Ямандаги қабилалар орасида сон, нуфуз ва қувватда энг юқори қабила эди.

Бунга қўшимча Асвад ал-Ансийнинг ёлғон тўқиш ва унга ишонтириш қобилияти, ҳамда бу ишда ўзига тобеълар орасидаги заковатлиларга таяниб иш қилгани ҳам даъватининг ёйилишига сезиларли туртки бўлди.

У: “Менинг олдимга осмондан фаришта ваҳий олиб тушяпти, ғайб ишларидан хабар беряпти”, деб ёлғон даъво қила бошлади. Даъвосининг ҳақ эканига одамларни қаноатлантириш учун турли услубларни қўллади. У ўзининг хос кишиларини одамларнинг ҳол-аҳволлари, сир-асрорларини билиш, қалбларида яширинган орзу ва аламларидан огоҳ бўлиб унга хабар бериб туришлари учун ҳар тарафга юборган эди.

Айни вақтда ўша кишилар одамларни унга мурожаат қилиш ва ундан ёрдам сўрашга тарғиб қилишар эди. Бу хос кишилари орқали одамлар хабаридан огоҳ бўлган Асвад ал-Ансий, хузурига келган ҳожатманднинг ҳожати, мусибат етган кишининг мусибатидан сўз очиб, ўзини гўё уларнинг сир-асрорлари ва қалбларидаги яширин нарсалардан огоҳдек қилиб кўрсатар, одам ақлини лол қиладиган ғароиб ишларни қилиб, халойиқни ўзига ром қилар эди. Натижада кўп ўтмай унинг иши юришиб, шухрати ҳар тарафга ёйилди ва унга эргашувчилар ҳам кўпайиб кетди. Бундан

фойдаланиб Асвад ал-Ансий аввал Санъога, сўнг бошқа минтақаларга ҳам юриш қилди. Ҳазрамавт билан Тоиф, Баҳрайн билан Адан оралиғидаги шаҳарларни ўзига бўйсиндирди.

Иш Асвад ал-Ансийнинг қўлига ўтиб, шаҳарлар ва одамлар унга бўйсингач, ўзига муҳолиф бўлган, динига ва пайғамбарига содиқ иймонли, Аллоҳ ва расулига тўла итоат қилувчи, ҳақни ошкор қилиб, ботилга қарши чиқадиган чин муслмонларнинг таъқиб қила бошлади. Уларга шафқатсизларча муомала қилар, зўравонлик сиёсатини юрғазиб қаттиқ азоблар эди.

Мазлум муслмонларнинг олди сафида Абу Муслим Хавлоний куняси билан машҳур Абдуллоҳ ибн Суваб турар эди. Абу Муслим Хавлоний динида мустаҳкам, кучли иймонга эга, ҳақни изҳор қилишдан қайтмас киши бўлиб, Аллоҳ учун ўзини тиккан, дунё ва унинг зийнатлари, енгил ҳаёт ва унинг матоларидан юз ўгирган, ҳаётини Аллоҳнинг ибодати ва Унинг йўлидаги даъватга бағишлаган, бир сўз билан айтганда ўткинчи дунёни боқий охирага алмашган эди. Шу сабабли одамлар унга қалб тўрларидан жой бериб ва уни Аллоҳга қаттиқ боғланган, дили пок ва дуоиси ижобат инсон деб билишарди.

Асвад ал-Ансий Абу Муслим Хавлонийни қаттиқ азобга олиб, ўз даъватига яширин ва ошкора қарши бўлганлар қалбига қўрқув ва изтироб солиб қўймоқчи ва бу билан уларни батамом бостиришни ирода қилди. Санъонинг катта майдонига ўтин қалатиш сўнгра уни ёқишга амр этди. Яманнинг олими ва обиди Абу Муслим Хавлонийни тавбасига таянтириш ва ўзининг Пайғамбар эканига иқрор бўлишига гувоҳ бўлсинлар деб одамларни йиғди.

Белгиланган вақтда Асвад ал-Ансий халойиқ билан тўлиб-тошган майдонга ўз малайлари ва қўриқчилари қуршовида кириб келди ва оловга қаратиб ўрнатилган улкан тахтига ўтирди. Одамлар кўз ўнгида Абу Муслим Хавлоний олиб келинди. Каззоб ва тоғут Асвад ал-Ансий рўбарасида турган Абу Муслим Хавлонийга такаббуруна қаради, кейин гувиллаб ёниб турган оловга қаради. Сўнг яна Абу Муслимга қараб:

-“Муҳаммадни Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик берасанми?”- деди.

Абу Муслим Хавлоний:

-“Ҳа, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси, пайғамбарларнинг саййиди ва сўнгиси деб гувоҳлик бераман”.

Асвад ал-Ансий қошларини чимириб, юзини буриштирди ва:

- “Мени Аллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик берасанми?”- деди.

- “Қулоғим оғир, нима деяётганингни эшитмаяпман”.

- “Ундай бўлса сени оловга улоқтираман”.

- “Агар мени оловга улоқтирсанг, ёқилғиси ўтин бўлган бу олов билан, ўтини одамлар ва тошлар бўлган, унинг устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турадиган оловдан сақланаман”.

- “Сени оловга улоқтиришга шошилмайман. Ақлингни йиғиштириб олишинг учун яна бир бор фурсат бераман”, деди ва яна аввалги саволини қайтарди:

- “Муҳаммадни Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик берасанми?”.

- “Ҳа, у Зот Аллоҳнинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ ва ҳидоят дини билан юборган ва рисолатлари билан пайғамбарликни тугатган”.

Асвад ал-Ансий бадтар дарғазаб бўлиб:

- “Мени Аллоҳнинг расули деб биласанми?” - деди.

- “Сенга айтдимку қулоғим оғирроқ деб, нима деяётганингни эшитмаяпман”.

Абу Муслимнинг ўткир жавоблари ва хотиржамлиги Асвад ал-Ансийнинг ғазабини қўзғотганда қўзғотди. Шу заҳоти Абу Муслимни оловга улоқтиришга буюрди. Унинг қўл ва оёқларини боғладилар. Сўнгра уни палахмонга ўтқиздириб, алангаланиб турган олов устига улоқтирдилар. Айтишларича, бу олов шунчалик даҳшатли эдики, олов алангаси ва тафтининг баландлигидан унинг устидан учиб ўтган қушларнинг қанотлари куйиб олов ўртасига йиқилар эди. Палахмонда отилган Абу Муслим ҳавода учар экан ёлғиз Аллоҳни зикр қилди ва унга илтижо қилиб: “Ҳасбияллоҳ ва ниъмал вакил” “Аллоҳнинг Ўзи менга кифоя ва У нақадар яхши асрагувчидир” - деди. Даҳшатли олов ўртасига тушаётган Абу Муслимни кўрган мусулмонларнинг юраклари қинидан чиқаёзди, аламдан қалблар эзилди. Бирдан олов аста секин ўча бошлади. Қарасалар, олов қўл оёқларини бўшатган, кийимлари куймаган, оёқяланг Абу Муслим табассум қилганича чўғ устида юрар эди. Буни кўрган золим Ансий эс-ҳушини юқотди. Бошқалар ҳам мусулмон бўлишидан қўрқиб, уларга таҳдид солиб қўрқита бошлади. Шу пайт унинг катта малайларидан бири келиб унинг қулоғига пичирлади: “Бўлар иш бўлди, энди буни юртдан чиқариб юборинг ана шунда ундан қутиласиз ва тинч бўласиз, акс ҳолда сизга иймон келтирган тобеъларингизга таъсири ўтиши мумкин”. Ансий унинг маслаҳатини олиб, ўша заҳоти Абу Муслим Хавлонийни юртдан чиқиб кетишига буйруқ берди.

Абу Муслим Хавлоний Мадина томон йўл олди. Унинг орзуси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиш эди. Зеро у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиб, суҳбатларидан

баҳраманд бўлиш неъматига муяссар бўлмай туриб иймон келтирган эди. Бироқ у Мадина атрофидаги ерларга етганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этганлари ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу у зотнинг халифаси бўлгани ҳақидаги хабар унга етиб қолди. Абу Муслим Хавлоний Расулulloҳнинг вафотларига ич-ичидан маҳзун бўлиб, қайғуга ботди.

Мадинага етиб келгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларига йўл олди. Масжидга келиб, туясини эшикка яқин ерга боғлади ва масжидга кириб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди, сўнг бир чеккага ўтиб намоз ўқий бошлади. Намоздан фориг бўлгач, унинг олдига Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу келдилар ва:

-“Меҳмонга ўхшайсиз, қаердан бўласиз?” деб, сўрадилар.

Абу Муслим Хавлоний:

- “Ямандан”, деб жавоб берди.

- “Аллоҳнинг душмани ўтга улоқтирмоқчи бўлганида Аллоҳ нажот берган биродаримиз қандай аҳволдалар?”.

- “Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан яхши юрибдилар”.

- “Қасам Аллоҳга, ўзингиз ўша инсон эмасмисиз?”.

- “Ҳа, ўша менман”.

Умар розияллоҳу анҳу Абу Муслим Хавлонийнинг пешонасидан ўпиб:

-“Аллоҳ таоло Ўзининг ва сизнинг душманингиз бўлган Асвад ал-Ансийни нима қилганидан хабарингиз борми?”.

- “Йўқ, Ямандан чиққанимдан бери ундан беҳабарман”.

- “У ерда қолган мусулмонлар қўли билан Аллоҳ уни қатл этди, салтанатини йўқ қилди ва унга эргашиб кетганларни яна динга қайтарди”.

- “Унинг ўлимини ва Яман аҳлидан бўлган унга алданиб эргашиб юрганларнинг яна динимиз сафига қайтганликларини кўрсатган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”.

Умар роҳияллоҳу анҳу: “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати ичида, отамиз Иброҳим алайҳис-саломга қилинган иш унга ҳам қилинган кишини менга рўбарў қилган Аллоҳ таолога мен ҳам ҳамдлар айтаман, деди”.

Сўнг Умар розияллоҳу анҳу меҳмонни қўлидан тутиб, тўғри Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига олиб бордилар. Абу Муслим Хавлоний Расулulloҳнинг халифасига салом бериб кўришдилар, хилофатни эътироф этиб шу онда байъат бердилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу меҳмонни Умар розияллоҳу анҳу билан ўзларининг ўрталарига ўтқазиб, ундан Асвад ал-Ансий билан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида сўзлаб, хотиралари билан баҳамлашишни сўрадилар.



Абу Муслим Хавлоний бир қанча вақт Мадинада яшади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларини лозим тутиб, ундан ҳеч айрилмади. Равзаи мутоҳҳарада Аллоҳ ирода этганича намоз ўқиб, ҳаёт бўлган улуғ саҳобалардан имкон қадар илм ўрганди. Айниқса Абу Убайда ибн Жарроҳ, Абу Зарр Ғифорий, Убода ибн Сомит, Муоз ибн Жабал ва Авф ибн Молик Ашжаъийлар билан кўпроқ боғланиб турди.

Сўнгра Абу Муслим Шом диёрига кетиб, ўша ерда яшамоқчи бўлди. Унинг мақсади мусулмонларнинг чегараларига яқинроқ бўлиб, Аллоҳ йўлида риботда туришдек ажрга эга бўлиш ва Румга қарши мусулмон лашкарлар сафида жиҳод қилиш эди.

Халифалик Муовия ибн Абу Суфёнга ўтгач, Абу Муслим Хавлоний халифани тез-тез зиёрат қиладиган, мажлисларида ҳозир бўладиган бўлди. У билан Муовия розияллоҳу анҳу ўрталарида бўлиб ўтган сўзлашув ва суҳбатлардан, бу икки инсоннинг нақадар етук шахс ва гўзал ахлоқ соҳиби бўлганликлари намоён бўлади.

Шулардан бири: Кунларнинг бирида Абу Муслим Хавлоний Муовия розияллоҳу анҳунинг хузурига кирди. Кўрдик халифа мажлиснинг тўрида ўтирибди, унинг атрофини эса давлат арбоблари, қўмондонлар ва зодагонлар ўраб олган. Одамлар халифани улуғлаб, кўкка кўтараётганини кўрган Абу Муслим бу ҳолат халифага ёмон таъсир қилишидан қўрқди ва бунинг олдини олиш учун: “Ассалому алайка эй мўминлар ажири (хизматкори) деб, салом берди. Халифанинг атрофидагилар унга ўгирилишиб: “Мўминлар амири, денг эй Абу Муслим” деб, уни тўғрилаб қўйдилар.

Абу Муслим уларга парво қилмай: “Ассалому алайка эй мўминлар ажири (хизматкори)” деди. Одамлар яна: “Мўминлар амири, эй Абу Муслим... Мўминлар амири”.

Абу Муслим Хавлоний пинагини бузмай, уларга қараб ҳам қўймай: “Ассалому алайка, эй мўминлар ажири (хизматкори) деди.

Одамлар уни яна тўғриламоқчи бўлишганди, Муовия уларга қараб: “Абу Муслимни ўз ҳолига қўйинглар, у нима деяётганини жуда яхши билади”, деди. Абу Муслим Муовия розияллоҳу анҳуга юзланиб: “Аллоҳ таоло мусулмонлар ишини сизга берганидан сўнг, энди сиз бамисоли бир одам қўйларини боқиш учун ёллаган чўпонга ўхшайсиз. У одам чўпонга, агар чўпон қўйларга яхши қараса, уларни семиртириб, жун ва сутларини кўпайтирса ажр-мукофот тайинлаган. Агар чўпон аҳдлашилган ишни бажариб, қўзичоқлар катта бўлса, ориқ қўйлар семирса ва касал қўйлар соғайса, унга ҳаққини зиёдаси билан беради. Аммо чўпон бепарволик қилиб қўйларга яхши қарамаса, ориқлари нобуд бўлса, семизлари ориқласа, жун ва сут бермаса, иш ҳаққидан маҳрум қилади, унга ғазаб

қилиб, жазолайди. Шундай экан сиз ҳам ўзингиз учун яхшиси ва мукофотга лойиқ бўладиганини ихтиёр қилинг”.

Муовия бошини ҳам қилиб ўтирган эди, бошини кўтарди ва: “Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан сийласин. Биз сизни Аллоҳ ва Унинг Расули учун ҳамда барча муслмонлар учун насиҳатгўй деб биламиз”, дедилар.

Абу Муслим Хавлоний Дамашқда жума намозига ҳозир бўлдилар. Мўминлар амири Муовия розияллоҳу анҳу одамларга хутба қила туриб, суви тоза ва тиниқ бўлиши учун “Барада” дарёсини қазиш ҳақидаги фармони эслатиб қолди. Шунда сафда ўтирган Абу Муслим Хавлоний: “Эй Муовия, шуни ёдингда тутки, бугунми-эрта сен ҳам дунёдан ўтасан, борар жойинг қабр бўлади. Агар унга бирон нарса билан борсанг, у сенга ўша ерда ас қотади. Агар қуруқ қўл билан борсанг, уни теп-текис ҳеч вақо йўқ ҳолда топасан.

Эй Муовия, сен халифалик дарё қазиш, ё мол-дунё жамлаш деб ўйлаб қолишингдан сенга Аллоҳдан паноҳ тилайман. Халифалик ҳаққа амал қилиш, сидқ ва инсоф билан гапириш ҳамда одамларни Аллоҳ рози бўладиган ишларга етаклашдир.

Эй Муовия, агар бизнинг бошимиз соф бўлса, сувларимизнинг лойқалигига парво қилмаймиз. Сен бизнинг бошимизсан. Доимо соф қолишга ҳаракат қил.

Эй Муовия, агар сен бир кишига зулм қилсанг, унга қилган зулминг бутун адолатингни олиб кетади. Зулмдан сақлан, чунки зулм Қиёмат кунида зулматлар бўлади”.

Абу Муслим Хавлоний сўзини тугатгач, Муовия розияллоҳу анҳу минбардан тушиб: “Эй Абу Муслим, сизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин ва яхши мукофотлар билан сийласин”, деди.

Бошқа бир сафар Муовия розияллоҳу анҳу минбарга кўтарилиб, хутба қилишни бошлаганида, Абу Муслим ўрнидан туриб: “Эй Муовия, одамларга бермай турганинг бу мол-дунё сеники ҳам, ота-онангники ҳам эмас. Шундай экан нима сабабдан уни одамларга бермай ушлаб турибсан”, деди. Муовия икки ойдан бери одамларнинг ҳақларини бермай турган эди. Абу Муслимнинг сўзидан Муовиянинг юзларида ғазаб белгилари кўринди. Одамлар: “Энди нима бўларкин”, деб кузатиб турар эдилар. Муовия розияллоҳу анҳу одамларга кетиб қолмай, жойингизда қимирламай кутиб туришлар деган ишорани қилиб, минбардан тушди. Таҳорат қилди, устидан озроқ сув ҳам қуйди, сўнг яна минбарга кўтарилди. Аллоҳга ҳамду-сано айтгач: “Абу Муслим менга бу молни меники ҳам, ота-онамнинг ҳам моли эмаслигини эслатиб, рост гапни сўзлади. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни: “Ғазаб шайтондан, шайтон эса оловдан. Сув оловни

ўчиради. Биронгангиз ғазаб қилса ювинсин”, деб айтганларини эшитганман. Эй мусулмонлар, бориб ҳақларингизни олинглар”, деди.

Абу Муслим Хавлонийдан Аллоҳ рози бўлсин, ҳақни баралла айтишда бошқаларга ўрناق кишилардан эди.

Муовия ибн Абу Суфёндан ҳам Аллоҳ рози бўлсин, ҳаққа қайтишда барчага ўрناق ва намуна эди.

Шоир нақадар гўзал сўз айтган: “Ё уларни маломат қилма, ёки уларни жойига туриб, қилган ишларини қил”.

## **Умар Форукнинг набираси Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар**

**“Солим ўта ишончли, кўп ҳадис биладиган, ҳадис кишиларининг ичида олий мартабали ва тақводор эди”. (Ибн Саъд)**

Биз ҳозир Умар Форук розияллоҳу анҳунинг халифалик давридамиз. Бу эса Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг шаҳарлари Мадинаи Мунаввара форсларнинг охирги подшохи Яздажурд салтанатини тор-мор қилиб, қўлга киритилган ўлжалар билан тўлиб-тошиб гуркираб турибди.

Ўлжалар ичида гавҳару маржонлар билан тўла безатилган Форс Кисроларининг тожлари, кўз кўрмаган ёқут ва марваридлар билан безалган қиличлари бор эди. Бу катта ва ҳайратомуз ўлжалар ичида кўплаб Форс қиз-жувонлари бўлиб, уларнинг ичида Яздажурднинг уч қизи ҳам бор эди. Алий розияллоҳу анҳу уларни қиммат баҳога сотиб олиб, уларга мусулмонлар ичидаги кўзга кўринган йигитларни рўбарў қилиб, шулардан хоҳлаганингизни танланглар дедилар. Улардан бири Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг набиралари Ҳусайн ибн Алий розияллоҳу анҳуни танлади ва унга Зайнул Обидинни туғиб берди. Иккинчиси Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни танлади ва ундан Мадинанинг етти фуқаҳосидан бири Қосим ибн Муҳаммад туғилди. Учинчиси мўминлар амирининг ўғли Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумони танлади ва Умар розияллоҳу анҳунинг набираси, кўринишда Форук розияллоҳу анҳуга энг ўхшаш бўлган Солим ибн Абдуллоҳ дунёга келди. Келинлар Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умарнинг - Аллоҳ ундан, отасидан ва бобосидан рози бўлсин - нурафшон ҳаётидан айрим лавҳалар билан танишиб чиқайлик.

Солим ибн Абдуллоҳ Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дафн қилинган ҳижрат ерлари Мадинаи Мунавварада таваллуд топди. Нубувватнинг ваҳий нури ила мунаввар, соф муҳитида ўсиб улғайди. Обид, зоҳид, жазирамада ҳам рўзадор, кечалари бедор отасининг тарбиясини олди. Унинг Умарона ахлоқи билан хулқланди. Отаси унда тақво ва ҳидоят аломатлари, Ислом шамоили ва Қуръон ахлоқини ака-укаларидан кўра зиёда эканини кўрган пайтда чиндилдан уни яхши кўриб қолди. Унинг ўғлига бўлган бу қадар муҳаббатини кўриб, маломат қилганларга эса бундай жавоб берди, байтнинг маъноси:

“Солимга бўлган муҳаббатимга маломат қиладилар-а.

Кўзимнинг нури, жигарпорам Солим бўлса начора”.

Абдуллоҳ ибн Умар Солимга Пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ўргата бошлади. Аллоҳнинг дини ва

Китоби Қуръондан таълим берди. Сўнг уни Ҳарами шарифга олиб борди. Ўша вақтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидлари ҳали ҳануз улуғ саҳобалардан ташкил топган катта жамоа билан обод эди. Солим масжид устунларининг қай бири олдига бормасин, ўша ерда нубувват нуридан насибадор, пок рисолат хушбўйлигидан муаттар саҳобани топар эди. Кўзининг қири қаерга тушса ёки нимага қулоқ солса, фақат яхшиликни кўрар ва эшитар эди.

Аллоҳ таоло Умар авлоди бўлмиш бу йигитга саҳобаларнинг улуғларидан таълим-тарбия олиш неъматини насиб этди. Улардан: Абу Айюб Ансорий, Абу Ҳурайра, Абу Рофеъ, Абу Лубоба ва Зайд ибн Хаттоб Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин. Табиийки буларга қўшимча отаси Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан дарс олиб, мусулмонларнинг атоқли олимларидан, тобеинларнинг саййидларидан бири бўлиб етишди.

Солим ибн Абдуллоҳ Мадина аҳли дин ишларида уларга таянадиган, Аллоҳнинг шариятини олиб, диний ва дунёвий муаммоларида уларга мурожаат қиладиган етти Мадина фақиҳларининг бири эди. Волийлар ўз қозиларига, агар бирон муаммоли иш уларга рўбарў бўлса, шу етти фуқаҳога олиб боришни тайинлаган эдилар. Ўз навбатида бу етти олимга бирон бир масала ташланса, ҳаммалари йиғилиб, масалани ҳар тарафлама ўрганиб чиқишарди, сўнг ҳар бир қози улар берган хулосага кўра ҳукм чиқарар эди.

Солим ибн Абдуллоҳнинг маслаҳатини олиб, кўрсатмаларига амал қилган волий, волийлар ичида муваффақиятга эришиб, одамлар қалбига яқин ҳамда халифалар ҳузурида ҳам ишонч қозонар эди. Аммо унга хилоф қилиб тескари бўлганлари эса, Мадинада ўрнашиб қола олмас, унинг волийлигига ҳам тоқат қилинмас эди.

Жумладан: Абдурраҳмон ибн Заҳҳок Язид ибн Абдулмаликнинг халифалик даврида Мадинага волий этиб тайинланди. Ўша кезлар Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг қизлари Фотима эридан бева қолиб, фарзандларининг тарбияси билан уйда ўтирар эди. Ибн Заҳҳок Фотимага совчи қўйиб уни ўз никоҳига олмоқчи бўлди.

Фотима: “Турмуш қуришга ҳеч рағбатим йўқ. Фарзандларим тарбияси билан машғул бўламан ва қолган умримни шуларга бағишламоқчиман”, деб совчиларни қайтарди. Бироқ волий бу гапдан кифояланмай, қайта-қайта совчи юбораверди. Волийнинг ёмонлик қилишидан хавсираган Фотима ҳам яхши сўзлар билан узр билдирар, ранжитмасликка ҳаракат қиларди. Рад жавобини эшитаверган волий таҳдид билан: “Қасамки, агар менга турмушга чиқишга рози бўлмасанг, катта ўғлингни “шароб ичган” деб, дарра урдираман”, деди. Чорасиз қолган Фотима Солим ибн Абдуллоҳга маслаҳат солди. Олим унга волий устидан шикоят қилиб

халифага хат ёзишни, ўзининг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг авлодидан экани ҳамда Аҳли Байтга қариндошлик алоқасини эслатиб ўтишни маслаҳат берди. Фотима шундай мактуб ёзиб, уни чопар билан Дамашққа юборди.

Чопар йўлда экан, халифанинг амр-фармони Мадинага етиб келди. Унда Мадинанинг молия девони бошлиғи Ибн Ҳурмузнинг ҳисобот бериш учун зудлик билан хилофат пойтахтига етиб келиши амр қилинган эди. Ибн Ҳурмуз яқинлари билан хайрлашаётиб, Фотима бинти Ҳусайн билан хайрлашиш учун изн сўраб ҳузурига кирди: “Халифанинг чорлови билан Дамашққа йўл оладиганман, бирон хизмат борми?”- деди.

Фотима бинти Ҳусайн: “Ҳа, бор. Мўминлар амирига Ибн Заҳҳокнинг менга нисбатан қилаётган ишини ва унинг Мадина уламолари, хоссатан Солим ибн Абдуллоҳнинг ҳурмати жойига қўймаётганини айтгин”.

Ибн Ҳурмуз унинг олдида кирганидан афсусланди, чунки у Фотима бинти Ҳусайннинг Ибн Заҳҳокдан қилган шикоятини халифага етказишни истамаётган эди.

Тақдир тақозоси билан Ибн Ҳурмуз Фотима бинти Ҳусайн юборган чопар билан бир кунда Дамашққа етиб келди. Халифанинг ҳузурига киргач, мўминлар амири ундан Мадинадаги ҳолат, Солим ибн Абдуллоҳ ва бошқа уламолар ҳақида суриштириб: “Мадинада нима гаплар. Биз билишимиз зарур бўлган бирон муҳим ва жиддий хабар борми?”, деб сўради. Ибн Ҳурмуз Фотима бинти Ҳусайн айтган гаплари ҳамда волийнинг Солим ибн Абдуллоҳга бўлган муносабати ҳақида лом-мим демади. Ибн Ҳурмуз халифага ҳисобот бераётганида, эшикбон кириб: “Фотима бинти Ҳусайн юборган чопар ҳузурингизга кириш учун изн сўраяпти”, деди. Буни эшитган Ибн Ҳурмузнинг ранги ўзгарди ва: “Ҳа, эсим қурсин! Фотима бинти Ҳусайн сизга айрим нарсаларни айтишимни сўраган эдилар”. Халифа тахтидан тушиб: “Шўринг қурисин сени... Сендан Мадинада нима гап деб, сўрамадимми? Шундай хабарлар бор экан нега мендан яширдинг?”.

Ибн Ҳурмуз ёдидан кўтарилганини баҳона қилиб узр сўради. Сўнг чопарга изн берилди, чопар кириб мактубни халифага топширди. Халифа мактубни очиб ўқий бошлади, бирдан унинг кўзидан ғазаб учқунлари сачради, қўлидаги асо билан ерни уриб: “Ибн Заҳҳок Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг хонадонларига журъат қилдим. Аҳли Байт ҳақидаги Солим ибн Абдуллоҳнинг насиҳатига қулоқ солмадим. Мадинага бориб унинг азобдан инграётган товушини менга, Дамашққа эшиттира оладиган бирон киши борми ўзи?”, деди. “Ҳа, эй мўминлар амири, бор... Абдулвоҳид ибн Бишр Назрий. Мадинага волий бўлишга лойиқ инсон. У айна пайтда Тоифда яшайди”, деб айтилди. Халифа: “Тўғри айтасизлар, ҳақиқатда у Мадинага волий бўлишга лойиқдир”, деди. Қоғоз

ва қалам келтиришни буюриб, ўз қўли билан ёза бошдади: “Мўминлар амири Язид ибн Абдулмаликдан Абдулвоҳид ибн Бишр Назрийга. Ассалому алайкум. Аммо баъд: Мен сизни Мадинага волий этиб тайинладим. Мактубим етиб келгач, дарҳол Мадинага йўл олинг ва Ибн Заҳҳокни волийликдан четлатинг. Унга қирқ минг динор жарима солинг ва уни шундай азоблангки, унинг дод-войини мен Дамашқда туриб эшитай”.

Халифанинг амри битилган номани олган чопар Мадина орқали Тоифга қараб йўл олди. Мадинага етган халифанинг чопари, волий Ибн Заҳҳок ҳузурига кирмагани ва у билан кўришмагани Ибн Заҳҳокнинг қалбига ғулғула солди. Унга одам юбориб уйига таклиф қилди. Уйига келган чопардан Мадинага келиш сабабини сўради. Бироқ чопар бирон нарсани очиқламади. Шунда волий тўшагининг бир четини кўтариб: “Буни кўр!”, деди. Чопар қараса динорлар билан тўла халтача экан. Волий: “Бу минг динор... Аллоҳга онт ичиб айтаман, агар қаерга кетаётганинг ва қўлингдаги номада нима битилганини менга айтсанг, мана шу минг динорни сенга бераман ва буни сир сақлайман”, деди. Чопар мақсадни айтди. Ибн Заҳҳок динорларни чопарга бера туриб: “Бу ерда уч кун кутиб тур. Мен Дамашққа етиб боргач, сўнг буюрилган тарафингга кетавер”, деди.

Ибн Заҳҳок отига миниб, зудлик билан Мадинадан чиқиб Дамашқ томон йўл олди. Дамашққа етиб боргач, халифанинг иниси Маслама ибн Абдулмаликнинг ҳузурига кирди. Маслама очиқ кўнгил, хожатбарор амирлардан эди.

- “Мен сиздан ҳимоя истаб келдим, муҳтарам амир”, деди.

- “Хурсанд бўлавер. Ўзи нима гап?”.

- “Адашиб бир хато қилиб қўйган эдим. Шунга мўминлар амири мени жазоламоқчилар”.

Маслама иниси Язиднинг ҳузурига бориб: “Менинг мўминлар амирида хожатим бор”, деди.

Язид: “Ибн Заҳҳок масаласидан бошқа ҳар қандай хожатингиз бажарилажак, иним”.

- “Аллоҳга қасамки, уни асло кечирмайман”.

- “Ўзи нима қилган экан?”.

- “Фотима бинти Ҳусайнга тумшуғини чўзибди. Унга дўқ-пўписа ва таҳдид қилиб ранжитибди. Солим ибн Абдуллоҳнинг насиҳатига ҳам қулоқ солмабди. Мадина аҳлининг уламою солиҳларининг барчалари уни айбламоқдалар”.

- “Ибн Заҳҳокка чиқарган ҳукмингиз ҳақ экан, эй мўминлар амири”.

- “Унга айт Мадинага қайтсин, токи бу бошқа волийларга ҳам ибрат бўлиши учун, Мадинанинг янги волийси, унинг устидаги амримни ижро қилсин”.

Мадина аҳли янги волий тайинланганига жуда хурсанд бўдилар. Янги волийнинг Ибн Заҳҳок устидан Халифа чиқарган ҳукми бажаришдаги қатъийлиги, уларни янада завқлантирди. Унинг уламоларга қулоқ солиб, улар билан бамаслаҳат иш қилишини кўриб унга янада ҳурматлари ортди. Ўз навбатида янги волий ҳам Мадина аҳли хусусида Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар нимани маслаҳат берсалар шуни қарор қилар эди.

Мусулмонлар халифаси Язид ибн Абдулмаликка Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.

Шундай буюк зотларни етиштирган Ислом динимиз нақадар улўф!

Улўф тобеин Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобнинг навбатдаги ҳаёт чизгиларида учрашгунча Аллоҳга омонат бўлинглар.



## Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар Амал қилувчи олим

“Солим ибн Абдуллоҳ даврида зоҳидлик, фазилат ва яшаш тарзида бирон киши саҳобаларга унингдек ўхшамас эди”. (Имом Молик)

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ўғиллари кўп бўлган, лекин уларнинг ичида Абдуллоҳ ибн Умар отасига қуйиб қўйгандек ўхшар эди.

Абдуллоҳ ибн Умар ўғилларнинг кўплигида отасидан ҳам ўтиб кетди. Уларнинг ичида отасига энг ўхшаши Солим эди.

Келинлар, Умар Форукнинг набираси, хулқ-атворда, дин ва салобатда, ҳайъат ва юриш-туришда унга энг ўхшаши бўлган Солим ибн Абдуллоҳнинг ҳаёти ва фаолиятига бир назар ташлаймиз.

Солим ибн Абдуллоҳ Мадинаи мунавварада тўғилиб, ана шу пок ерда ҳаёт кечирди. Ўша кезлари Мадина авалда мисли кўрилмаган тўкин-сочинлик ва тараққиётда эди. Унга ҳар тарафдан ноз-неъматлар оқиб келар, Умавий халифалар уни имкон қадар гуллатиб яшнатишга ҳаракат қилар эдилар. Бироқ Солим ибн Абдуллоҳ бошқалардан фарқли ўлароқ дунё матоларига эътибор бермади. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсаларда рағбат қилиб, одамлар қўлидаги нарсалардан ўзини тийди. Охиратда нажот топиш умидида дунёдан юз ўгирди. Умавий халифалар бошқаларга қилганлари каби бир неча бор уни кўп мол-дунё бериб синамоқчи бўлдилар, лекин ҳар сафар уни қўлларидagi мол-дунёдан ўзини тортган, дунё ва матоларини назарга илмаслигига гувоҳ бўлардилар.

Бир йили Сулаймон ибн Абдулмалик ҳаж қлиш учун Маккага келди. Тавофи қудумни бошлаганида, Каъбанинг яқинида берилиб Қуръон ўқиб ўтирган Солим ибн Абдуллоҳни кўриб қолди. Унинг кўзларидан дув-дув оқаётган кўз ёшларини кўрган кишига, кўзининг ичида денгиз бормикин деган ҳаёлни олиб келарди.

Халифа тавофни тугатиб, икки ракаат намоз ўқигач, Солим ибн Абдуллоҳ ўтирган томон йўл олди. Одамлар унга йўл бўшатдилар ва у тўғри Солим ибн Абдуллоҳнинг олдига келиб, унинг бир ёнига тиззаси унинг тиззасига теккудек яқин ўтирди. Солим ёнига Халифа келиб ўтирганини пайқамади ҳам, чунки у бутун вужуди билан Аллоҳнинг зикрига ғарқ бўлган эди. Халифа Солим ибн Абдуллоҳ билан гаплашиш учун унинг тиловатдан тўхташи ва йиғидан ўзини босишини пойлаб кўзининг қири билан уни кузатиб турди. Фурсат бўлиши билан, унга юзланиб: “Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ, эй Абу Умар” деб, салом берди.

Солим ибн Абдуллоҳ: “Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ” деб, жавоб берди.

Халифа паст товушда: “Бирон ҳожатингиз бўлса айтинг, эй Абу Умар, бажарайин”. Солим ибн Абдуллоҳ жавоб қайтармади. Халифа эшитмадилар чоғи деб ўйлаб, яна ҳам яқинроқ энгашиб: “Бирон ҳожатингиз бўлса айтсангиз, бажарар эдим”, деди.

Солим ибн Абдуллоҳ: “Аллоҳнинг Уйида бўла туриб, Ундан бошқадан сўрашга уяламан”, деб жавоб берган эди, халифа хижолат чекиб жим бўлиб қолди. Бироқ жойидан қўзғалмади.

Намоз ўқиб бўлингач, Солим ибн Абдуллоҳ манзилига қайтиш учун ўрнидан турганида, одамлар уни ўраб олдилар. Бири Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан сўраса яна бири дин ишларидан сўрарди, бошқа бири дунёвий ишида маслаҳат сўраса яна бошқаси ҳаққимга дуо қилинг дерди. Уни ўраб олганлар ичида Халифа Сулаймон ибн Абдулмалик ҳам бор эди. Одамлар уни кўриб йўл бўшатдилар. Халифа Солим ибн Абдуллоҳ билан ёнма-ён юрар экан қулоғига шивирлади: “Мана масжиддан ташқаридамиз, ҳожатингизни айтинг энди, бажо келтирайин”.

- “Дунё ҳожатидан айтайми ёки охират ҳожатиданми?”.

- “Дунё ҳожатидан, албатта”, деди Халифа минг хижолатда.

- “Мен дунё ҳожатини унинг эгасидан сўрамайманку, қандай қилиб уни эгаси бўлмагандан сўрай?”.

Халифанинг хижолати янада ошди. У хайрлашар экан деди и: “Зоҳидлик ва тақво билан нақадар азиз бўлдингиз... Аллоҳ аzza ва жаллага боғланиб бошқалардан нақадар беҳожат бўлдингиз, эй Хаттоб авлодлари!!... Аллоҳ сизлардек хонадон аҳлига баракот берсин!”.

Бундан бир йил олдин эса Валид ибн Абдулмалик ҳажга борган эди. Ҳожилар Арафотдан қайтганларида, халифа эҳромдаги Солим ибн Абдуллоҳни Муздалифада учратиб қолди. Шайхга салом бериб, Аллоҳ мартабангизни улуғ қилсин, деб дуо қилди. Унинг эҳром остидан кўриниб турган бақувват ва келишган бадани халифанинг эътиборини тортди. У бундан ажабланиб: “Эй Абу Умар, кўринишингиз ёмон эмас, ҳали ҳам бақувватсиз. Кўпроқ нималарни истеъмол қиласиз?”, деб сўради.

- “Нон билан ўсимлик ёғи. Аҳён-аҳёнда бор бўлса гўшт ҳам ейман”.

- “Нон билан ўсимлик ёғи, дейсизми?”.

- “Ҳа, шундай”.

- “Иштаҳа билан ейсизми?”.

- “Иштаҳам бўлмаса, то қорним очиб иштаҳа қилгунимча қўйиб қўяман”.

...

Солим ибн Абдуллоҳ дунёдан юз ўгириш ва зоҳидликда бобоси Умар Форуқ розияллоҳу анҳуга ўхшагани каби, қанчалик қийин ва оқибати оғир бўлмасин, ҳақни баралла айтишда ҳам у зотга жуда ўхшар эди. Бунга мисол: “Бир куни Солим ибн Абдуллоҳ муслмонларнинг юмуши билан Ҳажжожнинг ҳузурига кирди. Ҳажжож уни илиқ кутиб олди ва тўрга ўтқазиб, унга иззат-икром кўрсатди. Улар суҳбатлашиб ўтиришганида, тўсатдан Ҳажжожнинг олдида сочлари тўзиган, устбоши кир, юзлари сарғайган ва оёқ қўллари кишанланган бир неча киши олиб келинди. Ҳажжож Солимга қараб: “Булар боғийлар, ерда бузғунлик қилувчилар. Аллоҳ ҳаром қилган қонларни ҳалол қилувчилар”, деди, сўнг қиличини Солимга узатди ва биринчида турганига ишора қилиб: “Мана шуниси сизга. Туринг ва бошини танасидан жудо қилинг”, деди.

Солим Ҳажжожнинг қўлидан қилични олиб, ўша киши томон юрди. “Нима қилар экан”- деб, бечоралар нигоҳларини узмай қараб турар эдилар.

Солим ибн Абдуллоҳ унинг олдида келиб: “Муслмонмисан?” деди.

У: “Ҳа” деб жавоб берди ва нима қиласан бундай савол бериб, ундан кўра буюрилган ишингни қилсангчи”, деди.

- “Бомдод намозини ўқидингми?”

- “Сенга муслмонман дедим-ку, яна сўрайсана. Намоз ўқимайдиган муслмон ҳам бўлади деб ўйлайсанми?”.

- “Сендан сўраяпман: бугунги куннинг бомдод намозини ўқидингми?”

- “Барака топгур, “Ўқидим” дедимку сенга ва яна мана бу золим буюрган ишни бажар дедим, акс ҳолда сен ҳам унинг ғазабига қолиб кетасан”.

Солим Ҳажжожнинг олдида қайтиб, қилични унинг оёғи остига улоқтирди ва: “Бу киши муслмон эканига иқрор бўляпти ва у бугунги кун бомдод намозини ўқиганини айтяпти. Менга Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб айтганлари етиб келган: “Ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади”. Мен Аллоҳ аzza ва жалланинг ҳимоясига кирган кишини қатл қилмайман”.

Ҳажжож ғазабланиб: “Биз уни бомдод намозини ўқимагани учун эмас, халифа Усмон ибн Афвон розияллоҳу анҳуни ўлдиришга ёрдам берганлардан бири бўлгани учун қатл қилмоқчимиз”.

Солим ибн Абдуллоҳ унга деди: “Усмон розияллоҳу анҳунинг қасосини олишга сен билан мендан кўра ҳақлироқ кишилар бор”.

Ҳажжож жавоб қайтара олмай жим бўлиб қолди.

Шу ишга гувоҳ бўлганларнинг бири Мадинага келиб, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога Ҳажжожнинг Солимга қилган талаби ҳақида хабар берганида, улуғ саҳобий хабарнинг давомини эшитишга ҳам тоқат қилмай: “Солим Ҳажжожнинг талабини бажардимми?”, деб сўрадилар.

Хабар келтирган одам: “Йўқ, у шундай шундай қилди” деб, бўлган воқеани айтиб бергани, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо хурсанд бўлиб: “Жуда яхши, ақлли боламдан айланай” дедилар.

Халифалик Умар ибн Абдулазизга ўтганида у Солим ибн Абдуллоҳга шу мазмунда мактуб ёзди: “Аmmo баъд: Аллоҳ мени синов-имтиҳон қилишни ирода қилди. Менинг талабимсиз ва мен билан маслаҳат қилинмай, мени мусулмонларга бошлиқ қилишди. Мени бу имтиҳонга қўйган Аллоҳ таолодан Ўзи менга ёрдам беришини сўрайман. Мактубим сизга етиб боргач, менга Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг волийларга ёзган мактублари, чиқарган ҳукмлари ва халифаликдаги тутган йўллари ҳақида ёзиб юборинг. Мен Аллоҳнинг ёрдами билан, у зотнинг тутган йўлларини тутмоқчиман. Саломат бўлинг”.

Бунга жавобан Солим ибн Абдуллоҳ ушбу мактубни ёздилар: “Аmmo баъд: Мактубингизни олдим. Унда Аллоҳ сизни синов-имтиҳон қилишни ирода қилгани, сизнинг талабингиз ва сиз билан маслаҳат қилинмай, сизни мусулмонларга бошлиқ қилишгани ва эндиликда сиз халифа Умар розияллоҳу анҳунинг йўлларини тутмоқчи эканингизни айтиб ўтибсиз.

Сиз Умар розияллоҳу анҳунинг замонидан бошқа замонда эканингизни ва атрофингиздаги кишилар унинг атрофидаги кишиларга ўхшамаслигини унутманг. Лекин шуни билингки, агар сиз ҳақни ният қилиб, астойдил хоҳласангиз Аллоҳ сизга ёрдам беради ва сизга бу ишни бажарадиган волийларни чиқариб қўяди. Бундай кишиларни сиз ўйламаган жойдан олиб келади. Зеро Аллоҳнинг бандага ёрдами, унинг ниятига қараб бўлади. Ким яхшилик учун ниятини тўла қилса, Аллоҳнинг ёрдами ҳам унга мукамал бўлади. Агар банда ниятида ноқисликка йўл қўйса, Аллоҳнинг ёрдами ҳам ниятининг ноқислигига яраша бўлади.

Агар нафсингиз сизни Аллоҳ азза ва жаллани рози қилмайдиган ишга чақирса, ўзингиздан аввал ўтган салтанат соҳибларини эсланг. Сиз уларнинг дунё гўзалликларини кўриб қувнаган кўзлари қандай ўйиб олинганини, иштаҳа қилган лаззатларидан тўймайдиган қоринлари қандай ёрилганини ва чириб сасиб кетган мурдаларини ер қабул қилмай ўйларимиз олдига ташлаб кетилса, унинг бадбўйлигидан қандай безовта бўладиган, сассиқлигидан қандайин озорланадиган ўлимтикларга айланганларини нафсингиздан сўранг. Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб узун, сермазмун, тақвога ва ҳидоят асосига қурилган ҳаёт кечирди. Дунёнинг алдовчи матоларидан юз ўгирди, бутун умрини Аллоҳни рози қиладиган ишлар билан ўтказди. Дағал кийимларни кийди, таомларнинг ҳам дағалини еди. Мусулмонлар лашкари орасида оддий жангчи бўлиб

Румга қарши ғазот қилди. Мусулмонларнинг эҳтиёжларини ўтаб, уларга меҳрибонлик кўрсатди.

Ажал етиб ҳижратнинг 106 йили вафот этганида Мадинаи Мунаввара маҳзунликдан ларзага тушди. Унинг вафоти ҳақидаги хабар ҳар бир қалбга андуҳ солди ва ҳар бир ёноқдан ёш оқизди. Одамлар унинг жанозасига денгиздек ёпирилиб келдилар, бирон киши қолмай ҳамма унинг жанозасига ҳозир бўлди.

Ўша кунлари Ҳишом ибн Абдулмалик Мадинада эди. У ҳам жанозага ҳозир бўлди. Одамларнинг кўплиги ва уларнинг тиқилинчини кўриб, даҳшатга тушди ва ўзига ўзи савол берди: “Воажаб, мусулмонлар халифаси шу шаҳарда вафот этиб қолса, мана шу одамларнинг қанчаси унинг жанозасига ҳозир бўларкин-а?!”.

Сўнгра Мадинадаги волийси Иброҳим ибн Ҳишом Махзумийга қараб: “Мадина аҳли зиммасига чегара ҳимояси учун тўрт минг одам юбориш мажбуриятини юкла”, деб амр этди.

Шу боис бу йил “Тўрт минглик йили”, деб аталди.

## Абдурраҳмон Ғофиқий

### Андалус амири

“Абдурраҳмон Ғофиқий олийҳимматлик ҳамда буюк мақсад сари интилишда Мусо ибн Нусайр ва Ториқ ибн Зиёднинг ўзгинаси эди”.  
(Тарихчилар)

Мўминлар амири ва хулафои рошидинларнинг бешинчиси бўлмиш Умар ибн Абдулазиз ўзидан олдинги халифа Сулаймон ибн Абдулмаликнинг дафнидан фориг бўлгач, аввалда сайланган волийлар ишини қайта кўриб чиқа бошлади. Уларнинг айримларини ўз жойида қолдирса, айримларини эса мансабидан озод этди. Мансабга тайин этилганларнинг аввалида Самх ибн Молик Хавлоний турарди. Умар ибн Абдулазиз уни Андалус ва унга қўшни бўлган, Франциянинг фатҳ қилинган шаҳарларига волий этиб тайинлади.

Янги амир Андалусга етиб бориб сафар анжомларини қўяр-қўймай, ишончли ва содиқ ёрдамчилар излашга тушди. Атрофидаги кишилардан: “Бу диёрларда тобеинлардан бирорталари қолганми?”, деб сўради. Улар: “Ҳа, эй амир, орамизда улуғ тобеин Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ Ғофиқий борлар”, дедилар. Кейин у кишининг Қуръон ва ҳадисдаги чуқур билими, жиҳод майдонларида қаҳрамонликлари, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга завқ-шавқлари ва фоний дунёдан зоҳидликлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар ҳамда унинг улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо билан бирга кўп бўлгани ва ундан анча илм олгани ва ундан чиройли ўрнак олганликларини ҳам илова қилдилар.

Самх ибн Молик Абдурраҳмон Ғофиқийни ўз ҳузурига чорлади. Улуғ тобеин келганида уни иззат-икром билан кутиб олиб, ўз ёнига ўтказди ва бир неча соат суҳбат давомида ўзини қизиқтирган нарсалар ҳақида сўраб, муаммоли ишлар ҳақида маслаҳат олди. Шу аснода унинг имкониятини чамалаб, қобилиятига ҳам баҳо берди. Унинг билими одамлар айтгандан кўра зиёдроқ экан. Ва шу мажлиснинг ўзидаёқ унга Андалуснинг катта шаҳарларидан бирига волийликни таклиф қилди.

Абдурраҳмон Ғофиқий: “Эй амир, мен оддий одамлардан бириман, холос. Бу диёрга мусулмонларнинг чегарасида қўриқчилик қилиш мақсадида келганман. Жонимни Аллоҳнинг розилиги учун бағишлаганман ва Ер юзида Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун қўлга қилич олганман. Модомики ҳақ устида бўларкансиз, сизга соянгиздан яқинроқ бўламан, Аллоҳ ва Росулига итоат қиларкансиз, сизга бармоқларингиздан кўра итоатлироқ бўламан, иншааллоҳ. Бунинг учун амирлик ҳам, волийлик ҳам керак эмас.

Ҳеч қанча вақт ўтмай Самх ибн Молик Хавлоний Францияни тўлалигича фатҳ қилиш, уни буюк Ислом давлатига қўшиш ва унинг бепоён ерлари орқали Болқон давлатларига йўл очиш, Болқон ерлари орқали эса Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг башоратларини рўёбга чиқариб Константинопольга ўтиш учун ғазот қилишга азм қилди.

Бу олий мақсадни амалга оширишдаги биринчи қадам ННарбон шаҳрини забт этишга боғлиқ эди. Чунки Нарбон шаҳри Андалусга қўшни Франция шаҳарларининг энг каттаси ҳисобланарди. Муслмонлар Пиреней тоғларидан тушиб борарканлар, шаҳар уларнинг кўз ўнгида худди баҳайбат дев каби катталашиб кўрина бошлади. Энг муҳими, у Франциянинг калити ва уни мақсад қилганлар учун йўл ҳам эди.

Самх ибн Молик Хавлоний Нарбон шаҳрини қамал қилди, сўнгра унинг аҳлига Исломни қабул қилиш ёки жизя тўлашни таклиф этди. Бу таклиф уларга оғир ботди ва уни қабул қилмадилар. Шундан сўнг у уларга кетма-кет ҳужум қила бошлади. Манжаниқлар билан ўққа тутди ва ниҳоят тўрт ҳафта давом этган, Оврўпа бундан олдин унинг мислига гувоҳ бўлмаган қаҳрамонона жангдан сўнг, қадимий ва мустаҳкам Нарбон шаҳри забт этилиб, муслмонлар қўлига ўтди.

Бу ғалабадан сўнг музаффар қўмондон ўзининг кўп сонли лашкари билан Октон минтақасининг пойтахти Тулуза шаҳрига юриш бошлади ва шаҳар атрофига айлантриб манжаниқлар ўрнатиб чиқди. Овропа бундан олдин ўхшашини кўрмаган жанг қуроллари билан шаҳарни ўққа тутта бошлади. Мустаҳкам, метин қалъали шаҳар қўлга ўтишига бир баҳя қолганида, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган воқеъа содир бўлди. Келинлар, ўша жанг тафсилотларини тавсифлаб бериши учун сўзни Франциялик шарқшунос Ренога берайлик.

Рено айтади: “Жанг муслмонлар фойдасига ҳал бўлай деганда, Октон минтақасининг герцоги, муслмонларга қарши жанг қилишга оммавий сафарбарлик эълон қилди. Оврўпанинг у четидан бу четигача чопарларини юборди. Қирол ва шоҳларни диёрларининг босиб олиниши, аёллари ва болаларининг асир қилинишидан огоҳлантирди. Унинг бу чақириғидан сўнг Оврўпадаги ҳар бир халқ ва миллат ўзларининг энг кўчли ва кўп сонли аскарлари билан ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бундай тиш-тирноғигача қуролланган ва сон-саноқсиз лашкар дунё тарихида кўрилмаган эди. Ҳатто уларнинг қадам ташлашларидан кўтарилган чанг-тўзон боис Ренн минтақасида қуёш кўринмай қолди.

Икки лашкар бир-бирига яқинлашганини кўрган одамларга, гўё икки томондан улкан тоғлар бир-бирига йўлиқаётгандек бўлиб туюлди. Ва ниҳоят икки лашкар ўртасида мисли кўрилмаган, шиддатли жанг бошланди. Самх биз уни “Зама” дер эдик, лашкарларимиз кўз-ўнгига жанг

майдонининг ҳар тарафида пайдо бўларди. Ўз лашкарларининг олдида у ёқдан бу ёққа от чоптириб уларни жангга шижоатлантлар эди. У шу ҳолатида от чоптириб юрганида камондан отилган ўқ тегиб отидан ерга қулаб тушди. Ўз қўмондонларини ер узра жонсиз ҳолда ётганини кўрган муслмонларнинг билакларига мадорсизлик ўрмалай, сафларида эса тарқоқлик кўрина бошлади. Бизнинг шиддатли лашкаримиз олдида уларни таг-туги билан қириб ташлаш имкони пайдо бўлди. Бироқ муслмонларга Раббоний марҳамат етиб, уларнинг ишларини - Овропа унинг Абдурраҳмон Ғофиқий эканини кейинчалик таниган - моҳир қўмондон ўз қўлига олди. У оз йўқотишлар билан лашкарни жанг майдонидан олиб чиқиб Испанияга қайтиб кетди. Лекин у қайтиб устимизга юриш қилишни дилига туккан эди”. (Иқтибос тугади).

Ойдин кечаларда тўлин ойни тўсиб турган булутлар тарқалиб кетганини кузатганмисиз. Ўшанда йўловчилар ой нуридан фойдалансалар, адашганлар ой нурида йўлларини топиб оладилар.

Ҳудди шунга ўхшаш Тулуза жанги Исломнинг нодир қаҳрамонларидан бири Абдурраҳмон Ғофиқийни кўрсатиб қўйди.

Саҳрода қолиб ташналиқдан ўлаётган одамларга сароб сувдек кўринишини биласизми? Ўлимдан сақланиш учун ундан бир хўплам бўлса ҳам ичишга зорланиб қўлларини чўзадилар. Шу каби муслмон лашкарлари ҳам нажот излаб янги қўмондонга қўлларини чўздилар, қулоқ солиб, итоат қилишга байъат бердилар. Бунинг ҳайратланарли жойи йўқ, зеро Тулуза жанги муслмонлар Оврўпага қадам босганларидан бери уларга етган илк оғир жароҳат эди. Абдурраҳмон Ғофиқий мана шу жароҳатга малҳам бўлди, қучоғини тўла очиб лашкарни ғамхўрлик ва иноят билан бағрига босди ва қалбларга шодлик, сурур улашди.

Муслмонлар Францияда йўлиққан зарар ва мағлубият ҳақидаги хабар Дамашқдаги хилофат қалбини қайғуга ботирди. Шижоатли, қаҳрамон қўмондон Самх ибн Молик Хавлонийнинг вафоти унинг қалбида қасос олиш учун ғазаб ўтини алангалантирди. Лашкарнинг Абдурраҳмон Ғофиқийга берган байъатини ўз кучида қолдиришга амр қилди ва унга Андалуснинг бошидан охиригача, Франциянинг фатҳ қилинган шаҳарларининг барчасини топширди. Тўғри деб билган ишни дарҳол бажариши учун унга эркинлик ҳам берди. Бунинг ажабланарли ери йўқ, зеро Абдурраҳмон Ғофиқий ўйлаб иш қиладиган, қатъиятли, тақводор, соф қалбли, доно ва жасур инсон эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий зиммасига Андалус амирлиги юклатилган кундан эътиборан аскарларнинг ўзларига бўлган ишончларини тиклаш, уларга азизлик, куч-қувват ва ғолиблик туйғуларини қайтариш ва Мусо ибн Нусайрдан бошлаб то Самх ибн Моликга қадар бўлган Андалус



қўмондонлари ўз олдиларига қўйган буюк мақсадни рўёбга чиқариш устида ҳаракатни бошлаб юборди. Ана шу қаҳрамон фидоий инсонларнинг ҳимматлари Франциядан Италия ва Олмонияга қадар, у ерлар орқали Константинопольга ўтиш ва Ўрта ер денгизини Ислом денгизига айлантириб, Рум денгизи ўрнига Шом денгизи деб номлашга боғланган эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий катта жангларга тайёргарлик инсон ўзини ислоҳ қилиш ва поклашдан бошламоғи лозим эканига ва ҳар бир уммат ғалабага эришиш учун ичидан бўлиниб дарз кетмаган қўрғон бўлсагина қодир бўла олишига ишонар эди. Шунинг учун Андалусни шаҳарма-шаҳар айлана бошлади. У жарчиларга: “Кимнинг ҳоким, қози ё оддий инсонлар устида ҳаққи бўлса амирга мурожаат қилсин. Бунда мусулмонлар билан зиммийлар ўртасида фарқ йўқ”, деб эълон қилишларини амр этди.

Сўнгра келган шикоятларни шахсан ўзи бирма-бир кўриб чиқиб, кучлидан кучсизга, золимдан мазлумга ҳаққини олиб берди.

Кейин босиб олинган ва янги қурилган канисалар ишини тафтиш қилиб, аҳдлашилган ҳақларни эгаларига қайтарди, пора эвазига қурилганларини буздириб ташлади.

Сўнг шаҳарлар волийларини бирма-бир текшириб чиқди. Хиёнати ва қинғирлиги исботланганларни ишдан бўшатди, унинг ўрнига ҳикмати, эпчиллиги ва солиҳ инсон эканини аниқлаган кишиларни тайинлади.

Қайси бир шаҳарга бормасин, шаҳар аҳлини масжидга йиғиб уларга ваъз-насихат қилар, уларни жиҳод қилиш, Аллоҳнинг йўлида шаҳидликка эришиш, Унинг розилиги ва ажр-мукофотидан умидвор бўлишга тарғиб қилар эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий сўз билан ишни, орзу билан амални мувофиқлаштира олди. Волийлик зиммасига тушган илк лаҳзаларданоқ тайёргарликка қаттиқ аҳамият берди. Қурол аслаҳаларни такомиллаштирди, истеҳкомларни янгилади, қўрғон, кўприк ва тўғонлар қурдирди. Барпо қилганлари ичида энг каттаси Андалус потахтидаги Қуртуба кўприги бўлди. Қуртуба дарёси устига қурилган кўприк одамлар ва лашкарлар ўтишини таъминлашидан ташқари шаҳар ва одамларни сув тошқинларидан ҳам сақлар эди. Бу кўприк дунё ажойиботларидан бири саналади. Унинг узунлиги саккиз юз қулоч атрофида бўлиб, баландлиги отмиш ва эни йигирма газдир. Кўприк аркаларининг сони ўн еттита ва унинг мустаҳкамлигини тامينлайдиган устунлари эса ўн тўққизтадир. Бу кўприк бугунги кунимизда ҳам мавжуд бўлиб, ундан Испания халқи фойдаланиб келмоқда.

Абдурраҳмон Ғофиқий қайси шаҳарга борса, албатта ўша шаҳарнинг обрўли кишилари ва лашкарбошиларни йиғиб фикрларини олар эди. Улар

айтган ҳар бир сўзга бутун вужуди билан қулоқ солар, таклифларини ёзиб олиб, маслаҳатларидан фойдаланар ва кам гапириб, кўп эшитишга ҳаракат қиларди. У мусулмонларнинг катталари билан кўришгани каби, зиммийларнинг ҳам катталари билан кўришиб, юртларининг ўзига номаълум бўлган тарафлари ҳамда қирол ва қўмондонлари ҳақида фикрини чулғаб ётган нарсалар ҳақида сўрарди.

Бир кун Франциялик зиммийларнинг катталаридан бирини ҳузурига чақиртириб, у билан турли мавзуларда суҳбатлашди. Суҳбат асносида: “Нима учун қиролингиз Шарл бизга қарши урушга киришмайди ва бизга қарши минтақалар шоҳларига ёрдам ҳам бермайди?”, деб сўради.

Бунга жавобан зиммий деди: “Эй амир, сизлар бизга берган аҳдингизга вафо қилдингиз, шунинг учун сизлар ҳам саволингизга тўғри жавобни олишга ҳақлисиз. Сизнинг катта қўмондонингиз Мусо ибн Нусайр Испанияни тўлиқ қўлга олгач, Андалус билан бизнинг гўзал диёримизни ажратиб турувчи Пиреней тоғларидан ошиб ўтишга киришганида, минтақалар шоҳлари ва руҳонийлари бундан қўрқиб буюк қиролимизга мурожаат қилиб келдилар ва: “Эй қирол, асрлар оша биз ва авлодларимизга етадиган қандай иснод бу, ахир! Мусулмонлар борлигини эшитган эдик, улар бизнинг устимизга шарқ тарафдан ҳужум қилиб келишидан хавсираб юрардик. Лекин улар бизга ғарбдан бостириб келмоқдалар. Испанияни тўлиқ қўлга олдилар, у ердаги қурол-яроғ ва барча нарсага эга чиқдилар. Энди эса ўртаимизни тўсиб турадиган тоққа ҳам кўтарила бошладилар. Ва ҳолбуки ададлари жуда оз, қуроллари ҳам жуда яроқсиз, аксарларининг қиличдан сақлайдиган қалқони ҳам, жанг майдонига ёриб кирадиган оти ҳам йўқ”, дедилар.

Шунда қиролимиз: “Сиз ўйлаётган бу нарсалар ҳақида мен ҳам кўп фикр қилдим. Ва шунга амин бўлдимки, шу кунда мусулмонларнинг юришига биз қарши тура олмаймиз. Улар ҳозир оқизиб кетувчи сел каби, йўлига тўғаноқ бўлган барча нарсани илдизи билан қўпориб олиб, хоҳлаган ерига улоқтириб ташлай оладилар. Мусулмонлар ўз ақида ва ниятларига эга қавм эканини топдим. Уларнинг мана шу ақида ва ниятлари ҳар қандай адад ва қуроли кўп бўлиш, иймон ва садоқатлари эса, қалқон ва от-улов ўрнини бемалол боса олади. Бироқ, сизлар уларнинг қўллари ғаниматга тўлғунига, ўзларига қасрлар қуриб, чўрию хизматкорларни кўпайтиргунларига ва мансаб талашиб бир-бирлари билан рақобатлашгунларига қадар қўйиб беринглар, ана шунда осонлик билан машаққатсиз уларни мағлуб этасиз”, деб айтган эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий маҳзунликдан бошини ҳам қилганча жим қолди, кейин чуқур ҳўрсинди ва суҳбатга якун ясаб: “Намоз вақти бўлиб қолди, қани намозга кетдик”, деди.

Абдурраҳмон Ғофиқий катта жанг учун тўлиқ икки йил тайёргарлик кўрди. Лашкарни тартиблади, ҳиммат ва ғайратларини чархлади, қалбларни иймон билан обод қилди. Африка амиридан ёрдам сўрагани, у жиҳод шавқида, шаҳидлик орзусида ёнаётган, жангчиларнинг энг сараларини унга юборди.

Сўнгра чегара минтақаларининг амири Усмон ибн Нусъага чопар юбориб, катта лашкар билан боргунига қадар, душманни енгил ҳужумлар билан чалғитиб туришни амр этди. Лекин бу Усмон деганлари, буюк мақсад сари интилувчи, журъат билан катта ишларга киришиб, халқ орасида номи чиқиб, бошқа амир ва волийлар унинг сояси остида қолиб кетадиган олийҳиммат амирларга нисбатан ҳиқду ҳасади бор инсон эди. Бунинг устига Усмон Францияга қарши қилган ҳужумларининг бирида, Октан герцогининг қизи Мининани қўлга киритган эди. Минина ёш ва гўзал қиз бўлиши билан бирга эркатой малика ҳам эди. Унинг ёш, гўзал ва жозибадорлигига сарой қизларида бўладиган таннозлик ҳам қўшилган, хуллас буларнинг бари жам бўлиб, Усмоннинг қалбини эгаллаб ўзига ром қилиб қўйгани. Усмон ақлдан озар даражада уни севиб қолди. Минина Усмоннинг ҳузурида бирон хотин етишмаган ҳурмат ва эътиборга эришди. У бундан фойдаланиб Усмонни отаси билан омонлик аҳди тузишга кўндирди. Усмон Мининанинг отаси герцог билан аҳд тузиб, унда Андалусга чегарадош бўлган унинг минтақасига мусулмонлар ҳужум қилмаслигига кафолат берди. Шу сабаб қайнотаси бўлмиш Октан герцогининг диёрига ҳажум қилиш тўғрисидаги Абдурраҳмон Ғофиқийнинг амри келганида, нима қиларини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Дарҳол, Октан герцоги билан аҳд тузганлиги ва бу аҳдлашувнинг муддати тугамагунига қадар ҳужум қила олмаслигини баён қилиб, жавоб хати ёзиб юборди.

Хатни ўқиб ғазабдан ёнган Абдурраҳмон Ғофиқий Усмонга яна мактуб йўллаб, қуйидагиларни ёзди: “Амирингга айтмасдан фаранг билан тузган аҳдинг на амирингга ва на мусулмон лашкарининг зиммасига бирон нарсани юкламайди, унга амал қилиш мажбурияти йўқдир. Шунинг учун ҳеч иккиланмай сенга буюрган амримни бажаришга кириш”.

Усмон ибн Абу Нусъа амирни ўз қароридан қайтишга кўндира олмагач, қайнотасига одам юбориб, ҳолатни тушунтирди ва эҳтиёт чорасини кўришга чақирди.

Лекин, Усмон ибн Абу Нусъанинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган Абдурраҳмон Ғофиқийнинг одамлари, унинг душман билан боғлангани хабарини амирга етказдилар.

Абдурраҳмон Ғофиқий шошилини тарзда энг кучли жангчилардан кичик бир катиба тайёрлаб, унга синалган паҳлавон жангчини бош қилиб

тайинлади ва унга Усмон ибн Абу Нусъани тириги ё ўлигини бўлсин олиб келишга амр этди. Юборилган лашкар Усмон ибн Абу Нусъанинг лашкаргоҳига тўсатдан ҳужум уюштириб, мақсадлари ҳосил бўлишига бир баҳя қолганда, ҳужумдан хабар топиб қолган Усмон, бир қанча одамлари билан тоғ томон қочишга улгуриб қолди. Табиийки у билан бирга, ундан ҳеч ажрамайдиган хотини Минина ҳам бор эди. Катиба уларни таъқиб этиб қувди, этиб олиб уларни қуршаб олди. Шер боласини ҳимоя қилганидек Усмон ҳам ўзини ва хотинини ҳимоя қилишга тушди, охир-оқибат хотинининг олдида қатл қилинган ҳолда йиқилди. Танасида сон-саноксиз қилич ва найза зарбалари бор эди. Аскарлар унинг бошини кесиб олдилар ва гўзал маликаси билан бирга Абдурраҳмон Ғофиқийнинг ҳузурига олиб келдилар. Гўзал, соҳибжамол маликани кўрган Абдурраҳмон Ғофиқий кўзини ундан олиб қочди ва юзини бошқа тарафга бурди. Кейин маликани хилофат пойтахтига тухфа этиб юборди. Шундай қилиб фаранглик гўзал маликанинг ҳаёти, Дамашқда Умавийлар қасрида ниҳоясига етди.

## Абдурраҳмон Ғофиқий

### “Балотуш-шухадо” (Шаҳидлар қасри) жангининг қаҳрамони

“Агар ёввойи Карл Мартеллнинг мусулмонлар ва уларнинг қўмондони Абдурраҳмон Ғофиқий устидан ғалабаси бўлмаганида, Испания Ислом динининг бағри кенглигидан баҳра олган ва Оврўпанинг тараққиёти саккиз асрга кечикмаган бўлар эди”. (Фаранг тарихшуноси)

Инглиз шоири “Сюзий”, Андалуснинг фатҳидан сўнг Оврўпага ҳужум қилган мусулмон лашкарини сифатлаб бундай деган эди, шеърнинг мазмуни:

“Улар сон-саноқсиз, беҳисоб... Араб, Барбар, Рум ҳам бор.  
Форс, Қибт, Татар устларида бир байроқ, бир байроқдор.  
Жамлади уларни қаҳрамон ботир иймонли қасоскор,  
Олов каби ҳамият ва биродарлик одам ажратмас зинҳор.  
Ғалаба нашъасин тортган лашкар, қўмондон,  
Яна ғолиб бўлишга ишонди чунон.

Қаршисида ҳеч нарса туролмас куч-қувват билиб,  
Бу лашкарга заҳмат етмас деб, ишондилар ўша он.  
Доимо қизиққон йигитдир, йўлга чиққандек илк он.  
Инондилар қайга борса ғалаба-нусрат булур ёр.  
Мағлуб Ғарб Шарқ каби бўлгунча ҳар дам олдинга ундар.  
Муҳаммад исмини улуғлаб, бошларни эгдириб қўяр.  
Шимолий Қутбдан чиққан Ҳожилар, иймон қадамлари билан,  
Араб Саҳросига сочилган иссиқ қумларни босиб,  
Макканинг қаттиқ тошлари устида тургунига қадар”.

Эй шоир, айтган гапларингда сен ҳақиқатдан узоқ ёки хаёл водийларида адашиб юрган эмас эдинг.

Дарҳақиқат ўзинг сифатлаганингдек, ота-бобонг ботиб кетган жоҳилият ботқоғидан олиб чиқиш учун йўлга чиққан, Аллоҳга боғланиш билан қувватли бўлган ва устингизга юриш қилган мужоҳид жангчилар ичида Шом, Ҳижоз, Нажд, Яман ва Араб ярим оролидаги барча ерлардан келган Араблар бор эди...

Улар ичида Ислом билан азиз бўлган, тошларни ҳам оқизиб кетучи сел каби, Атлас тоғидан устингизга сел бўлиб оққан Барбарлар бор эди...

Улар ичида Кисролар бутпарастлигидан ақллари нафратланган, Тавҳид динига ва Аллоҳ йўлига қайтган Форслар бор эди...

Улар ичида Румликлар ҳам бор эди... Сен уларни Хавориж (халқига қарши чиққанлар) дебсан. Бироқ улар зулм ва зулматга қарши чиққан,

осмонлар ва ернинг нури бўлган Зот тарафга ўтган ва Ҳақ динга йўллангандирлар.

Ҳа, у лашкарда оналари туққанидаги каби озод-хур бўлиб Ислом бағрида яшаш учун, Қайсарлар (Рум шоҳлари)га қул бўлишдан ўзларини халос қилган Қибтийлар бор эди...

Тўғри, аждодларингни жоҳилиятдан қутқариш учун чиққан қўмондон Абдурраҳмон Ғофиқий ва унинг маслақдошлари етакчилигидаги армия оқ ва қора танли, араб ва ажамлардан ташкил топган эди. Лекин уларнинг барчалари Ислом қозонида эриб, Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан ака-ука бўлиб кетган эдилар.

Ҳа, уларнинг истаклари, сен айтганингдек, Шарқни Ислом динига киргизганлари каби, Ғарбни ҳам Аллоҳнинг динига киритиб, башариятнинг барчасини фақат инсонлар Илоҳига бош эгдириш эди. Ислом нури ерларингизнинг пасту баландига тарқалса, унинг қуёши уйларингизнинг ҳар бирида порласа, адолати эса шоҳларингиз ила авом халқ орасида тенгликни пайдо қилса... Улар мана шу истаклар билан сизларни ҳидоят топишингиз ва дўзахдан қутилишингиз учун, жонларини Аллоҳга топширдилар.

Сизларга мана шу лашкар ва унинг қаҳрамон қўмондони Абдурраҳмон Ғофиқий ҳақидаги сўнги қиссани ҳавола қиламиз.

Октан герцогига кўёви Усмон ибн Абу Нусъанинг аянчли ўлими ва гўзал қизи Мининанинг мудҳиш ниҳояси ҳақидаги мудҳиш хабар етиб келганида, у уруш бонги чалингани ва Ислом шери Абдурраҳмон Ғофиқий бугунми эрта диёрига кириб келишини англаб етди. Шунинг учун ерининг ҳар бир қаричини ўлгунча ҳимоя қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Ўз жонини ва мамлакатини сақлаб қолиш учун мардона курашишга отланди. У ҳам қизи каби хилофат маркази Шомга асир қилиб олиб кетилишидан ё бўлмаса Испания қироли Родерихнинг куни бошига тушиб, танасидан жудо қилинган калласи Дамашқ бозорида патнисга солиб айлантириб олиб юрилишидан жуда-жуда қўрқар эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий герцогнинг гумонини ёлғонга чиқармай, ўзининг кўп сонли жангчилари билан Андалуснинг шимолидан шамол каби елиб кела бошлади ва Пиреней тоғлари оша Франция жанубига сел каби бостириб кирди. Аскарларининг сони тақрибан юз минг атрофида бўлиб, ҳар бири шер юрак баҳодир йигитлар эди.

Ислом лашкари Рона дарёсининг бўйида жойлашган Арль шаҳрига қараб юрдилар. Уларнинг бу шаҳар аҳолиси билан алоҳида ҳисоб-китоблари бор эди. Сабаби Арль аҳолиси мусулмонлар билан жизя тўлаб туришга сулҳлашганди. Мусулмонлар қўмондони Самх ибн Молик

Хавлоний Тулуза жангида шаҳид бўлгач мусулмонларнинг заифлашганини кўрган Арль аҳолиси аҳдни бузиб жия тўлашдан бош тортишган.

Абдурраҳмон Ғофиқий шаҳар яқинига етиб келгач, Октан герцоги катта қўшинни ҳозирлаб, чегарага териб қўйгани ва Ислом ҳужумини қайтаришга шай турганини кўрди. Кўп ўтмай икки қўшин ўртасида ғоят қаттиқ, қирғинбарот жанг бошланиб кетди. Абдурраҳмон Ғофиқий лашкарининг ичидаги, душман қанчалик яшашни яхши кўрса, улар ўлимни шундай яхши кўрадиган бир қанча катибани олдинга ўтказди. У шундай қилиб душманни саросимага солди, сафларини бўлиб ташлади ва ғазаб отига минган ҳолда шаҳарга кириб, шаҳар аҳлини бирма-бир қиличдан ўтказди. Ҳисобсиз ғаниматларни қўлга киритди. Герцог эса ўзининг тирик қолган лашкари билан қочишга улгуриб, яна қайта мусулмонларга қарши жанг қилишга тайёргарлик кўра бошлади, чунки у Арль жанги йўлнинг охири эмас, балки бошланиши эканини яхши билар эди.

Абдурраҳмон Ғофиқий ўзининг кўп сонли лашкари билан Гаронна дарёсидан кечиб ўтди. Унинг музаффар лашкарлари Октан минтақасининг ҳар томонида кезиб чиқдилар. Кузги шамолда дарахтлар барги тўкилгани каби, бирин-кетин шаҳар ва қишлоқлар мусулмон лашкар отларининг тўёқлари остига йиқила бошлади. Мусулмонлар аввалда қўлга киритган ғаниматларга яна кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаниматлар қўшилди.

Октан герцоги яна бир бор бу катта қўшинга қарши чиқиб, мусулмонлар билан қаттиқ жанг қилишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бу сафар ҳам мусулмонлар унинг армиясини янчиб ташладилар. Қанчаси ўлдирилди, қанчаси асир олинди, қўлга тушмаганлари тумтарақай қочиб қолди.

Сўнг мусулмонлар Франциянинг катта шаҳарларидан бири, ўша вақтда Октан вилоятининг пойтахти бўлган Бордо шаҳрига юриш бошладилар. Даҳшат жиҳатидан ўтган жанглардан кам бўлмаган қирғинбарот жанг бошланди. Бу жангда ҳужум қилувчилар ва ҳимояда турганлар ҳам одамни лол қолдирадиган даражада қаҳрамонлик кўрсатдилар. Охир-оқибат бу катта шаҳар ҳам забт этилиб, мусулмонлар қўлига ўтди, қатл қилинганлар қаторида унинг ҳокими ҳам қатл этилди. Қўлга киритилган ғаниматларнинг кўплигидан аввал олинган ўлжаларнинг барчаси мусулмонларнинг кўзларига оздек кўриниб қолди. Бордонинг олиниши, бошқа кўпгина шаҳарларнинг қўлга киритилишига калит вазифасини бажарди. Булардан энг муҳимлари Лион, Безансон ва Санс шаҳарлари бўлиб, Санс шаҳри Париждан бир юз олтмиш километр узоқликда эди холос.

Бир неча ой ичида Франциянинг ярми Абдурраҳмон Ғофиқийнинг қўли остига ўтгани, Оврўпанинг бошидан оёғига ларзага солди. Кутилмаган бу хатар Францияликлар кўзларини каттароқ очиб қўйди. Шарқдан келаётган бу даҳшатли хатарга қарши туриш учун, жарчилар ҳар ерда қодир бўлсин,

ожиз бўлсин барчани даъват этдилар. Қилич топилмаса кўкракни қалқон қилиб душманни даф қилишга, қурол-аслаҳа тугаб қолса жасадлари билан бўлса ҳам унинг йўлини тўсишга чақирдилар. Бу чақириққа Оврўпа ижобат этди. Одамлар қўлларига илинган тошми, шохми, паншахами, топган нарсаи билан қуролланиб Карл Мартел байроғи остига бирлашдилар.

Бу вақтда мусулмон лашкари Франциянинг ривожланган, аҳолиси кўп, бинолари ҳам пишиқ ва бой тарихга эга бўлган Тур шаҳрига етиб келганди. Тур шаҳри ҳашаматли, улкан ва қимматбаҳо нафис тошлар билан безатилган каниса ва осори атиқалари билан ҳам Оврўпа шаҳарлари орасида алоҳида ўрин тутар эди.

Мусулмонлар Тур шаҳрини бўйинга солинган сиртмоқ каби ўраб олиб, ажал келганида ўлимнинг чанг солиши каби унга ёпирилдилар. Уни фатҳ қилишда молу жонларини аямадилар ва тезда Карл Мартелнинг кўз ўнгида Тур шаҳри ҳам забт этилди.

Ҳижратнинг 104-йил Шаъбон ойининг охириги ўн кўнида Абдурраҳмон Ғофиқий ўзининг кўп сонли қўшини билан Пуатье шаҳрига ҳужумга ўтиб, мана шу ерда Карл Мартел қўмондонлиги остидаги Оврўпанинг сон-саноксиз қўшинига тўқнаш келдилар. Икки катта қўшин орасида фақат мусулмонлар ёки Франция тарихидагина эмас, балки бутун башарият тарихидаги ҳал қилувчи жанглардан бири бўлиб ўтди, ва бу жанг “Балотуш-шухадо” “Шаҳидлар қасри” номи билан тарихга кирди.

Ўша пайт мусулмонлар музаффарликнинг чўққисига чиққан кунлар бўлиши билан бирга, ёмғир каби ёғилиб келган ғаниматлар билан елкалари оғирлашган, сандиқлари мол-дунёга тўлиб тошган ҳам эди. Абдурраҳмон Ғофиқий бундай катта миқдордаги бойликка хавотир ила қарар, лашкарга ёмон таъсир қилиши, душманга йўлиқилганда, хусусан оғир дамда уларнинг қалбларига ғулғула солиб қўйишидан, бир кўзи билан қаршисидаги душманга, иккинчи кўзи билан қўлидаги ғаниматга қараб чалғиб қолишидан хавсирар эди. У лашкарни бу катта бойликдан халос бўлишга амр этмоқчи ҳам бўлди, бироқ жангчилар саховатпешалик қила олмай, бу қарордан норози бўлиб қолишларидан чўчиди. У кўп ўйланди, охири жанг бошланмасидан олдин ғаниматларнинг барини лашгаргоҳ орқасидаги махсус чодирларда сақлашга амр этди.

Икки катта қўшин, ҳудди икки буюк тоғ мисоли, бир-бирига юзланганча бир неча кун пайт пойлаб ҳаракатсиз туриб қолди. Иккиси ҳам бир-биридан ҳайиқиб, душманга йўлиқишдан олдин минг бор ҳисоб қилиб, режалар тузарди. Абдурраҳмон Ғофиқий бу ҳолат чўзилиб кетганини, ҳамда ўз лашкарида дадиллик ва шижоатни кўргач, лашкарининг фазилати ва ғалаба қилишдаги толеига яхши гумон қилиб, биринчи бўлиб ҳужумга ўтишни маъқул деб топди.



Абдурраҳмон Ғофиқий отлиқлари билан душман сафларига шер каби ташланди, бироқ душман ҳам мустаҳкам тоғлар каби бардош бериб, бу ҳужумни қайтара олди. Шундай қилиб тарози палласининг бирон тарафи босмай жангнинг биринчи куни тугади. Икки тарафни жанг майдонидан қоронғи тушишигина айирди.

Иккинчи куни жанг яна давом этди. Мусулмонлар душман устига бир неча бор мардонавор ҳужумлар уюштиришди, бироқ душманга қониқарли талофат етказа олмадилар. Шу зайлда кечган оғир жанглар узлуксиз етти кун давом этди. Саккизинчи куни мусулмонлар душман устига қаттиқ бостириб бориб, душман сафини ёриб ўтишга муваффақ бўлдилар ва қоронғи кеча ортидан субҳ нури кўрингани каби, уларга ҳам ғалаба ялт этиб кўрингандек бўлди. Шу пайт душманнинг бир бўлинмаси мусулмонлар ғаниматларини сақлаб қўйган чодирларга ҳужум қилди. Ғаниматлари душман қўлига тушиб қолиши мумкинлигини кўрган мусулмонларнинг кўплари, душмандан уни асраб қолиш учун ортга юра бошладилар. Бу уларнинг сафларини бўлди, кучлари кетди ва лашкар заифлашди. Жасур қўмондон Абдурраҳмон Ғофиқий ортга кетаётганларни қайтариб, ҳужумга ўтганларни эса ҳимоялаш ва душман ёриб кириши эҳтимоли бўлган ерларни тўсишга тушди. У ўзининг ола оти билан жанг майдонида ортга кетганлар билан ҳужумга ўтганлар орасида елиб юрганида, душманнинг ҳалок этувчи ўқи тегиб, баланд тоғ чўққисидан пастга учиб тушаётган бургут каби, отидан жонсиз ҳолда, шаҳид бўлиб жанг майдонига йиқилди. Мусулмонлар ўз қўмондонларини шаҳид қилинганини кўриб саросимага тушдилар. Душманнинг зарбаси кучайиб кетди, яхшиямки қоронғи тушиб уларнинг ҳужумини тўхтатди.

Тонг отгач Карл Мартел мусулмонлар Пуатье шаҳрини ташлаб чиқиб кетганларига гувоҳ бўлди. У ўзида уларнинг кетидан қувишга журъат топа олмади, агар уларни қувиб етиб олганида, битта қўймай қириб ташлаши муқаррар эди. Бироқ у мусулмонларнинг чекиниши уруш ҳийлаларидан бири бўлиши мумкинлигидан қўрқиб, эришган бу буюк ғалабаси билан кифояланган ҳолда жойида қолишни ихтиёр этди.

“Шаҳидлар қасри” жангги тарихдаги ҳал қилувчи жанглардан бири бўлган эди. Чунки, унда мусулмонларнинг катта умидлари йўққа чиқди ҳамда энг буюк қаҳрамонларидан бирини йўқотдилар. Бу жангда Уҳуд жангининг фожиаси такрорланди... Бир кун мусулмонларнинг қўли баланд бўлса, бир кун душманнинг қўли. Бу Аллоҳнинг қонунидир. Уни ўзгартира олмаган.

“Шаҳидлар қасри” жангидаги фожианинг хабари бутун Ер юзидаги мусулмонлар қалбини ларзага солди. Бундан етган маҳзунлик ҳар бир шаҳар ва қишлоққа ва ҳар бир уйга кириб борди. Ҳали-ҳануз унинг аламли

жароҳати қалбларда қон оқизмоқда. Модомики Ер юзида муслмон бўлар экан бу жароҳатдан қон оқаверади.

Бу чуқур жароҳат ёлғиз муслмонларнинг қалбларинигина азоблаяпти деб ўйлаб қолманг. Йўқ, балки айрим Франциялик оқил кишилар ҳам бу аламда муслмонларга шерикдирлар. Улар аждодларининг Пуатъедаги муслмонлар устидан ғалаба қозонишлари, инсоният бошига тушган катта мусибат, фожиа, Оврўпа учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш ва тараққиётга етган улкан офат деб кўрадилар. “Шаҳидлар қасри” фожиаси ҳақидаги ғарблик олимлардан айримларининг фикрини билмоқчи бўлсангиз Францияда чиқадиган “Риви Парламентер” журналининг мудури Генри де Шампаннинг сўзларига қулоқ тутинг: “Карл Мартеллнинг ёввойи қўшини муслмон арабларни Францияда мағлуб қилмаганида, мамлакатимиз ўрта аср зулматига тушмаган ва у ваҳшийликларга дучор бўлмаган, ирқчилик ва миллатчиликдан келиб чиққан қирғин ва хунрезликларни бошдан кечирмаган бўлар эди. Ҳа, Пуатъеда муслмонлар устидан қозонилган бу ваҳшиёна ғалаба бўлмаганида, Испания Ислоннинг олийжаноблигидан баҳра олган ва таъқиб маҳкамасидан (Фердинанд билан малика Изабелла ўртасида Испаниядаги муслмонларга қарши тузилган маҳкама бўлиб, унда инсониятга қарши тарих пешонасини тириштириб юборадиган жиноятлар содир этилгандир) омонда қолган ва Оврўпанинг тараққиёти саккиз асрга кечикмаган бўлар эди.

Ўша ғалабамиз ҳақида шууримиз ва фикрларимиз ҳар қанча фарқли бўлмасин, биз барибир илм-фан ва саноатда эришган тараққиёт ва ютуқларимизга муслмонлар олдида қарздормиз. Улар комил инсонийлик намунаси бўлган бир вақтда биз ваҳшийлик андазаси бўлганимизни тан олишга мажбурмиз. Биз бугун даъво қилаётган: “Замон айланиб, муслмонлар энди бизнинг ўрта асрлардаги ҳолатимизга етдилар”, дейишимиз, тухматнинг ўзгинасидир”.

## **Нажоший**

Асҳама ибн Абжар

“Нажоший вафот этганида, қабрида нур давомий кўриниб тургани ҳақида гаплашиб ўтирар эдик”. (Мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳо)

Бугунги қаҳрамонимиз тобеинлар ҳақида сўз кетса тобеин, саҳобалар санаб ўтилса саҳобалардан саналган, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан хат ёзишган, вафот этганида Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам унга ғоибона жаноза ўқиган — Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам ундан бошқа бирон кишига ғоибона жаноза ўқимаганлар — нодир шахс Асҳама ибн Абжар Нажошийдир (Форс шоҳлари Кисро, Рум шоҳлари Қайсар деб номлангани каби, Ҳабаш шоҳлари Нажоший деб номланган).

Келинлар ушбу муборак лаҳзаларни ўз қавмининг ва мусулмонларнинг сайидларидан бўлган бу улуғ зот билан бирга ўтказайлик.

Асҳаманинг отаси Ҳабашлар подшоҳи бўлиб, унинг Асҳамадан бошқа фарзанди йўқ эди. Ҳабаш зодагонлари бир-бирларига дедилар: “Подшоҳимизнинг мана бундан бошқа фарзанди йўқ. Демак, бу ҳолат подшоҳни тириклигида заифлаштиради, вафот этганидан кейин унинг мулкани батамом йўқ қилиб бизларни ҳам ёмон оқибат сари етаклаши мумкин. Шунинг учун агар биз подшоҳни қатл қилиб ўрнига укасини ўзимизга подшоҳ қилиб олсак, ҳаётлик чоғида уни қувватлайдиган, вафотидан сўнг муносиб ворис бўладиган ўн иккита ўғли бор”. Шайтон уларни тинмай васваса қилиб хавфсирашларини янада авжига чиқарди, охир-оқибат подшоҳни қатл қилдилар ва унинг укасига байъат бериб ўзларига подшоҳ қилиб олдилар.

Шундай қилиб Асҳама амакисининг қўл остида ўсиб улғайди. Унинг ёшлик чоғиданоқ кўзга яққол ташланган ақл-заковати, фаҳм-фаросати, фасоҳати ва ноёб шахсияти амакисини ҳам лол қолдирганди. У жияни билан фахрланар, унинг ўзига хос фазилатлари сабаб уни ўз ўғилларидан кўра кўпроқ яхши кўрарди.

Кейинчалик шайтон алайҳил-лаъна Ҳабаш зодагонларини яна бир бор васваса қилди улар ўзаро: “Подшоҳлик мана бу болага ўтиб кетса ҳолимизга вой! У подшоҳ бўлиб қолса бизлардан отасининг ўчини олади ва барчамизни қириб юборади”, дедилар ва ҳаммалари бир бўлиб шоҳнинг ҳузурига боришди ва: “Ҳазрат олийлари, Асҳамани қатл қилиб ёки уни юртимиздан бадарға қилиб юбормас экансиз бизнинг қалбларимиз таскин топмайди, хотиржам бўлмайди. Мана, у улғайиб катта йигит бўлиб қолди.

Отасининг ўчини олиб, ҳаммамизни қатл қилишидан хавотирдамиз” дедилар.

Подшоҳ: “Қандай ёмон одамсизлар-а! Кечагина отасини ўлдирган эдингиз, бугун бўлса мендан боласини қатл қилишимни талаб қиляпсизларми? Аллоҳга қасамки бундай қилмайман!”, деди. Улар: “Ундай бўлса уни диёримиздан чиқариб юборайлик”, дейишди.

Подшоҳ заифлигидан уларнинг бу режаларига рози бўлишдан бошқа чора топа олмади.

Асҳамани юртдан чиқариб юборилганига бир ярим кун ўтмасданоқ, хаёлга келмаган ишлар содир бўлди. Осмонни қора булутлар қоплади, қаттиқ чақмоқ чақиб, момақалди роқ гүмбурлади. Жиянидан айрилганига маҳзун бўлиб ўтирган подшоҳнинг бошига яшин тушиб уни ҳалок қилди. Подшоҳнинг кутилмаган вафотидан сўнг ҳабашлар унинг ўғилларидан бирини байъат қилиб ўзларига подшоҳ қилмоқчи бўлдилар. Бироқ, уларнинг орасида подшоҳликка муносиби топилмади. Улар бундан оғир ғамга ботиб, қийин аҳволга тушишди. Ҳабашларга қўшни бўлган қабилалар фурсатдан фойдаланиб уларга ҳужум қилишни мўлжаллаётгани ғамташвишларини янада зиёдалаштирди. Шунда улар бир-бирларига қараб: “Қасамки, кеча диёрингиздан қувиб чиқарганингиз Асҳамагина ишларингизни ўнглаб, давлатингизни сақлаб қола олади. Агар Ҳабашистон сизларга керак бўлса, уни дарҳол ортга қайтаринглар”, дедилар. Сўнгра Асҳамани излашга чиқдилар, уни топиб ватанига қайтардилар. Бошига тож кийдириб унга итоат қилишга аҳд-паймон бердилар ва уни "Нажоший" деб чақира бошладилар. Нажоший мамлакатни ҳикмат билан бошқарди. Халқини ғалаён ва бошбошдоқликдан халос этди. Зулм ва ёмонликка ботган Ҳабаш ерларини, адолат ва яхшиликка тўлдирди.

Нажоший подшоҳлик тахтига ўрнашиб улгурмай Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ ва ҳидоят дини билан юборди. Одамлар бирин-сирин ҳақ пайғамбар даъватига ижобат қилиб, Ислом динига кира бошладилар.

Қурайш қабиласи иймон келтирганларга турли озор ва азиятлар бера бошлади. Мушриклар мўминларга салобатли тоғни ҳам титратиб юборадиган озорларни бердилар, Макка ҳар қанча кенг бўлмасин мўминлар учун тор бўлиб қолди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: “Ҳабашистонда унинг ҳузурида бирон киши зулмланмайдиган подшоҳ бор. Сизлар унинг диёрига боринглар ва Аллоҳ таоло ишларингизни енгиллатиб, бу торликдан чиқар йўл қилгунига қадар, сизларни ўз ҳимоясига олишини ундан илтимос қилинглар”, дедилар.

Шундай қилиб аввалги муҳожирлар карвони Ҳабаш ерлари сари йўл олди. Улар эркагу аёл бўлиб саксон киши эдилар. Улар Ҳабаш ерларида илк

бор хотиржамлик ва барқарорлик завқини тотдилар. Мусаффоликни бузувчилардан йироқ бўлиб ибодат ва тақво ҳаловатидан баҳра олдилар.

Қурайш мушриклари мусулмонлардан саксонтаси Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетганлари ҳақида хабар топиши билан уларни йўқ қилиш ёки Маккага қайтариб олиб келишга киришдилар. Улар Нажоший ҳузурига Қурайш даҳоларидан Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Аби Робиани юбордилар. Улар билан Нажоший ва ҳабаш руҳонийлари ёқтирадиган турли-туман совға-саломлар жўнатдилар.

У иккиси Ҳабашистонга етиб боргач, Нажошийнинг қабулига киришдан аввал ҳабаш Руҳонийлари билан бирма-бир кўришиб, ҳар бирига совға-саломларни бердилар ва: “Ота-бобосининг динидан юз ўгирган, қавмининг бирлигини бузиб ташлаган бизнинг айрим бебош ёшларимиз сизнинг ерингизга қочиб келибдилар. Биз подшоҳга уларни бизга қайтариб бериши ҳақида гапирганимизда, у уларнинг динлари ҳақида суриштирмай уларни бизга топширишини маслаҳат берсангизлар, зеро қавмининг саййидлари уларни ва динларини бошқалардан кўра яхшироқ биладилар”, деб уқтирдилар.

Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Аби Робиа Нажошийнинг ҳузурига кириб, қавми унга сажда қилганидек улар ҳам сажда қилдилар. Нажоший Амр ибн Ос билан олдиндан дўстлик риштаси борлиги учун у иккисини жуда яхши қаршилади.

У иккиси Ҳижоздан келтиришган ҳадялар билан бирга Абу Суфён бошчилигидаги Макка саййидларининг саломини ҳам етказдилар. Нажоший совға саломларни мақтаб, миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра улар мақсадга ўтиб сўз бошладилар: “Эй Подшоҳ ҳазратлари, бизларнинг бир нечта бебош ёшларимиз сизнинг мамлакатингиздан ўзларига бошпана олибдилар. Улар бизнинг динимиздан чиқишган, сизнинг динингизга ҳам киришмаган, балки улар биз ҳам сиз ҳам танимайдиган бир динни олиб келишган. Қавмимиз саййидлари уларни қайтаришингизни сўраб бизни ҳузурингизга юбордилар. Чунки, саййидларимиз улар пайдо қилган дин ва улар чиқарган фитнани яхшироқ биладилар”.

Нажоший Руҳонийларга савол назари билан қаради. Улар: “Тўғри айтишяпди, дарҳақиқат биз улар пайдо қилган динни билмаймиз. Қавмлари уларни ва пайдо қилган нарсаларини яхшироқ билишади” дедилар.

Нажоший: “Йўқ, асло йўқ! Аллоҳга қасамки уларнинг сўзларини эшитмагунимча ва ақидаларини билмагунимча уларни ҳеч кимга топширмайман. Агар ёмонликда бўлсалар қавмларига топшираман, яхшиликда бўлсалар модомики менинг мамлакатимда қолар эканлар,

уларни ўз ҳимоямга оламан ва яхшилик қиламан”, деди. Сўнгра сўзида давом этиб деди: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг менга кўрсатган марҳаматини асло унутмайман. У мени мамлакатимга қайтарди, маккорларнинг макридан ва зўравонлар тажовузидан сақлади”.

Нажоший саҳобаларни ҳамюртлари билан кўриштириш учун ҳузурига чорлади. Саҳобалар хавфсирашиб бир-бирларига: “Динингиз ҳақида сўраб қолса нима деб жавоб берасизлар?” дедилар. Шунда уларнинг бошлиғи: “Аллоҳ азза ва жалла Китобида нима деган бўлса ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Раббилари тарафидан нимани келтирган бўлсалар шуни айтамыз”, деди. Сўнг Нажошийнинг ҳузурига кирдилар. Қарасалар Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Аби Робиа ўтирибди. Рухонийлар ҳам подшоҳнинг ўнг ва чап тарафида қалпоқли чопонларини кийган ва олдларига китоблари очган ҳолда қатор ўтирибдилар.

Подшоҳга салом бериб қатордан жой олиб ўтирдилар. Амр ибн Ос уларга қайрилиб: “Нима учун подшоҳга сажда қилмадинглар?”, деб сўради. Саҳобалар: “Биз фақат Аллоҳгагина сажда қиламыз”, деб жавоб бердилар. Нажоший саҳобалар айтган сўздан ажабланиб бошини қимирлатди ва юмшоқлик билан: “Ўзингиз учун янги пайдо қилганингиз дин қандай дин экан? У сабабли қавмингиз динидан воз кечибсиз, менинг динимга ҳам кирмабсиз!”

Жаъфар ибн Аби Толиб изн сўраб сўз олди ва деди: “Эй подшоҳ, биз ўзимиз учун дин пайдо қилганимиз йўқ, балки бизга Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Рабби томонидан ҳидоят ва ҳақ динини келтирдилар, бизларни зулматда нурга олиб чиқдилар. Биз бутларга ибодат қиладиган ва қариндошлик ришталарини узадиган жоҳил қавм эдик. Ўлимтик ердик, фоҳишабозлик қилардик, ёмон қўни-қўшничилик қилиб, кучлиларимиз заифларимизни эзиб яшардик. Аллоҳ таоло бизга ўз ичимиздан, насл-насаби яхши билинган, ростгўй, омонатдор ва поклигига ҳаммамиз ишонадиган кишини пайғамбар қилиб юборгунга қадар шу ҳолатда яшадик. У бизларни Аллоҳга чақирди, Унга ибодат қилиш ва Уни ибодатда ёлғизлашга буюрди. Яна бизларни намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш ҳамда бизлар сиғинадиган тош ва бутларни тарк этишга чақирди. Шунингдек ростгўйлик, омонатдорлик, қариндошлик алоқаларини боғлаш, яхши қўни-қўшничилик қилиш, ҳаромлардан тийилиш ва ноҳақ қон тўкишдан сақланишга буюрди. Фаҳш ишларни қилиш, ёлғон сўзлаш, етимнинг молини ейишдан қайтарди. Биз уни тасдиқладик, рисолатига иймон келтирдик ва олиб келган динига эргашдик. Шундан кейин Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмай, Унинг ёлғиз ўзига ибодат қила бошладик. У ҳаром қилган нарсаларни ҳаром, ҳалол қилган нарсаларни эса ҳалол деб билдик. Қавмимиз эса бизни динимиздан буриб, ёлғиз Аллоҳга ибодат

қилганимиздан сўнг яна бутларга ибодат қилишга қайтармоқчи бўлиб бизларнинг бошимизга жабру ситам ва турли азоб-уқубатларни ёғдирдилар. Бизларга зулм қилиб, қисти-бастига олиб биз билан динимиз ўртасини тўсмоқчи бўлганларида, сизнинг ҳимоянгизга кириш ва диёрингизда яшашни истадик. Бошқаларни қўйиб сизни танладик ва ҳузурингизда зулмланмасликни умид қилдик”.

Нажоший: “Сенда пайғамбарингиз Рабби тарафидан олиб келганидан бирон нарса борми?”, деб сўради.

Жаъфар ибн Аби Толиб: “Ҳа, бор”, деб жавоб берди.

Нажоший: “Менга ўқиб бер-чи”, деди.

Жаъфар разияллоҳу анҳу Марям сурасидан ўқий бошладилар:

“(Эй Мухаммад – соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга нозил қилинган Қуръонда Марямни зикр қилинг: У ўз аҳли-оиласидан четга – кун чиқар томонга бориб олди ва ўз қавми билан ўзи ўртасида, улар уни ибодат қилаётган пайтида кўрмасликлари учун парда тўсиб олди улардан беркиниб олган пайтида, Биз унга ўз руҳимиз - (яъни Жаброил)ни юбордик. У (Марямга) бус-бутун (рўй-рост) одам бўлиб кўринди. 18. (Марям унга): «Мен Раҳмонга сиғиниб, сендан паноҳ беришни илтижо қиламан. Агар (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин),» деди. 19. (Жаброил) айтди: «(Қўрқмагин), мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Раббингнинг элчисидирман, холос». 20. (Марям) деди: «Менга одамзод тегмаган бўлса, бузуқ аёл бўлмасам менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!» 21. (Жаброил) айтди: «Шундай. Раббинг айтадики, бу (иш яъни отасиз болани яратиш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун (Аллоҳнинг қудратига далолат қилувчи) мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган марҳамат қиламиз. Бу битган (Лавҳул Маҳфузга битиб қўйилган) ишдир. 22. (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, уни йироқ бир жойга олиб кетди. 23. Тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг остига олиб борди (ва у хурмога тирмашган ҳолда кўзи ёригач), деди: «Қани, мана шу (кундан) илгари (менга ёмон гумон қилмасликлари учун) ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди». 24. Шунда оёқларининг остидан Ийсонида қилди: «Ғамгин бўлма, Раббинг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. 25. Мана шу хурмо танасини силкит, у сенга янги пишган хурмо меваларини тўқади. 26. Энди сен хурмодан еб сувдан ичгин, шод-хуррам бўлгин. Агар одамлардан биронтасини кўриб қолсанг ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса: «Мен Раҳмон йўлида сукут сақламоқни назр қилганман, бугун бирон инсонга сўзламайман», дегин”. (Марям: 16-26)

Қуръон оятларидан таъсирланиб йиғлаган Нажошийнинг кўз ёшлари соқолини ҳўл қилиб юборди. Руҳонийларнинг кўз ёшлари ҳам олдиларида очиқ турган китобларини намлади.

Нажоший Амр ибн Ос ва шеригига қараб: “Бизларга тиловат қилинган бу оятлар ва Ийсо келтирган сўзлар бир манбадан чиқмоқда. Аллоҳга қасамки, уларни сизларга топширмайман, модомики ҳаёт эканман ҳеч ким мени бунга кўндира олмайди”, деди. Сўнг ўрnidан турди, атрофидагилар ҳам турдилар. Шу билан мажлис тугади.

Амр ибн Ос ғазаб ўтида ёнар экан ташқарига чиқди. У шеригига: “Қасамки, эртага Нажоший билан қайта учрашиб, уларни таг-томири билан қўпориб хонавайрон қиладиган бир сўз айтаман”, деди.

Шериги Абдуллоҳ ибн Аби Робиа Амр ибн Осга қараганда табиати юмшоқроқ бўлганидан: “Эй Амр, бундай қилма, гарчи улар бизга муҳолиф бўлсалар ҳам, ичларида қариндошларимиз бор”, деб қайтармоқчи бўлди. Лекин Амр ибн Ос: “Йўқ, Аллоҳга қасамки Нажошийга айтаман. Улар Ийсо ибн Марям ҳақида бир нарсани айтиб, бошқасини яширганларини, уни банда деб айтишларини ҳам айтаман”, деди.

Эртаси кўни Амр ибн Ос Нажошийнинг ҳўзурига кириб: “Муҳтарам Подшоҳ олийлари, кеча сизга булар бир нарсани айтдилар, бир нарсани яширдилар. Улар Ийсо ибн Марямни банда дейдилар”, деди. Нажоший муслмонларни чақиртириб: “Сизлар Ийсо ибн Марям ҳақида нима дейсизлар?”, деб сўради. Жаъфар ибн Аби Толиб: “У ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалам айтган сўзни айтамыз”, деб жавоб берди. Нажоший: “Пайғамбарингиз нима дейди?”, деб сўради. Жаъфар разияллоҳу анҳу: “У Аллоҳнинг бандаси, элчиси ва покиза Марямга ташлаган (“Бўл” деган) сўзи”, деб айтадилар”, деб жавоб берди. Нажоший: “Аллоҳга қасамки, Ийсо сен айтган нарсадан қилча ҳам фарқли эмас”, деди.

Нажошийдан бу сўзни эшитган атрофидаги руҳонийлар унинг сўзини инкор қилиб ғала-ғовур қилидилар ва ёмон сўзларни айтдилар. Нажоший уларга ғазабнок ҳолда кўзининг қири билан қараб: “Нима десангиз ҳам, гап шу!”, деди. Сўнг Жаъфар ибн Аби Толиб ва у билан келганларга қараб: “Бораверинглар, сизлар менинг юртимда омондасизлар. Сизларга тегинган одам зиёнда бўлади. Сизларга тегинган одам зиёнда бўлади.”, деб такрорлади ва “Сизлардан биронтангизга озор беришим эвазига менга тоғча олтин берилишини истамайман”, деди.

Сўнг хизматкорларига деди: “Амр ва шериги олиб келган совғаларни ўзларига қайтаринглар, уларни бизга кераги йўқ. Аллоҳ менга подшоҳликни қайтариб берганида мендан пора олмади, энди мен пора оламанми?! У менинг ишимда одамларга итоат қилган эмасди, энди мен Унинг ишида одамларга буйсунайми?!”.



Руҳонийлар халқ орасида Нажошийнинг ўз динини бошқа динга алмаштирди деб гап тарқатиб, уни тахтдан ағдаришга чақира бошладилар. Ҳабашлар унга қарши қўзғалиб, байъатни бузишга қарор қилдилар.

Нажоший Жаъфар ибн Аби Толиб ва унинг ҳамроҳларига одам жўнатиб бўлаётган ҳолатдан огоҳлантирди. Улар учун махсус кемалар ҳозирлаб: “Кемаларга миниб тайёр туринглар. Мағлуб бўлсам, хоҳлаган тарафингизга кетинглар. Ғолиб бўлсам, қандай яшаётган бўлсангиз шундай яшайверасиз”, деди.

Сўнг бир кийик терисини олиб келди ва унга: “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва пайғамбарларининг сўнггиси деб гувоҳлик бераман ҳамда Ийсо Аллоҳнинг бандаси ва элчиси, Марямга ташлаган калимаси ва Ундан бўлган руҳ эканига гувоҳлик бераман”, деб ёзди. Терини кўкрагига боғлаб устидан кийим кийди ва ўзига қарши қўзғалганлар олдига чиқиш учун йўл олди.

Уларнинг олдига чиққач уларга қарата нидо қилди:

— “Эй халойиқ, мен ҳақимда нима дейсизлар?”

— “Сизни яхши деб биламиз.”

— “Унда нима учун менга қарши қўзғалдингиз?”

— “Динимиздан чиқибсиз, Ийсони банда деяётган эмишсиз.”

— “Ийсо ҳақида сизлар нима дейсизлар?”

— “У Аллоҳнинг ўғлидир.”

Нажоший қўлини кийими остидаги терининг устига қўйиб: “Мен ҳам Ийсо мана шундан (яъни терига ёзилгандан) бошқа эмаслигига гувоҳлик бераман”, деди. Халойиқ унинг айтган гапидан мамнун бўлди, тинчланиб тарқаб кетди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Нажоший ва қавми ўртасида бўлиб ўтган воқеадан хабар топдилар, Нажошийнинг диёрига ҳижрат қилган ва ҳимоясида эмин-эркинлик топган асҳобларига кўрсатган унинг ғамхўрлигини юқори баҳоладилар. Нажошийнинг Исломга киргани ва Қуръонда келган хабарларни ҳақ деб эътиқод қилганидан севиндилар.

Кейин Нажоший билан Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам ўрталарида алоқа мустаҳкамлана бошлади.

Ҳижрий еттинчи йилнинг биринчи ойида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Ер юзидаги ўша замоннинг буюк подшоҳ ва амирларидан олтитасини Исломга даъват қилишга қарор қилдилар. Ҳар бир подшоҳга алоҳида нома ёзиб унда уни Исломни қабул қилишга тарғиб қилдилар, иймонга қизиқтириб, куфр ва ширқдан огоҳлантирдилар.

Шу ғаразда асҳобларидан олтитасини тайёрлаб қўйгандилар. Уларнинг ҳар бири ўзи борадиган қавмнинг тилини ўрганиб, сўнг бу муҳим вазифани

бажариш учун бир кунда йўлга тушдилар. Ҳабаш подшоҳига юборилган саҳоба Амр ибн Умайя Зумарий разияллоҳу анҳу эди.

Амр ибн Умайя Нажошийнинг ҳузурига кириб Ислом саломи билан салом берди. Нажоший саломга гўзал жавоб қайтариб, уни илиқ кутиб олди. Ҳар ким ўз жойига ўтиргандан сўнг у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини Нажошийга топширди.

Нажоший мактубни очишга шошилди. Мактубда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Исломга даъват этган ва Қуръон оятларидан келтирган эканлар. У мактубни эъозлаб кўзига суртди ва бу улўф номада келган нарсага тавозе кўрсатиб тахтидан тушди. Сўнг атрофида ўтирганлар кўз ўнгида Исломни қабул қилганини эълон қилиб шаҳодат калималарини келтирди. “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига боришга қодир бўлсам, албатта борардим, У зотнинг олдиларида ўтириб, пойларига бошимни қўйган бўлардим”, деди.

Ўз навбатида Нажоший ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўта юмошқлик билан мактуб ёзиб, даъватларини қабул этганини, аввалдан пайғамбарликларига иймон келтирганини баён қилди. Ана шундан кейин Амр ибн Умайя Нажошийга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошқа мактубларини узатди. Мактубда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажошийдан вакил бўлиб Рамла бинт Аби Суфён ибн Ҳарбни ўзларига никоҳлаб беришини сўраган эдилар.

Умму Ҳабиба куняли мўминлар онаси Рамла бинт Аби Суфённинг маҳзунлик билан бошланиб, хурсандчилик билан тугаган гўзал қиссалари бор. Келинг биргаликда унинг қиссаси билан қисқача танишиб чиқамиз.

Рамла бинт Аби Суфён Қурайшнинг саййиди бўлган отасининг олиҳаларига кофир бўлиб, турмуш ўртоғи Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан шериги йўқ ёлғиз Аллоҳга иймон келтирдилар ва пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатларини тасдиқладилар. Шу сабаб Қурайш мушриклари уларнинг бошларига оғир кунларни солди. Қаттиқ азоб-уқубатларга дучор бўлишавергач Маккада яшашга тоқат қила олмай қолдилар. Улар дини ва иймонини сақлаш учун Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган мўминлар сафида Нажоший ҳимоясига бош уриб бордилар. Улар ҳам бошқа муҳожир биродарлари каби Нажоший юртида иззит-икромда яшай бошладилар. Умму Ҳабибанинг кўнглидан қора кунлар ортда қолди, энди буёғига ҳаммаси яхши бўлади деган хаёл ўтди. Бироқ, у тақдирда унинг пешонасига нималар ёзиб қўйилганини билмас эди.

Аллоҳ таоло Умму Ҳабибани ақл бовар қилмайдиган даражада имтиҳон қилишни ирода қилганди.

Аввалига унинг эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш диндан қайтиб муртад бўлди ва насронийликни қабул қилди. Ислом ва мусулмонларни масҳара қила

бошлади. Кейин майхонадан чиқмай, муккасидан кетган ароқхўрга айланди. Умму Ҳабибага бир-биридан аччиқ бўлган икки ишдан бирни танлашни таклиф қилди: талоқ бўлиш ёки насронийликни қабул қилиш.

Шундай қилиб Умму Ҳабиба уч ўт орасида қолди: Ё эрининг гапига кириб насронийликни қабул қилиш. Агар бундай қилса дунёда хорлик ва охиратда азобга учрайди;

Ё бўлмаса Маккага, отасининг уйига қайтиб кетиш. Отасининг уйи эса ҳали-ҳануз ширк қалъаси эди;

Ёки Ҳабашистонда ёш қизи Ҳабиба билан ёлғиз қолиб, дарбадар юриш.

У ҳаммасини қўйиб Аллоҳ аzza ва жалланинг розилигини танлади. Аллоҳ таоло тарафидан кушойиш келгунига қадар Ҳабашистонда қолишга азму қарор қилди.

Умму Ҳабибанинг қайғули кунлари кўп давом этмади. Ароқхўр эр маст ҳолида ўлиб қолди. Иддаси чиқиши биланоқ толе унга кулиб боқди.

Кунларнинг бирида эшик тақиллаб қолди. Эшикни очди, қаршисида Нажоший қасрида хизмат қиладиган Абраҳа исмли абжир аёл турарди. У салом бераркан сўз қотди: “Подшоҳимиз сенга салом йўлладилар ва айтдиларки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам сени ўзларига сўрабдилар. Подшоҳимизни ўзлари томонидан вакил қилибдилар. Агар рози бўлсанг, хоҳлаган кишига ўз ваколатингни берар экансан.” Бу сўзларни эшитган Умму Ҳабибанинг кўзларига қувончдан ёш қалқиди ва: “Аллоҳ сизни ҳам ёқимли хабар билан хушнуд қилсин”, деб такрор-такрор айтди ва “Менга бу диёрда энг яқин бўлган Холид ибн Саид ибн Осни ўз номимдан вакил қилдим”, деди.

Ҳабашистонда муқим бўлган саҳобаларнинг барчалари, Умму Ҳабибанинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам никоҳларига ўтишига гувоҳ бўлиш учун Подшоҳ қасрига жам бўлдилар.

Ҳамма йиғилгач Нажоший сўз бошлади: "Аллоҳ таолога ҳамду сано бўлсин. Аммо баъд... Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Абу Суфён қизи Рамлани никоҳлаб беришимни сўрабдилар. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг талабларини бажонидил қабул қилиб, у кишининг номларидан Абу Суфён қизи Рамлага Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатига кўра тўрт юз дийнор олтинни маҳр қилиб бердим”, деди.

Сўнгра Холид ибн Саид ибн Ос ўрнидан турди. Аллоҳга ҳамду сано ва Пайғамбарга салават ва салом айтгач: “Аммо баъд... Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг талабларини қабул қилдим ва ваколатимдаги Абу Суфён қизи Рамлани ул зотга никоҳлаб бердим. Аллоҳ таоло Расулига аёлини баракотли қилсин. Рамлага эса Аллоҳ инъом этган бу яхшилик муборак бўлсин!”, деди.

Нажоший ўз кемаларидан иккитасини ҳозирлади. Мўминлар онаси Рамла бинт Аби Суфён, унинг қизи Ҳабиба ва бошқа мусулмонларни кемаларга миндирди. Улар билан бирга Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиш, ортларида намоз ўқиш шавқида бўлган ҳабашлардан бир гуруҳини юборди. Уларнинг ҳаммаларига Жаъфар ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳуни амир этиб тайинлади. Мўминлар онаси Рамла разияллоҳу анҳога ўз хотинлари қўлида бўлган барча нафис, қимматбаҳо ва нодир атирлардан совға қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга алоҳида ҳадялар берди. Мана шу ҳадялар ичида Ҳабашистоннинг ажойиб ҳассаларидан уч донаси бор эди. Бу ҳассалардан бирини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари тутдилар, қолган иккитасини Умар ибн Хаттоб билан Алий ибн Аби Толибга бердилар, Аллоҳ икковларидан рози бўлсин.

Билал разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларида олиб қолган ҳассани қўлига тутиб ул зотнинг олдиларида юрар эди. Уни масжид ва бино бўлмаган ерларда, сафарларда, икки ҳайит ва истисқо намозларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қаршиларига санчиб қўяр эди. Билал разияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу халифалик даврида унинг олдида асони кўтариб юрди. Халифалик Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумога ўтганда асони Саъд Қуразий кўтариб юрадиган бўлди. Бу иш халифалар орасида узоқ вақт давом этди.

Нажоший Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қимматбаҳо зеб-зийнатлар ҳам юборгани, уларнинг ичида бир тилла узук бор эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ундан юзларини ўгирган ҳолда олдилар ва қизлари Зайнабнинг қизи Умомага "Шуни тақиб ол, қизалоғим", деб бериб юбордилар.

Нажоший Макка фатҳидан бир оз олдин вафот этди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаноза намозини ўқиш учун саҳобалрни жамладилар ва: "Биродарингиз Асҳама Нажоший вафот этди, жаноза намозини ўқиймиз", дедилар ва ўзлари имом бўлиб, Нажоший ҳаққиға ғоибона жаноза намози ўқидилар. Ҳолбуки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Нажошийдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам, бирон кишига ғоибона жаноза ўқимадилар.

Аллоҳ таоло Асҳама Нажошийдан рози бўлсин, уни ҳам рози қилсин. Жойини жаннатда қилсин. Ҳақиқатда у Исломни илк қабул қилган заиф мусулмонларни қўллаб-қувватлади, хавф-хатардан омонлик берди ва у бу билан фақат Аллоҳ ва Расулининг розилигини истаганди.

## Руфайъ ибн Меҳрон Абул Олия

“Саҳобалардан сўнг Қуръонни энг яхши биладиган киши Абул Олия, ундан сўнг Саид ибн Жубайр бўлган”. (Абу Бакр ибн Довуд)

Абул Олия куняси билан танилган Руфайъ ибн Меҳрон муслмонлар ичида кўзга кўринган, қори ва муҳаддисларнинг сараларидан, тобеинлар орасида Аллоҳнинг китоби ва Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини энг билимдони, Қуръоннинг мақсад-моҳияти, сир-асрорларини чуқур англаб етган атоқли кишилардан эди.

Келинлар, унинг ажойиб воқеалар ва чизгилар, ибрат ва насиҳатларга бой бўлган ҳаётини бошидан бошлаб ўрганиб чиқамиз.

Руфайъ ибн Меҳрон Форс диёрида туғилиб, ўша ерда униб-улғайди, вояга етди. Муслмонлар Форс диёрига ғазот қилиб, унинг аҳлини зулматдан нурга чиқариш учун юриш бошладилар. Руфайъ муслмонларнинг мушфиқ қўлларига қул бўлиб тушган, яхшилик бепоёнликлари остига кирган йигитлар жумласида эди. Бу йигитлар оз фурсат ичида Исломнинг олийлигига гувоҳ бўлиб, Ислом билан ўзлари яшаган бутларга ибодат қилиш ҳаётини солиштириб кўрдилар ва тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига кира бошладилар. Қуръонни ўргандилар, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидан симириб баҳра олдилар.

Абул Олия ўзи шундай ҳикоя қилади: “Бир қанча қавмдошларим билан мужоҳидлар қўлига асир тушиб қолдик. Сўнг бир муддат Басрадаги муслмонларга қул бўлиб юридик. Кўп вақт ўтмай Аллоҳга иймон келтириб, Қуръон ёдлашга боғланиб қолдик. Ичимизда ҳўжайинига ўлпон тўлайдиганлар, уларнинг хизматини бажарадиганлар бор эди. Мен ҳам ана шулардан бири эдим. Биз ҳар кеча Қуръонни бир мартта хатм қилар эдик. Бизга бу оғир келди. Кейин икки кечада хатм қиладиган бўлдик, бу ҳам оғирлик қилди. Уч кечада бир хатм қилдик, кундузи хизмат билан толиққанимиз учун кечани бедор ўтказиш ҳам машаққат бўлди. Шунда саҳобаларнинг айримларидан маслаҳат сўрадик, улар бир ҳафтада бир мартта хатм қилинлар деб йўл кўрсатдилар. Уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, кечанинг бир қисмида Қуръон ўқиб, бир қисмида ухлаб дам оладиган бўлдик. Бу бизга оғир келмай, маъқул бўлди”.

Тақдир тақозоси билан Руфайъ ибн Меҳрон Бану Тамимлик бир аёлнинг қўл остига қул бўлиб келиб қолади. Бу аёл вазмин, иймон ва тақвога бурканган, оқила аёл эди. Руфайъ ярим кун ҳожасига хизмат қилса, куннинг ярмида дам оларди. Айни шу бўш вақтида илмга шунғиб, ўқиш, ёзиш ва бошқа илмларни ўрганди.

Кунларнинг бирида Руфайъ жума намозига ҳозирлик кўриб, мукаммал таҳорат олди ва ҳожасидан кетишга рухсат сўраганида ҳожаси: “Қаерга кетмоқчисан эй Руфайъ?”, деди.

Руфайъ: “Масжидга бормоқчи эдим”.

Ҳожаси: “Қайси масжидга бормоқчисан?”.

Руфайъ: “Жума ўқиладига катта масжидга”.

Ҳожаси: “Юр, бирга борамиз”, деди ва масжид сари ҳожа ва қул бирга йўл олишди. Жумага келаётганлар билан бирга масжидга кирдилар. Руфайъ ҳожаси нима қилмоқчи эканидан беҳабар. Масжид тўлиб, имом минбарга кўтарилганида ҳожаси Руфайъни қўлидан тутиб: “Эй муслмонлар, гувоҳ бўлинглар мен бу ғуломимни, Аллоҳдан савоб умидида, Унинг мағфирати ва розилигини истаб озод этдим. Бугундан эътиборан ҳеч кимнинг унга дахли йўқдир”. Сўнг Руфайъга қараб: “Аллоҳим, мен буни мол-мулк ва бола-чақа фойда бермайдиган Кун учун ҳузуринга захира қилдим”, деб дуо қилди. Намоз тугагач Руфайъ ўз йўлига, собиқ ҳожаси ҳам ўз йўлига равона бўлдилар.

Ана шу кундан бошлаб Руфайъ ибн Меҳрон Мадинаи мунавварага тез-тез қатнайдиغان бўлиб олди. Вафотларидан озгина олдин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан кўришиш насибасига мушарраф бўлди. Яна у Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан бирга бўлиб, у зотга Қуръон топшириш ва орқаларида туриб намоз ўқиш шарафига ҳам эришди.

Абул Олия куняси билан машҳур бўлган Руфайъ Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг ҳадисларини ўрганишга қаттиқ киришди. Ҳадислар ривоятини Басрада учрашган тобеинлардан эшитар, бироқ бундан ҳам собит ва саҳиҳроқ бўлишига интилар эди. Шунинг учун вақти-вақти билан Мадинага бориб, ўзи билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрталарида бир шахс яъни саҳобийгина қолиши учун ҳадисларни бевосита саҳобаларнинг ўзларидан эшитар эди. Шундай қилиб у Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Абу Айюб Ансорий, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос ва бошқа кўпгина саҳобалардан ҳадис эшитди Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Абул Олия Мадинадаги ровийлар билан чегараланиб қолмай, балки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ҳар ерлардан излаб, суриштириб юрар эди.

Унга фалон ерда илмли киши бор деб айтилса, масофа қанчалик узоқ ва етиш қийин бўлмасин, уловини эгарлаб йўлга тушар, етиб боргач биринчи иши зиёратига борган кишининг орқасида намоз ўқишга ҳаракат қиларди. Агар намозни мукаммал ва гўзал тарзда, арконларини жойига келтириб адо этмаса, ундан илм олмай, ичида: “Намозга диққатсиз бўлган одам, ундан бошқасига яна ҳам бепарво бўлса керак”, деб отини қамчилаб қайтиб кетарди.

Абул Олия илмда юқори мартабаларга эришиб, ўз тенгдошларидан анча илгарилаб кетди. Дўстларидан бири ҳикоя қилади: “Абул Олияни таҳорат қилаётганини кўриб қолдим. Сув томчилари юзи ва икки қўлидан оқиб ётар, поклик унинг ҳар аъзоларида барқ уриб турар эди. Мен унга салом бериб: “Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади” дедим. Шунда у: “Эй биродар, покланувчилар деганда, кирни сув билан покловчилар эмас, балки гуноҳларни тақво билан покловчиларга айтилади”, деб жавоб берди. Сўзини диққат билан тааммул қилсам, у тўғри айтган мен эса хато қилган эканман: “Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан мукофотлаб, илм ва фаҳмингизни зиёда қилсин”, деб ҳаққиға дуо қилиб кетдим”.

Абул Олия ҳаёти давомида инсонларни илм талаб қилишга қизиқтириб, илмга эришиш йўл-йўриғини ҳам кўрсатиб берар эди: “Нафсингизни илм олишга бўйинсундилинг, у ҳақда кўп сўраб-суриштилинг. Шуни билингки, уятчанг ҳамда мутакаббир одамга илм ўз қанотини пасайтирмайди. Уятчанг сўрашдан уялиб сўрай олмаса, мутакаббир кибр-ҳавоси сабаб сўрамайди”.

Абул Олия ўз шогирдларини Қуръонни ўрганиш, унга эътиборли бўлиш, Қуръонда келган нарсаларни маҳкам тутиш, бидъатчиларнинг у ҳақдаги сафсаталаридан юз ўгиришга ундаб: “Қуръонни ўрганглар, ўргангач кейин ундан юз ўгириб кетманглар. Тўғри йўл бўлган Исломни маҳкам тутинглар. Ҳавою-хоҳиш ва бидъатлардан узоқ бўлинглар, чунки бу ораларингизга буғзу-адоват ва душманчилик уруғини сочиб қўяди ва энг муҳими Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари бўлган ишдан четлашиб кетманглар”. Ҳасан Басрийга Абул Олиянинг ушбу айтганларини нақл қилишганида: “Абул Олия сизларга тўғри насиҳатлар қилибди”, деган эди.

Абул Олия шогирдларига Қуръон ёдлашнинг энг қулай йўлини режалаштириб, бундай дер эди: “Қуръонни беш оят-беш оятдан ёдланглар, чунки бундай ёдлаш эсда олиб қолиш учун осон ва тушуниб ёдлашингиз учун энг кучли услубдир. Бинобарин Жибрил алайҳиссалом ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга Қуръонни беш оят-беш оятдан олиб тушганлар”.

Абул Олия шогирдларга дарс бериш билан чекланган ўқитувчигина эмас, у шогирдларининг ақлларини фойдали маърифат билан тўлдириб, қалбларини гўзал мавъизалар билан озуқалантирадиган ҳақиқий, том маънодаги устоз эди. У кўп ўринларда икки ишни жамлар эди. Шулардан бири: “Ким Аллоҳга иймон келтирса, Аллоҳ уни ҳидоятга йўллар. Бунинг тасдиқи: **“Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини ҳидоятга солур”**. (Тағобун: 11)

Ким Аллоҳга тавваккул қилса, Аллоҳ унга кифоя қилур. Бунинг далили: **“Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, унга У зотнинг Ўзи кифоядир”**. (Талоқ: 3)

Ким Аллоҳга қарз берса яъни Аллоҳнинг розилигини истаб одамларга инфоқ қилса, Аллоҳ унга мукофотини беради. Бунинг исботи: **“Аллоҳга яхши қарз берадиган ким бор?! Бас, токи У зот унга берганини кўп марта кўпайтириб берса”**. (Бақара: 245)

Ким Аллоҳга дуо-илтижо қилса, Аллоҳ ундан ижобат қилади. Бунинг тасдиғи ўлароқ ушбу ояти карима мавжуддир: **“Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилувчи дуо қилганда ижобат қиламан”**. (Бақара: 186)

Шогирдларига қилган насиҳатларида: “Тоат-ибодатда бўлинг ва итоатлик кишиларга яқинлашинг. Гуноҳ-маъсиятдан сақланинг ва осийлардан маъсияти учун узоқ бўлинг. Аммо маъсиятларини Аллоҳга ҳавола қилинг. Кечирадиган ҳам, азоблайдиган ҳам Ўзи, хоҳласа кечиради, хоҳласа азоб беради. Кимнинг: “Мен Аллоҳ учун яхши кўраман, Аллоҳ учун ёмон кўраман. Аллоҳнинг розилиги учун фалон нарсани қадрлайман, Аллоҳдан қўрққан ҳолда фалон нарсадан юз ўгираман”, деб ўзини кўтараётганини эшитсангиз, унга эътибор берманг”, деб уқтирар эди.

Абул Олия илмига амал қилувчи олим, тўғри йўлга йўлловчи муршид воиз бўлиш билан бирга жасур мужоҳид ҳам эди. Вақтининг кўпгина қисмини мужоҳидлар сафида жанг майдонларида ёки душманга яқин чегарада риботда туриб ўтказар эди. Жиҳод йўлида шарқу ғарбни кезиб, Шом ерларида Румга қарши ва Мовароуннаҳр диёрида Форсга қарши жанг қилди. Мовароуннаҳрда биринчи азон этган киши ҳам Абул Олия бўлади.

Алий ва Муовия розияллоҳу анҳумо ўрталарида жанг бирдан авж олганида, Абул Олия ўзига хос йўл тутган. Бу ҳақда ўзи шундай ҳикоя қилади: “Алий ва Муовия ўрталарида содир бўлган воқеа вақтида, мен ниҳоятда кучга тўлган, серғайрат йигит эдим. Жазирама кунда муздек сув қанчалик ёқимли бўлса, жанг қилиш ҳам мен учун унданда севимли эди. Уруш жиҳозларимни кийиб, жанг майдонига келдим. Қарасам охири кўринмайдиган икки қўшин бир-бирига қарши саф тортиб турибди. Бир тараф такбир айтса, иккинчи тараф ҳам такбир айтмоқда, булар таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ) деса, улар ҳам ла илаҳа иллаллоҳ дейишмоқда. Ўзимга келиб: “Бу икки тарафнинг қайси бирини кофир санаб, унга қарши қурол кўтарайин ва қайси тарафни мусулмон деб билиб, бирга жанг қилайин?”. Икки тарафга ҳам қўшилмай, жанг майдонини ташлаб чиқиб кетдим”.

Абул Олия Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиб суҳбатлашиш неъматидан бебаҳра қолгани учун, бутун умри мобайнида ғамгин қолди. Бунинг ўрнини озгина бўлса ҳам қоплаш мақсадида,



Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан доим бирга бўлган улўғ саҳобаларга яқин бўлишга ҳаракат қилар эди. Уларни яхши кўриб, жонидан ҳам азиз санар, улар ўз навбатида уни ўзларига яқин олиб яхши кўрар эдилар.

Бунинг мисоли Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходими Анас розияллоҳу анҳу қўлидаги олмани унга узатганида, Абул Олия саҳобийнинг қўлидан олиб олмани ўпди ва: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўллари ушлаган қўл теккан олма-я”, деб қўйди.

Яна бир мисол: “Кунларнинг бирида Абул Олия Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумонинг ҳузурига киради. Шу вақтда Абдуллоҳ ибн Аббос Алий розияллоҳу анҳу тарафларидан Басрага волий этиб тайинланган эдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос Абул Олияни жуда илиқ кутиб олиб, уни курсиларига чиқариб ўнг тарафларига ўтказдилар. Шу мажлисда Қурайш саййидларидан ҳам бир қанчаси бор эди. Улар бир-бирларига кўзлари билан ишора қилиб пичирлашди: “Ибн Аббос мана бу қулни ҳурматлаб ўз курсисига ўтказишини кўряпсизми?”.

Абдуллоҳ ибн Аббос уларнинг нима учун кўзлари билан имо-ишоралар ва пичирлашаётганларини сезиб қолдилар ва уларга: “Илм шундайдир, обрўли кишининг обрўсини оширади, одамлар орасида қадрини баланд қилади ва ҳатто қулларни ҳам курсиларга ўтказади”, деб чиройли жавоб бериб қўйдилар.

Бир йили Абул Олия Аллоҳ йўлида жиҳодга отланиб, ҳозирлигини кўрди ва отини эгарлаб мужоҳидлар билан йўлга чиқиш учун тайёр ҳолга келди. Аммо тонг отгач қадамнинг бирида оғриқ сеза бошлади. Соат сайин оғриқ кучайиб, чидаб бўлмас даражада зўрайиб кетди. Табибни чақирдилар, табиб кўргач: “Бу қора сон”, деди.

Абул Олия: “У қандай дард?”.

Табиб: “Қора сон дегани шундай дардки, у қайси аъзога тушса шуни ейди, сўнг ундан тепасига ўтади ва ҳоказо шу каби жасаднинг барини еб тугатади”. Табиб зудлик билан болдирни кесиб ташламаса бўлмаслигини тушунтирди. Абул Олия хоҳламасаларда ноилож рози бўлдилар.

Табиб терини кесиш учун дудама (скалпел) ва суюкни аралаш учун аррасини ҳозирлагач: “Терини кесиш ва суюкни аралашдаги оғриқ сезилмаслиги учун озгина бўшаштирувчи берайми?”.

Абул Олия: “Бундан яхшиси бор, шуни келтиринг”.

Табиб: “У нима экан?”.

Абул Олия: “Аллоҳнинг китобини яхши ўқийдиган қорини олиб келинг. У ёнимда Қуръон ўқиб ўтирсин. Юзим қизариб, кўзларим катта-катта бўлиб очилса ва осмонга тикилиб қолганимни кўргангингизда, нима қилсангиз қилаверинг”, деди.

Улар шундай қилиб, болдирни кесиб олдилар. Абул Олия ўзига келгач, табиб: “Кесиш ва аралашдаги оғриқни сезмагандай ётдингиз-а?”.

Абул Олия: “Аллоҳга бўлган муҳаббат саодати ва Қуръони каримни эшитиш ҳаловати, арранинг оғриғидан мени машғул этди”, деб жавоб берди. Сўнг кесилган оёғини қўлига олиб: “Қиёмат куни Роббимга йўлиққанамда ва Аллоҳ азза ва жалла мендан: “Қирқ йил шу оёғинг билан бирон ҳаромга борганмисан ёки мумкин бўлмаган нарсага қадам босганмисан?”, деб сўраса, “Йўқ, эй Роббим”, деб жавоб бера оламан ва иншааллоҳ жавобимда рост сўзлаган бўламан”, деди.

Сўнги сўз ўрнида...

Абул Олиянинг тақвоси, охират кунига ҳозирлиги ва Парвардигорига йўлиқишга бўлган тайёргарлиги ҳақида бизга етиб келган хабарларга кўра, у ўзига кафан тайёрлатиб, ҳар ойда бир шу кафанни кийиб олар экан. Яна у соғ-саломат бўлиб юрган вақтида ўн етти марта васиятини қилган ва ҳар васият орасини бир муддат билан белгилаб, шу муддат келганида васиятига қарар ва керак ўринларини тўғрилаб, баъзи ерларини ўзгартирар ёки имзо қўйиб қўяр эди.

Ҳижратнинг тўқсон учинчи йил Шаввол ойида, Абул Олия ўзига доғ туширмай пок ва саломат қалб билан, Парвардигорининг раҳматидан умидвор ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиш шавқ-завқида оламлар Роббисининг ҳузурига йўл олди.

## Аҳнаф ибн Қайс Бану Тамим саййиди

**“Аҳнаф ибн Қайснинг обрў ва саййидлигининг юқорилиги, унга ҳокимлик фойда, узлат эса зарар бермайдиган даражага етган эди”. (Зиёд ибн Абиҳ)**

Дамашқ баҳор келиб, майсалар бўй чўза бошлаган, дарахтлар эса гулга кириб, атроф гўзалликка бурканганидан шодон эди.

Мўминлар амири Муовия ибн Абу Суфённинг қасри, ҳар ердан ташриф буюрувчи зиёратчиларни кутиб олишга ҳозирлигини кўриб, шай турибди.

Халифанинг ҳузурига кирувчи илк зиёратчиларга изн берилиши биланоқ, халифанинг синглиси Умму Ҳакам бинти Абу Суфён, мажлисда ривоят қилинадиган Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари, шоирларнинг шерлари, ҳикматли сўзлар ва турли хабарларни тинглаш учун парданинг орқасидаги ўз жойига шошиб келиб ўтирди. Сабаби у юқори мақсадлар сари интилувчан, олийҳиммат, оқида аёл бўлиб, халифа бўлмиш акасининг, зиёратчилар мартабаларига қараб, биринчи навбатда саҳобалар, сўнг улуғ тобеинлар, уламолар, олий насаблар ва ҳоказо шу шаклда киришга изн бериш одатини яхши билар эди.

Лекин Умму Ҳакам бу сафар акаси илк зиёратчини илиқ кутиб олмагани, балки унга: “Эй Аҳнаф, Аллоҳга қасамки, ҳар сафар Сиффийн кунини эсласам ва сени бизга қўшилмай Алий ибн Абу Толиб тарафида турганинг ёдимга тушса, ўлгудай даражада қалбимда душманлик пайдо бўлади”, деди.

У киши ҳам дарҳол жавоб қайтариб: “Эй Муовия, Аллоҳга қасамки, сенга ғазаб қилган қалбларимиз ҳали ҳам жойида турибди ва сенга қарши кўтарган қиличларимиз ҳам қўлимиздан тушмаган. Агар сен урушга бир қарич яқинлашсанг, биз бир қулоч яқинлашамиз. Агар сен унга юриб келсанг, биз югуриб борамиз. Биз ҳузурингга бир нарса беришингга қизиқиб ёки душманлик қилишингдан қўрқиб келганимиз йўқ. Балки, ўртани ислоҳ қилиш, низога чек қўйиш ва мусулмонларни бирлаштириш мақсадида келдик”, деди-да, ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Умму Ҳакам халифа отган тошни ўзига қайтариб, бир деса икки деб жавоб қайтарган бу киши ким эканини билишга қизиқиб, парданинг бир четини озгина очиб қараса, паст бўйли, нимжон, тепакал, тишлари эгри, ияги осилган, кўзлари ичига кирган, оёғи қийшиқ хуллас инсонда бўладиган айбларнинг ҳаммасидан насибадор бир киши экан. Акасига қараб паст овозда: “Эй мўминлар амири, халифа уйининг ичкарасида туриб унга дўқ-пўписа қилаётган бу киши ким ўзи?”, деб сўради.

Муовия розияллоҳу анҳу хўрсиниб: “Бу одам шундай обрўга эгаки, агар у ғазабланса, нимага ғазабланаётганини ҳам билмай Бану Тамимликлардан юз минг киши унга қўшилиб ғазабланади. У Тамим қабиласининг саййиди, арабларнинг атоқли кишиларидан бири, фотиҳ қаҳрамон Аҳнаф ибн Қайсдир”.

Келинлар, унинг сермазмун ҳаёти билан аввалидан бошлаб танишиб чиқамиз.

Ҳижратдан уч йил олдин Қайс ибн Муовия Саъдий хонадонидан ўғил фарзанд дунёга келди. Унинг исмини Заҳҳок деб қўйдилар. Бироқ одамлар уни оёғи эгри бўлгани учун Аҳнаф (эгри оёқ) деб лақаби билан чақириб бошладилар ва шу бўйи лақаби исмига қолиб келиб Аҳнаф бўлиб кетди.

Аҳнафнинг отаси Қайс ўз қабиласида юқори мартабали кишилар сирасидан саналмас ва жуда пастки ўринларда ҳам эмас, балки ўрта даражадаги инсон эди.

Аҳнаф Нажд ерларига эга бўлган қавмининг ғарбий қисми Ямома минтақасида дунёга келди. Бола юриш ёшига етмасданоқ отаси қатл қилинган етимликда ўсди.

Сўнг мўйлови сабза урмаган ўспирин йигитнинг қалбини Ислом нурлари қоплаб олди.

Бунга сабаб Росулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан бир қанча йил олдин, Аҳнаф ибн Қайснинг қавмига уларни Исломга даъват қилиш учун саҳобаларидан бирини юбордилар.

Даъватчи саҳобий қавмининг улуғлари олдига бориб, уларни иймон келтириб Исломни қабул қилишга ундай бошлади. Бироқ улар бир-бирларига қараб гапирмай сукут сақлаб эдилар. Шунда мажлисда ҳозир бўлган Аҳнаф сўз бошлаб: “Эй қавмим, нима учун тараддудланиб, бир қадам олдинга, бир қадам ортга ташлаётганингизни кўряпман. Аллоҳга қасамки, ҳузурингизга келган бу элчи яхшилик элчисидир. Зеро у сизларни гўзал хулқларга чақириб, тубанликлардан қайтармоқда. Ундан фақатгина яхши сўзлар эшитдик. Шундай экан ҳидоят даъватчисига ижобат қилсангиз, дунё ва охира ташликига эришасиз”, деди. Унинг сўзи таъсир қилиб, ўзи билан бирга бутун қавм Исломни қабул қилдилар.

Сўнг қавмининг катталари Пайғамбар соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига вакил бўлиб бордилар. Аҳнафнинг ёши кичик бўлганидан вакиллар сафида бора олмади. Шу сабаб саҳобий бўлиш бахтидан маҳрум бўлиб қолди, лекин Росулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг розиликлари ва дуоларидан маҳрум бўлмади.

Аҳнафнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Мен Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида Каъбани тавоф қилаётганимда, мен

танийдиган бир киши келиб, қўлимдан ушлади ва: “Сени хурсанд қиладиган бир сўз айтайми?”, деди.

Мен: “Ҳа, айт”, дедим.

Шунда у: “Мени Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сенинг қавминга даъват учун юборган кун ёдингдами? Мен уларни Аллоҳнинг динини қабул қилишга чақирганимда, сен ўша айтган сўзларингни айтган эдинг”, деди.

Мен: “Ҳа, ёдимда”.

У: “Кейин мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига қайтиб, сенинг айтган сўзларингни У зотга сўзлаб бердим. Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳим, Аҳнафни мағфират эт”, деб дуо қилдилар”, деди.

Бу сўзни эшитган Аҳнаф: “Амалларим ичида Қиёмат куни мен учун энг умидбахши, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуоларидир”, деб айтиб юрар эди.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рофийқул Аълога йўлиқиб ва Мусайлама каззоб ўз ёлғони билан ўртага чиққанида, баъзилар Исломдан чиқиб муртад бўлиб кетди. Шунда Аҳнаф ибн Қайс амакиси Муташаммис билан Мусайлама билан учрашиб, ўзидан эшитиш учун унинг олдида бордилар. Шу кезларда Аҳнаф йигитликнинг илк даврларида эди. Мусайлама билан кўришиб чиқишгач амакиси: “Эй Аҳнаф, бу киши ҳақида қандай хулоса қилдинг?”.

Аҳнаф: “Сохтакор деб билдим. Аллоҳ ва одамларга ёлғон тўқиб чиқармоқда”.

Амакиси ҳазиллашиб: “Айтган гапларингни унга етказишимдан қўрқмайсанми?”.

Аҳнаф: “Унда мен ҳам унинг олдида сизни қасам ичинингизни талаб қиламан. Мен уни ёлғончига чиқарганим каби сиз ҳам ёлғончи демаганингизга қасам ичасизми?”, деб, амаки жиян бир-бирлари билан ҳазиллашиб кулишиб олдилар ва Мусайлама каззобга алданмай, Исломларида собит қолдилар.

Аҳнафнинг ёш бўлишига қарамай, шу каби жиддий ишларда мулоҳазалий ва қатъийлиги сизни ҳайратга солиши табиий. Лекин, бу Тамимлик йигитнинг ғоятда ўткир фикрли, ноёб фаҳм-фаросат ва ақл-заковатга эга, тўғри қараш ва соф фитрат соҳиби эканини билсангиз, ҳайратланмай қўясиз.

Аҳнаф ёшлик давриданок қавмининг каталари билан бирга уларнинг мажлисларида қатнашар, йиғинларида иштирок этар ва донишмандлари қўлида шогир бўлиб улғайган эди.

Ўзи ҳақида шундай дейди: “Биз уламолардан илм олиш учун уларнинг илм мажлисларига борганимиз каби, Қайс ибн Осим Минқарийдан эзгулик ва ҳалимликни ўрганиш учун унинг йиғинларига қатнар эдик.

“Қайс ибн Осим ҳалимликда қандай даражага етган эди?”, деб сўрадилар.

Аҳнаф: “Бир куни унинг ҳузурига борганимда, уйининг бир четида қиличининг камарбандини бели билан болдирига боғлаб ўтирганича қавмига гапираётган экан. Салом бериб, мен ҳам бир четга ўтирдим. Бир оз вақт ўтмай бирдан шовқин-сурон эшитилди. Қарасак, қўллари боғланган йигит билан ўлик бир жасадни олиб келдилар ва: “Мана бу жиянингиз, ўғлингиз фалончини ўлдириб қўйди”, дедилар. Аллоҳга қасамки, Қайс камарбандни ечмади ҳам, гапини ҳам бўлмади. Сўзини тугатгач жиянига қараб: “Эй жиян, амакиваччангни ўлдириш билан, жигарчиликни ўз қўлинг билан узибсан ва ўзингни ўз ўқинг билан отибсан”, деди ва ёнидаги бошқа ўғлига қараб: “Тур ўғлим, амакиваччаннинг қўлидан арқонни еч ва укангни кўмиб кел. Онасига юз туя ўғлининг диясини тўлаб бер, бечорага қийин бўлибди”, деди.

Аҳнаф ибн Қайс кўпгина саҳобаларга шогирд бўлиб таълим олиш бахтига муяссар бўлди. Шубҳасиз уларнинг ичида энг юқори ўринда Умар Форук розияллоҳу анҳу эдилар.

Аҳнаф Умар розияллоҳу анҳунинг мажлисларига қатнашар, ваъз-насиҳатларини тинглар ва ҳукмларини ёдда сақлаб олар, бир сўз билан айтганда Умарий мадрасанинг энг олди шогирдларидан ва даҳо устозидан энг кўп таъсирланган эди.

Бир кун ундан: “Бундай ҳалимлик, вазминлик ва доноликка қандай эришгансиз?”, деб сўралганида.

“Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан эшитган сўзлардан”, деб қуйидагиларни айтиб берди:

“Кўп ҳазиллашган кишининг қадри кетади.

Ким нима билан шуғулланса шу билан танилади.

Кўп гапирган одамнинг хатоси ҳам кўпаяди.

Хатоси кўпайганнинг ҳаёси озаяди.

Ҳаёси озайганнинг тақвоси сусаяди.

Тақвоси сусайганнинг қалби ўлади”.

Аҳнаф ибн Қайс ўз қавмининг пешвоси, раиси бўлиб етишди ва ҳолбуки насаби улардан ортиқ эмас ва ота-онаси ҳам мартабали инсон бўлмагандилар. Бунинг сири нимадалигини сўровчилар кўп эди.

Шулардан бири: “Эй Абу Баҳр, қандай инсонни қавми ўзларига раис қилиб оладилар?”, деб сўраганида.

Аҳнаф ибн Қайс: “Кимда тўрт хислат бўлса, ҳеч бир рақобатсиз қавмига раис бўлади”.

-“Улар қайси хислатлар?”.

Аҳнаф: “Кимнинг (ҳаромлардан) тўсиб турадиган дини...

Муҳофаза қиладиган ҳурмат обрўси...

Тўғри йўлга йўллайдиган ақл-идроқи...

Ва тўхтатиб турадиган ҳаёси”.

Аҳнаф ибн Қайс қавмига раис бўлиш билан бирга, араблар ичида ҳалимлиги зарбул масал бўлиб кетган ҳалим инсон эди.

Бунга мисол: “Амр ибн Аҳтам бир кишини Аҳнаф ибн Қайсга қарши гижгижлаб қўйди. У киши келиб Аҳнафни қаттиқ ҳақоратлаб, кишининг адоватини қўзғатиб юборадиган сўзлар билан таҳқирлади. Лекин Аҳнаф индамай жим ўтираверди. Унинг жавоб қайтармагани, унга парво ҳам қилмаганини кўрган сўкоғич, бош бармоғини тишлаб: “Бундан кўра ўлганим яхши эди-я. Қасамки, унинг назарида арзимас бўлганимдан, у менга жавоб ҳам қайтармади”, деб кетди.

Иттифоқо бир куни Аҳнаф бир ўзи Басранинг чеккасида юрганида, бир киши қаршисига чиқиб ҳақоратлай бошлади. Ҳар хил бўлмағур сўзлар билан айблаб, таҳқирлади. Аҳнаф индамай йўлида давом этди. Одамларга яқинлашишганида ҳақоратлаётган кишига қараб: “Ҳой биродар, айтадиган яна гапларинг бўлса шу ерда гапириб ол. Чунки бу гапларингни қавмдошларим эшитиб қолишса, сени соғ қўйишмайди”, деди.

Буларнинг ҳаммасига қўшимча Аҳнаф ибн Қайс кечалари ибодатда қоим, кундузлари рўзадор соим ва одамлар қўлидаги нарсалардан тийилган зоҳид эди. Ҳаммаёқни тун зулмати қоплаганида шамчироғини ёқиб, ўзига яқин ерга қўяр эди-да, жойнамози устида туриб намоз ўқий бошларди. У Аллоҳнинг азоби ва ғазабидан қўрққанидан, касал кишидек безовталаниб, боласини йўқотиб қўйган онанинг йиғиси каби йиғлар эди. Ҳар қачон гуноҳларидан бирини ҳис қилса ёки айблари кўзига кўринса, бармоғини шамчироққа яқинлаштириб: “Эй Аҳнаф, азобни торт, озорлан. Нимага фалон куни фалон ишни қилдинг. Нима ундади сени? Ҳолингга вой бўлсин, эй Аҳнаф, бугун шу шамнинг куйдиришига тоқат, иссиғига сабр қила олмаяпсан. Эрта Қиёмат куни жаҳаннам ёндиришига қандай чидайсан, азобига қандай сабр қила оласан? Аллоҳим, мени гуноҳларимни кечирсанг, Сен кечиришга эгасан. Ва агар мени азобласанг, мен азобга лойиқман...”, дер эди.

Аллоҳ таоло Аҳнаф ибн Қайсдан рози бўлсин ва уни ҳам рози қилсин. У ўз замонасининг нодир ва ўз навида ягона кишиларидан эди.

## Аҳнаф ибн Қайс Умар ибн Хаттобнинг шогирди

**“Бу йигит, Аллоҳга қасамки, саййиддир. У Басра аҳлининг саййидидир”.** (Умар ибн Хаттоб)

Биз ҳозир Умар розияллоҳу анҳу халифалик даврининг аввалида турибмиз. Мана булар эса Аҳнаф ибн Қайснинг қабиладошлари Бану Тамимнинг жасур паҳлавон ўғлонлари, елкаларига ўткир қиличларини тақиб, зотдор отларини чоптирганча Аҳсо ва Нажддан Басра тараф йўлга чиқдилар. Мақсадлари Утба ибн Ғазвон қўмондонлиги остида Форсга қарши Аллоҳ учун жиҳодга тўпланган мусулмон лашкарига қўшилиш бўлиб, Аллоҳдан савоб талабида чиққан бу мард ўғлонлар сафида ёш йигит Аҳнаф ибн Қайс ҳам бор эди.

Кунларнинг бирида Утба ибн Ғазвон мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан мактуб олади. Унда халифа қўмондонга лашкар ичидан жанг услубларини яхши биладиган моҳир ўнта жангчини, лашкар ҳолидан хабар бериш ҳамда фикр ва маслаҳат алмашиш учун Мадинага юборишни амр қилган эди.

Утба буйруққа бўйсуниб, лашкар ичидан ўн кишини саралаб олиб, Мадинага юборди. Танлаб олинган бу ўн жангчининг бири Аҳнаф ибн Қайс эди.

Вакиллар мўминлар амирининг ҳузурида ҳозир бўлишгач, халифа уларни яхши кутиб олиб, ўзига яқин ерга ўтказди ва улардан халқнинг ва хоссатан лашкарнинг эҳтиёжлари ҳақида сўрай бошлади.

Вакиллар: “Омма халқ ҳақида сўрасангиз, уларнинг раҳбари, ишларининг бошқарувчиси ўзингизсиз, аммо биз ўзимиз ҳақимизда гапира оламиз”.

Шунда ҳар бирларидан бирма-бир ўзининг бошидан ўтказиб турган эҳтиёжлари ҳақида гапиришни талаб қилди.

Аҳнаф ибн Қайс вакиллар ичида ёши энг кичиги бўлгани учун сўзлаш навбати унга охирида келди.

Гапиришга изн олгач, Аллоҳга ҳамду сано айтиб, шундай деди: “Эй мўминлар амири, Мисрни эгаллаган лашкарлар Фиръавнлар ерларидаги кўкаламзор ва ҳосилдор ерларга жойлашдилар.

Шом диёридаги лашкарлар эса Қайсарлар ерларидаги фаровонлик, мева-чева ва боғу роғларга бой ерларни эгалладилар.

Форс диёрини фатҳ қилган лашкарлар Кисролар ерларидаги ширин сувли анҳор бўйларига, ям-яшил бўстону гулистонли ерлардан жой олдилар.



Аммо Басрага тушган бизнинг қавм эса, тупроғи қуримайдиган, яйловларида ўт-ўлан ўсмайдиган юмшоқ ва шўр ерга жойлашдилар. Бу ерларнинг бир тарафи шўр денгиз бўлса, бошқа бир тарафи қуп-қуруқ чўлдир. Эй мўминлар амири, уларнинг бу қийинчиликларини кетгазиб, яшашларини осонлаштиринг. Бунинг учун Басрадаги волийингизга анҳор қазитишни амр қилсангиз, унинг сувидан чорва-моллари ва экинзорларини суғоришар эди ва шу билан уларнинг ҳолатлари яхшилашиб, турмушлари фаровон ва арзончилик бўлиб кетарди. Аллоҳнинг йўлидаги жиҳодларига ҳам катта ёрдам бўлар эди”.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу унинг сўзларидан ҳайратланиб, вакилларга: “Барчаларингиз ҳам шу йигит каби бўлганингизда эди. Аллоҳга қасамки, бу йигит саййиддир”, дедилар.

Шундан кейин уларнинг ҳар бирига совғалар улашдилар. Аҳнафга ҳам совғасини бераётганларида, у: “Эй мўминлар амири, биз чўлу даштлардан кечаю кундуз туяларимиз жигарларини эзиб, сиздан совға олиш учун келмадик. Сизга айтганим қавмимнинг эҳтиёжларидан бошқа, шахсий эҳтиёжим йўқдир. Агар қавмим эҳтиёжларини қондирсангиз, энг катта совға берган бўласиз”, деди.

Умар розияллоҳу анҳунинг ҳайратлари янада ошиб: “Бу йигит Басра аҳлининг саййидидир”, дедилар.

Мажлис тугалланиб вакиллар ўз қўналғаларига дам олиш учун кетай деб турганларида, Умар розияллоҳу анҳу уларнинг юкларига кўз қирини ташладилар. Юкларнинг бирида бир чети чиқиб турган кийимга кўзи тушиб, туриб келиб қўллари билан ушлаб кўрдилар.

“Бу кимнинг юки?” деб сўраганларида, Аҳнаф: “Эй мўминлар амири, меники”, деди.

Қимматбаҳо эканини пайқаган халифа: “Неча пулга сотиб олдинг?”.

Аҳнаф: “Саккиз дирҳамга”.

Ўн икки дирҳамга олган кийимни саккиз дирҳам деб ёлғон айтган эди.

Аҳнаф шу ерда гапирган ёлғон сўзидан бошқа, ҳаёти давомида яна ёлғон гапирганини эслай олмайди.

Умар розияллоҳу анҳу унга меҳрибонлик билан қараб: “Бир кийим билан кифояланиб, ортиғини мусулмон биродарингга ёрдам бўладиган ўринга қўмайсанми?”.

Сўнг вакилларга қараб: “Эҳтиёжларингизни қондирадиган зарур нарсаларни олиб, ортиғини ўз жойига қўйинглар, шунда ҳам фойдаланган ва ҳам ўзингизни ортиқча юқдан халос қиласиз”, дедилар.

Аҳнаф уялганидан ерга қараб жим бўлиб қолди.

Мўминлар амири Аҳнаф ибн Қайсдан бошқа барча вакиллар учун Басрага қайтишга рухсат бериб, Аҳнафни тўлиқ бир йил ўзлари билан олиб қолдилар.

Умар розияллоҳу анҳу ўткир назарлари билан Тамимлик бу йигит заковат, фасоҳат, олийҳиммат ва кўзи тўқлик каби сифатларга бой эканини кўра билгач, ўзлари ва бошқа улуғ саҳобалар қўл остида тарбия топсин, илмларидан баҳра олиб, олим бўлиб етишсин, деган мақсадда Мадинада олиб қолган эдилар.

Мўминлар амири Аҳнафга мусулмонларнинг баъзи ишларини топширишдан аввал, уни яқиндан имтиҳон қилиб, қалбига қўл солиб кўрдилар. Чунки Умар розияллоҳу анҳу чиройли гапирадиган фасоҳат эгаларидан кўпроқ эҳтиёт бўлар эдиларки, зеро бундайлар, ҳақиқатда солиҳ бўлсалар, дунёни яхшиликка тўлдириб юборадилар. Ва агар акси бўлса, заковатлари одамларга бало бўлади.

Бир йил ўтгач Умар розияллоҳу анҳу Аҳнафга: “Эй Аҳнаф, сени текшириб синаб кўргач, сенда фақат яхшиликни топдим. Зоҳирингни яхши эканини кўрдим, ботининг ҳам зоҳиринг каби яхши бўлишини умид қилиб қоламан”.

Шундан сўнг уни Форсга қарши жанг қилаётган лашкарга юбориб, унинг қўмондони Абу Мусо Ашъарийга: “Аммо баъд... Аҳнаф ибн Қайсни ўзингга яқин тут. У билан маслаҳатлашиб иш қил ва унинг гапларига қулоқ сол”, деб мактуб йўлладилар.

Аҳнаф Форс ерларининг шарқию ғарбида бўлган мусулмонлар байроғи остига келиб қўшилди.

Қаҳрамонликнинг барча навлари унда намоён бўлиб, улуши катта бўлди ва юлдузи ҳам порлади. Ўзи ва қавми Тамимликлар душманга қарши урушда бор кучлари билан, ўзларини аямай жанг қилдилар. Натижада уларнинг қўллари билан Аллоҳ таоло Кисролар тожининг дури Тустар шаҳрини фатҳ қилиб берди. Ҳурмузон эса асир бўлиб тушди.

Ҳурмузон форсларнинг энг кучли ва шиддатли, жанг услубларига билимдон бош қўмондони эди. Мусулмонларнинг кетма-кет ғалаба қозонишлари, уни бир неча маротаба улар билан сулҳ тузишга мажбур этди. Лекин ғалаба қилишга қулай фурсат топганида мусулмонларни алдаб, тузган сулҳига хиёнат қилар эди.

Мусулмонлар Ҳурмузонни Тустар шаҳрида қуршаб олганларида, у баланд ва мустаҳкам миноралардан бирига чиқиб олиб: “Қўлимда юз дона ўқ бор. Шу ўқларим тугамагунча мени таслим қила олмайсиз. Отган ўқи хато қилмайдиган қандай мерган эканимни яхши биласиз. Сизлардан юз кишини қатл ё жароҳат этмагунимча қўлга тушмайман”, деди.

Мусулмонлар: “Унда нима истайсан?”.

Ҳурмузон: “Халифангиз Умарнинг олдига олиб боринг. У менга нимани ҳукм қилса, шунга розиман”.

Мусулмонлар: “Майли, сен айтгандек бўлақолсин”.

Ҳурмузон камонини ерга ташлаб, мусулмонлар қўлига таслим бўлди.

Унинг оёқ қўлини боғлаб, Росулulloҳнинг ходими Анас ибн Молик ва Умарий мадраса шогирди Аҳнаф ибн Қайс бошчилигидаги бир қанча фатҳ қахрамонлари ҳамроҳлигида Мадинага юбордилар.

Ҳурмузон билан бирга ғалаба ҳушхабарини халифага етказиш учун йўлга тушган жамоа ўзлари билан мусулмонларнинг байтулмолига бериш учун ғаниматнинг бешдан бирини ҳамда аҳдини бузувчи хоин Ҳурмузонни халифанинг ҳукмига топшириш учун Мадина сари шошилдилар.

Мадинанинг чегарасига яқинлашганларида Ҳурмузонни мусулмонларга ўз ҳайъатида кўрсатиш учун унинг ипакдан тўқилган, тилло суви юритилган иплар билан тикилган қимматбаҳо кийимини ва дур-гавҳарлар билан безатилган нақшинкор тожини кийгазиб, олтиндан ясалган ҳассасини тақиб қўйдилар.

Мадинага кириб борганларида каттаю кичик барча тўпланиб, мусулмонлар қўлига тушган “мансабдор” асирнинг ҳашаматли кўринишидан ҳайратда қолдилар.

Ҳурмузонни етаклаган вакиллар мўминлар амирининг уйига бордилар. Бироқ халифа уйда йўқ экан. Қаерда эканини сўраганларида, ҳузурига келаётган элчиларни кутиб олиш учун масжидга кетганини айтдилар. Масжидга боришди, аммо у ерда ҳам учрата олишмади.

Халифани излашлари узайгани сари, атрофларига йиғилаётган одамлар сони ҳам орта борди.

Улар шу юришда юрганларида, кўчада ўйнаб юрган болалар: “Нима бўлди сизларга? У ёқдан бу ёққа юрибсиз. Мўминлар амирини қидираяпсизми?”.

Улар: “Ҳа, мўминлар амирини қидириб юрибмиз”.

Болалар: “У зот масжиднинг ўнг тарафида, тўнларини ястиқ қилиб ётибдилар”, дедилар.

Умар розияллоҳу анҳу Кўфа аҳлидан келаётган элчиларни кутиб олиш учун тўнларини кийиб масжидга чиққан эдилар. Элчилар кетишгач, тўнларини ёчиб бошлари остига ястиқ қилиб бир оз уйқуга кетган эдилар.

Ҳурмузонни етаклаган вакиллар масжиднинг ўнг тарафига бориб қарасалар мўминлар амири ухлаб ётибдилар. Халифага яқинроқ ердан жой олдилар ва асирларини ҳам ўша ерга ўтказдилар.

Ҳурмузон араб тилини умуман тушунмас эди. Шунинг учун ҳам йўлдаги гап сўзларни тушунмаганидан, масжиднинг бир четида ухлаб ётган киши мўминлар амири Умар ибн Хаттоб экани ҳаёлига ҳам келмаган эди. Тўғри у

Умар ибн Хаттобнинг дунё зебу зийнатларидан ўзини тортиб, оддий ҳаёт кечирадиган зоҳид инсон эканини эшитган, лекин Румни мағлуб этган ва Кисроларни синдирган киши, масжиднинг бир четида ёпинчиқсиз бир ўзи қўриқчи ва хизматчиларсиз ётиши ҳаёлининг бир чеккасига ҳам келмаслиги аниқ эди.

Одамлар тўпланиб жим ўтирганларини эса намоз ўқиш учун халифани кутиб ўтиришибди, деб ўйлаган эди.

Аҳнаф ибн Қайс халифани уйғотиб юбормаслик учун, одамларга товушларини чиқармай, шовқин-сурон қилмай жим ўтиришларига имо-ишора қиларди. Сабаби у Умар розияллоҳу анҳу билан кўп бирга бўлганидан, у зотнинг кечалари камдан-кам ухлашлари ё намоз ўқиб ибодат билан ёки кийимларига яшириниб олиб халқнинг ҳолидан хабардор бўлиш учун Мадина маҳаллаларида айланиб ва ё кечқурундаги кутилмаган ҳодисалардан мусулмонлар уйини қўриқлаб чиқар эдилар.

Аҳнафнинг одамларга қилаётган имо-ишораси Ҳурмузоннинг диққатини тортди ва у форс тилини биладиган Муғийра ибн Шўъбага қараб: -“Ухлаб ётган бу киши ким?”.

Муғийра ибн Шўъба: “Мўминлар амири Умар...”.

Даҳшатдан оғзи очилиб қолган Ҳурмузон: “Умар?! Хизматчи ва соқчилари қаерда?”.

Муғийра: “Унинг хизматчиси ҳам соқчиси ҳам йўқ”.

Ҳурмузон: “У пайғамбар бўлиши керак экан”.

Муғийра: “Аслида у пайғамбарлар қилган ишни қиляпти холос. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайғамбар бўлмайди”.

Атрофда одамлар янада кўпайиб, ғалағовур кўтарилди. Умар розияллоҳу уйғониб кетиб, ҳайрон бўлиб одамларга қарадилар ва кўзлари форслик амирга тушди. Унинг бошидаги тожи қуёш нурида ловуллаб турар ва қўлидаги ҳассаси кўзни оладиган даражада ялтирар эди.

Умар розияллоҳу анҳу унга тикилиб туриб: “Ҳурмузонми?”, дедилар.

Аҳнаф: “Ҳа, эй мўминлар амири, ҳудди ўзи”.

Умар розияллоҳу анҳу ундаги тиллолар, дуру-гавҳар ва ипакларга қараб ўйланиб қолдилар, сўнг юзларини буриб: “Аллоҳдан дўзах ўтидан паноҳ тилайман ва дунёга чалғиб қолмасликка ёрдам беришини сўрайман. Буни ва бунга ўхшаганларни Исломга бўйинсундириб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Эй мусулмонлар, мана шу динни маҳкам ушлаб, азиз пайғамбарингиз йўлида юрингиз. Бу алдамчи дунё сизни мағрурлантириб қўймасин”.

Умар розияллоҳу анҳу сўзларини тугатгач, Аҳнаф ибн Қайс ғалаба ва Аллоҳ таоло ато этган мислсиз ғаниматлар ҳушхабарини етказиб: “Эй

мўминлар амири, Ҳурмузон сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилиш шарти билан бизга таслим бўлган эди. Ўзи билан гаплашиб кўрасизми?”.

Умар розияллоҳу анҳу: “Уни кибр ва манманлик кўринишидан холи қилсангиз, кейин гаплашаман”, дедилар.

Дарҳол эғнидаги қимматбаҳо ипак либосини ва бошидаги тожини ечдилар, қўлидан ҳассасини олиб, устига жасадини тўсиб турадиган ғализ бир кийим кийгазиб қўйдилар.

Шундан кейингина Умар розияллоҳу анҳу унга қараб: “Эй Ҳурмузон, хиёнат қилиш оқибатини ва Аллоҳнинг ишларини кўрдингми энди?”.

Ҳурмузон мўлтиллаганича: “Эй Умар, сиз ҳам биз ҳам жоҳилиятда эканимизда, Аллоҳ сиз билан ҳам биз билан ҳам эмас эди. Ана шунда биз устингиздан ғолиб эдик. Исломни қабул қилганингиздан кейин Аллоҳ сиз билан бўлиб қолди. Ана энди бизнинг устимиздан ғолиб бўлдингиз”.

Умар розияллоҳу анҳу: “Жоҳилият даврида бизнинг устимиздан ғолиб бўлишингизга бундан бошқа сабаб ҳам бор эди, у сизнинг бирдамлигингиз, бизнинг эса бўлиниб кетганимиздир”.

Сўнг унга ғазаб билан қараб: “Тузган аҳдингни ҳар сафар бузганингга энди қандай узринг бор, эй Ҳурмузон?”.

- “Мени қатл қилишингдан қўрқаман”.

- “Хотиржам бўл, айтгунингча сенга ҳеч нарса бўлмайди”.

Умар розияллоҳу анҳудан бу сўзни эшитган Ҳурмузоннинг қўрқуви бир оз кетиб: “Мен жуда чанқадим”, деди.

Умар розияллоҳу анҳу унга сув келтиришни буюрдилар.

Ғализ бир идишда сув келтиришган эди: “Ташналиқдан ўлсам ҳам бундай идишда ича олмайман”, деди.

Умар розияллоҳу анҳунинг розиликлари билан, у хоҳлаган идишда сув олиб келдилар.

Идишни қўлига олган Ҳурмузоннинг қўллари қалтирар эди.

Умар розияллоҳу анҳу: “Сенга нима бўлди?”.

- “Мана шу идишдаги сувни ичмасимдан олдин қатл қилинишимдан қўрқяпман”.

- “Хотиржам бўл, сувни ичгунингча сенга ҳеч нарса бўлмайди”.

Ҳурмузон қўлидаги идишни тушириб сувни тўкиб юборди.

Умар розияллоҳу анҳу: “Унга бошқа сув олиб келинглар. Ташна ҳолида қатл қилманглар”, дедилар.

- “Сувга ҳожатим йўқ. Фақат сув баҳонасида омонликка эришиб, ўлимдан қутулиб қолмоқчи эдим”.

- “Ўлимдан қутула олмайсан. Мен сени қатл қиламан”.

- “Менга омонлик бердинг”.

- “Ёлғон сўзлама”.

Анас ибн Молик: “Тўғри айтмоқда, эй мўминлар амири, сиз унга омонлик бердингиз”.

Умар розияллоҳу анҳу: “Эй Анас, ўйлаб гапираяпсанми. Аканг Баро ибн Моликни ва Мажзаъа ибн Саврни қотилига омонлик бераманми?... Ҳайҳот, бу бўлиши мумкин эмас”.

Анас розияллоҳу анҳу: “Сиз унга: “Хотиржам бўл, айтгунингча сенга ҳеч нарса бўлмайди” ва “Хотиржам бўл, сувни ичгунингча сенга ҳеч нарса бўлмайди”, деб омонлик бердингиз.

Аҳнаф туриб Анас ибн Моликнинг сўзини қувватлади, атрофда ўтирганлар ҳам мўминлар амири Ҳурмузонга омонлик берганини тасдиқладилар.

Умар розияллоҳу анҳу Ҳурмузонга ғазаб билан қараб: “Ҳийла қилиб мени алдадинг. Аллоҳга қасамки, мен муслмонгагина алданган бўлай”.

Шундан сўнг Ҳурмузон Исломни қабул қилиб муслмон бўлди ва Умар розияллоҳу анҳу унга икки минг дийнор суюнчи бердилар.

Форсларнинг аҳдларини тез-тез бузишлари ва муслмонларга қарши қўзғолон уюштиришлари халифани безовта қилди. Шунинг учун Ҳурмузонни олиб келган вакилларни йиғиб: “Муслмонлар зиммийларга озор бериб, уларга ёмон муомала қилиб, шартларини бузаяптиларми?”,

Вакиллар: “Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири, бирор бир муслмонни уларга ёмон муомала қилганини ёки аҳдини бузганини ва ё уларни алдаганини билмаймиз”.

Умар розияллоҳу анҳу: “Унда нима учун улар, ўрталарингизда аҳдлашув бўлса ҳам, имкон топишлари биланоқ сизга қарши қўзғалмоқдалар?”.

Вакилларнинг берган жавоблари мўминлар амирини қониқтирмади, қалби таскин топмади.

Шунда Аҳнаф ибн Қайс ўрнидан туриб: “Саволингизга мен жавоб берсам”.

Умар розияллоҳу анҳу: “Майли, гапир”.

Аҳнаф: “Эй мўминлар амири, сиз бизларни Форс диёрида кенг кўламда юриш қилишдан ман қилиб, қўлга киритган ерлар, шаҳар ва қишлоқлар билан чегаралаб қўйдингиз. Форсларни эса ҳали ҳам подшоҳлари ва давлатлари мавжуд бўлиб турибди. Улар қўлларидан кетган ерларни қайтариб олиш учун қайта-қайта бизга ҳужумлар уюштирмоқдалар. Шунинг учун биз билан аҳдлашганлари ҳам, уларнинг жарчилари урушга чақирганида ва ғалабага эришиш учун қулай фурсат сезганида уларга қўшилиб бизга қарши қўзғалмоқдалар. Бир ер икки подшоҳни ўзида сиғдира олмайди. Уларнинг бири иккинчисини чиқариб юборишдан бошқа чора йўқдир. Бизга Форс диёрида кенг кўламда юриш қилишга рухсат берсангиз, биз уларнинг давлатларини таг-туғи билан йўқ қилар эдик.

Шунда уларнинг умидлари сўниб, ҳаракатдан тўхтайдилар ва биз тўлиқ тартиб ўрната оламиз”.

Умар розияллоҳу анҳу Аҳнафнинг айтганларини ўйлаб кўриб: “Аҳнаф тўғри маслаҳат берди ва қавмдаги менга қоронғу бўлиб турган жиҳатларни очиб берди”.

Аҳнаф ибн Қайснинг бу тутган ўрнининг буюк давоми бор... Унинг бу фикри тарих чарҳпалагини ўзгаришига сабаб бўлди.

## Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Ҳаётидан гўзал лаҳзалар

**“Абу Ҳанифадан кўра оқил, фазилатли ва тақводор кишини кўрмадим”. (Язид ибн Ҳорун)**

У чиройли, келишган, қадди-қомати расо, ширин сўз инсон эди. Чиройли яхши кийимларни кийиб, атирларни сепиб ўзига қараб юрарди. Кўчага чиққанида одамлар ўзидан аввал, унинг ҳушбўй ҳидидан келаётганини билар эдилар.

Кимни сифатлаётганимизни биласизми?

Бу Абу Ҳанифа куняси билан машҳур, Ҳанафия мазҳабининг асосчиси, фикҳ эшикларини очиб, унинг ҳушбўй исини таратган Нўъмон ибн Собит ибн Марзубондир.

Абу Ҳанифа Умавийлар даврининг охири ва Аббосийлар асрининг аввалида яшаб ўтди. У яшаган даврда халифа ва ҳокимлар аҳли илмлар учун неъматларни мўл-кўл қилиб уюб ташлаган ҳатто ўзлари сезмаган ҳолда ризқлари ҳар тарафдан келар эди.

Бироқ Абу Ҳанифа илмини ҳам ўзини ҳам бундан юқори тутди ва ризқини ўз қўли билан топишга, доимо юқори қўл бўлишга бел боғлади.

Бир куни халифа Мансур уни зиёратига чақиртирди. Абу Ҳанифа келганида уни жуда яхши кутиб олиб, лутф, икром ва марҳаматлар кўрсатди. Ўзига яқин ерга ўтказиб дин ва дунё ишларидан сўраб маслаҳатлар олди. Сўхбат тугаб Абу Ҳанифа кетишга изн сўраганида , халифа Мансур сахийлик билан танилмаган бўлса ҳам ичида ўттиз минг дирҳам бўлган ҳамённи узатди.

Абу Ҳанифа: “Эй мўминлар амири, мен Бағдодда ёлғизман, бунча маблағни сақлайдиган жойим йўқ, уни йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Шунинг учун иложи бўлса бунга байтулмолда сақлаб турсангиз, керак бўлганида олар эдим”, деди. Халифа Мансур рози бўлди.

Лекин озгина вақт ўтмай Абу Ҳанифа вафот этди. Унинг уйдан эса одамларга тарқатиш учун қолдирилган катта миқдордаги маблағ топдилар. Бунга эшитган Мансур: “Абу Ҳанифани Аллоҳ раҳматига олсин... Биз берган пулни олмай, рад қилиб ҳам ранжитмай шу йўлни тутган экан-да”, деди.

Бунинг ажабланарли ери йўқ, зеро Абу Ҳанифа, энг яхши луқма ҳар бир кишининг ўз қўли билан топгани эканига қаттиқ ишонар эди. Шунинг учун ҳам вақтининг бир қисмини тижорат учун ажратганига гувоҳ бўламиз. У ипак, шойи ва шулардан тикилган кийим-кечак сотиш билан шуғулланар, тижорати Ироқ шаҳарлари орасида айланар эди. Уни олиш-бериш ва муомалада содиқлик ва омонат ҳамда сотувчиларнинг ҳушмуомалалиги



билан танилган ва узоқ-яқиндан одамлар атайин борадиган савдо дўкони ҳам бор эди. Ушбу тижорати Аллоҳнинг фазли билан жуда катта фойда келтирар ва ҳалолдан топган бу мол-дунёни жой-жойига ишлатишга ҳам муваффақ қилинган эди.

Бизга маълумки у тижорат молидан ҳар йили ўзига етарлисини олиб қолиб, қолганига қори-ю муҳаддислар, фуқаҳо ва толиби илмларнинг эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечаклар сотиб олар ва бундан ташқари уларнинг ҳар бирларига нақд пул ҳам бериб: “Мана булар ўз молларингизнинг фойдаси. Аллоҳ таоло буни сизларга менинг қўлим орқали етказди холос. Мен ўз молимдан сизларга бераётганим йўқ. Бу Аллоҳнинг сизлар орқали менга берган фазл-марҳамати, хайр-эҳсонидир. Агар Аллоҳ бермаса, ҳеч ким ўзининг куч-қуввати ва иқтидори билан ризқ топишга қодир бўлмайди”.

Абу Ҳанифанинг саҳийлиги ҳақидаги гаплар шарқу ғарбда ва хоссатан ўзининг ҳамнишинлари орасида кенг тарқалиб кетди.

Бунга мисол: бир куни суҳбатини тингловчилардан бири дўконига келиб: “Эй Абу Ҳанифа, ипак кийимга эҳтиёжим бор эди”, деди.

Абу Ҳанифа: “Ранги қандайини истайсан?”.

У: “Фалон ва фалон рангда бўлсин”.

Абу Ҳанифа: “Бу рангдагиси ҳозир йўқ. Сабр қилишинга тўғри келади. Келса албатта сен учун олиб қўяман”.

Бир ҳафтадан кейин талаб қилинган рангдагиси келди. Абу Ҳанифа буюртма берган ҳаридорга: “Сен сўраган рангдаги газмол келди”, деб унга кўрсатди. Ҳаридорга мол маъқул келиб: “Қанча пул берайин?”, деди.

Абу Ҳанифа: “Бир кумуш танга”.

Ҳаридор таажжубда: “Бир кумуш танга?”.

Абу Ҳанифа: “Ҳа”.

Ҳаридор: “Мени масхара қилишингизни кутмаган эдим, эй Абу Ҳанифа”.

Абу Ҳанифа: “Сени масхара қилаётганим йўқ. Мен бу кийимни йигирма тилло ва бир кумуш тангага сотиб олдим. Бирини йигирма тиллога сотдим, буниси менга бир кумуш тангага тушди. Энди ўзимнинг суҳбатдошимдан ҳам фойда қилайми?”.

Бир куни ипак кийим сўраб бир кампир келиб қолди. Абу Ҳанифа кампир сўраган кийимни кўрсатди. Шунда кампир: “Мен бир заиф қария аёлман. Нарҳ-навони билмайман. Бу омонат. Шунинг учун ўзинг олган нарҳга оз фойда қўйиб менга бер”, деди.

Абу Ҳанифа: “Мен икки кийимни бир келишув билан олгандим. Бирини тан нарҳидан тўрт дирҳам камга сотдим. Тўрт дирҳамга олақолинг. Сиздан фойда олмайман”, деди.

Абу Ҳанифа илм мажлисига қатнашадиган бир кишининг эғнидаги кийим эски ямоқли эканини кўриб қолди. Дарс тугаб, одамлар тарқалиб кетгач, ҳалиги кишини чақириб: “Мана бу жойнамозни кўтариб тагидагини ўзинга ол”, деди.

Киши жойнамозни кўтариб қараса минг дирҳам.

Абу Ҳанифа: “Ол, олавер. Эҳтиёжларингга ишлатиб, ўзингни ўнглаб ол”.

Киши: “Мен ўзим бой одамман, бунга эҳтиёжим йўқ”.

Абу Ҳанифа: “Аллоҳ таоло сенга бойлик инъом этган бўлса, қани сенда бу неъматининг асари нега кўринмаяпти? Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини эшитмаганмисан. У зот: “Аллоҳ таоло бандасига неъмат ато этган бўлса, бандасида неъматининг асарини кўришни яхши кўради”, деганлар. Имконинг бор экан сени кўрган дўстинг ғамга ботмаслиги учун ҳам кўринишингни ўнглаб олишинг лозим бўлади”, деди.

Абу Ҳанифанинг одамларга эҳсон ва саховати шу даражага етган эдики, ўзининг аҳли оиласига қанча миқдорда инфоқ қилса, бошқа муҳтож оилаларга ҳам шунча берар, оиласидагиларга янги кийим кийгизса, мискин бечораларга ҳам янги кийим олиб берарди. Олдига бирор таом қўйилса, ўзи одатда ейдиган миқдордан тенг баравар кўпини олиб фақирларга тарқатиб юборарди.

Ривоят қилинишича, у гапириш асносида, агар, қасам ичиб қўйса бир кумуш танга садақа қилишни ўзига аҳд олган, кейин буни ривожлантириб бир тилло тангага чиқарган ва агар ҳақ бўла туриб қасам ичса бир тилло танга садақа қилар эди.

Ҳафс ибн Абдурраҳмон исмли киши Абу Ҳанифанинг айрим тижорий ишларида шерик эди. Абу Ҳанифа унга ипак шойилардан юклаб бериб, Ироқ шаҳарларига юборар эди. Бир куни унга катта миқдордаги газмол юклаб, фалон-фалон кийимлиларни айби бор эканини айтди: “Сотаётганингда ҳаридорга айби борлигини айтиб сотгин”.

Ҳафс ибн Абдурраҳмон ҳаридорга айбли молларнинг айбини айтишни унутиб, молнинг ҳаммасини сотиб юборди. Кейин айбли молни кимга сотганини эслаш учун қанчалик уринмасин, бари-бир эслай олмади.

Бўлган ишдан Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ хабардор бўлгач ва айбли мол сотилган ҳаридорларни аниқлай олмагач, кўнгиллари бўлмай ҳамма молдан кўрилган фойданинг барини садақа қилиб юбордилар.

Бундан ташқари Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ яхши ҳамсоя ва меҳрибон ҳамнишин ҳам эдилар. Сўхбатдошлари сўхбатидан баҳра олиб шодон бўлса, сўхбатида бўлмаганлар, гарчи душман бўлса ҳам ундан ғамга ботмас эди.

Ҳамсўхбатларидан бири ҳикоя қилади: “Абдуллоҳ ибн Муборакни Суфён Саврийга шундай деганини эшитиб қолдим: “Эй Абу Абдуллоҳ, Абу

Ҳанифа ғийбатдан қандай ҳам йироқ-а. Мен уни душмани ҳақида ҳам ёмон гапирганини эшитмадим”.

Суфён Саврий: “Абу Ҳанифа оқил одам. У ўз ҳасанотларини кетгазидиган нарсага асло эрк бериб қўймайди”.

Абу Ҳанифа одамларнинг кўнглини олишни яхши кўрар, дўстлик ва биродарликни давомий бўлишини истарди ва шунга ҳаракат қилар эди.

Оддий одамлардан бирон киши дарс еридан ўта туриб унинг дарсига давомий қатнашиш ниятисиз бирров ўтириб кетса ҳам, кетганидан сўнг у ҳақда сураб-суриштирар , фақир бўлса пул жўнатар, касал бўлса бориб кўрар, ҳожати бўлса бажарар, токи ўша одам у билан алоқа боғлаб яқин дўст бўлиб кетгунича яхшилиқ қилаверар эди.

Бу ишларига қўшимча Абу Ҳанифа кундузлари рўзадор соим, кечалари намозда қоим, саҳарларни истиғфор билан ўтказадиган, Қуръон тиловатига берилган инсон эди.

Ибодатга қаттиқ берилиши ва ғайрат қилишига сабаблардан бири: кунларнинг бирида у одамлардан бир жамоасининг ёнидан ўта туриб уларнинг: “Сиз кўриб турганингиз мана шу киши, кечалари умуман ухламайди”, деб айтаётганларини эшитиб қолади.

Шунда ўзига-ўзи: “Мен одамлар наздида, Аллоҳнинг наздидаги ҳолимдан хилоф ҳолатда эканман. Аллоҳга қасамки, шу ондан бошлаб, мен қилмайдиган ишни мен ҳақимда одамлар гапиришига йўл қўймайман”, деб ўзига аҳд олди ва ўша кундан бошлаб то Аллоҳга йўлиққунга қадар жойини солмай кечаларни бедор ўтказди.

У ўша кундан бошлаб туннинг ҳаммасида уйқу нималигини билмади. Зулмат коинотга ўз пардасини ташлаб, ҳаммаёқ зим-зимистон, одамлар ёнбошларини ётар жойларига таслим этиб, уйқуга ғарқ бўлганларида, у энг яхши кийимларини кийиб, соч-соқолини тараб, ҳушбўйланиб жойнамози устида намоз ўқишни бошларди. Намоздан фориг бўлгач энкайиб Қуръон тиловатига, ундан сўнг икки қўлини кўтариб Аллоҳ таолога ўтиниб дуолар қиларди. Баъзида бир ракатда Қуръоннинг ҳаммасини тугатса, баъзида бир оят билан бутун тунни ўтказар эди.

Ривоят қилинишича бир куни у Аллоҳ азза ва жалланинг: “Уларга (мангу азоб учун) ваъда қилинган вақт (Қиёмат) Соатидир. У Соат (азоби) улканроқ ва аччиқроқдир”, оятини қайта-қайта ўқиб, Аллоҳдан қўрққанидан юракни эзадиган даражада ҳўнграб йиғлаб, туннинг ҳаммасини ўтказган экан.

Хуфтонга қилган таҳорати билан бомдод намозини узлуксиз қирқ йил ўқигани, вафот этган уйида Қуръонни етти минг марта хатм қилгани ҳам ривоят қилинган.

Залзала сурасини тиловат қилганида териси титраб, қалби қурқувдан эзилиб, соқолини силаганича шундай дер эди: “Эй зарра оғирлигида

яхшилик қилганга мукофот ва зарра оғирлигида ёмонлик қилганга жазо берадиган Зот... Банданг Нўмонни дўзах ўтидан сақла. Дўзахга яқинлаштирадиган иш билан унинг орасини узоқ қил. Ва уни Ўзингнинг кенг раҳматингга дохил эт, эй Раҳмлиларнинг Раҳмиси”.

## Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит

### Заковати ва даҳолигидан ёрқин намуналар

**“Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ҳаром амаллардан ўзини жуда қаттиқ сақлайдиган, кам гап ва ўйчан инсон эди”. (Имом Абу Юсуф)**

Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит имом Моликнинг олдиларига келганларида, у кишининг ҳузурларида катта бир жамоа йиғилиб ўтирган экан. Сўхбатлашиб бўлгач, чиқиб кетганларида имом Молик ўтирганларга: “Бу киши ким эканини биласизми?”.

Улар: “Йўқ, билмаймиз”.

Имом Молик: “Бу киши Нўъмон ибн Собит бўладилар. Агар у: “Мана шу устун олтиндир”, деса, айтган шу сўзига далил-ҳужжат келтира олади ва ҳақиқатда шундай бўлиб чиқади”.

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг далил-ҳужжатда кучли экани, топқирлиги, ақл ва фикрининг ўткирлиги ҳақидаги имом Моликнинг айтган бу сўзида ҳеч қандай муболаға йўқдир.

Зеро унга фикр ва ақийдада қарши бўлиб баҳс юритганлар билан қандай муомала қилгани тарих ва сийрат китобларида тўлиб ётибди. Буларнинг бари имом Моликнинг, агар у олдинда турган бир уюм тупроқни тилло деб тасдиқласа, унинг бу даъвоси ва қаноатлантиришига таслим бўлишдан бошқа чоранг қолмайди деган маънодаги сўзларига шоҳид бўла олади.

Энди ҳақни ҳимоя қилиб, ҳақ учун тортишаётган бўлса нима деб ўйлайсиз?

Кўфада обрў-эътиборли, гапи олинадиган бир киши бор эди. Қаранги, Аллоҳ адаштириб қўйиб, шу киши Усмон ибн Афвонни асли яҳудий бўлган, Ислом келгандан кейин ҳам яҳудийликда қолган деган даъво билан чиқиб, шунини одамларга сингдирмоқчи бўлди.

Абу Ҳанифа унинг бу сўзи етгач, унинг уйига бориб: “Шогирдларимдан бирига қизингизнинг қўлини сўраб совчи бўлиб келдим”, деди.

Киши: “Ҳуш келибсиз, сиздек инсоннинг совчилигини қайтариб бўладими, эй Абу Ҳанифа... Лекин кўёв бўлмиш ким, қандай инсон билсак бўладими?”.

- “У йигит қавми орасида обрўси ва бойлиги билан танилган. Ниҳоятда қўли очиқ саховатли, бунга қўшимча Аллоҳнинг китобини ёд олган қори, кечалари ибодатда қоим, Аллоҳдан қўрққанидан кўп кўз ёш тўкувчи тақводор инсон”.

- “Бах-бах... эй Абу Ҳанифа етарли бўлди. Сиз айтган сифатларнинг айрими ҳам, бизга эмас, ҳатто мўминлар амирининг қизига ҳам совчи қўйса бўладиган экан”.

- “Бироқ унинг бир сифати бор, буни ҳам билишингиз лозим”.

- “Нима экан у?”.

- “У асли яхудийдир”.

Киши сакраб ўрнидан туриб: “Яхудий... Қизимни яхудийга беришимни хоҳлайсизми эй Абу Ҳанифа. Аллоҳга қасамки, унда авалгилар ва охиргиларнинг сифати жамланган бўлса ҳам, қизимни бермайман”.

-“Ўз қизингни яхудийга беришдан бош тортиб, қаттиқ қайтарасану, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир эмас икки қизларини яхудийга берганлар деб, одамларга сингдирмоқчи бўласанми?”.

Киши қўрқувдан титраб: “Тавба қилдим, айтган бу ёмон сўзим ва тўқиб чиқарган бўхтонимни кечиришини сўраб, Аллоҳга истиғфор айтаман, тавба қилдим”.

Яна бир воқеа: “Ҳавориж бўлган Заҳҳок Шорий исмли кимса Абу Ҳанифанинг олдига келиб: “Тавба қил, эй Абу Ҳанифа”.

Абу Ҳанифа: “Нимадан тавба қилай”.

- “Алий билан Муовия ўртасида юзага келган ишга ҳакам тайинлаш жоиз деган сўзинга тавба қил”.

- “Шу масала хусусида мен билан мунозара қилишга розимисан”.

- “Розиман”.

- “Тортишаётган масаламизда келиша олмай қолсак, ўртамизда ким ҳакамлик қилади?”.

- “Хоҳлаган кишингни ҳакам этиб тайинлайвер”.

Абу Ҳанифа хавориж билан бирга келган шеригига қараб: “Биз ихтилоф қилган масалаларда сен ўртамизда ҳукм чиқарасан”, деди ва ўзи бахслашмоқчи бўлган хаворижга қараб: “Дўстинг ўртамизда ҳукм чиқаришига мен розиман. Сен ҳам розимисан?”.

Хавориж мамнун ҳолда: “Розиман”.

-“Ҳолингга вой бўлсин, ўртамиздаги бахсли ишга ҳакам тайинлашни мумкин дейсану, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки саҳобаси ўртасидаги ҳакам тайинлашни инкор қиласанми?”.

Бас, хавориж лол қолиб, лом мим ҳам деёлмай қолди”.

Ислом ерларида ёмонлик уруғини сепган, жаҳмия фирқасининг асосчиси адашган бидъатчи Жаҳм ибн Сафвон Абу Ҳанифанинг олдига келиб: “Айрим масалалар хусусида сен билан гаплашгани келдим”, деди.

Абу Ҳанифа: “Сен билан гаплашишни ор деб биламан. Сен билдирган фикрлар ҳақида суҳбатлашишни эса жаҳаннам ўтига тенглаштираман”.

- “Мен билан аввалда кўришмаган, сўзимни эшитмаган бўлсанг, қандай қилиб мени устимдан бундай ҳукм чиқариб қўйгансан?”.

- “Сен ҳақингда Қибла аҳли бўлган киши айтмайдиган гаплар менга етиб келган”.

- “Буни аниқ билмай туриб мени устимдан ҳукм қиласанми?”.

- “Сен ҳақингдаги бу гаплар, одамлар орасида кенг тарқалгандир. Буни омма ва хос ҳамма билади. Шундай экан, сен ҳақингда мутавотир бўлган хабарни тасдиқ этиш менга жоиз бўлади”.

- “Сендан фақатгина иймон ҳақида сўрамоқчи эдим холос”.

- “Иймон ҳақида шу пайтгача билмайсанмики мендан сўрайсан?”.

- “Иймонни биламан, лекин унинг айрим турларида шубҳаларим бор”.

- “Иймонда шак қилиш куфрдир”.

- “Токи мендан куфр сўзни эшитмагунингча, менга куфрни тамғалашинг сенга ҳалол эмасдир”.

- “Сўрамоқчи бўлган масалангни сўрай қол”.

- “Менга айтчи, қалби билан Аллоҳни билган, Аллоҳ ёлғиздир, шериги ва ўхшаши йўқдир деб эътироф этган, Уни сифатлари билан таниган, бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир деб билган, бироқ иймонни тили билан эълон қилмай вафот этган киши, кофир бўлиб ўлган бўладими ё муслмон бўлибми?”.

- “Модомики, қалби билан билганини тили билан ҳам очиқ айтмаса ва тили билан айтишга бирон монё бўлмаса, кофир бўлиб ўлган бўлади ва дўзах аҳлидан ҳисобланади”.

- “Аллоҳни ҳақиқий таниш билан билган бўлса ҳам муслмон бўлмайдими?”.

- “Қуръонга иймон келтирган ва уни ҳужжат деб билсанг, сенга Қуръон билан гапираман. Агар Қуръонга иймон келтирмаган ва уни ҳужжат деб билмасанг, Исломга муҳолиф бўлганлар билан қандай гаплашсак, сен билан ҳам шундай гаплашаман”.

- “Мен Қуръонга иймон келтирганман ва уни ҳужжат деб биламан”.

- “Унда эшит, Аллоҳ таоло иймонни икки аъзо билан бўлишини ирода қилди: қалб ва тил. Шу иккиси билан, буларнинг бири билан эмас. Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида бунинг исботи тўлиб тошиб ётибди.

Масалан: Аллоҳ таоло деди: **“Улар пайғамбарга нозил қилинган нарсани (Қуръонни) эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз. Улар: «Парвардигоро, иймон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгин», дейдилар.**

**«Бизга нима бўлдики, ўзимиз Аллоҳга ва бизга келган ҳақ динга ишонмаймиз-у, яна парвардигоримиз бизни ҳам бу солиҳ қавм билан бирга (жаннатга) дохил қилишини тамаъ қиламиз?!»**

**Бас, шу гаплари сабабли Аллоҳ уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий яшайдиган жаннатлар билан мукофотлади. Бу чиройли амал қилгувчиларнинг мукофотидир”.** (Моида: 83-85)

Улар ҳақни қалблари билан билдилар ва тиллари билан нутқ қилдилар, бас, шу гаплари сабабли Аллоҳ уларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар билан мукофотлади.

Яна Аллоҳнинг сўзи: **“Айтингиз (эй мўминлар), Аллоҳга ва бизга нозил қилинган Китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик”**. (Бақара: 136)

Бу ерда ҳам тил билан айтишга буюрди. Билиш ва танишнинг ўзи билан кифояланмади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ деб айтинлар, нажот топасизлар”, деб, нажот ёлғиз билишнинг ўзида эмас, балки унга тил билан айтишни ҳам қўшиб айтдилар.

Бошқа бир ҳадисда: “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, деб айтган киши, дўзахдан чиқади”, дедилар. Аллоҳни билган киши дўзахдан чиқади демадилар.

Агар тил билан айтишга ҳожат бўлмай, маърифатнинг ўзигагина кифоянилганда, Иблис мўмин бўлган бўлар эди. Чунки у Роббини билар, уни яратган, ўлдирадиган ва яна қайта тирилтирадиган ва уни адаштирган ҳам Аллоҳ эканини яхши билар эди. Аллоҳ таоло Иблиснинг тилидан айтган сўзида: **“Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг», деди у”**. (Аъроф: 12)

Яна: “(Иблис илтижо қилиб) **деди: «Парвардигорим, у ҳолда менга улар қайта тириладиган Кунгача (ўлмасдан яшаш учун) муҳлат бергин”**.(Ҳижр: 36)

Ҳамда: **“У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутиб ўтирурман”**. (Аъроф: 16)

Агар сен даъво қилаётган нарса тўғри бўлганида, Роббиларини билиб, бироқ уни тиллари билан инкор қилган кўпгина кофирлар ҳам мусулмон бўлган бўлар эди.

Аллоҳ таоло деди: **“Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар”**. (Намл: 14)

Аниқ билганларининг ўзи билан уларни мўминлар деб санамади, балки тиллари билан инкор этганлари учун кофирлардан деб ҳисоблади”.

Абу Ҳанифа шу зайлда, бир Қуръондан, бир ҳадисдан далилларни қўйиб ташлаган эди, Жаҳмнинг юзида ҳайрат ва чорасизлик аломатлари кўрина бошлади ва: “Унутган нарсаларимни, эсимга солиб қўйдинг, олдинга яна келаман”, деб, Абу Ҳанифанинг олдидан секингина чиқиб кетди, аммо қайтиб келмади.



Кунларнинг бирида Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ Аллоҳ азза ва жаллани инкор қиладиган мулҳидларни учратиб қолди. Уларга: “Нима деб ўйлайсиз, юк билан лиқ тўла кема, кучли тўлқин бўлаётган ва қаттиқ шамол эсаётган денгизда, кемани бошқарадиган денгизчисиз чайқалмасдан ва ўз йўлидан бурилмай тўғри манзилига етиб бориши мумкинми. Шу ақлга тўғри келадими?”.

Улар: “Йўқ, эй шайх, бунга ақл қабул қилмайди, бундай бўлиши ҳаёлга ҳам сиғмайди”.

Абу Ҳанифа: “Субҳаналлоҳ... Денгизда кема бошқариб турадиган денгизчисиз йўлидан адашмай аниқ ҳаракат қила олишини инкор қиласиз, аммо, шундай коинот, ўзининг суви мўл денгизлари, булутли осмонлари, учиб юривчи қушлари ва ўтловчи ҳайвонлари билан пишиқ қилиб яратган яратувчиси ва аъло даражада бошқариб турувчи бошқарувчисиз тура олади деб ўйлайсизми?. Ўзингизга ҳам, тўқиган ёлғонингизга ҳам ҳалокат бўлсин”.

Абу Ҳанифа ўзининг ҳаёт сайрини, Аллоҳ таоло унга инъом этган етук ҳужжат ва нодир нотиклик билан Унинг дини ва шариятини ҳимоя қилиб босиб ўтди. Ажал келиб вафот этганида, аҳлига уни бировдан ноҳақ тортиб олинмаган пок ерга дафн қилишларини васият қилгани халифа Мансурга етганида: “Ҳаётлик чоғида ҳам, вафотидан кейин ҳам Абу Ҳанифанинг маломатини бизлардан кўтарадиган бирон ким борми?”, деди.

Абу Ҳанифа уни Ҳасан ибн Аммоора ювиб кафанлашини васият қилган эди. Ҳасан ибн Аммоора васиятни бажариб, ювиб кафанлагач: “Исломига қилган хизматингиз мукофотида, Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин сизга эй Абу Ҳанифа. Ўттиз йилдан бери рўзасиз юрмадингиз, қирқ йилдан бери эса ён бошингиз тўшак кўрмай ўтди. Сиздан кейин келадиган фуқаҳоларни қийнаб қўйдингиз”, деган эди.

Таржимон:

Камолиддин Иноятуллоҳ